

ИСАК ТУРК

ЖАҲАННАМ ПОЕЗДИ

Хикоялар

«MAJBURIY NUSXA»

Тошкент
«Tafakkur qanoti»
2012



84(54)6 - Ўзб. араб.

84.3

Б71

КБК: 84.3

Ушбу китобимни волидаи
муҳтараммамиз Солиҳа Боймирза қизининг
ёрқин хотираларига бағишлайман.

Турк, Исақ.

Жаҳаннам поэзи. Ҳикоялар. /Исақ Турк. Тошкент,
Tafakkur qanoti, 2012, — 404 б.

КБК: 84.3

+0 41749
291

ISBN

78-9943-382-28-2
Anshei № 691

2013/124

nomidagi

A

9712

O zzbekiston MK

© Исақ Турк, 2012.
© «Tafakkur qanoti», 2012

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Нодира ўн биринчи синфни битириш арафасида. У педагогика институтининг кириш имтиҳонларига тайёргарликни аллақачон бошлаб юборганди.

Нодира ҳужжатларни тайёрлар экан, шунда унга онаси:

— Қизим, сени ўқитишга шароитимиз йўқ. Биттагина сигиримизни сотсак, рўзғоримизга оғузоқи қолмайди. Колхозга кириб ишла, уст-бошиңгни яхшилаб ол, озгина пул тўпла, кейин омадингни синаб кўрарсан, — деди.

— Йўқ! — деди қатъий гапириб Нодира. — Мен мана шу йилда омадимни синаб кўраман, кира олмасам, шаҳарда иш топиб ишлайман. Кетмон кўтариб, колхозда ишлаш ниятим йўқ!

Нодира ота-онаси розилигини олмасдан, тоза либосларини жомадонга жойлаб, сафарга отланди.

— Раисни қабулига кириб, илтимос қиласман, колхоз ҳисобидан ўқишга юборишса чакки бўлмайди, — деди ота. — Мен етмишни қоралаган кекса фронтовик бўлсам. Оёғимнинг бирини жанг майдонида ўқ еб йўқотдим. Бир умр чўлоқланиб гаражта қоровуллик қилдим, ўғилларимни ўқита олмадим, қизимиз ўқимишли бўлса, нимаси ёмон, раис йўқ демайди.

— Йўқ демасмиш, — деди Нодира йиғлаганича. — Мен парткомга, раисга кириб, ялиндим, ёлвордим, «Икки йил колхозда ишлаб берсанг, кейин ўйлаб кўрамиз», дейишиди.

Пулдор, мансабдорларни фарзандлари чаласавод бұлсалар-да олтин, күмүш медаль оладилар, медали бўлмаганларига колхоз ёрдам беради, имтиёзлар беришади. Мендек камбағалнинг болалари икки йил колхозда ишлашлари керак эмиш. Мен ўз билимим билан ўқишга кираман!

— Йўқ! — деди она. — Эшмат девонани қизи бузилиб кетди. Бу жувармаргни касофатига қолишини истасангиз, отаси, билганингизни қилинг!

— Нималар деяпсиз, она! — деди Нодира. — Дуч келган эркакка ҳириңглайдиган қизлар бузилса, менга нима. Нега мени уларга тент қиласиз!

Нодира идиш-товоқларни отиб, чилпарчин қилди.

— Нима еб, нима ичасан, жувармарг! — деди она жигибийрон бўлиб.

— Бирор жойдан иш топаман, — деди Нодира. — Уззукун жазирама иссиқда тўхтовсиз кетмон чо-пишни, шилқим бригадир тердан бижғиган қизларга, аёлларга термулишини билмагандай гапирасиз-а?! Тўхтаб, нафас ростласанг, «Ишла!» деб дўқ уради. Нима десангиз, деяверинг, мен ўқишга бо-раман!

— Қизим, совчиларни қайтардинг, нима билганинг бор! — деди она тутақиб. — Ёки ўзингга кўнглинг тўлмайдими?!

— Онам бўлиб, ўз қизингизга шундай гапни айтишга қандай журъат этдингиз! Келин бўлиб борган жойимда ҳам рўзгор қилиб, ҳам далада ийитим чиқиб ишлашимни истасангиз, адашасиз! Мен бундай қила олмайман! — деди Нодира йиғлаганича.

— Билганингни қил! — деди она.

Нодира қабул комиссиясига ҳужжат топширди ва институт ётоқхонасига жойлашди. У билимига ишонса-да, туну кун дарсликларни ўқиб, имтиҳонларга тайёрланди.

Бир маҳал иссиқ овқат, эрталаб ва кечқурунлари битта нон билан бир чойнак чойга қаноатланди. Нихоят ғалвирни сувдан кўтарадиган вақт келиб, ўқишига кирган талабаларнинг рўйхати доскага илинди. Нодира талабалар рўйхатидаги ўзининг исм-фамилиясини йўқлигини кўриб, ишонмай қайта-қайта рўйхатни ўқиди.

«Омадим чопмади! Ҳаммаси тугади!» — деди Нодира хаёлида, кейин секин юриб бўш ўриндиқлардан жой топди-да, ўтириди. Унинг бутун вужудини совуқ тер босганди. Беҳули бўлиб йиқилди. У кўзини очганида қаршиисида унга сув ичириб турган йигит ва қизларни кўрди.

— Дугонажон, ҳаммаси яхши бўлади, — деди қизлардан бири. — Бизга ҳам талаба бўлиш насиб этмади. Биз билан юринг, овқатланамиз-да, кейин қаерга ҳужжат топниришни ўйлаб кўрамиз.

— Раҳмат, сизларга! — деди Нодира. — Мен овқатланмайман.

Қизлар бўш келмай, Нодирани қўлидан ушлаб одамлар билан гавжум истироҳат боғига олиб кетдилар. Нодира институтга кириши учун етишмаган бал билан истаган техникумiga кириши мумкин эканлигини билганидан кейин руҳи тетиклашиди.

— Дугонажон, — деди ҳамиша жилмайиб турадиган семизгина қиз. — Менинг исмим Гулжаҳон. Сизнинг исмингиз Нодира, шундайми? Техникумда икки ярим йил ўқиймиз: ётоқхона, кутубхона, спорт комплекс — хуллас, ҳамма шароит бор. Йўқ десангиз, бирор ташкилотга ишга ўтиб, институтни сиртқи бўлимига ҳужжат топширасиз.

— Мен учун жон куйдириб, ёрдам қиласяпсиз, кўнглимни кўтардингиз, раҳмат сизларга, — деди Нодира.

— Яхши, — деди Гулжаҳон. — Иш масаласини ҳам ўйлаб кўрамиз.

Нодира педагогика техникумига ўқишга кириб, кундузги бўлимда ўқий бошлади.

Ётоқхонада Нодира икки дугонаси билан яша-шарди. Овқатни ўзлари тайёрлаб, топган-тутганларини бирга баҳам кўришарди. Аммо дугоналари қаторида яхшигина овқатга Нодирани хоҳиши йўқ.

— Мен сизларга қўшилиб овқатланмайман, — деди Нодира кунларнинг бирида.

— Бу нима деганинг, — деди Турсуной. — Бир кемада кетсагу, биргаликда арқон тортмасак! Фақат ўйлаганинг ўйлаган! Нималарни ўйлайсан ўзи! Гўшт, ёғ, картошка, мева-чева, ҳатто нонгача уйдан кўтариб келсак, нимаики бўлса биргаликда баҳам кўрсак. Агар уйинг узоқда бўлса, дам олиш кунлари сени ўзимиз билан олиб кетамиз, дам олиб қайтасан. Хўпми? Йўқ дея кўрма!

— Бўпти, — деди Нодира. — Лекин мен ўқишдан кейин ишласам, дегандим.

— Қандай иш экан? — сўради Гулчеҳра.

— Кичкинагина ошхонада идиш-товоқларни ювиб, хоналарни супуриб, саришта қиларканман. Кечқурун соат бешдан ярим тунгача иш. Яхшигина ҳақ беришаркан.

— Яхши қилмабсан, дугонажон, ундај жойларни қовоқхона дейишади. У ерда ҳар хил қалангига-қасангилар ҳордиқ чиқаришади. Сендай ёш қизга унақа иш тўғри келмайди. Яна ўзинг биласан.

«Уст-бошларим эскириб тамом бўляпти, кун сайин озиб-тўзиб бораяпман. Уйдан келаётган ўн беш сўм, техникум бераётган нафақа газета-журнallар обунасига, турли хил тўловлардан ортмаса. Ишлашим керак», деб Нодира ўз фикридан қайтмади.

Нодира узун бўйли, нозиккина қиз эди. Сочларини «қирқ кокил» қилиб, бошига боғгуллик дўппи, эгнига атлас қўйлак лозими билан, оёғига баланд пошнали туфли кийиб, катта-катта қадам ташлаб юрарди. Ошхонада иш бошлаганига уч ой бўлди.

Икки ой муқаддам, Турсунойлар билан хайрлашиб, ўзига алоҳида «квартира»ни ижарага олди. Ошхона юмушларини бажариб бўлиб, ювиниб олгач, безаниб олади-да, ошпаз Раҳим ака, ошхона хазиначиси Роҳила опа, официант қиз Сонияхонлар билан турли ноз-неъматлар ила безатилган яхшигина стол тайёрлашади. Албатта, гулдонга эндингина узилган атиргуллар қўйилади. Овқат олдидан «chanqoqbosti»га бир пиёладан конъяк ичилади. Нодира ҳам Роҳила опанинг қистови билан озгина ичади-да, қўлларини силкиб, ютина-ютина кулиб, пиёлани дастурхонга қўяди.

— Нодираой, синглим, ишимиз оғир, — деди бир куни Роҳила опа. — Қиморбозларга, кўзга кўринган обрўли кишиларга маданиятли хизмат кўрсатамиз. Гоҳида тегажоғлик қилишса, кўнгилга олмаслигимиз керак. Жарақ-жарақ ақча ташлаганларидан кейин эркалик қиласилар-да.

«Эркалик қилмай қорамозор бўлмайдиларми?! Кўзи чақчайган, семиз киши сонимдан ушлади, ҳалиям оғриғи қолгани йўқ! Уйгинанг куйгур! Кейин ёнига чақириб, пешбандим чўнтағига бир даста ўнталик сўлкавойни тиқиб қўйди», хаёлидан кечди Нодирани.

Роҳила ўттиз беш ёшлар чамасидаги нозиккина аёл. Катта-катта шаҳло кўзлар устига оч сояранг бериб, қошларини қалдирғоч қанотидек қилиб тердирган. Чиройли қиёфасида табассум балқиб, сўзлаганда гул баргидек лабларига тилло тишлари

соя ташлайди. Тимқора сочларини икки ўрим қилиб, орқага ташлаганида, чиройли оёқларни забт этиб, баланд пошнали туфлиси орқасига уради. Роҳилахоннинг қомати қизлик тароватини йўқотгани йўқ. Кўл ташлаб юрганида ингичка бел, бўлиқ сонлар, қизларга хос тараанг сийналар ҳаракатини тиззадан пастроқда қилиб тиктирилган чит кўйлак ҳам беркита олмайди. Бошига япон қийигини пешонабанд қилиб, танғиб қўяди. Роҳилахонни бир кўрган эркак зоти, оғир аҳволда қолмасдан иложи йўқ.

Катта залга саккизта стол қўйилиб, ҳар бир столга тўрттадан ўриндиқ қўйилган. Қордек оппоқ дастурхонлардаги гулдонларга гул қўйилган. Бу залда официант қиз Сонияхон хизмат қиласди.

Иккинчи хона полида эрон гилами, рангпар дарпардалар, дераза тагида юмшоқ диван, ўртада стол, столда иккита телефон аппарати, биллур гулдонда эндинга узилган райҳон гулларидан ачимтил, айни чоғда хушбўй ҳид таравиб турибди. Икки ён тарафига иккита юмшоқ кресло қўйилган. Хона бурчагида кийим жавони ҳамда китоблар жавонида ҳужжатлар жойлаштирилган. Бу хонага Роҳилахондан бошқа ҳеч ким кирмайди.

Роҳилахоннинг кийим жавони ичидан яна бошқа хонага кириладиган эшик бор; у шкафнинг орқа қисмига мос қилиб ишланган пўлат эшик бўлиб, диққат билан қаралмаса эшик борлигини билиб бўлмайди. Уша хонада қимор ўйини ва бошқа сирли учрашувлар бўлади. Хона полига патли гиламлар, атлас кўрпачалар, атлас жилдли болишлар солиб ташланган. Ўртада узунасига хонтахта қўйилган. Хонага кириб чиқиши учун қўшқаватли эшиклар бўлиб, қора дермантин билан қопланган. Деразалари кўчага қаратилган бўлса-да, ёнига ўн қадам, узунасига

Йигирма қадам гулзордан кейин баланд пұлат панжарали девор билан иҳоталантан. Роҳилахоннинг хонасидан қиморхонага кириб чиқиш учун қўйилган маҳфий эшик қимор ўйини чоғида хавф туғилганда фойдаланилади. Қиморхонадан ҳам шкаф орқали Роҳилахоннинг хонасига ўтилади.

Таниқли қиморбозлар катта пул тикиб, қимор ўйнайдиган кун ташқари ва ичкарида маҳсус қўриқчилар навбатчилик қиласди. Бу кечаси тонг отгунча ўйин давом этди.

— Нодираой, — деб гап бошлади Роҳилахон, дастурхон йиғиширилиб, хонада иккаласи қолганида. — Сен ҳали менинг кулбамни кўрганинг йўқ. Опасингиллардек бўлиб қолдик. Сени меҳмонга таклиф қиласм, дегандим.

— Опажон, — деди Нодира қулган бўлиб. — Сиз нима буюрсангиз, мен йўқ дедимми?

— Ундай бўлса сен бугун менинг меҳмоним бўласан, шундайми?!

— Қуруқ қўл билан бораманми? — Иккаласи бараварига кулиб юборишли.

* * *

Кун қиёмга етиб, деразанинг ҳарир пардаларидан кирган қуёш нурларидан уйғонган Роҳилахон эринибгина ўрнидан турди-да, телевизор тутмасини босди. Кейин уйқули кўзларига қўлларини қўйиб, ёруғликка кўнишиб олганидан кейин, ювингани чиқди.

Телевизорда машхур хонанда қўшиқ куйламоқда эди. Нодирахон эса аллақачон ўрнидан туриб, тўшакларни йиғишириб, деразаларни ланг очиб ташлаган.

— Синглим, — деди Роҳилахон. — Нега мендан: «Эрингизни, фарзандларингизни кўрмаяпман, бир ўзингиз тўрт хонали уйда яшайсизми?» — деб сўрамайсан?

Нодира нима деб жавоб беришни билмасди.

— Опа, — деди у секингина. — Туғишган опамдек бўлиб қолдингиз. Мени койимай, ранжитмай, билмаганимни ўргатдингиз. Гапни сирасини айтадиган бўлсам, опам бўлганингизни ўзи етади.

— Нодиражон, синглим, — деди Роҳилахон. — Андишли бўлиш инсоннинг энг яхши фазилати, аммо менинг яқин кишим йўқ. Сени ўзимга яқин тутиб, бошқалар билмайдиган баъзи нарсаларни айтиб берсам. Золим подшоҳни сочини олган сартарош қасамини бузмаслик учун қудуққа сирини айтган экан. Акс ҳолда ёрилиб кетишдан қўрқандада. Менинг яқин дугоналарим йўқ эмас. Уларга айтиб бўлмайдиган нарсаларни сенга айтмасам, ёрилиб кетаман деб қўрқаяпман. — Роҳилахон жилмайган бўлди. — Сен менга сўз бер, билган нарсаларингни қабрингта олиб кетасан!

— Опажон, қўрқиб кетаяпман, — деди Нодира. — Оғир сирларни сақлашга қурбим етармикан?

— Мен ҳам оғир, аянчли ўтмиш кечинмаларимни, ўша машъум хотираларим тошини қабримга олиб кетишга бардошим етмаслигига кўзим етди. Ўша оғир юкни озгинасини сенинг зиммангга юкламоқчиман, сингилжоним.

— Роҳила опа, — деди қиз, ўзини йўқотганича. — Майли, ҳаммасини эмас, озроғини айтинг, — деди.

— Бўпти, — деди Роҳила оғир хаёллар таъсирида ва ҳикоясини бошлади:

— Урумчи шаҳрига яқин қишлоқда яшардик. Отам ошпазлик қиласардилар. Акаларим ўтин олиб келиб сотардилар. Аста-секин авж олган мил-

латчилик уруши акаларимни гирдобига тортиб кетди. Хитой миллатчилари күчаларда, уйларимизга бостириб келиб, келинчакларни, қызларни номусига тегиб, ўлдириб кетаверардилар. Бошпаналаримизни, бор бисотимизни ташлаб қочавердик. Шундай оғир кунларни бошдан кечирдикки, айтишга тил бормайди.

Бизни Хитойдан бадарға қылганларида мен ёшгина қизалоқ эдим. Отам, онам йўл азобидан ҳалок бўлдилар. Икки акам Хитой миллатчилари томонидан ўлдирилган эди.

Отам билан онамни тоғу тошлардан ўтган йўл четига дафн қилишди. Мен қариндошларим билан узоқ йўл босиб, очлик, юпунлик азобини тортиб, давлатлар чегарасига етиб келдик. Чегарада овқатлантиришиб, расмий ҳужжатлар тайёрлаб беришли. Олмаста шаҳрида уч йил турдик. Қорнимиз нонга тўйди. Ижарага уй олиб, уйғур таомлари бозорини йўлга қўйдик. Ишимиз юришиб кетди. Қозогистон ҳукумати, қозоқ ҳалқи биз – қочоқларга бағридан жой берди. Йўл четларида, хонадонларда, ариқ ёқаларида, очиқ майдонларда уйғур таомларини тайёрлаб, ўша жойнинг ўзида ҳўрандаларга хизмат кўрсатардик. Ўн саккиз ёшимда худо менга ҳар кимга насиб этмайдиган ҳусн бердики, шу ҳусн бошимта битган бало бўлди. Ташландик жарликни тозалаб, ўша жойда уйғур лағмони, қўйнинг жигари, гўштидан кабоб тайёрлаб сотардик. Ҳўрандаларимиз ўчоқ бошида ким ғишт, ким ёғоч ғўла устига ўтириб овқатланардилар. Менга хуштор бўлган йигитлар ҳар замон-ҳар замонда бир-бировини хилватга тортиб, дўппослашадиган бўлишди.

— Сен, Роҳила, бир балони бошламасанг эди! — деди тоғам Жалол охун. — Бирортасига тегиб олсангчи?!

— Куёв бўлгувчилар кўп бўлса, қай бировига тегишини билмайман, — дердим мен ҳазил аралаш кулиб.

Кунлар жанжал, кўнгилхиралик билан ўтаверди. Бир куни кечаси ҳовлида кимдир ивирсиб юрганини сезиб, янгамни уйғотиб кўрдим, бўлмади, тоғамни турткиладим, бўлмади. охири ўзим эшикни очиб, ташқарига чиқдим. У замонларда электр чироғи деган нарсалар шаҳарнинг бошқа жойларида бўлса-да, бизнинг маҳалламиизда йўқ эди.

Осмон булатли, кузнинг совуқ кечаси эди. Қоронғуликда тандирхонада кимдир борлигини сезиб: «Кимсан!» дейишимни биламан, орқамдан келиб, оғзимни қўли билан ёпиб, даст кўтариб олдида, дарвозача қулфини бузиб, мени олиб чиқиб кетишили.

Ўғрилар пастаккина пахса девордан ошиб тушган экан. Менинг қўлларимни боғлаб, оғзимга латта тиқишиб қопга солишаётганларида, қўш от қўшилган чорғалтак аравага кўзим тушган эди. Силкитилган аравада жоним ҳалқумимга келса-да, «Эй худо, жоними ни олсангчи, шунча кўргуликлар кам эдими!» — деб Аллоҳга илтижо қиласдим. Қолганини айтишга тилим бормаса-да, неча кун ва тун ҳабаш маҳлуқлар қўлида азоб чекканимни тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат эди. Шу азобли кунлар эсимга тушса, ҳозир ҳам Аллоҳдан ўлимимни тилайман. Мугтаҳам ўғриларнинг ишишайган башаралари кўз ўнгимда туриб қолган.

Роҳила кўз ёшларини артиб, қўлини силкидида, ҳикоясини давом этди. — Ўша ертўланинг ичида ўзлари дастурхонга егулик, ароқ қўйишиб, сасиб-бижғиб, ағанаб ётишарди. Истаган вақтларида навбати билан менга яқинлашардилар. Борган сари менинг вужудимдаги ҳаёт сўниб борарди. Орадан қанча вақт

ұтгани ёдимда йўқ, ярим тунда мени турғизишга уринишди. Бор вужудим увишиб, тириклик манбаси вужудимни тарқ этаёттан бўлса-да, бўлаётган воқеаларни ақлан идрок Қилардим.

— Нафас олмаяпти! — деди ҳабашлардан бири, — ўлдириб қўйибмиз.

Ғаламислар саросимага тушиб қолишиди, мени қопга тиқиб, ташқарига олиб чиқишиди. От пиш-қириб, ер тепиб турғанини эшитиб, кўнглим равшан тортди. «Оёғимга тош боғлаб, тезоқар сувга ташласалар яхши бўларди», деган фикр миямда тақрорланарди.

Изгирин, баданга игнадек санчилади. Арава шақирлаб юриб кетди. Қаттиқ силкинишдан вужудим оғриққа дош бера олмасди. Чамаси бир соат йўл юрганимиздан кейин арава тўхтади. Мен ётган қопни йўл четига ташлаб юбордилар. Қаттиқ ерга урилиб, оғриқ сезган бўлсам-да, қўл-оёқларимни қимирилатишга, товуш чиқариб ёрдамга чақиришга уринсам-да, танам менга бўйсунмасди. Қопга тушаётган ёмғир юзимга тушаётганди, совуқдан қаттиқ уйқу босди. Онгим ишлаб туриб, ўлим азобини тортса-да, вужуд ҳаёт учун кураншарди. Шу ҳолатда босаётган уйқу — ўлим элчиси, демак, бир неча дақиқалар ўтиб, юрагим уришдан тўхтайди.

Яқингинамда эшак дупури, инсоннинг оёқ товуши эши билди.

— Она, бу ерда қопла одам ўлиги ётибди. тезроқ келинг! — деди.

Аёл ёнимга келиб:

— Инсмисан! Жинсмисан! Инсон бўлсанг, қоронғу кечада нимага йўлда ётиб олдинг?! — дея калима келтирди.

— Опа, тирик инсонман! — дедим, аммо товушим чиқмади, бу қалб нидоси эди. Кўзимни очдим.

— Эй, яратган эгам! — деди аёл тушиб кетган рүмөлини елкасига ташлаб. — Раҳмдил, қудратли Парвардигорим! Тур ўрнингдан қизим!..

— Тура олмайман! — деди бечора қалбим.

Аёл Аллоҳга илтижо қилиб мени ҳақимга дуолар ўқий бошлади. Ўқиб бўлгач, мени ўрнимдан турғаздида, суяб етаклади. «Тавба, тавба», аёл ўқиган қалималар қуввати бўлдими, билмадим, секин оёқقا турдим. Йигитча ўн-ўн икки ёшда бўлса керак, ўтин ортилган эшагини ҳайдаб кетди. Чамаси ярим соат вақт ўтиб, йигитча эшак арава олиб келди. Кейин мени ётқизиб қўйиши.

Атроф оппоқ қорга бурканган, болаҳонали уйлар, шумшайган чолдеворлар ваҳимали қорайиб турарди. Назаримда атрофимда мени ўраб турган дунёни ўзи қўрқинчли эди. Хаёлимда гўё мени ўғирлаб олиб бориб, зўрлаб номусимни поймол қилган инсон шаклидаги девлар ҳозироқ йўлимиизни тўсадигандек, халоскорим тақводор аёлни уриб йиқитиб, мени кўтариб кетадигандек туюларди. Шу мудҳиш тушга ўхшаган қўргулик хаёлимда такрорланарди.

Аёл тандирхонада ўтин ёқиб, сандалга чўғини солди. Мени ўтқизиб қўйиб, устимга кўрпа ёпди. Кўп ўтмай юз-қўлларимни ювиб, қайноқ атала ичирди. Юзимга, бор вужудимга олов тафт бериб, жоним ором олди. Иссиққина сандал ёнида ётиб ухлабман. Кўзимни очсан, тонг отибди. Деразадан шифиллаб ёғаётган қорни, оқ ғубор оғушидаги уйлар туйнугидан чиқаётган тутунни, шохларини қор қоплаб олиб, ором олиб ухлаётган дарахтларни кўраяпман. Деворларини ис босган хона тахмонида дид билан тахланган кўрпа-тўшакларни, ўртадаги токчада тартиб билан териб қўйилган чинни, сопол идишларни, тилла рангли чойнак-пиёлаларни кўраяпман.

— Қизим, олти кун деганда ўзингга келдинг, иссиғинг құтарилиб алаҳсирадинг. «Онаジョン» деган сўзингдан бошқасини тушуниб бўлмади. Баданингга зифир ёғи қиздириб ишқаладим, узр қизим, пепюнамиз саждага тегиш насиб этган экан, сени ёнингда ўтириб дуолар ўқиб, дам солиб турдим.

— Ҳа, — дедим мен. — Онам қўйнида ётганмишман тушимда. Қиёматли онам бўлинг, қиёматда маълум бўлинг, дедим-да, онам кўксига бош қўйиб йиғладим.

— Онантман қизим, — деди қиёматли онам бўшимни кўксига босиб. — Онаизоринг дунёдан ўтганларми?

— Ҳа.

— Худо раҳмат қилсин, — деди онахон. — Руҳлари тинчланган, бўтам. Турақол, сени ювинтираман, хўпми?

Мен ўрнимдан туриб, деворга суюнганимча ташқарига чиқдим. Кейин кичкинагина хонага кирдик. Печкала кўмир яшил олов пуркаб ёнаяпти. Тогорада сув қайнайпти.

— Қизим, — деди онахоним. — Ечиниб тогорага ўтири.

Мени уялганимни сезиб:

— Қизалогим, сендан ҳеч нарса сўрамайман. Кўп нарсаларга ақлим етади, иншаолло, — деди онахон.

Сўнгра мени ювинтириб, тоза лиbosлар бериб, кийинтириди.

— Бу кийимлар ёлғиз қизим Гулбаҳорни кийимлари, — деди онахон кўзларига ёш олиб. — Исминг нима эди?

Исмимни айтиб, онахонга бошдан кечирган азобуқубатларимни ҳикоя қилиб бердим.

— Ажалим етмаган экан, сизни Аллоҳни ўзи етказди, — дедим мен.

— Худодан қўрқмайдиган махлуқларга атагани бор қизим, сен Аллоҳга шукур қил. Бизнида яшайвер, қаёққаям борардинг, тоғанг, қўни-қўшиналарни кўзига кўринмай турганинг маъқул. Менинг қизим бўлдинг.

— Мен сизга ёрдам бераман, — дедим мен. — Ишимиз юришиб кетади.

— Баъли қизим, — деди онахон. — Биз, Равшанжон билан қатиқли ош пишириб, бозорга олиб бориб сотамиз. Колхоздан ғўзапоя сўраб олганман. Оз-оздан ишлатсак, келаси йилгача етади. Сен, қизим қандай таомларни пиширишни биласан?

— Уйғурча таомларни ҳаммасини пиширишни биламан, худо хоҳласа, бир ойда яхши томонга ўзгариш бўлади. Таомни енгилидан бошлаймиз. Кабоб қўраси, қўмир бўлмаса, қаттиқ ёғоч ўтин керак бўлади. Ишни эртадан бошласакми, демоқчиман. Кабоб пишириб сотамиз.

— Аҳволинг яхши эмас, — деди онахоним. — Биринки кун дамингни ол, кейин ўйлаб кўрармиз, иншаолло.

— Равшанбек ёзишни билса, дафтар, қалам олиб келсин, керакли ашёларни ёзиб олади. Кам харажат, тез пишадиган жигар кабобга тайёргарлик кўрамиз.

Шу куни кечгача тайёргарлик кўриб, эртаси тонг чогида қўрага олов ёқдик.

Муazzам деган келинчакни ёлладик. У яқинги-намиздаги хонадонда овқатга навбат кутиб турган хўрандаларни таклиф қилди. Катта уйга жой ташлаб, дастурхон тузатдик.

Ишимиз юришиб кетди. Хўрандалар сони кўпайиб. Муazzам бечора қўли-қўлига тегмай, мен тайёрлаган жигар сихларини ўтин чўғига тобларди. Равшанбек ўтин ёриб, икки қўрага чўғ тайёрлайди, самоварлардан чой дамлаб, уйдаги меҳмонларга қарашади.

Мен югуриб-елиб ҳамма юмушларга бош-қош бўламан. Шу куни ўтириб ҳисоб-китоб қилдик. Ишларимиз юришиб кетди.

— Ҳаммаси яхши бўлди, — дедим мен. — Эртаги кунга тараддул қиласин. Тонг саҳарда хўрандаларга хизмат қилишимиз керак бўлади.

— Вой қизалогим-ей, — деди онахон. — Бошинг тошдан бўлсин. Катта ишга бел боғлаган кўринасан, худо қувват берсин. Муazzам билан Равшанбекни кўли келиб қолармикан?

— Муazzам опам эртадан ўрганади, — дедим мен. — Равшанбекниям ўргатамиз.

Муazzам опа чаққон, ҳозиржавоб, зиммасидаги вазифасини сидқидилдан бажаради. Муazzам опага яхшигина қунлик иш ҳақидан ташқари ой охирида маош берамиз.

Равшанбекни ёшига ёш қўшилиб, товуши бузилди. Ҳаракатлари, қилиғи ёш болага ўхшамайди, катталарга ҳам ўхшамайди. У қизларга кўз қирини ташларди. Ёши катта кишиларни нимагадир жини сўймасди. Унинг феълини тонг шафағига ўхшатаман. На кундуз деб бўлди, на тун дейсан киши. Шундай бўлса-да, мен уни укамдай яхши кўраман.

Шу кечаси озгина мизгиб, ярим тунда ишга киришлик.

— Она, — дедим мен. — Кечаси нега йиғладингиз?

— Аллоҳ меҳрибон, — деди онахон. — Қизим Гулбаҳор ўн етти ёшида оламдан ўтди. Худо раҳмат қиласин, мен ёндим, куйдим. Аллоҳ сабр берди. Сени қўриб, баҳрим очилди. Эрим қазо қилганига тўрт йил бўлди, кенжатойим Равшанбек ўн учга кирди.

— Она, — дедим мен. — Равшанбекни мақтабга берамиз.

— Бу ердаги ишни ким қиласиди? — деди онахон.

— Одам ёллаймиз, — дедим мен.

2013/00	Aliber Navoiy
A	Kovidaqgi
9712	Ozbekiston M.K.

Кунлар ўтаверди.

Қишиңиң ўтиб баҳор келди. Муazzам опа ишбоши, ёнига ёшгина уйғур аёлни ишга олдик. У уйғур лағмонини тайёрлайды. Ўн олти ёшли охун йигитча овқат масаллиғини тайёрлашта масъул. Уйимизни орқа тарафида очиқ майдон бўларди. Майдон четида ариқ бор. Ариқ ёнини тозалаб, гиштдан, тошдан, ёғочлардан ўриндиқ қўйиб, келганларга хизмат кўрсатамиз. Ўша жойнинг ўзида жигар, гўшт қабини тайёрлаймиз-да, хўрандаларга иссиққина ҳолда берамиз. Чой, нон ҳам хўрандалар эҳтиёжига қараб берилади.

Уйғур лағмонини Муazzам опанинг уйида тайёрлаб, хўрандаларга олиб келиб берамиз. Онахонимизни ҳамма юмушлардан озод қилганимиз.

Уйимизни бузиб ташлаб, ўрнига олти хонали уй курилишини бошлаб юбордик.

Июнь ойининг охирида уй усти ёпилиб, гулшувоғдан чиқди. Эшик, деразалар ўрнатилиб, кийим жавонлари, серванлар қўйдик. Советкич ва музлаткичлар ўрнатдик.

Кенг ва шинам дарвоза ўрнатилиб, дарвозанинг чап тарафига ўн олти балорлик меҳмонхона, ёнида узунасига шийпон қурдирдик. Орадан яна икки йил ўтди. Кунларнинг бирида онахон:

— Қизим, Роҳилаой, сенга ошиқ бўлган йигитлардан совчилар келаяпти, нима деб жавоб берай? Бирор кўз остига олганинг бўлса, айт.

— Мени қўятурсак-да, Равшанбекни уйлантирасак, — дедим мен.

— Хотинни бажара олмайди, — деди онахон.

— Йўқ, демасангиз, — дедим мен, — ўзидан икки ёш катта уйғур қиз бор. Ўша қиз сизга лойиқ келин бўлади, рўзгорни бемалол бошқаради. Ошхона ишиниям Эплайди.

— Сен эр қилмайсанми? — деди онахон. — Модомики Равшанбекни уйлантириш ниятинг бўлса, сен ўзинг унга лойиқ хотин бўласан.

— Йўқ, — дедим мен. — Мен унинг опаси бўламан.

Равшанбекнинг қаршилигига қарамасдан Гулсанам исмли сулув қизга уйлантиридик. Никоҳ тўйининг қирқинчи куни келинни, куёв болани, онахонни ёнимга чақиртирдим-да, ҳисоб дафтарларини, давлат солиги, электр ҳисоблагич ва бошқа ҳужжатларни олдига қўйдим. Пул ва бошқа ҳужжатлар турган сейф калитини онахонга топширдим.

— Нималар қиласан она қизим, — деди онахон йиғлаганича.

— Опажон! — деди Равшанбек бўйнимдан қулоқлаб йиғлаб, — опамни қайта топдим деганда, бизни ташлаб кетаркансиз-да!

— Мен опалик вазифамни бажариб бўлдим, — дедим мен. — Йиғлама Равшанжон!

— Опажон! — дерди келин бола, оёғимга йиқилиб йиғлаганича.

Мен келинга қараб:

— Гулсанамой! Сени не умидлар билан келин қилдим! Сочинг супурги, қўлинг косов бўлсин! Токи тирик экансан, мендек баҳти қора, ғариб опангни юзини ерга қаратмагин! — дедим. — Мени ўлим чангалидан қутқариб, марҳума қизи Гулбаҳоройни ўрнида қизим деб билган художўй бева аёлни онам деб билгин. Менга сўз берасанми?!

— Ҳа, опажон, сўз бераман! — деди Гулсанам.

— Билиб қўй! Шу хонадондан бирор нарса олмасдан чиқиб кетаяпман.

Мен уйдан чиқиб кетдим... Икки йил олдин мени тоғамницидан ўғирлаб, номусимни поймол қилган фаламисларни изидан одам қўйган эдим. Арава

ёллаб, қоронғу кечада душманим макони ёнига келиб, аравалан түшдим-да, шумшайиб үтириб олдим. Күп ўтмай ўттиз ёшлар чамаси норғул киши эшик очиб:

- Сизга ким керак? — деди.
- Кўчмоқчи эдик, аравакаш аканинг уйи шуми? — деб сўрадим мен.
- Ҳозир, — деди-да, эркак киши кириб кетди.
- Дарвоза очилиб, қаршимда менга таниш душманим чопонини елвагай таіллаб, ҳайрат ва ҳавас билан паранжидаги аёлга — менга қараб туради.
- Мен келдим, — дедим-да унга яқин келиб, солланиб турган қорнига пичоқ урдим.
- Мени танидингми?! — сўрадим секингина.

У инграганича бош иргади. Кейин қорнини чангллаганича йиқилиб тушди.

Мен жаҳаннам азобини чекаётган душманим устида тик турадим. Рақибим бор кучини жамлаб, жуда секин товушда:

- Онажон! — деди-да, кейин оғриқдан тўлғанаверди.

Мен қасосимдан маст бўлиб, душманимнинг қон қусаётганига қараб тураверибман.

Дарвоза эшиги очилиб, ўша киши чиққанини сезмабман. У чинқириб дод солди. Воқеадан огоҳ бўлган кўшнилар тўдалашиб, кимдир мени юзимга мушт туширди. Кўзимдан олов чиқиб, бурнимдан шилимшиқ нарса отилиб чиққанини биламан, бошқасидан хабарим йўқ. Қамоқхона камерасида ўзимга келдим.

Тергов уч ой давом этди. Қасддан одам ўлдирган дейишиб, ўн икки йил қамоқ жазоси сўрашди.

- Терговга қайтарилсин! — деди суд раиси болғасини столга уриб. Яна тергов бошланиб, терговчи оёқ тираб бўлган воқеани айтиб беришимни талаб қилди.

Шунда мен:

— Сиз ишонмайдиган латифани айтишимдан не фойда? — дедим мен.

— Айтасан! — деди терговчи.

— Мен у ибليسни ўлдирдим, аммо сиздан биргина илтимосим бор.

— Айт! — деди терговчи.

— Айтингчи, мен пичоқлатан мараз неча кун жон берса олмай азоб чекиб ётди?!

— Эҳ Роҳила, айтадиган бўлсанм, уч кун азоб чекканмиш, ўлгандан кейин унинг башараси инсонга эмас, қандайдир бир маҳлуққа ўхшаб қолганмиш. Хурсандмисан?!

— Раҳмат сизга, — дедим мен.

— Роҳила Раҳим қизи, «Мени ўғирлаб олиб кетиб, саккиз кеча-кундуз ертўлага қамаб, азоблаган кишини ўлдирдим, десанг, бундай латифага ишона-диган инсон топилмайди», деб ўйлаган бўлсанг керак, шундай эмасми?

— Ҳа, шундай! — дедим мен. — Бундай латифани қандай қилиб тўқиб менга айтдингиз?! — дедим мен.

Терговчи тоғамни, яқинларимни топди, улар тергов беришди, мени ўлим чанталидан кутқарган яхши одамларни ҳам топди, улар ҳам тергов беришди. Ярим тунда ўғирлаб кетишиб, номусимга теккан кишилардан иккинчисини ҳам ушлаб қамоққа олди. Мени ўғирлаб олиб кетган кимса билан юзлаштириди.

— Орадан қарийб уч йил ўтиб, танирканманми? — дедим мен.

— Танийсан! — деди терговчи. — Олтмиш ёшли кампир онанг, сенинг онахонинг маҳкамама эшигига йиғлаб ўтирибди. Сен ўз-ўзингга оғир жазо сўраб олаяпсан, — деди менга. — Сендан илтимос, «Мени

уриб, эсимни кетгазиб олиб келди, билагимдан ушлаб, уйига тортганида, ичига пичоқ тиққанимни ўзим ҳам билмай қолдим», дегин. Шундай десанг, ентилроқ жазо беришади.

— Йўқ! — дедим мен. — Бундай бўлгани йўқ!

Кейин суд мажлисида бўлган воқеаларни айтиб бердим. Гувоҳлар сўроқ қилинди. Кўш от қўшилган аравада мени олиб кетаётганларини кўрган кишилар гувоҳлик беришли. Эсенбой қилган жиноятини тан олди. Мен пичоқлаган Қўшоқбой ўлими олдида ҳамтоворғи Эсенбойни сотиб қўйган экан. Бу жиноятни очиш учун терговчи Эсенбой ва бошқа нашавандларни қамаб қўйиб, яхшилаб дўппослаган экан.

Суд раиси столга болға урди.

Эсенбойга ўн йил, менга олти йил қамоқ жазоси тайинланди.

— Қамоқхоналарда уч йил ўтиридим, уч йилдан сўнг эса мени шартли озодликка чиқаришли. Менинг илтимосим қондирилиб, денгиз бўйи ўлкасида эркин фуқаро сифатида ишлашимга рухсат этилди. Нуфузли ресторонларда ошпазликка ёлландим. У ерда уйғур таомларини тайёрлаб, раҳбарлар назарига тушдим.

Район раҳбари менга шаҳар марказидан уч хонали уй олиб беришга ёрдам берди. Азиз меҳмонларга тансиқ таомлар тайёрладим. Менга яхшигина маош тайинлаши. Бўш вақтларимда илтимос қилган кишиларнинг ўн-ўн беш кишилик дастурхонларига уйғур, лозим бўлганда, хитой таомларини тайёрлардим. Ҳаётимнинг ажойиб саҳифалари очилган эди. У ерларнинг қиши, ёзи роҳатбахш, денгиз яқин бўлгани учун табиати жуда гўзал бўлади. Турли хил дараҳтлар, уларнинг шоҳларида олмахонлар сакраб

юраркан, имлаб чақирсанг, ёнингга келиб, қўлингдан дон ейди. Одамлари кийиниша, муомалада маданиятли эканлар.

Ёз кунларининг бирида нуфузли кипилардан бирининг дала боғида меҳмонларга уйғур таомларини тайёрлаб, дастурхонга тортиш учун мени таклиф қилдилар. Ўша кечаси Неъмат Азбархўжаевич билан танишгандик. Кейинчалик турмуш қурдик.

Синглим Нодирахон, менинг ўтмишимда рўшнолик кунлар бўлгани йўқ.

Тасаввур қилгинки, эндиғина очилаётуб, тонг шамолида товланаётган, шабнамга тўйинмаган атиргул ғунчасини унинг гўзаллиги сабаб узиб, тўйиб ҳидлаб, йўл четига улоқтириб ташладилар. Менинг тақдиримда шу атиргул қисмати битган экан. Менга фарзанд кўриш насиб этмади. Аммо мен инсонлик қиёфамни, аёллик хусусиятларимни сақладим.

— Опажон, қўрқиб кетаяпман! — деди Нодира. — Наҳотки менинг тақдиримда ҳам сизнинг қисматингиз битган бўлса?!

— Йўқ, синглим, сен баҳтли бўласан, — деди Роҳила. — Ёмон нарсалардан, эркаклар хушомадидан сақланган аёл зотига ҳеч бир бало яқин кела олмайди. Энг муҳими, аёл киши бошқалар қўлида қўғирчиқ бўлишдан сақланиши керак! Инсон келгусида содир бўладиган баҳтли ёки баҳтсиз воқеа-ҳодисалардан бехабар қолаверади. Воқеа ва ҳодисаларни қалб сезади, аммо бирор чора кўришга ожиз қолаверади.

— Опажон, — деди Нодира. — Сиздан бир нарса сўрасам, дегандим.

— Сўрайқол жоним, — деди Роҳила кўз ёшларини артиб.

— Ўзингизни қийнаб тунги ошхонада ишлаш, ҳар дақиқа, ҳар бир ўтган қунингизни хавф-хатарга қўйишга сабаб нима?

— Бу менинг тақдирим бўлса керак, — деди Роҳилахон жилмайган бўлиб. — Тақдир йўлидан четлашга уринманг, баттарроқ хатарли сўқмоққа кириб борсан киши.

— 2 —

Орадан икки йил ўтди. Роҳилахон эри билан дентиз бўйи ўлкасига саёҳатга кетди. Эндиликда Нодирахон қовоқхонанинг эгаси. Қўл остида Сонияхон, Раҳим aka ва шофёр Мустафоқул, яқинда ишга олинган Жамила исмли ёшгина, чиройли аёл ишляяпти. Роҳилахоннинг кабинетида иккита эмас, учта телефон аппарати ишлайди. Нодира қовоқхонанинг эгасини танимайди. Уни ҳеч қачон кўргани йўқ. Белгиланган соатларда қўнғироқ бўлади. Юқоридан, яъни бошлиқдан буйруқ бўлганида ошхона саранжом-саришта қилиниб, ишчиларга кетишга рухсат этилади. Раҳим aka билан Сонияхон хизматини давом эттираверадилар. Ташқарига ва ичкарига маҳсус кишилар хавфсизликни таъминлаб бўлганларидан кейин бошқа шаҳарлардан келган ва маҳаллий бой қиморбозлар қимор ўйинини бошлаб юборадилар. Сонияхон билан Раҳим aka оёққа туриб, хизматда бўладилар.

Тонгда ҳамма кетиб бўлгач, маҳсус кишилар пул ва бошқа масалаларни ўзлари ҳал қиласди. Ошхона ва тунги клуб хизмати учун бериладиган харажатлари Нодирахонга берилади. Белгиланган пулдан ошиқчасини ошпаз ва официант қизга мукофот тариқасида ҳадя қилинади. Қолган қисми турли харажатларга, анчагина қисми Нодирахоннинг ҳисобига қолади. Ҳамма кетиб бўлганидан кейин Сонияхон яхшигина

стол тайёрлайди. Столда эндиғина узилган атиргуллар чинни вазага қўйилади.

Кунлар ойларни қувлаб ўтаверди. Нодирахон кун сайин ойдек очилиб, эркак зотини ўзига оҳанрабодек тортадиган, мижозларнинг хушомадларига ширингина табассум ҳадя қилиб, «ур, рухсатингиз билан», деб бедана юриш қилиб, мезбондан узоқлашар эди. Роҳилахоннинг лавозимида ишлаганига икки йил ўтмасдан автосалондан янги «ЛАДА» автомашинасини отасининг номига ҳужжатлаштириб ҳам олди.

Шаҳардан гараж олиб, сақлаб қўйди. Роҳилахоннинг уйини катта маблағ сарфлаб, таъмирлатди. Нодирахон кийинишида, юриш-туришда шаҳарнинг энг нуфузли хонимларидан кам жойи йўқ. У хизматдаги «Волга» автомашинасида юради. Ота мақонига камдан-кам борарди. Ота-онасига совға, кийим-кечак олиб бориб, дугоналари, дўстлари билан дийдор кўришарди.

— Сен қорангни ўчирмасанг, — деди Жаббор деган акаси тишларини фижирлатиб. — Нақ чавақлаб ташлайман!

— Ақлдан оздингизми, aka?! — деди Нодира ҳайратдан ёқа ушлаб.

— Сен бузилиб кетгансан! — aka синглиси юзига тарсаки тортди. — Ҳозироқ қорангни ўчир!

— Ов Жаббор! — деди ота. — Тентак, нималар деб валдираяпсан?! Ўз синглингга туҳмат қилиб, бор худони йўқ деяпсан, ит қопгур!

— Жувармаргтина ўлсин! — деб она ҳам ер тепиб қарғай бошлади. — Ўқиш қолиб кетиб, ҳаромхаришдан пул топиб, бизага совға олиб келаяпти, оғзингдан қонинг келгур! Совғанг билан қўшмозор бўлгур, кетсин!

Нодира йиглаб, ҳайратдан эсини йўқотган ота бўйнидан қучоқлади:

- Отажон, не кунларга қолдим!
- Қизим, Нодирагинам, қўзичоғим, мени ҳам ўзинг билан олиб кет ёки бечора отангни лаҳадга кўмиб, кейин кетақол! — дерди ота қизини бағрига босиб йиғларкан.
- Жаббор тентак қутирган итдек ириллаб, ёнидан пичогини чиқарди:

- Сўяман! — деб бақираради.
- Қўй ўғлим, бу метажинни сўйиб қамалиб кетма! — дерди она.

Эшикдан Faффор кириб келди ва можаронинг сабабини англаб:

— Ака, сиз ростданам жинни бўлибсиз! — деб Faффор акасининг қўлини қайриб пичогини тортиб оларкан. — Извогар хотинингизни гапига кириб, ўз синглингизга пичноқ кўтарасизми?! Уят-ей!

Можаро авж олиб, қўшнilar, маҳалла оқсоқоллари, ҳатто участка инспектори кириб келди. Нодира йиғлаб йўлга чиққанида, отаси Тўқбой бобо ҳам таёғига суюниб, қизи билан йўлга отланди.

* * *

Нодира отаси билан дўкон айланиб, кийимлар, кўйлак ва костюм-шим, туфли сотиб олди.

— Қизим, — деди ота, — нималар ўйлаб топаяпсан?

— Отажон, сизни бир кийинтираман, — деди Нодира кулган бўлиб. — Кейин сартарошхонага кирамиз.

Уйга келганларида, ота ҳайратдан:

— Қизим, бу ростданам сенинг уйингми?

— Опахонимнинг уйи, — деди Нодира. Ўзи дастурхон ёзиб, чой қўйди. — Ота, сиз чой ичиб ўтира туринг, мен ваннага сув тўлдириб, сизни яхшилаб чўмилтириб қўяман.

- Қизим, ундаи қилакўрмада, хафа бўламан-а!
Нодира ваннага сув тўлдириб:
— Ота, қани бир мазза қилиб чўмилиб чиқинг.
Лўнги киясиз, қани бўлақолинг! — деди Нодира.
Отаси етмишни қоралаб, умрида биринчи марта
яхшилаб ювениб, яп-янги либосларни кийиб олди.
— Қизим, ҳаммаси яхши бўлдику-я, фақат онанг-
ни йўқлиги бироз хафа қилаяпти.
— Хафа бўлманг. Ҳали кўп яшайсизлар, — деди
Нодира. — Эртага «Қашқадарё соҳили» санаториясида
ўн беш кун даволаниб, дам олиб келасиз, кейин
ўйлаб қўрамиз.
— Қизим, бу гапларни қўй! — деди ота. — Тўқ-
бой бобо бўлмаса, колхоз гаражини ким қўриқ-
лайди?
— Қўриқладиган одам топилади, — деди Но-
дира. — Ҳар йили сизга ётиб даволанишингиз учун
яхшигина санаторияга йўлланма беришлари керак
эди. Сизнинг номингизга машина олиб қўйганман.
Faффор акам права олса, сизни миндириб олиб
юради.
— Қизим, мен хуфтонни ўқиб олай, — деди ота.
Тўқбой бобо пахта ҳиди анқиб турган оппоқ
кўрпа-тўшакда, бош қўйганда ботиб кетадиган пар
ёстиқда ётиб, калима ўқиб улгурмай уйқуга кетди.
Эрта саҳарда бомдод намозига тараддуд қилган ота
нимадан иш бошлишни билмай туриб қолди.
Нодира отасига ҳамма шароитларни муҳайё қилиб,
ошхонада нонушта тайёрлади. Эндинга тандирдан
чиқсан патир нон, чинни косада қаймоқни кўриб
ота:
— Қизим, Оловуддиннинг сеҳрли лампаси борми,
дайман.
— Сиз намоз ўқиётган вақтда, — деди Нодира, —
нонни ҳам, қаймоқни ҳам олиб келишганди.

* * *

— Қизим, санаторияда яхшигина дам олдим, яхши одамлар билан танишдим, уларнинг суҳбатларида бўлдим. Энди менга рухсат бер. Ичим қизиб кетаяпти, қишлоқقا бормасам бўлмайди? — деди Тўқбой бобо қизини дуо қилиб.

Тўқбой бобони катта йўлда машина тўхтатиб кузатиб қўйган Нодиранинг кўнгли бузилди. Йўлдан четга чиқиб, хумордан чиққунича йиғлади.

Орадан ойлар ўтди. Қишининг узун кечаларидан бирида, тонг чоғи Нодира туш кўрди. Тушида: «Қоронғу кечаси кимсасиз хилват жойдан ўтаётганида қопоғон итлар қувлаганмиш. Қочишта уринса оёқлари унинг амрига бўйсунмай, секин, жуда секин ҳаракатланиб, итлар етиб олиб, унга ташланганмиш. Нодира ёрдамга чақирса товуши чиқмасмиш. Итлар унинг уст-бошини йиртиб, ёмғирдан кўлоб бўлган лойқа сувга босиб, кўкрагига оёқ қўйиб, ириллармини. Итнинг башараси гоҳо итга, гоҳида бадбашара инсон қиёфасида кўринармиш».

Нодира уйғониб, ётоқхонасида ётганини англаб етса-да, итларнинг тўхтовсиз акиллашини, кўкрагига оёқ қўйиб, таҳдид қилаётган ҳолатини кўрарди. «Худога шукр, туш экан», хаёлидан кечди Нодирани.

Нодира ишхонасига келиб, ҳеч ким билан сўрашимасдан кабинетига кириб келди, устки кийимларини ечмасдан креслога ўтириб олди-да, телефон рақамларини терди.

— Тинчликми? — деди қиёфаси йўқ раҳбар. — Нега бевақт қўнғироқ қилаяпсан?!

— Тобим йўқ, — деди Нодира. — Шифохонага ётмасам бўлмайди.

— Гапни кўпайтирма! — деди телефондаги овоз. — Бу тун омадли бўлади!

«Башарангни кўрмасам ҳам, қаттол киши эканлигингни биламан, майли, не бўлса тақдиримдан кўраман», деб хаёлидан ўтказди Нодира.

Тунги ўн иккода соат занг урди. Қимор ўйини бошланди. Нодира кабинетидаги қаторасига қўйилган телефон аппаратларидан кўз узмай, туши таъбирини ўйлаб ўтирибди. Соат миллари тунги бирни қўрсатди ва қисқагина занг урди. Қизил рангли телефон аппарати титраб, жиринглади.

— Эшитаман! — деди Нодира.

— ОБХСС босади, — деди қиёфаси йўқ одам товуши телефондан туриб. — Тезда тайёрланиб, кутиб олинг!

Нодира гўшакни қўйиб, иккинчи телефон гўшагини кўтарди.

Уч дақиқа ўтар-ўтмасдан қимор ўйини тўхтатилиб, Нодиранинг кабинети орқали ўтадиган туйнуқдан ҳамма чиқиб улгурди. Аммо оёқ остида тўзғиб ётган карта колодалари, пул белбоғлари, ичилмаган конъяк шишалари, рюмкалар ва бошқа далилий ашёлар қолган эди.

Кўзлари чақчайган, боқилган итлардек семиз, плашли кишилар сейфларни, эшикларни муҳрлаб, Нодирани қўлига кишан солди. Шу куни ёқ Нодира яшаб турган Роҳилахоннинг уйида тинтуб ўтказилиб, эшигига муҳр босилди. Отасининг номидаги «Лада» автомашинаси ҳам маҳсус жойга олиб бориб қўйилди.

Тергов-суриштирув ишлари уч ой давом этди. Нодирага икки йил, Сонияхонга бир йил қамоқ жазоси тайинланди.

Ўша куни Мустафоқул вақтида жуфтакни ростлаб қолди. Шунинг учун қамалмай қолса-да, гувоҳ сифатида бир йил мобайнода суд, тергов идоралари эшигига сарсон-саргардон бўлиб юрди. Мўъжазгина

ошхона эшикларига зилдек қулфлар осилиб, сургуч муҳр босилди ва ишхона ўз фаолиятини тўхтатган эди.

* * *

Таҳририятда мақолаларим устида ишлаб ўтирганимда мени телефонга чақиришди.

- Самадов эшитади, — дедим.
- Эҳсон ака, мен касбдошингиз Нодир Тошматовман. Эсладингизми?
- Ҳа!
- Роҳилахон ҳақида яхшигина лавҳа ёзгансиз, шундайми?
- Ҳа!
- Унинг синглиси Нодирахонни яхши танирсиз?
- Ҳа!
- Нодира оғир аҳволда, Роҳиланинг манзилини билсангиз, унга хабар берарсиз, демоқчиман.
- Тезроқ айтақолинг! — дедим мен. — Нодирага нима бўлибди?
- Нодира «реанимация»да ётибди. Манзилини ёзиб олинг!

Мен тезгина Нодира ётган шифохона манзилини ёзиб олдим-да, бош муҳаррир хузурига кириб, Самарқанд шаҳрига бориб келиш учун рухсат сўрадим.

Орадан тўрт соат ўтмасдан Нодира ҳаёт учун курашаётган шифохонадаги «реанимация хона»сида ҳозир бўлдим. Бош врачни излаб кабинетидан топа олмадим. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган бемор кўп қон йўқотиб жон таслим қилиши, қотиллик ошкор бўлишини истамайдиган қотиллар ўлдириб кетишлари мумкин эди.

Мен милиционерлар қаршилигига қарамасдан, обком секретари кабинетига бостириб кириб бордим. Эшикни очишим билан орқама-орқа изимдан милиционерлар ҳам кириб келишди ва мени судраб

олиб чиқиб кетишга ҳаракат қила бошладилар. Обком секретари қўриқчиларига қараб олди-да, қўлини пахса қилиб, кетишга амр қилди.

— Келинг! — деди обком секретари ўрнидан туриб мени қарши оларкан.— Бирор муаммо борки, шошилинч кириб келдингиз, марҳамат, ўтилинг, ўртоқ..

— Узр, — дея миннатдорчилик билдиридим-да, хужжатимни узатдим. — Ҳар бир раҳбарни ўнлаб милиционер қўриқлайди, кўчадаги аёлларни ушлаб, куппа-кундузи безорилар тунаб кетсалар-да, шўрликларни қўриқлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди! — дедим мен, ўзимга кела олмай, энтикиб нафас оларканман.

Раҳбар кулиб, мента чой узатди. Мен ўрнимдан туриб у кишининг қўлидан пиёлани олдим.

Кейин қисқача қилиб муаммони тушунтира кетдим. «Тиббий ёрдам, дори-дармонлар, яхши мутахассислар ёрдами кераклигини, бошқалар айби билан шундоғам ҳаёти жаҳаннамга айланган инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун, сизнинг ёрдамингиз керак. Илтимос, шу бахтсиз инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беринг», — дедим мен.

Обком секретари тұғмачани босди. Кириб келган ёрдамчисига:

— Тезда шифохона бош врачини, милиция бошлиғини, прокурорни чақиритилинг. Унгача реанимация врачларига телефон қилиб, бемор қизни назорат остига олишларини айт, борақол! — кейин мента юзланиб:

— Жиноятчилар қўлга олинади, қизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун барча чора-тадбирлар кўрилади, — деди қатъий, кейин: — Дарвоқе, бечора қиз не гуноҳи учун қамалган? — сўради раҳбар.

— Қимбр ўййини өфигда құлға олинган. Аслида кимнидир құлида қүгирchoқ эканлигини билмай, битта «тадбиркор» бошқараётган тунги клубда расмий рәвишда раҳбарлық қылған. Самарқанд шаҳридаги ип йигируд ғабрикасида ишлаб, тунда ишдан қайтаётган өфигда безорилар машинага солиб, қыз бечорани номусига текканлар. Кейин бұлса пичоқлаб кетишіган. Бир бегона киши тиббий ёрдам чақириб, милицияга телефон қилибди, ўзини таништирмаган. Құп қон йўқотиб, ўлим билан курашаётган қызни шифохонага ётқизишиб, ўз ҳолига ташлаб қўйғанлар. Бўлған гап шу.

— Қайси меҳмонхонага жойлашдингиз? — сўради обком секретари.

— Шифохонада бўламан, — дедим мен.

— Бемор қыз қонун ҳимоясида, — деди раҳбар. — Сизни бўлса меҳмонхонага жойлаштиришиади, бемалол дамингизни олаверинг.

Раҳбар ўрнидан турди. Мен у кишига миннатдорчилик билдириб, терлаб-пишиб қабулхонага чиқдим. Қабулхонада яхши боқилған, савлатли, олифта кишилар раҳбар қабулига киришга шайланиб турғандилар.

Шу кун ва тун оёқда турдим, овқат ҳам тотмадим. Тонг өфиги шифохонанинг реанимация бўлими ёнида машинам кабинасида ётиб, кўзим илингандан экан, мени уйғотишиди.

— Нодира Тўқбоева ўзига келди, аҳволи яхши, — деди ҳамшира аёл.

— Яшайдими? — сўралим уйқули кўзларимни уқалаб.

— Операция уч соат давом этди, — деди ҳамшира.

— Ўқтам қыз Экан; яшайди, хотиржам бўлаверинг.

— Бунга яхшигина атир сотиб оларсиз, — дедимда, ёнимдан битта ўнталик пул олиб, узатдим.

— Қўйинг, — деди аёл. — Олмайман!

— Бу суюнчи, олаверинг,— дея мэн пулни аёлнинг чўнтағига солиб қўйдим.—Кўрсам бўладими?

— Терговчиларни ҳам киритишгани йўқ, — деди аёл. — Бемор ухлаши керак.

— Ўртоқ Самадов, — деди обком партия умумий бўлим мутахассиси.

— Эшитаман,— дедим мен ҳам табассум билан.

— Сизга айтадиган хушхабарим бор!

— Айтинг! — дедим мен.

— Жиноятчилар қўлга олинди, номаълум шахс қўнгироқ қилиб, машина номерини, жиноятчилар ҳақида тўлиқ маълумот берибди. Мутахассислар олиб борган тадқиқотлар хабарчи берган маълумотларга мос келган бўлса керак. Беморнинг аҳволи яхши. Бирор жойда нонунита қилсак, йўқ демассиз?!

— Йўқ демасдим, аммо қувонишга эрта эмасмикин?! — дедим мен.

— Кетдик, — деди у. — Сизнинг машинангизни менинг шофёрим олиб кетади.

— Аввал Владивосток шаҳри билан алоқа боғласак, дегандим.

— Гап бўлиши мумкин эмас.

Х ОТИМА

Орадан бир йил ўтди. Ярим тунда телефон қўнгиридан уйғониб, эринибгина гўшакни кўтардим.

— Бу мэн, — деди ёқимлигина аёл киши товуши — Роҳилахонман. Яхшимисиз, кеннойим, жиянларим яхши юришибдими?

— Раҳмат, — дедим мен, — ўзингиз, оила аъзоларингиз яхши юришибдими? Нодира ҳам чопқиллаб юрибдими?

— Ёнгинамда тиржайиб турибди. Бизда ҳаво булатли бўлса-да, кун қиёмдан оғди. Ватанимизда об-ҳаво қандай?

— Осмонимиз мусаффо, салқин ва сокин тун, — дедим мен.

— Эҳсон ака, — деди Роҳилахон. — Сизга хушхабарим бор. Синглингиз Нодирахон турмушга чиқаяпти, гўшакни ўзига бераман, гаплашинг.

Телефон гўшагидан оғир-оғир тин эшитилиб, бироз вақт ўтиб:

— Оғажон! — деди Нодира, кейин хўрсиниб, гапира олмай қолди.

— Нодирахон! — дедим мен. — Табриклайман, қўша қаринг!

— Сиз келмасангиз, тўй бўлмайди, — дея олди Нодира, анча вақт ўтиб. — Қўрқиб кетаяпман, ёнимда бўласиз-а? Хўпми, оғажон?!

Роҳилахон гўшакни олиб:

— Куёв бола кичикроқ савдо кемасида капитан. Япония шаҳарларига бориб қайтади. Ёш, мард йигит. Исми Толмасбек, келганда кўрасиз, кеннойим билан иккалангиз учун авиаҷипталарга буюртма берганмиз. Келасиз-а?

— Насиб этса, — дедим мен.

«Опа-сингил бўлиб олишибди. Кўринишлари бирбирига унчалик ўхшамаса-да, қадди-бўйлари, дунё-қарашлари, тақдирлари мунча ўхшаш бўлмаса? Ишқилиб омон бўлишсин», деган ўй хаёлимдан кечди.

АДОЛАТ

Шифохонада ҳамма нарса оппоқ.

Оқ либос кийган жувон тўшакда тиззаларини кучоқлаганича қаршисидаги тумба устида турган учтўрт ёшлар чамаси жажигина қизчанинг йиғлаб

турган тасвирига маъюс термулиб ўтиради. Аёл ниҳоятда озғин, яноқ сүяклари бўртиб, оқ оралаган қўнғир соchlари остидан қулоқлари супрадек диккайиб, кўзга ташланади. Ингичка қалам билан чизилган қошлари қўшилган жойда зифирдаккина қора холи пажмурда бўлиб кетганига қарамай, келиштан қадди-қомати бир вақтлари унинг гўзал бўлганидан далолат бериб турарди. Узун киприклари остидан катта-катта шаҳло кўзлари ғамгин боқади.

Палатада ундан бошқа яна икки бемор бор. Улар нонушта қилгани чиқиб кетишган. Аёл атрофига боқиб ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, суратни бағрига босиб, унсиз йиғлади. Кейин суратни икки қўли билан тутиб, ўзидан узоқлаштирида, хаёлан у билан гаплаша бошлади: «Асалим, қандим, ёлғизгинам, қаерда бўлсанг ҳам омон бўлгин».

Унинг озғин елкалари титраб, тиниқ юзига маъсум кўз ёшлар юмалаб тушарди.

«Муттаҳам ўғрилар, мени ҳам сенга қўшиб ўғирлаб кетишса бўлмасми! Ҳеч бўлмаса сени бор-йўқлигингдан мен баҳти қора онангни огоҳ қилишса кошкийди...»

Бўғзига тиқилиб келган фарёд тинка-мадорини қуритиб, бошқа гапира олмади.

...Мана, орадан неча йил ўтибдики, у сурат билан гаплашади. Унга тикиларкан, ич-ичидан хўрлик, алам ва чорасизлик борган сари уни адойи тамом қиласади, қизалоги эса ҳамон йиғлаганича муштчаларини кўзларига яқин қўйиб, гўё онасидан мадад сўрарди.

...У ҳамётоқлари қайтиб келишаётганини сезиб, суратни тумба устига қўйди-да, юзини ёстиққа бериб ётиб олди. Ҳамроҳлари «Адолат ухляпти», деб ўйладилар шекилли, тинчгина тўшакларига чўзишлишиб, шивирлаб гаплаша бошладилар.

Адолат яна хаёлга берилиб, атрофдагиларини сезмай, ўтмишнинг порлоқ ва мавхум хотираларига шўнгиди.

«Айтишларича, уни чақалоқлигида болалар уйига олиб келиб тарбиялашган. Ота-она меҳри қандай бўлишини билмай ўсди. Адолат гоҳо жилмайган, гоҳо ўқрайган тарбиячиларини яхши эслайди.

Ниҳоят мактабни битирадиган пайт ҳам келди. Энди ўз нонини ўзи топишига, ҳеч кимга қарам бўлмай, беминнат яшашига йўл очилаётганини ўйлаб қандай севинган эди ўшанда. Марҳум эри билан севишиб турмуш қурганлари-чи?! У билан бирга ўтган қисқагина умри юз йилга татийди. Афсус, эри оламдан бевақт кетди. Яшайверса бўлмасмиди?

Фарзанди туғилган кечаси эри бу ёруғ оламни тарк этганди. Ўшанда уни қанчалар интизор бўлиб кутаётганди. Эндигина дунё юзини кўрган, мурфактина гўдагини бағрига босишга улгурмасдан ёмон хабар келди. Адолат оғир қайғудан лол бўлиб қолганди. Ҳатто, эрининг таъзиясига ҳам боролмади. Эрининг ўлганига ҳали ҳам ишонмайди, гўё у тирикдай. Мана мен, деб келиб қолса-я.

Йўқ. У энди келмайди. Унинг сувклари ҳам чириб, йўқ бўлиб кетгандир... Қабристон четидаги гарифона қабр. Каримни ўша ерга қўйишган. «Мен касалхонада ётибман, қабр қаровсиз қолиб, ўт-ўланлар босиб кетгандир», деб ўйлади аёл алам билан. «Дарахтча куриб, гуллар қовжираб қолгани аниқ. Эҳ, Карим!»

— Сенинг олдингда гуноҳкорман, — шивирлади аёлнинг лаблари. — Ёлғизгина зуриёдингни асрай олмадим!

Автомобиль ҳалокати сени ёруғ оламдан эрта олиб кетди. Қандай даҳшатли ўлим. Мана мен ҳам охирги кунларимни яшаяпман, шекилли. Кун сайин дармоним қуриб бораяпти.

Дардни енга олмаяпман. Ўшанды чақалоқ дунёга келганида мен ўладиган ҳолатда бўлган эканман. Афсус, сен билан сўнгги бор кўриша олмадим. Яқинда мен ҳам ёнингга бораман. Қиёматда дийдор кўришамиз, энди...»

— Адолат опа, дориларингизни ичинг.

Адолат оғир хаёллар гирдобида тонгга яқин уйқуга кетган эди. Қаршисида турган таниш қиёфани — дорилар солинган идишни кўтариб турган ҳамширани кўриб, қайтадан яна оғир аҳволини ҳис қилди. Нотинч ҳаётга қайтди. У бош иргаб ҳамшира билан сўрашди-да, берган дориларни олди.

Кейин ҳамхоналаридан бири келтирган газетани олиб қарай бошлади. Газетадаги оқ халат кийган гўзал қизнинг суратига тикилиб қараб қолди. Суратдаги қизнинг шаҳло кўзлари, қалдирғоч қанотидек қийғос қошлири қўшилган жойдаги кичкинагина қора холини кўриб худди яшин ургандек бўлди. «Бу менинг ёшлиқ даврим эмасми? Йўқ, унинг устидаги либоси ҳамшираларники-ку!» Бирдан хаёлига келган ўйдан юраги тез-тез ура бошлади: «Бу қиз менинг қизим?!»

«Во ажабо, наҳотки менинг қизим бўлса? Эсингни йиғ Адол! Энгаклари Каримникига ўхшаб турибди. Лаблари меники. Агар оёғида сув тўкилиб куйган чандиқ сақланган бўлса, менинг болам шу».

Адолат ҳаяжондан энтикиб нафас ололмай қолди. Ҳамшира қизлар тезда ёрдам беришиб, уни ҳушига келтирдилар. У қувонганидан газетани бағрига босар, энтикиб, хириллаб нафас олганича, атрофдагиларга қараб бир нарса демоқчи бўлар, лекин гапира олмасди. Унинг ҳорғин кўзларидангина севинаётганини билса бўларди.

Ҳамхоналари атрофида парвона бўлишиб, унга сув тутишар, дори-дармон ичиришиб, дардига шерик бўлишарди. Адолат ҳаётида фақат ҳозир одамлар жуда кераклигини англаб етди. Бироқ у қалбидаги кечётган севинчлар сароб эмасмикин, деган ўй ҳаёлидан кетмас эди...

Адолат хайриҳоҳ одамларнинг маслаҳатига кўра ўзининг ёшлигига тушган суратини ва яқинда чоп этилган ҳамшира қиз суратини олиб, шаҳарга тушди. Шаҳар касалхонаси бош врачи қабулига кирди.

Кент ва ёруғ хонада оромкурсига сингиб ўтирган қирқ ёшлар чамаси, соchlари силлиқ қилиб тараалган, кулча юзли хушбичим киши Адолатни очиқ юз билан қарши олди.

— Келинг, яхшимисиз, — деди бош врач қўли билан қатор курсилардан бирига ишора қилиб. — Ўтиринг.

— Раҳмат, — деди аёл унга илтижоли боқиб, сўнгра қўлидаги газета билан ўзининг суратини узатди.

Врач аёлга, кейин суратларга тикилиб туриб, ҳеч нарсага тушуна олмади шекилли, аёлга қараб:

— Хўш, хизмат? — деди жиддий оҳангда.

— Айтинг-чи, шу суратдаги қизларда ўхшашлик борми? — деди аёл.

Аёлдаги қатъийлик, унинг аянчли ташқи қиёфаси ва кечираётган ички туғёнларидан лол қолган бош врач, қаршисида тикилиб турган бечора аёлга сидқидилдан ёрдам беришни хоҳлади. Сўнг унга юзланди:

— Ўхшашлик бор, албатта. Бу суратлар сизники, десак хато бўлмасдику-я, бироқ сиз суратга ўн йиллар олдин тушган бўлишингиз керак. Негаки, устингиздаги кийимлар аёлларимиз орасида урф бўлганди. Газета эса, — у қўли билан газета чиққан вақтни кўрсатиб деди: — уч кун олдин нашр этилган экан, ҳайронман.

— Гап шундаки, Абдирашид ака! — деди аёл ўзини тутиб олиб, — ўн тўрт йил аввал Сабоҳат исмли қизимни йўқотиб қўйгандим. Ўшанда қанча қидирсак ҳам топа олмагандик. Шу давр мобайнида мен бормаган маҳкама, кўмак сўраб кирмаган идорам қолмади. Фам ютиб, даволаб бўлмас дардга чалиндим. Ёруғ дунёда шу қизалофимдан ўзга ҳеч кимим йўқ. Мана ниҳоят газетада чоп этилган сурат менга қувват берди. Сиздан илтимос, қўлингизда ишлаётган Сабоҳат исмли қизда менинг йўқотган қизалофимдаги белгилар бор-йўқлигини билиб берсангиз. Менинг қизалофимнинг қошлари ўртасида кичкинагина қора холи бор эди. Бундан ташқари, чап оёқ тиззасидан сал юқорироғида қайноқ сувда куйган чандиқ сақланган бўлса, шубҳасиз, менинг ўғирланган қизим бўлиб чиқади.

— Яхши, — деди-да, бош врач тугмачани босиб, секретарни чақирди ва Сабоҳатни топиб келишни буюрди.

— Сиз фақат оғирроқ бўлинг, — деди бош врач аёлга. — Ҳалиги, исмингиз нима эди? Ошиқча гапсўз қилмасангиз ҳаммаси жойида бўлади. Хўпми?

— Менинг исмим Адолат, — деди аёл.

— Мен гапираман, савол бераман, сизга сўз берсам қисқа, лўнда-лўнда қилиб гапиринг, хўпми Адолат опа? Кўриб турибман, кўп қийналгансиз. Начора, бардош бериш керак. Келишдикми?

— Келишдик, — деди Адолат миннатдор бўлиб. — Худо хайрингизни берсин.

Эшик очилиб, оstonада хушбичим, қўнғир сочлари елкасига ёзиб ташланган, кулча юзли оппоқ-қина қиз пайдо бўлди. У ўтирганларга разм солиб, салом берди.

— Келинг Сабоҳатой, — деди бош врач жилмайиб. — Ишларингиз яхшими?

— Раҳмат, Абдурашид Жўрақулович, — деди қиз.

«Ё тавба, — ўйлади бош врач, — қуиб қўйгандек бир-бирига ўхшашади-я. Қошлиари, қарашлари, қоширасидаги қора холи, овози, ҳатто шошилмай гапириши».

— Чарчамаяпсизми? — деди Абдурашид Жўрақулович. — Уйни соғинмадингизми? Дарвоқе, ака-укаларингиз бордир? Улардан хабар келиб туралими?

— Тинчликми ўзи, Абдурашид Жўрақулович? — деди қиз хавотирланиб.

— Хотиржам бўлинг қизим, — деди бош врач. — Дарвоқе, қаерликсиз?

— Чироқчи туманиданман, — деди қиз. — Отам, онамдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Отам кекса, улардан бирор хабар борми, Абдурашид Жўрақулович.

— Йўқ, — деди бош врач. — Хотиржам бўлинг. Фақат айтинг-чи, шу ўтирган опа сизга танишми?

Қиз рўпарасида ўтирган озгин аёлга разм солди. Оқ сут берган онасидан ажралганидан бўён орадан узоқ йиллар ўтган бўлса-да, вужудида оқаётган қонда кучли бир туғён кечди. Гўё Сабоҳат қархисида жуда ҳам таниш, жуда ҳам яқин инсони ўтиргандек ҳис қилди. Лекин ораларида ўтиб бўлмас ғов бордек туюлди.

Адолат бош врачга берган сўзини эслаб, ўзини аранг босиб ўтиради. Қархисида турган гўзал ҳамшира қиз ўзининг қизи эканлигига шубҳаланмасди.

У қизнинг ўзига қадалган шаҳло кўзларига боқаркан, бу кўзларда умидсизликда ўтган азобли йилларига хотима берадиган бир учкунни кўришни истарди.

— Йўқ, — деди қиз эшитилар-эшитилмас. — Бу кишини қаердадир кўргандекман, лекин, тўғриси, танимайман.

— Келинг қизим, мана бу суратларга бир разм солинг-чи, — деди бош врач қизнинг кўлига Адолатнинг суратини ва газетадаги ўзининг суратини узатаркан. — Сизга рухсат, Сабоҳатой. Суратлар ҳақида кейин гаплашамиз.

— Хўп бўлади, — деди қиз ва аёлга маъюс боққанича чиқиб кетди.

— Адолат опа, — деди бош врач. — Қайси меҳмонхонага жойлашдингиз?

— Шу бугун келдим, — деди Адолат энтикиб. — Жой йўқ, дейишди.

Бош врач телефон дастагини кўтариб номер терди ва Адолатга юзланди:

— Мен ҳозир бош ҳамширани чақириб, сизга ёрдам беришни, меҳмонхонага жойлаштиришни илтимос қиласман. Эртага аниқ бирор жавоб беришга уриниб кўраман, — деди у. — Сиз билан хайрлашамиз. Яхни дам олинг.

— Суратларни олиб кетди-ку? — деди Адолат. — Улардан бошқа менда ҳеч қанақа далил йўқ.

— Хотиржам бўлинг, — деди бош врач.

* * *

Орадан бир йил ўтди. Адолат бормаган маҳкама, ёзмаган ташкилоти қолмади.

Қайси суд ишни кўрмасин, Адолатнинг зарарига ҳал бўлаверди. Йўқотган қизчасининг белгилари борлигини исботлаб беришдан нарига ўта олмади. Ҳафсаласи пир бўлган Адолат ўғрилар маконини сўраб топди.

Тоғ қишлоқларидан бирида Сайфи деган бир киши яшаркан. Унинг ёлғиз қизидан ўзга фарзанди йўқ эди. Бироқ орқаворотдан кишилар Сайфи аканинг хотини шу қизчани тўрт ёшидан боқиб олган, бошқа шаҳардан

келган номаълум кишилар унга қизчани олтин бараварига сотиб кетган десалар-да, ҳеч ким бу тапларни исботлаб бера олмасди.

Адолат вилоят ички ишлар бошқармасига ёзган шикоятига: «Сизнинг давойингиз асоссиз деб топилди. Сабоҳат исмли қиз Сайфи Норқуловнинг фарзанди эканлиги исботланди», деган жавоб олди.

Адолат чора излаб яна шикоятлар ёзди, яна жинойи иш Қўзғатилиб, тергов, суринтирув ишлари олиб борилди. Лекин Сабоҳат исмли қиз Сайфи Норқуловнинг қизи бўлиб, қизнинг Адолатга ўхшашлиги ва унинг исми, чап оёғида куйган чандиқ излари тасодиф, деб ҳукм чиқарилди.

Адолат билан қизни терговчи юзма-юз қилиб сўроқ қилганида қиз: «Одам одамга ўхшайди-да, хола, мени тинч қўйинг», деб муштипар аёлнинг умидларини сўндираёзди.

Адолатнинг кунлари интизорлик билан ўтар, нафаси қисиб, юраги санчишига қарамай олган арзимаган нафақасини дори-дармонга, ўзи туқсан қизалоги ўзиники эканини исботлаш учун йўл харажатига сарфларди. Кам уйқулик, кам овқатланиш, bemorlik тинкасини қуритиб тез-тез шифохонага тушиб турарди.

Маҳкамалар эшигига йиллаб адолат излаб топа олмай, ҳамма нарсадан кўнгли совиди. Эндиликда умри ботиб бораётган қиш қуёшидек нурсиз, мазмунсиз туюларди.

Агар шошилмаса ёлғиз фарзандидан дарак тополмай, армон билан шифохона тўшагида ўлиб кетишига кўзи етди.

Қизини ўғирлаб, бир умрга онани боласидан ажратган муттаҳамни жазолашга шошилиши керак. Акс ҳолда эртага кеч бўлади.

«Менга фарқи йўқ, — ўйлади у. — Шифохонами, қамоқхонами, қаерда ўлсам ҳам барибир эмасми?» Аёл охирги кучини тўплаб, сўнгти ҳал қилувчи курашга отланди.

* * *

Ҳавода қилт этган шабада йўқ. Ҳатто дарахтлар ҳам кишиларни жазирама саратон иссиғидан сақлашта ожизлик қилаётгандек тутақиб кўринади. Садақайрағоч остидаги супага қип-қизил гиламлар, адрес кўрпачалар тўшаб ташланган. Қирмизи пиёлада хушбўй кўк чойни хўриллатиб ичаётган киши оппоқ сочиққа юз-кўзларидаги терни артиб, қат-қат кўрпачаларга ёнбошлади.

Бу одам Сайфи Норқулов. Рўпарадаги ғиштин, кошинкор ўн хонали уй ҳам, айвон тагидаги японгиги «Волга» ҳам, атрофи уч одам бўйи пахса девор билан ўралган, хил-хил меваларга тўла боғ ҳам, анвойи антиқа балиқлар сузуб юрган мармар ҳовуз ҳам унга қарашли.

Сайфи ака эсини танибдикӣ, магазинчилик қиласди. Айни пайтда дўконга қоровул. Авваллари оладиган маоши етмиш сўм эди, ҳозир ҳам унчалик кўп эмас.

Кези келганда улфатлар бўлса қиттак-қиттак отиб ҳам қўяди. Қоровул бўлганидан кейин бўш вақти бўлади-да. Шаҳарга тушиб, қамоқхонада ётган ошнагайниларга у-бу дегандек узатиб турадилар. Ҳам савоб, ҳам нафақаи рўзгор.

— Сабо! — чақирди Сайфи ака. — Ов Сабо!

— Ҳа, дадаси! — эридан анча бўйчанроқ, нозиккина, қўнғир соchlарини майдалаб ўриб елкасига ташлаб олган, башанг кийинган қирқ ёшлардан ошган аёл супа ёнига келиб тўхтади.

Сайфи ака шошилмай семиз, қызил бүйни ва устарада қиртишлаб олинган юмалоқ бошини сочиқ билан артди-да, хотинига қисиқ күзларини қадади.

— Анави манжалақи шикоят ёзиб, яна жиной иш құзғатибди. Ўлиб ўлмайди, қолиб бизга тинчлик бермайди. — деди Сайфи ака құлидаги пиёласини айлантириб. — Беш-үн минг бериб қүйсакми, сен нима дейсан?.. Оёқни уқала.

— Ўзингизни ёғингизга гүштингизни қовурмас-микан? — деди аёл эрининг семиз оёқларини тиззалиари устига олиб. — Ўша қылтириқдан яхшилик чиқмас-ов.

— Агар «юқори» аралашса иш пачава деявер, — деди Сайфи ака. — Олдинги тергов хulosалари, дўхтирлар ҳужжатлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари — ҳамма-ҳаммаси Сабоҳат унинг қизи эканлигини, биз уни ўғирлаб олганимизни айтиб турибди. Пулнинг кучи билан бу ишни хас-пўшлаб келаяпман. Тергов органлари, прокуратура, суд менинг фойдамга ишлади. Бундан ташқари сен ҳеч қаерда ишламайсан, менинг оладиган маоним ўзингга маълум. Бу кошона, «Волга», дов-доска пулга чақилсами, биз гуноҳкор бўлиб қолишимиз мумкин. Яхшиси кўп кетганни бири деб, ўша баҳти қаро аёлга ҳам ўн-ўн беш минг сўм берайлик. Шояд чакаги ёпилса. Кейин бирорта пичоққа илинадиган куёв топиб, Сабоҳатни тўйини қилсак дейман. Хотин яхшилаб ўйлаб кўр!

— Дадаси, — деди аёл тилла тишларини кўрсатиб, оғзидағи сақиҷни оларкан, — дадажониси, гап бундай, ўртага одам қўйиб, берадиганингизни беринг. Тилидан тилхат ҳам олинг. Балодан ҳазар, ўша тинчиб кетса, кўнглимиз хотиржам бўларди.

Бўйни ва белидан занжирбанд қилинган, кўзлари қип-қизил кўппак таҳдидли ириллаб, хура бошлади. Сайфи ака безовталаниб хотинига қаради. Аёл туриб

лозим ва күйлак этакларини түғрилаб дарвоза томон солланиб юриб кетди. Сайфи ака мошгуруч соқолини силаб, тасбеҳ ўтирганича, хаёлга чўмди: «Зарифа оғатижон эди бир вақтлар. Туғмади. Бунга-ку мен айборман, олтинлар, зеб-зийнатларни деб Зарифа ҳам бефарзанд ўтаяпти. Начора, Худонинг айтгани бўлади».

Зарифа супа ёнига қайтиб, эрига Адолат келганини айтди.

— Айт, кирсин, — деди Сайфи ака. — Ён-верида ҳеч ким йўқми?

— Бир ўзи шекилли.

— Одам юбор, — деди Сайфи ака. — Қишлоқни оралаб билиб келсин, яна битта-яримтани етаклаб келган бўлмасин.

— Хўп бўлади, — деди Зарифа.

Адолат келиб, супанинг бир четига омонатгина ўтирди-да, энтикиб нафас олганча уй эгасидан қайноқ сув сўради. Чинни косада келган илиқ сувни дори билан бир-икки ҳўплаб ичиб ўзига келди шекилли, Сайфи акага юзланди:

— Нега келдинг! — деди Сайфи ака норози оҳангда.

— Боламни берасан! — деди Адолат. — Тасбеҳ ўтирганингга ўлайми, бермасант сен билан ҳисоблашаман!

— Бекорларни айтибсан манжалақи, қачон сен менга бола берувдинг?! Кет яхшиликча, йўқса ўлигингни қопга солиб анави «Волга»нинг бағажнигига тиқиб, гумдон қиласман.

— Ўлсам ўласман, лекин бу ишни ҳал қиласман! — деди аёл нафаси қисилганидан ҳансирааб.

— Хўш, сенга яна нима керак? — деди тутақиб Сайфи ака. — Айт! Суд қоғозида бола меникилиги исботланувди-ку, қанжиқ!

— Сен ўша ифлосларингга пора бергансан! — деди аёл.

— Ҳали сен одил судни ҳам ҳақоратлаяпсанми, манжалақи?! — деди Сайфи ака газаб билан. — Қилмисингта, гапирган тапингга жавоб берасан!

— Кўрамиз, сенинг пулинг кучлими ёки худонинг ғазабими, — деди аёл титраб-қақшаб.

Сайфи ака бирпас ўйланиб турди-да, хотинини чақирди. Аёл эрининг ишорасига тушунди шекилли, бироз вақт ўтгач, газетага ўроғли пул олиб келиб, эрининг оёғи остига ташлади. Сайфи ака ҳошияси бузилмаган элликталик, юзталик пулларнинг бир дастасини Адолатнинг олдига қўйди ва ол деб унга ишора қилди. Адолатнинг ранги ўчди, нимадир демоқчидек дудуқланиб Сайфи акага юзланди-ю, бироқ томоғига ўпкаси тиқилиб, энтикиб ранги оқарганича хушсиз йиқилиб тушди.

Зарифа югуриб келиб юзига сув сепганидан кейингина ўзига келиб анча вақт атрофга маъносиз тикилиб турди-да, сўнгра бор кучини йифиб душманига ташланди. Унинг қоп-қора қоқ суяқ, омбурдек бармоқлари Сайфи аканинг томоғидан маҳкам қисиб олганди. Сайфи ака бор кучи билан аёлни дўппослар, уни ўзидан итараарди. Лекин томоғи тобора кучлироқ сиқилиб, у ўлим талвасасига тушиб қолди, хириллаб нафас ола бошлади. Зарифа чинқириб, ёрдамга чақирганидан сўнг қўшнилар етиб келиб Сайфи аканинг жонига оро киришди. Сайфи ака қорайиб кетган томоғини ушлаб, ўзини ўлимдан қутқариб қолган қўшниларига миннатдорчилик билдиради. Адолат эса тинмай жавраб

Сайфи акани қарғарди. Қүшни йигит Адолатни ерга босиб турмаса яна бирор кори-хол юз бериши аниқ эди.

Воқеа устига келиб қолган Сабоҳат югуриб келиб, Адолатни босиб турган йигитни туртиб юборди:

— Қоч бадбаҳт. Кучинг шу бечорага етдими?! — деди у йифи аралаш.— Бу менинг оқ сут берган онам-ку!

— А-а! Ҳали шунақами?! — деди Сайфи ака ақлини йўқотиб.

— Туриңг, онажон! Етар азоб-уқубат чекканингиз, — деди қиз ожиз ва нимжонгина онани қучоқлаб. — Энди ҳеч кимга сизни хафа қилгани кўймайман!

— Қизим! — дерди Адолат фарзандини қучоқлаб. — Энди ўлсам армоним йўқ, ўлтганимда мени эслайдиган одамим бор...

Йигилган одамлар бир-бирини йўқотиб, шунча йиллардан сўнг энди топиштан она-болага ҳайратланиб боқардилар.

С О Ҳ И Б А

Кеч куз. Чироқ ёғдусида олтин тусли япроқлар бирин-кетин музлаб, сирпанчиқ бўлиб қолган ерга тўкилади. Қор гардлаб турибди. Ўрикзор боғда якка-ёлғиз уй бўлиб, оқ губор қаъридан аранг кўринади. Унинг дарвозасидан қора соялар кириб-чиқиб турибди. Пальтосининг ёқасини кўтариб олиб, шляпасини бостириб кийиб олган ёш йигит ёнгинамдан ўтиб, атрофга қараб турди-да, уй томон йўл олди.

«Бу уй ошиқ-мошиқлар учрашиб, айш-ишрат қиласидиган жой».

Машинамни ўт олдириб, пеккани ёқиб қўйдим.
Рация ишга тушиб, «Топшириғимизни кутиб, дам
олиб ўтиравер. Қабул!» Бошлиғим айтган сўзларни
такрорлаб: «Сизни яхши тушундим. Қабул», дедим-
да рацияни ўчиредим. Мотор равон ишляяпти. Кабина
яхшигина қизиб, таним яйради. Машина ойнасига
тушаётган қор эриб кетаяпти, кўзим уйқуга кет-
ганини сезмабман. Ён ойнани кимдир чертганидан
уйғониб кетдим. Қарасам, ёшгина аёл машинанинг
эшигини очишга уринаяпти. Эшикни очишим билан
аёл ўтириб олиб:

— Ҳайданг! Бу ердан мени тезроқ олиб кетинг! —
деб илтижо қила бошлади.

— Эй қиз, сиз адашдингиз, бу такси эмас, ту-
шинг, — дедим.

— Ҳайданг! Тезроқ мени бу ердан олиб кетинг,
деяпман! Ҳаётим хавф остида, барака топкур! — деди
аёл, қўрқувдан титраб.

— Қаёққа!

— Уйимиз Ҳуснободда, ўша ёққа ҳайданг! Эрим-
дан ярим соат олдин олиб борсангиз, менинг
ҳаётимни сақлаб қоласиз! Энди тушунгандирсиз?

— Тушундим, — дедим-да, рацияни ишга тушир-
дим.

— Сени эшитаяпман, қабул! — деди рациядан
ҳамроҳим.

— Ҳуснобод билан шаҳар оралиғидаги бузилган
кўприкка беш дақиқада етиб кела оласанми? Қабул! —
дедим мен.

Машинамиз сирпанчиқ йўлдан катта тезликда
бораяпти. Ҳамроҳим мен айтган сўзларни такрорлаб
рация орқали:

— Ҳа, беш дақиқада етиб бора оламан, нима гап?
Қабул! — деди.

— Бу жуда мұхим, ўша ерда мени кутиб тур! Алоқа тамом, қабул, — дедим-да рацияни ўчирдим.

Волга сирпанчиқ йўлдан яхшигина тезликда кетаяпти.

— Эрим машина топиб йўлга чиққунича тахминан ўн дақиқа ўтади. Айланма йўлдан юради, дейлик. Унда, йўлнинг сирпанчиқ эканини ҳисобга олсак, бир соатда уйга келиши мумкин. Менга камида ярим соат вақт керак, — деди аёл.

— Тинчликми? — дея сўрадим мен.

— Бунинг тарихи узун, — деди аёл. — Ўлмай қолсам, эртага ҳаммасини билиб оласиз.

— Яхши, — дедим мен.

Қор гардлаб турса-да, ҳаво ниҳоятда совуқ, дараҳтлар оппоқ ниқобга ўралиб олган. Сойнинг нариги соҳилида яшил рангли «Волга» енгилгина губор оғушида бизни кутаяпти. Машинадан тушдимда, аёлни қўлидан ушлаб, машинадан тушириб олдим. Олтмиш метр чуқур сой устидан ўтган, қадам босгандা силкиниб турадиган хавфли кўприкдан ўта бошлидик. Аёлнинг баланд пошнали этиккаси панд бериб, йиқилиб тушди-да, ўтириб қолди. Турғизиб кўйсам, яна йиқилиб тушаверди, уни кўтариб олдим-да, тахталари кўчиб ётган, сирпанчиқ кўприкдан кўрқа-писа ўтиб олдик.

— Машинадан туш! — дедим шеригим Қосимга.

— Эсинг жойидами? — деди Қосим ва машинадан тушди. Аёл шошилибгина орқа ўриндиққа ўтириб олди.

— Ўн дақиқада қайтаман, — дедим-да машинани тезлик билан ҳайдаб кетдим.

Аёл йўл кўрсатиб бораяпти. Ойнадан кузатиб бораяпман, аёл сумкасидан дафтарча олиб, шоша-пиша нималардир ёзиб, менга узатиб:

- Рақамыңға айтинг, — деди.
 - Нимага керак? — дедим мен.
 - Шунча ташвиш тортиб, ҳаётимни сақлаб қолишига ҳаракат қилаяпсиз, шундайми?
 - Мен ҳали сизнінг ҳаётингизни сақлаб қолдим, деб айта олмаймаң, фақат сизнінг илтимосингизни бажардим, холос.
 - Телефон рақамингизни айтинг!
- Мен айтган рақамларни тезгина ёзіб олди-да, қўлидаги олтин узук кўзига дастрўмолини утказиб:
- Бу ерда менинг телефон рақамим йўқ. Аммо ойимларники бор. Менинг тақдирим сизни қизиқтирса, икки кундан кейин телефон қиласиз. Ўлайманки, ҳаммаси яхши бўлади. Балки, эртагаёқ сиз билан кўришармиз, менинг кўнфиюримни кутинг. Хайр! — деди-да машинадан тушди.

Менинг қўлимда мушк-анбар анқиб турган рўмолча-ю, рўмолчага боғланган ёқут кўзли олтин узукка термулиб қолаверибман. Кабинадан бошимни чиқариб, аёлни чақирсан, қўлини кўтариб, хайрлашди-да муюлишдан ғойиб бўлди. Миямга: «Мен бу ердан тезроқ кетишим керак», деган фикр келди-ю, бузилган кўприк томон йўл олдим.

Туни билан ишлашга тўғри келли. Бошлиғимнинг топшириғи билан пойтахт аэропортида Москвадан келган меҳмонларни кутиб олиб, маҳсус меҳмонхоналарга олиб бориб жойлаштирдим.

* * *

Аёл илдам юриб, биринчи қаватдаги уй эшигини очиб, ичкарига кирди. Тезгина ечиниб, ваннага ўтиб илиқ сув қўйди. Беш дақиқалар чамаси ювиниб, ўзига келгач, патли сочиқ билан бадани қизаргунча артинди. Ваннахонада сув томчилари йўқлигига амин бўлгач, пижамаларини кийиб, ҳозиргина ечган

кийимларини кўздан кечириб, кийим жавонига жойлаштириди. Тўшагига ётиб олиб, соатига қарадида, «ҳали вақт бор», хаёлидан кечирди ва тезгина бадан ҳароратини кўтарадиган препарат билан қўлтиқ ости безларини ишқалади. Бир неча таблетка ютиб, кўнгли таскин топди шекилли, вужуди ором олди. Хонада дори ва спирт ҳиди аралаш анқирди. Кўп ўтмай унинг бадан ҳарорати ўттиз тўққиз даражада, аҳволи оғирлашди.

«Ўн дақиқа ўтиб-ўтмай эрим ўзининг калити билан эшикни очади. Хоналарни кўздан кечириб, оёқ кийимида, устки кийимида устимга бостириб келиб, пичоқ ўқталиб сўроқ қиласди. Ахир у мени иславотхонада турганимни аниқ кўрди. Мен ҳам уни энг яқин дугонам Хонимани тиззасига ўтқизиб, қадаҳ туваётган ҳолатида кўрдим. У ўрнидан туришга уринди, аммо, дугонам эримни бўйнидан маҳкам кучоқлаб, тургани кўймади.

Энг яқин, сирдош дугонам, севикли эрим кўзимга бало-қазо бўлиб кўринди.

Институтда бирга ўқиган дугонамни, эримни ҳозироқ бўғиб ўлдирапдим. Аммо бунга кучим етмасди. Айёлик, пасткашлик, хиёнатни кўриб, хушимни йўқотай дедим.

У келганида ўзимни вазмин тутишим керак. Эрим менга пичоқ ўқталиши мумкин. Аммо у қўрқоқ! Унга ишонч йўқ, ўлдириб қўйишиям мумкин. У билан ўтган умримга ачинаман. Ҳаром-харишдан тап тортмайдиган, аёлларни кўрганда ирғишлаб кетадиган бундай эркак билан бир ёстиққа бош қўйганимдан ўлганим яхши».

Дори кучини кўрсатди, аёлнинг аҳволи оғирлашди.

Кўп ўтмай ташқари эшик очилди, майингина оёқ товуши аёл ётган хона эшиги олдига келиб тўхтади.

Ётоқхона эшиги очилиб, остоңада уй соҳиби пайдо бўлди.

— Сенинг макринг қирқ эшакка эмас, қирқ туяга юк бўларкан! Тур ўрнингдан! Таъвия! — хитоб қилди эркак.

Аёл ҳеч нарса эшитмасди. Унинг вужуди ўт бўлиб ёнарди.

— Қачон келдинг? Тўғрисини айт! Мен сени ҳозиргина иславотхонада, эркаклар ёнида турганингни кўрдимку?! Сени ўлдираман!

У аёлнинг сочидан ушлаб, бўйнига пичоқ қўйди. Аммо унинг ҳаракатлари аёлга ҳечам таъсир қилмасди. Тер ва спиртнинг аччиқ бўйи анқиб, аёл ҳушсиз, ўлим талвасасида ёттанига амин бўлди.

— Нималар бўлаяпти, эй худо! Жинни бўлиб қоламан! Наҳотки галлюцинация бўлса?! — дерди бечора эркак. — Мен уни мана шу кўзларим билан кўрдимку, ахир у эркаклар ёнида турган эди-ку!

Аслиддин билан Соҳиба турмуш қурганларига тўрт йил бўлса-да, фарзандлари йўқ. Тўқис турмушларига раҳна тушди.

Аслиддин ичадиган, кўп чекадиган бўлди. Борабора тунги клубларга бориб, кеч келадиган одат чиқарди.

Соҳиба эрини рашқ қиласди.

Аламига чидай олмай, изидан пойлоқчи қўйди. «Ўз кўзим билан кўрсам ишонаман», деганди.

Бугун ўз кўзи билан эри унга хиёнат қилиб юрганига амин бўлди. Қовоқхонада сураткашга яхшигина пул бериб, эрини суратга олдирди. «Эртага уларни оламан, албатта тирик қолсам», деб ўйлади Соҳиба.

Ҳозир эси кирди-чиқди бўлиб, бошида совуқ тиф турганини англай олмасди.

«Күзимга күрингани рост, бу галлюцинациядан бошқа нарса эмас, бечора Соҳиба, сени ўлдириб қўйишимга бир баҳя қолди. Менинг айбим билан она бўла олмаяпсан. Мен бўлсам наркотик билан тириқман. Биламан, сен мени кўр-кўрона севасан. Уйқунгда, турмушингда ҳаловат йўқ. Сен менга Хонима бералиган роҳатни бера олмайсан. У билан ҳаммаси бошқача. Никоҳ, оила кераксиз нарсалар ўзи».

Аслиддин ён чўнтағидан папирос олиб ёқди, кейин хушбўй тутунни тўйгунича тортиб, хумордан чиқди шекилли, хотини ёнига келиб, ўтириб олди-да:

— Жоним, менинг Соҳибагинам, кўзингни очсанг-чи?!

Соҳиба кўзини очди:

— Сув, — деди.

Аслиддин тезда сув олиб келиб, хотинига ичирди.

— Қаёқларда юрибсиз, бегим? — деди Соҳиба. — Ёнимга ўтиринг.

Аслиддин хотини ёнига ўтириб, унинг терлаб турган пешонасидан ушлаб:

— Доктор чақирамиз, бошқа иложи йўқ, — деди.

— Кераги йўқ, — деди аёл, — ўтиб кетади. Сиз менга дори беринг, кейин ҳароратимни кўрамиз, иссиғим тушмаса, доктор чақирапсиз, хўпми.

* * *

Туни билан ишлаб чарчабман. Эрталаб машинамни гаражда қолдириб, уйга қайтиб, иссиқ ванна қабул қилдим-да ётиб ухладим. Чарчоқ, уйқусизлик ўз ишини бажариб бўлган экан, шекилли, телефон қўнғирогини эшитаману, ластакни кўтара олмайман. Телефон жиринглашдан тўхтаб, кўзим уйқуга кетиб-

ди. Аммо яна бироздан сүнг телефоннинг тинимсиз қўнғироғидан кейин дастакни кўтариб, «алло», дедим.

- Хайрият-её! — деди телефондаги овоз.
- Эшитаман, тинчликми, ярим кечаси қўнғироқ қилаяпсиз? — дедим норози оҳангда.
- Нималар деяпсиз, ахборотингиз учун соат кундузги ўн бўляяпти, — деди булоқ сувидек тиниқ овоз соҳибаси.
- Учрашув манзилини белгиланг! Дарвоқе, исмингизни айтмадингиз?! — дедим мен.
- Бугун яхшилаб танишиб оламиз, — деди аёл.
- Унинг ёқут кўзли узугини қайтаришим кераклиги ёдимга тушиб:
 - Қачон ва қаерда учрашамиз? — дея сўрадим мен.
 - Шу бугун, иложи бўлса ҳозироқ учрашув жойини айтинг, — деди овоз соҳибаси.
 - Қаердасиз? — дея сўрадим мен.
 - Бузилган кўприк ёнидаман.
 - Йўғ-е!
 - Хавотирланманг, бир амаллаб ўтиб оларман!
 - Бундай қила кўрманг! Устига-устак, мен пиёдаман. Бундай об-ҳаво шароитида-я?
 - Бошқа йўли йўқ! Менинг изимдан одам қўйишган! — деди аёл.
 - Яхши, кутинг, — дедим мен. — Бошимга бало орттирганимни англаб етдим.

Бузилган кўприк яқинида таксини қўйиб юбордим-да, қор босиб, омонат турган кўприк ўртасида тик турган кечаги аёлни кўриб, эсимни йўқотаёздим.

— Кўрқаяпман, — дерди аёл илтижо билан.
Кўпам ўйлаб ўтирмасдан, пальтомни ечиб ташлаб, аёл ўтирган ерга бордим-да, совуқдан қалтираб турган аёлни елкамга опичиб олдим. У менинг

бўйнимдан кучоқлаб олди. Кўприкдан ўтишимизга бир баҳя қолганида оёғим сирғаниб кетиб йиқилиб тушсан бўладими. Не азоблар билан лаънати кўприкдан ўтиб олдик.

— Ҳов менга қарант, хонимча! — дедим мен жаҳл билан. — Саргузаштларингиз билан...

Унинг шаҳло кўзлари, ниҳоятда гўзал қиёфаси, илтижо билан боқишлиари, совуқдан жунжикиб нафас олишлари мени сеҳрлаб бўлганди.

— Нимадир демоқчимисиз?

— Нима ҳам дердим, — дедим мен. — Сизнинг хизматингизни бажариб бўлдим, шекилли?

— Ҳеч кимга кераги бўлмаган мендек баҳтсиз аёлни ҳаётини сақлаб қолдингиз. Ўтиниб сўрайман, менинг содиқ дўстим бўлинг.

— Сизнинг эрингиз бор, менинг ҳам оиласам бор. Эркак киши билан аёл киши ўртасидаги дўстлик ёшлар севиб ўқийдиган романга айланиб кетишини биласизми? — дедим мен. — Можароларингизга мени аралаштируманг, илтимос.

— Бундай қарор чиқаришга эрта, — деди аёл. — Йўқ демасангиз, бирор жойда ўтириб, гаплашиб олсак, дегандим.

— Жуда соз, — дедим-да машина тўхтатдим.

Кўп ўтмай шаҳар четидаги рестораннынг алоҳида хонасида суҳбатимизни давом эттиридик.

Соҳиба куйиб-пишиб, шошилганича бошдан кечирган азоб-уқубатларини ҳикоя қиласарди. У йифлаб, кўз ёшлари билан кулиб, кеча эрининг тиззасида ўтирган фоҳишанинг исмини айтганида, рангим ўзгарганини кўриб:

— Сизга нима бўлди? — дея сўради.

— У аёлнинг оиласи борми? — сўрадим мен.

— Тўрт йилдан бери учрашмагандик, — деди Соҳиба. — Институтда ўқиганимизда менинг сирдош дугонам эди. Аслиддин акам билан никоҳ тўйимизда

ёнимда бўлди. Тўрт йил олдин Хонима менга Алжирдан хат юборган эди. Унинг эри қандайдир бир идорада хизмат қиласа керак. У таъвия тўғрисида бошқа нарса билмайман.

— Узр, — дедим-да, рестораннынг маъмурий хонасидан қайнонамнинг уйига телефон қилиб, Хонимани сўрадим. Хонима кеча онасининг уйига бормапти. Бугун эрталаб у: «Поездда қайтдим», деганди.

— Ўша дугонангизнинг фамилиясини айта олмайсизми?

— Ҳа, Насриддинова, 19...йилнинг йигирманчи декабрида туғилган, — деди Соҳиба. — Ўзи нималар бўляяпти? Соғлигингиз яхшими?

— Соғлигим яхши, — дедим мен. — Ўзим шунчаки сўрадим.

— Хонима сизнинг яқин қариндошингиз бўлмасин, тағин? Тортинмай тўғрисини айтаверинг Азимбек ака, — деди Соҳиба.

Тўрт йилдан бери севиб, ишониб, яшаб келган турмуш ўртоғим кўз ўнгимда, бир неча дақиқа ичидага таъвияга айланиб қолтан эди. Шу тобда нима қилишни идрок қилолмасдим.

— Соҳибахон, сиз адашмадингиз, Хонима менинг турмуш ўртоғим. Энди менинг Хонимам йўқ. Келинг, яхшиси рақсга тушамиз.

— Қандай бўларкин, — деди Соҳиба ял-ял ёниб. — Бирорта таниш кўриб қолса-я?! Ахир мен оиласлик аёлман!

— Мен ҳам оиласлик кишиман, шундайми? — дедим-да, Соҳибанинг қўлидан ушлаб, мусиқа ва рақс оламига олиб кирдим.

У менинг кўксимга бош қўйиб, секингина деди:

— Азимбек ака, биласизми, мен кечаси билан ўйлаб чиқдим. Эрим билан ажрашаман-да, илмий ишимни давом эттираман, сиз нима қилмоқчисиз?

— Бу ҳақда ўйлаб кўрамиз, — дедим-да Соҳибанинг хипча белидан ушлаб, вальсга тушиб кетдим. Хумордан чиққунча ўйнаб, жойимиизга келиб ўтиридик-да, мен:

— Соҳибаҳон, ниҳоятда соғдил, гўзал қиз экансиз, йўқ демасангиз конъяк буюрсам.

— Бундай қила қўрманг, Азимбек ака!

— Биз ҳаёт синовларини бошдан кечираётган инсонлармиз, ҳозир ичмасак, қачон ичиб, хумордан чиқамиз?

— У ҳолда менинг эримдан фарқингиз қолмайди, мен бўлсам...

— Яхши, ичмаганимиз бўлсин, — дедим мен.— Сиздан илтимосим, эрингизга сир бой берманг. Ҳеч нарса бўлмагандек у билан хушмуомалада бўлинг. Қолганини менга қўйиб беринг, хўпми? Мен сизга учта телефон рақамини бераман, эрингизнинг ҳаракатларидан, яъни у уйдан кетган-келган вақтидан мени огоҳлантирасиз. Телефон рақамларини ҳозироқ ёдлаб оласиз. Келишдикми?!

— Эримни ўлдириб қўймайсизми?

— Соҳибаҳоним, билингки, мен хотинини ўйнаши билан ушлаб, пичоқ кўтарадиган чапанилардан эмасман. Мен уни севганим учун ҳам ишонардим. Тўрт йилдан бери менинг ишончимни суистеъмол қилиб, менга хиёнат қилиб келган маҳлуқни жиноят устида ушлаб, у билан тинчгина ажралишни истайман. Уч йил олдин ҳомиласини мендан рухсатсиз олиб ташлаганининг

сабабини энди тушундим. Сизнинг эрингиз унинг навбатдаги ўйнаши бўлиши мумкин. Сизнинг фарзандларингиз борми?

— Фарзанд кўрмадик, аммо мен соғломман, — деди Соҳиба. — Азимбек ака, сиз ажойиб инсонсиз. Сиз менинг халоскоримсиз. Мени ёлғизлатиб қўйманг, хўпми?

— Нима деганингиз бу? Биз энди бир-бири мизга ипсиз боғланганмиз. Мен сизни тинч қўяманми? — дедим мен. — Энди жуда, жуда ҳам яқин дўстингиз бўламан-ку!

— Буни қандай тушунса бўлади? — деди Соҳиба.

— Истаганингиздек, — дедим-да, официантни чақирдим.

Бекатда Соҳибанинг белидан ушлаб, ўзимга тортгандим:

— Қандай ҳаддингиз сиғди? — деди аёл жаҳл билан.

— Узр — дедим-да, ён чўнтағимдан ёқут кўзли узук боғланган дастрўмолни Соҳибага узатдим.

— Буни сизга эсадалик учун бергандим. Ҳоҳласангиз сизда қолсин, ҳоҳласангиз ташлаб юборинг! Менга эримнинг ҳам, ота-онамнинг ҳам, яшашнинг ҳам аҳамияти қолмади, — деди-да, мендан юз ўғириб, тумтайиб туриб олди.

Мен у билан ёнма-ён юриб, хаёлимдан: «Менинг хотиним бўлганингизда эди, дунёда энг баҳтли инсон мен бўлармидим», деган ўй кечди.

— Нима қилмоқчисиз? — дея сўрадим.

— Нима қилмоқчиман?

— Ҳа!

— Буни сизга аҳамияти йўқ! — деди у, ҳеч нарса бўлмагандек.

— Тўхтанг! — дедим-да, унинг қўлидан ушлаб ўзимга қаратдим. — Ҳозиргина мени халоскорим, фариштагинам демадим, денг!

— Ҳа! Аммо сиз мени ранжитдингиз, түё мен бўйнингизга осилгандек!

— Узр! — дедим мен.

— Яхши, мени бошқа ранжитмассиз?

— Ҳеч қачон, — дедим мен.

Кечқурун уйга қайтганимда, Хонима диванда ётиб олиб, китоб ўқиётган экан. Унга кўзим тушган чоғи эшигларим эсимга тушиб қоним қайнаб кетди. Вақтида ўзимга келиб: «Салом азизим, ота ма-кандагилар соғ-омонмилар?» — дедим кулимсираган бўлиб.

— Салом айтиши, — деди Хонима ўрнидан туриб.

— Кайфиятингиз йўқроқми?

— Москвага, хизмат сафарига юборишяпти, — дедим норози оҳангда.

— Неча кунга?

— Уч ёки тўрт кунга бўлса керак, эртага чипта билан йўл харажатлари пулини беришади, сен уйда бўласанми?

— Дўхтирга боришим керак, — деди Хонима. — Нимайди?

— Баъзи идоралардан керакли ҳужжатларни олишим керак, — дедим мен.

— Яхши, нима десангиз шу, — деди Хонима ич-ичидан қувониб. — Демак, мен уйда бўлишим керак.

— Худди шундай, — дедим мен. — Сафар ан-жомларни ҳам тайёрлаб қўясан, хўпми?

— Аэропортда кузатиб қўяман, шундайми?

— Албатта, — дедим-да унга разм солдим.

Ёши йигирма бешда бўлишига қарамай, кўз ости қорайиб, халтачалар осилиб тушибди. Қовоғида, пешонасида яхшигина ажин пайдо бўлибди. Қиёфа-сида аёллик латофати кўринмайди.

— Жуда чарчабман, — дедим мен. — Ётиб ух-лайман.

У келиб бўйнимдан кучоқлади.

— Жоним менинг, сизни ўлгудек соғиндим, — деди у.

Гўё заҳарли илон бўйнимга ўралиб олгандек сесканиб тушдим. «Сир бой бермаслигим керак», деган фикр миямга чақмоқдек урилди-да, ўзимни базур бостанча уни қучоғимга олдим. Эрталаб Хонима врач қабулига кетди. Мен хоналарнинг кўринмас жойларига маҳсус микропередатчиклар ўрнатдим. Кейин подвалдан кириш йўлларидағи тўсиқларни олиб ташладим.

Чипталар қайд этилиб, учиш майдонига йўл олганимизда, Хонима билан хайрлашдим.

Тунги соат ўнда уйимиз деразаларига қарама-қарши курилиши тутатилмаган кўп этажли уйнинг иккинчи қаватида туриб, кузатишни давом эттирдим. Соат ўн бирлар чамаси меҳмонхона чироги ёниб, икки кишининг қораси кўринди. Аёл ва эркак. «Шошилиш керак, ўн беш дақиқалар чамаси ўтар-ўтмасдан ошиқ-мошиқлар тўшакка шошиладилар» — хаёлимдан кечирдим мен. Кейин тез-тез юриб, уйимиз подвалига кириб, шахта орқали юқорига кўтарилиб олдим-да, бугун эрталаб ўрнатиб қўйганим микропередатчикларни ишга туширдим. Энди қайси хонада нима бўлаётганини бемалол эшитардим.

Турли трубалар ўтган заҳ, бадбўй шахтада осилиб туриш азобли бўлса-да, чидашга тўғри келди. «Вақти келди, кечикиш мумкин эмас», деган фикр миямга чақмоқдек урилди. Ҳожатхонага кирадиган дарчани очиб, уйга кириб олгандим. Ётоқхона билан ҳожатхона оралиғида болалар хонаси бўлиб, омборхона вазифасини ўтайди. Шунинг учун эшик очилиши

товуши ётоқхонага бориб етмайди. Бунинг устига-устак, радиокарнай туну кун вайсайди. Ҳозир оқшом тароналаридан мусиқа янграб, менинг эҳтиёткор ҳаракатларимни ютиб юборади. Полга жой солиб иштиёқ билан алоқа қилаётган ошиқ-мошиқлар тепасида пайдо бўлдим ва фотоаппаратни ишга туширдим.

Хотиним чойшабни устига ёпмоқчи бўлиб, қўл чўзганида боши устида болта тигини кўриб, ҳаракатдан тўхтади. Эркак ичига яхшилаб бир тепкини еб, ҳаракат қилмай кўйди. Хонима ялиниб-ёлворар, қасам ичиб, ўйнаши мажбурлаганини такрорларди.

Мен чойшабни йиртиб, иккисини орқама-орқа боғлаб ташладим-да:

— Тинч ётмасанглар болталаб ташлайман! — деб пўписа қилдим.

Телефондан таниш адвокатни чақирдим. Бугун огоҳлантириб қўйганим боис телефон қилишим билан таниш адвокат:

— Ҳозир етиб бораман, — деди. — Мен борганимдан кейин холис гувоҳлар чақирамиз, милицияга хабар бермадингми?

— Йўқ, — дедим мен.

Адвокат келганида хотиним:

— Бизни болта остига олиб, ечинтириб, қўшиб боғлаб қўйди! — деди йифлаганича.— Бу эркакни танимайман! Уни ўзи билан эргаштириб келди.

— Яхши, унда суд-тиббий экспертиза чақирамиз, — деди адвокат ва район прокурорига кўнфироқ қилди.

Милиция, суд тиббий экспертиза ўз ишини қилди. Ҳониманинг яқинлари адвокат ёллаб, менга қарши жиноий иш қўзғатишни қаттиқ туриб талаб қилдилар.

Аммо менинг адвокатим Николай Буркин ҳам бўш келмади.

Аслиддин Тошев билан Хонима Эргашеваларда тан жароҳати бўлмаганлиги ва яқин алоқада бўлганликлари аниқланди.

Адвокат Николай Буркин ҳамда милиция терговчиси Николай Солиевлар қўшниларни сўроқ қилганларида:

— Манави хотинбоз (Аслиддинга ишора қилиб) кунора кечаси келиб, Хониманинг уйига кириб кетарди. Керак бўлса гувоҳлик бераман, — деди.

Яна икки аёл:

— Қўшнимиз Хонима Аслиддин бўлмай қорамозор бўлгур билан ўйнаш ўйнаб юрганига гувоҳлик бераман, — дейишиди.

— Бундай шарманда бўлмай ажралишни иложи йўқмиди куёв? — деди Хониманинг опаси.

— Буни синглингиздан сўранг, гўёки унинг ўйнашини мен эргаштириб келиб, қўшилишга мажбур қилган эмишман, — дедим мен.

Николай Буркин прокурор билан гаплашиб, мен туширган фотосуратларни ҳам жиноий ишга тиркаб қўйди.

Хониманинг яқинлари мени дўппослашга уринишди. Бунда ҳам Буркин жонимга оро кирди. Орадан уч кун ўтиб, Хонима ўзига тегишли қимматбаҳо уй жиҳозларини машинага ортаётган чоғда:

— Азимжон ака, шу уйни менга қолдирсангиз дегандим, — деди ялиниб.— Қайси юз билан отамнинг уйига бораман?!

— Қайси юз билан бу маҳалла одамлари орасида яшайсан?

— Бошқа тумандан уй топиб, алмаштираман, — деди Хонима кўз ёшларини артиб.

— Яхши, — дедим мен. — Сен айттанингча бўла-
қолсин.

«Тўрт йил умринг беҳудага ўтди, бу уй менга
бахтсизликдан, хиёнатдан бошқа нарса бера олгани
йўқ».

— Нарсаларингни уйга жойлаштири, хужжатларни
тайёрлат, ўзимга жой топиб, шу бугуноқ нарса-
ларимни олиб кетаман, — дедим мен.

Телефонда Соҳиба билан гаплашиб, учрашув
жойини, вақтини айтдим.

— Мен ҳам сиз билан кўришмоқчи эдим, тинч-
ликми? — деди Соҳиба учрашганимизда. — Эримни
қаматиб қўйган кўринасиз?

— Эрингизни мен эмас, севикли дугонангиз қа-
маттириди, — дедим мен. — Сизга совуқ таъсир қил-
майдими, палъто тутгамарини ечиб ташлабсиз?

— Қизиб кетибман. — Хўш, энди нима қил-
моқчисиз? — деди у. — Хотинингизни ҳайдаб, бир
ўзингиз уч хонали уйда, яйраб яшаркансиз, шуна-
қами?

— Уйни Ҳонимага совға қиласиган бўлдим, —
дедим мен.

— Уйни ишхонангиз сизга расмийлаштириб
бермаганмиди? — деди у ҳайратдан ёқа ушлаб.

— Бу ҳақда кейинроқ....

— Йўқ, — деди Соҳиба. — Ҳозироқ айтасиз!

— Нима ҳам дердим, унчалик ваҳший бўлишни
истамадим. Ҳонима ўзига тегишли жазони олди,
бундан кўпроғи ўлимдан бошқаси эмас, ҳар ҳолда
биз инсонлармиз. Уй масаласига келсак, бахтсиз-
ликдан бошқа нарса бермаган кошонанинг менга
кераги йўқ, энди тушунгандирсиз?

— Жуда тўғри қарор қабул қиласиз, — деди
Соҳиба бироз сукунатдан сўнг. — Ҳар ҳолда, йигит
кишисиз, мурувватли бўлишдан-да ортиқроқ ин-

соннинг зийнати бўлмайди. Энди нима қилмоқчисиз?

— Борадиган жойим йўқ, ишхонамга қарашли меҳмонхонада истаганимча яшашим мумкин, аммо негадир кўнглим чопмаяпти, — дедим мен.

— Хоҳлассангиз, менинг ишхонамнинг ётоқхонасидан бир хона гаплашамиз, нима дейсиз? — деди Соҳиба.

— Яхши бўларди. — дедим-да, ён чўнтағимдан фотосуратлар солинган пакетни Соҳибага узатдим. — Сизга асқотиб қолса керак. Эрингизни қамоқдан шу буғуноқ бўшатиб юборишса керак. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, сизнинг қўлингиздаги далилий ашёлар, яъни олдинги олинган фотосуратларни ҳисобга олишса, Хонима билан ораларида яхшигина алоқа борлигини тасдиқлайди. Агар истассангиз, эрингиз билан ажralиш ҳақида ҳужжат тайёрлашингиз мумкин. Маслаҳатим, бу ишни адвокат олиб бориши керак, нима дейсиз?

— Эрим эмас, гиена деган итнинг ўзгинаси-ку? Шарманда! Бу иблиснинг башарасини кўришдан жирканаман. Адвокатга қанча пул керак бўлади? — деди Соҳиба довдираганча.

— Бу ҳақда бош қотирмассангиз яхши бўларди, — дедим мен. — Адвокат хизмати бепул. Ҳозир эса, шаҳарнинг энг яхши ресторанида тушлик қиласиз, нима дейсиз?

— Душманларимиз бизни суратга тушириб олишларидан қўрқмайсизми? — деди Соҳиба.

— Асло қўрқмайман, — дедим мен. — Яратганнинг ўзи сиз билан мени хиёнат ва жирканч маҳлуқлар исканжасидан қутқазди. Тақдир сиз билан мени энг қора кунларимизда дўст бўлишимизга имконият яратиб берди. Наҳотки буни ҳалигача англаб етмадингиз?!

Соҳиба ҳайрат билан юзимга тикилиб қараб турди-да, қўлимдан ушлаб, кетдик, деди.

Қир-адирлар яшил либосга бурканиб, жилғалардан зилол сувлар чулдираб оқади.

Мовий осмонда турналар саф тортиб, шимол томонга учади. Ҳозиргина ҳаётбахш нур сочаётган қудратли қуёш юзини қора булат қоплаб олиб, чақмоқ чақнайди. Кейин момақалдироқ гумбирлайди. Бир зумда олам қоронғулашиб, қатта-катта илиқ ёмғир томчилари сепалайди-да, кейин шиддат билан ёға бошлайди.

Баҳор ёмғири табиатни аввал ювиб, кейин минглаб турдаги гиёҳтарга, гулларга чулғаб ташлайди. Шаҳарда баҳор бошқачароқ намоён бўлади. Қизжувонлар енгилгина баҳор либосида, қўлларига соябон кўтариб, йўлида учраган эркақлар орасидан кимнидир кўрмоқчидек суқланиб қарайдилар-да, ўzlарида бўлган аёллик латофатини кўз-кўз қилалилар.

Соҳибанинг ишхонасига қарашли ётоқхонанинг иккинчи қаватидаги кичкинагина хонада яшаётганимга тўрт ойдан ошди. Соҳиба хонамни тартибга солиб, уст-бошларимни ювиб, дазмоллайди. Ҳолимдан хабар олиб туради. Тобим қочиб, ётиб қолгудек бўлсан, ёнимдан нари кетмайди. Ҳуллас, қадрдон дўст бўлдик, десам бўлади, аммо ўлгудек ўжар, «бундай қарор қабул...» меъдамга тегди. Гоҳо нима қилишни билмай қийналаман.

Ётоқхонамиз ёнида мўъжазгина боғ бор. Дарахтлар япроқ ёзиб, олчалар қийғос гуллаган чоги мен ҳам борлиқда мавжуд бўлган мавжудот сингари жуфтим бўлишини хаёл сурман. Соҳиба ҳақида ўйласам юрагим орзиқиб кетади. «Бирор қарорга келишга эрта», дегани деган.

Ёруғ дунёда ундан бошқа аёл зоти йўқдек, бошқасига қарашни тасаввуримга сиғдира олмасдим. «Соҳиба ёмон қиз эмас, аммо ўлгудек ўжар» — шундай хаёлларга берилиб, боғ айланиб юрганимда туйкус ёнимда пайдо бўлса бўладими.

Узун атлас кўйлакда, тимқора, бўлиқ сочини елкасига ташлаб, нимтабассум-ла менга тикилиб турибди.

— Янгилик бор, — деди у. — Айтсамми?

— Айтақол, — дедим мен сабрсизлик билан.

— Талоқ хати қўлимга тегди. Менга тегишли уй жиҳозларини аллақачон олиб кетиши. Уй Аслиддин-нинг отасига тегишли эди.

— Табриклаймиз, — дедим-да Соҳибани даст кўтариб, айлантириб қучогимга тортдим-да лабидан яхшилаб бўса олдим.

— Айиқполвон, қўпол! — деди у, кўзлари чақнаб. — Одамлар нима дейди?!

Соҳибанинг юзига тикилиб, қараб турдим-да:

— Одамлар энди бир қарорга келиб бўлишиди, — деб кулиб юбордим.

— Хўш, — деди у, — қандай қарорга келишибди, айтингчи?

— Икки ёш бир ёстиқقا бош қўйишлари керак, деган қарорга, — дедим мен жиддий тус олиб

— Ахир мен ҳам инсонман, мендан сўрамасдан-а? Устига-устак, бошпанамиз йўқ.

— Шошилманг, хоним, бу вазифани астойдил бажаришни менга қўйиб беринг. Йўқ демасангиз, ҳаётимизни янгидан бошлаймиз. Бунинг учун муносабатларимизни расмийлаштириб, иккимиз чет мамлакатга бориб ишлаймиз.

— ЗАГС уч ойга муҳлат бермайдими?

— Эртагаёқ расмий равишда, қонуний эрингиз бўламан, — дедим мен ҳам қайсарлик билан.

— Бунча шошилинч, ахир ота-онамдан оқ фотиҳа олмайсизми?

— Шу бугуноқ. — дедим мен. — Ҳозироқ борамиз, йўқ демант жоним!

— Бошим қотиб қолди, нима десамикин, йўқ десам нима қилардингиз? — деди у. — Ҳафа бўлмассиз?

— Бузилган кўприкдан пастга ташлайман! — дедим мен жиддий.— Бошқа нажот йўлини кўрмаяпман.

— Мен бирор қарорга келганимча йўқ. Ростданам кўприкдан пастга ташлайсизми? — деди хавотирланганча Соҳиба менга тикилиб.

— Ҳа! Ростданам, мен аллақачон шундай қарорга келганман.

— Жоним, менинг азизим. Ёмон хаёлларга борманг! Оёқларингиз остида поёндозингиз бўлай! — деди аёл кўксимга бош қўйиб йиғлаганича, — менга яна озгина вақт бера олмайсизми?

— Бундай қила олмайман, — дедим мен. — Ўтган тўрт ой менинг иродамни синдиришини наҳот тушунмасангиз?! Майли, сиз айтганингизча бўла қолсин.

— Азимжон ака, ўзимни тута олмаяпман, тушунинг, мен йиғлаётганим йўқ, бу севинч кўз ёшлари. Ёнимда сиз бўлмаганингизда, менга таскин бериб, руҳий қувват бермаганингизда, аллақачонлар синиб бўлган бўлардим. Сўнгги бор сизни кўприк устида кутганимда, атиги беш дақиқа кечикканингизда борми... — Соҳиба ўксиниб, бирор сўз айтишга мажоли етмасди.

Менинг кўксимга бош қўйиб, йиғлаганича:

— Азимжон ака, биласизми? Ёргу дунёда мендан баҳтлироқ инсон бор эканми?!

— Ҳа, — дедим мен. — Сени баҳтли бўлишта ҳаққинг бор.

Машинамиз қир-адирлар оша ўнқир-чүнқир йўлларни босиб ўтиб, Соҳиба ўйнаб ўсган қишлоққа етиб келдик.

— Қизим, соғ-омон бормисан, — дерди онаизор кўз ёшларини рўмоли учига артиб. — Биздан не гуноҳ ўтдики, бошингга тушган мусибатларни бир ўзинг кечирдинг!

— Киноактёр бўлсангиз керак, шундайми? — деди мен билан қўл олиб кўришган икки қиз. — Опамизни дидлари чакки эмас, тўғрими? Менинг исмим Ҳосила, тўққизинчи синфда ўқийман, бу эса Роҳила, еттинчи синфда ўқыйди.

Рустам ака ток қайчисини бир чеккага қўйдида, қўлини чопони барига артиб, қизини бағрига босди.

— Қизим менинг, отанг айлансин, нега уйга келавермай бизни ранжитдинг.

— Қўяверинг ота, — деди Соҳиба. — Ҳаммаси ўтиб кетди.

— Сен билан бўлиб, меҳмонни унутиб қўйибмиз, — деди она.

Мени пешонамдан чўлпиллатиб ўпди-да елкамга қоқиб қўйди.

Ҳосила товоққа ун олиб чиқиб, устимизга сепди.

Рустам ака менга ёвқарашиб қилиб, кейин тиржайиб:

— Шофёр, сизни маҳтал қилмасак, дегандим, йўл кирасини айтинг, неча пулга келишгансиз?

— Ҳай-ҳай ота, бу киши мени шаҳарга олиб кетади-ку! — деди Соҳиба.

Рустам ака қизини мендан рашқ қилди. Ҳа, ҳа демаса уриб ҳайдарли-ю, негадир бундай қилишга ботина олмай турганини сезган Соҳиба:

— Отажон, онажон, ука ва сингилларим, аммажон! Бир дақиқа диққат билан мени эшитинг!

Соҳиба сукут сақлаб, сўзида давом этди.

— Бу йигит менинг бўлажак умр йўлдошим Азимбек бўладилар. Отажон, сизни ва онажонимни оқ фотиҳаларингизни олиш учун остоңангизга бош уриб келдик.

— Танимасни сийламас деганлар, — деди Рустам ака. Елкамдан ушлаб, яхшилаб силкилади-да, — жуссангиз ўта пишиқ, спортнинг қайси тури билан шуғулланасиз?

— Спорт нималигини билмайман, — дедим мен.

— Мен кураш тушганман, — деди Рустам ака. — Ҳозир ҳам манаман деганини ер тишлатаман.

— Кўраяпман, — дедим мен. — Мускулларингиз тошиб кетаяпти.

Чори қўйни етаклаб келишди. Рустам ака қўлини дуога ёзди. Ҳамма дуога қўл кўтарди.

— Икки ёш қўша қарисин, ували-жували бўлишин, омин, оллоҳу акбар!

— Қани ўғлим, оёғинг остига қўй сўямиз, таомил шунаقا, қассоб маҳтал бўлмасин, дуога қўл кўтар. Соҳиба, қизим, келақол, куёв бўлгучни оти нимайди? Ҳалиги...

— Азимбек, — деди Соҳиба. Мен дуога қўл кўтардим.

Кейин машина юхонасидан совғаларимизни туширишди. Уйга кирганимиздан кейин ҳаммага совға улашдик. Соҳибанинг онасига бош-оёқ сарподан ташқари «сут пули»ни ҳам бердик.

— Ўғлим йўқ эди, — деди Рустам ака, шоп мўйловини бураб. — Сен Азимбек менинг ўғлим бўлдинг, мента айтчи, маконинг қаер, ота-онанг соғ-омон борми? Қандай хизматдасан? Кўринишдан оддий одамга унча ўҳшамайсан.

— Туғилиб ўсган маконим — Қашқадарёнинг тоғли Лангар қишлоғиданман. Ука-сингилларим, амакиларим, тоғаларим, қавм-қариндошларим

бор. Ўзим давлат хизматидаман. Оддий хизматчи десак ҳам бўлаверади. Хизмат фаолиятимиз сир сақланади.

— Айбга буюрмайсан, — деди Рустам ака. — Ота ўрнига ота тоға ёки амакинг бор экан. Иложи бўлса, фурсатингга қараб, шу кишиларни чақирсанг, танишиб олсак дегандим.

— Энг муҳими, сизларнинг розилигингизни олдик. Менинг қариндошларим билан кейинроқ танишсангиз, демоқчиман. Соҳиба билан муносабатларимизни расмийлаштириб олганимиздан кейин, шаҳардаги энг яхши ресторонлардан бирида кичик бир банкет қилмоқчимиз. Ўшанда қудаларингиз билан танишиб оласиз.

— Яхши, — деди Рустам ака. — Қизим, Соҳиба, шариатда инсоннинг «бир кунлик умринг бўлса ҳам турмуш қур», деган экан. Онангнинг айтишича, иккингиз икки уйда яшармишсиз, шундайми?

— Шундай, дада.

— Қарши бўлмасангиз, — деди ота. — Шу бугун кечга сизларни никоҳлаб қўяман, қандай?

— Азимбекдан сўранг, — деди Соҳиба уялганидан қизариб.

— Ўғлим, сен нима дейсан?!

— Мен розиман, — дедим мен.

— Сизлар мактаб ўқувчилари эмассизлар. Яна ўйламанг, отамиз бизни мажбурлаб никоҳляяпти, деб. Йўқ, асло, нима дейсизлар? Ўғлим Азимбек, розимисан?

— Розиман, — дедим мен.

— Сенчи, она қизим, розимисан?

— Отажон, — деди Соҳиба уалиб.

— Розимисан? — деди Рустам ака жаҳл билан.

— Ҳа, розиман, — деди Соҳиба.

— Бу бошқа ғап, — деди Рустам ака. — Кампир, сен нима дейсан?

— Бу икки ёш қоронғу кечада топишган, — деди Мунис хола. — Күёвданам, қизимданам күнглим түқ, мен оқ сутимга розиман. Ёшлар азоб чекканлари етар, шу бугуноқ никоҳлаб қўшиб юборсангиз, яхши бўлади.

— Роҳила, Ҳосила, сизлар нима дейсизлар?

— Поччамиз яхши инсон, опамизни берамиз, — дейишди қизлар.

Амма, холалар ҳам рози бўлишди. Шундай қилиб, Рустам аканинг чорбоғида гилам, кўрпачалар тўшалиб, дастурхонга ноз-неъматлар тўкиб ташланди. Қавм-қариндошлар йиғилиб, шу кечқурун никоҳ хутбаси ўқилди. Қатиқдек қуюқ кўй шўрваси тортилиб, лаганларда ёғли гўшт келтирилди. Меҳмонлар ёғли қўлларини қошлирига суртиб, махсиларни ёғлаб бўлганларидан кейин, дастурхонга яхши тилак билан омин қилинди. Семиз болишга ёнбошлаб, кўк чойни хўриллатиб ичаётган маҳалла оқсоқоли Тўра бригадир ака:

— Рустамбек, меҳмондорчиликнинг сабабини сезтан бўлсанм-да, сиздан эшитсак, дегандим.

— Қизимиз Соҳибани аҳволидан хабарингиз бор. Бу йигит Соҳибанинг бўлажак турмуш ўртоғи Азимбек бўлади, — деди Рустам ака. Бироз сукут сақлаб. — Икки ёшни бошини бириклириб қўйсак, дегандим.

— Унақада мулло Номоз никоҳ хутбасини ўқийди, шундайми? — деди маҳалла оқсоқоли.

Шундай қилиб, Соҳибанинг оила азолари бизни кузатиб қўйишди. Бир-бировимизга айтадиган гапимиз қолмаганди. Шунинг учун жимгина кетаяпмиз. Туйқус рация ишга тушиб, мени алоқага чақира бошлади. Аммо мен жавоб бермасдан кетавердим. Шаҳарга яқин келганимизда Соҳиба тилга кириб:

— Биласизми, Азим ака. Сиз мени севмайсиз, деб ўйлагандим.

— Жоним, менинг гүзалим. Сени севаман. Жонимдан ортиқ севаман! — дедим мен.

Машинани тұхтатиб, Соҳибанинг нозиккина жуссасини кўксимга босиб тўйгунимча бўса олдим.

Тун. Ой кўтарилишига анча вақт бор. Тун қоронғусида ям-яшил қир-адирлар, япроқ ёзган довдараҳтлар қора соя бўлиб кўринади. Ёнингда суҳбатдошингни қиёфасини кўра олмасанг-да, ундан руҳий қувват оласан киши.

Тоғ чўққилари, баланд қирлар, азим дараҳтлар устида ёқут юлдузлар кўкиш нур сочади. Минглаб юлдузлар акси дараҳт япроқларида турли рангларда товланади.

— Кетдикми? — дедим мен, ҳамроҳимнинг қўлидан ушлаб.

— Йўқ, — деди у, пинжимга тиқилиб. — Тонг оттирамиз.

С Е Х Р Л И Т О Ш

— 1 —

Мен болалигимдан китоб ўқишини яхши кўрадим. Аввалига суратли, ёзувлари катта-катта, қисқагина ҳикояларни ўқиб, завқ олган бўлсам, эндиликда қалин жилдли роман, повестларни ўқийман. Китоб қаҳрамонларига қўшилиб изтироб чекаман, тоҳо йиғлаб, тоҳида қувонаман.

«Бу йил ёзда ўн биринчи синфни тутатсан тўйимиз бўлади», хаёлимдан кечди.

Мен тошойна ёнига келиб, қўлларимни қўтарганимча, сочимни ечиб, ёзиб ташладим-да, қўкракларим устида ўйнаб турган қўнғир соchlаримни орқага ташлаб, «Некқадам, наҳотки сен менинг вафодор турмуш ўртоғим бўлсанг? Ҳечам ишонгим келмайди. Бошқа келган совчиларни қувалаб ҳайдашди: «Қизимиз ёш, олий мактабда ўқитамиз, бошқа жойларни кўраверинг, узр, берсак сизнинг ўғлингиздек йигитга берамиз», дейишиди.

Аммо Некқадамдан совчи келганида: «Ўйлаб кўрамиз», деди отам. Чет эл киноларида келин билан куёв тўйдан кейин тўй саёҳатига кетишади. Қанийди куёв бола мени ҳам узоқ-узоқларга, денгиз соҳилингиздек саёҳатга олиб кетса.

Некқадам армия хизматига кетиш олдида фотиҳа тўйимиз бўлди. Куёв бола билан илк бор учрашганимизга анча вақт бўлган бўлса-да, фотиҳа тўйимиз куни кечқурун учрашувга чақирди. Бордим. У мента тилла соат совға қилди.

Ўшанда мен:

— Никоҳ тўйимиз куни берарсиз, — деб соатни олмадим.

— Қўйсанг-чи Раъно, — деди у. — Мени қўлимни қайтара кўрма, биз унаштирилдик. Бу соат сени турли нопокликлардан асрайди.

Соатни қўлимга олдим.

— Ростданам чиройли соат экан, сизнинг совғангизни олишим керак, ахир сиз менинг бўлажак умр йўлдошимсиз, шундай эмасми?

— Албатта, — деди Некқадам. — Бер-чи?

У қўлимдан соатни олиб, тугмачасини босди. Соат қопқоғи очилиб, Некқадам иккаламизнинг кулиб тушган суратимиз уккининг кўзига жойлаштирилган экан.

— Яхшилаб қара, — деди Некқадам.

Бизнинг суратларимиз ўрнида кобра илоннинг боши айри тилини чиқариб туарди.

— Вой-бў, — дедим мен таажжубланиб.— Укки, кобра илондан бошқа нарса топилмадими, жуда кўрқинчли эмасми, Некқадам ака!

— Бер-чи, — деди у қўлимдан тилло соатни олиб, қопқоғини ёпди. — Бу соат сирини фақат сен биласан. Бўйнингга тақиб ол.

Мен нима қилишни билмай, қараб тураверибман. Шунда қўлимдан соатни олиб, тилла занжирини очди-да, менга жуда яқин келиб, бўйнимга тақиб кўйди. У узоклашмоқ ниятида орқасига тисланган чоғи унинг қўлларидан ушлаб тўхтатибман, тавба, қандайдир сеҳрли куч мени унинг қучогига солиб кўйганини эсласам, уятдан тарс ёрилиб кетаман. Кейин у мени ўпди.

Унинг оғушида қанча вақт турганимни билмайман, аммо у кишининг қучогига ўзимни йўқотиб кўйганимни яхши биламан. Сеҳрли туш кўриб уйғонган одамдек сесканиб, Некқадамни итариб ташладим-да, қочишга чоғланганимда у менинг қўлимдан ушлаб тўхтатди. Мен унинг юзига қарашга ботина олмасдим. У мени яна кўксига босиб ўпди. Мени қаршилик қилишга мажолим етмасди. Уйта қайтдим-да, кроватимга ётиб олиб, ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа тафсилотини хаёлан тасаввуримда жонлантирдим. «Биласанми Некқадам, ёруғ дунёда сендан бошқа йигитни тан олмайман».

Некқадамнинг институтни тугатишига атиги уч ой қолган эди. Эртага у узоқ сафарга — армия хизматига жўнаб кетади.

Овулимизнинг тоғ тарафида турли кўринишдаги қоялар, гажтал тошлар орасида булоқ бор. Ўша булоқ ёнида бошини эгиб ўтирган келинчакка ўхшаш қоятош бор.

Айтишларича, шу қоятошда муродига ета олмаган келинчак рұхы макон топғанмиш. Келинчакнинг күёви билан тўйи куни қуёвнинг ўлигини отга ортиб келишади. Шунда келинчак: «Менинг қадамим қутлуг бўлмай, эр йигитнинг ўлимига сабабчи бўлдим», деб одамлар кўзига кўринишни истамай, худодан ўлимини тилаганмиш. Ўша куни кечаси момақалдироқ гумбирлаб, чақмоқ чақнаганмиш. Еру кўкни қоронғулик қоплаб, шаррос ёмғир ёғибди. Эрталаб овул одамлари қизни қидириб топиша олмабдилар.

Катта қоятошни яшин уриб, юзига чачвон ёпиб олган келинчак шаклидаги қоятош пайдо бўлибди. Шундан кейин кимда-ким қоятошга яқин борса, баҳтсиз күёв билан муродига ета олмай ғойиб бўлган келинчак рұхы тушига киравмиш.

Аммо Некқадам ҳеч нарсадан қўрқмайдиган жасур йигит бўлгани учунми, шаҳардан келганида шу ваҳимали тош ёнида ўтириб дарс тайёрлар, гитарасини қўлига олиб мунгли ва сирли қўшиқларини куйларди. Булоқ шу даражада ваҳимали эди-ки, чашма ёнига яқин келишдан одамлар қўрқардилар.

Некқадам армия хизматига кетадиган кун у билан сирли тош ёнида учрашдик.

Ярим тунда мени ваҳима босиб, йигитнинг кўксига бош қўйдим.

— Некқадам ака, — дедим мен. — Нега мени ваҳимали тош ёнига чақирдингиз?

— Биласанми, Раъно, — деди у. — Бу қоя қалбida садоқат, ишқ ва муҳаббат тилсим қилинган. Ростданам мени севсанг, билгинки, сен билан менинг муҳаббатимга завол бўлмайди. Шуни ҳеч қачон эсингдан чиқарма, хўпми?

— Хўп, — дедим мен, гўё тошга тилсим бўлган соғ муҳаббат соҳибаси ёнимда менга мадад бериб тургандек рұхим кўтарилиб, қояни тавоб қилиб.

- Некқадам ака, — дедим мен.
- Азизим, — деди у. — Борлиғим билан сени эшитаман.
- Сизга кичкинагина, арзимас совғам бор, — дедим мен. — Бермоқчийдим.
- Қани күрайлик-чи? — деди у қувониб.
- Атрофларига зар мунчоқлар териlgан дастрұмолнi унга узатдим.
- Інгизда олиб юрсанғыз, дегандим, — дедим мен.
- Үх-хұй, — деди у севиниб. — Бу кичкинагина әмас, менинг күнглимдагидек совға-ку, раҳмат!
- Сиздан бир нарса сүрасам, дегандим, — дедим мен.
- Сүрайқол.
- Биласизми, Некқадам ака, мен келинлик либо-сini кийишни, одамларға майна бўлишни истамайман. Ундан кўра, иложи бўлса мени узоқ-узоқларга, мовий денгиз соҳилларига олиб кетасиз, шундайми?
- Бу гапни қаердан олдинг, — деди Некқадам. — Ахир элга тўй бериш, келинлик гўшангага қадам қўйиб кириш сенинг ва менинг орзуйим әмасми?
- Кeling, бу ҳақда гаплашмайлик, энди мен кетдим, — дедим-да йўлга тушдим.
- Шошма менинг севгилим, — деди Некқадам. — Мен икки йил армия хизматида бўламан. Бу икки йил мобайнида замон ўзгаради. Ҳаётимизда не-не саргузаштлар, яъни синовлар бўлмайди, дейсан. Хўш? Тақдир синовларига дош бероламизми?
- Некқадам ака, — дедим мен. — Сизни билмадиму, мен ҳар қандай вазиятда, неки бошга тушса, сабр-тоқат билан тақдир синовларига дош бераман. Сиздан бошқа йигитта билагимни ушлатишим менинг ўлимим билан тент.

— Мен ҳам сендан бошқа аёл зотига яқин боришим менинг ўлимим бўлади, — деди Некқадам. Кейин менинг қўлимдан ушлаб, юзимга тикилиб турди-да, кулди. — Мана кўрасан, орзуйимиздай тўй ҳам қиласиз, денгиз соҳилларига ҳам, ўлмасак, албатта борамиз.

Биз кўл ушланиб, секин уйга қайтмоқдамиз.

Кеч кирди. Мусаффо осмонда яккам-дуккам юлдузлар милтираб, қоронғулик секин-аста оламни забт этмоқда. Атрофлари ям-яшил ўт-ўланга бурканган чашма суви кумуш тусда чулдираб оқаяпти. Осмонўпар қоялар орасида Сирли тош ваҳимали тус олиб, киши кўнглига осойишталик, ором бахш этади. Чигиртка-ларнинг тинимсиз нолишига тунги қушларнинг чараклаб сайраши кўшилиб, ҳаётнинг давомийлиги мадҳини куйлайди.

Эртаси куни Некқадамни ҳарбий хизматга кузатиб қўйишиди. Мен, қайлиғим билан кеча кечаси хайрлашган бўлсан-да, бугун ҳамма қишлоқдошларим билан йўл четида туриб, унга кўл силтаганимча кузатиб қолдим. У бўлса машинага ўтиришдан олдин чўнтағидан мен совға қилган дастрўмолни олиб силкитиб, мен билан хайрлашди. Қайлиғим ўтирган машина орқасидан чанг ва бензин ҳидини қолдириб, қирдан ошиб, кўринмай кетгунича севикли ёримга омад ёр бўлишини тилаб тураверибман. Ёнимдаги дугоналарим қўлимдан ушлаб тортмаса, одамларга кулги бўлиб тураверарканман.

Кунлар ўтаверди, ойлар ҳам бирин-кетин ўтаяпти. Некқадамдан фақат биттагина мактуб олибман. Мактубни бағримга босиб, сирли тош ёнига шошилдим. Тоқатсизлик билан мактубни ўқияпман:

«Жонажон Ўзбекистонимизнинг тоғли Лангар қишлоғида ёрини соғиниб, дардини гулларга, сеҳрли тоғу тошларга қўшиқ қилиб айтиб, висол онларини

сабрсизлик билан худодан тилаёттан муҳаббатим маъбудаси бўлмиш Рањогинамга, Новосибирск шаҳри яқинидаги ўрмонзорлардан оловли салом йўллаяпман ва сизларга соғлик-омонлик тилайман...»

Мактубни қайта-қайта ўқийман ва ҳидлаб, севгили ёримнинг тер ҳидини қидираман.

Кейин сирли қоя пойига бош қўйиб, менинг муҳаббатимни асрани Оллоҳдан сўрайман.

Тунлари ёстиққа бош қўйиб ўзимга ва узоқдаги ёримга хайрли кеч тилаб, ухлайман. Аммо ҳар куни эмас, гоҳо-гоҳо севгилимни тонг чоғи тушимда кўраман. Биласизми, у сафдошлари билан ҳарбий қўшиқ айтиб, мардонавор қадам ташлаб боради. Гоҳида бошқача йўсинда кўраман. Лекин ҳамиша мени кўрмай ўтиб кетади.

Орадан бир йил ўтди. Бир куни туш кўрдим, тушимда: «Баҳайбат поезд ерда – темир изда эмас, осмонда учиб келаяпти. Учиб келиб, қишлоғимиз устида тўхтади. Поезднинг чироқлари осмонни ёритса-да, ерда қоронғу эмиш. Некқадам ёнидаги аскар йигит билан қандайдир қора яшикни арқонга боғлаб, ерга – ўзларининг ҳовлиларига туширди-да, мен совға қилган рўмолни силкитди. Поезд осмонда тез юриб, келган тарафига қайтиб кетди, у мени яна кўрмади».

Орадан уч кун ўтиб, ундан мактуб олдим.. «Хайрият-еј, тушимда кўрган поездим мана шу мактуб бўлсин», дея шукроналар айтдим. Мактубда Афғонистон тоғларида жангарилар билан жанг олиб бораётганини ёзибди. У ҳозирги кунда взвод командири экан.

Аммо кўнглим ғаш, ўзимни қўйишга жой топа олмасдим. Овулимиз қаршисида баланд қир бўлиб, шарқ томони тоғ билан туташ, гарб томони эса

күшни қишлоқ тарафдан оқиб ўтадиган дарёга бориб, жануб томонга чўзилиб кетади. Шимол тарафимизда чакил¹, яъни осмонўпар қоялар арчазорларга бориб тақалади.

Ҳинд ёзувчиси Кришан Чандринг «Бир қизга минг ошиқ» романини чашма ёнидаги баландлиги тўрт этажлик уйдек, келинчак ҳайкалига ўхшайдиган сирли қоя ёнида ясқоғ тош² устига ётиб олиб ўқи-япман. Овулимиизга учта ҳарбий автомобиль келиб тўхтади.

Усти ёпиқ юк машинасидан аскар либосидаги киши тушиб, гузарда карта ўйнаб ўтирган кишилар билан гаплашли-да, бўлажак қайнотамнинг ҳовли-сига бориб тўхтади.

Кўп ўтмай одамлар тўпланиб, аёл кишининг йиғиси, кейин эркак кишининг боламлаб йиғлагани эшитилди. Мен бир оҳ торtgанимни биламан, йиқилиб тушиб, хушимни йўқотибман. Қанча вақт ҳушсиз ётганим эсимда йўқ, устимга кўк мурсак кийиб, чачвонимни бошимга қайтариб ташлаб, уввос тортиб йиғладим.

— Менинг шунқорим ўлгани йўқ! Некқадам соғомон, худонинг паноҳида, мен ҳамиша ёнингдаман, — дердим мен. — Агар Некқадам ўлган бўлса, мени ҳам ёнингта ол! Ошиқлар маъбудаси! — деб сирли тошни кучоқлаб йиғлардим.

Ёнгинамда чулдираб оқаётган чашма сувини, тиниқ ва беғубор осмонни кўраяпман, сирли тошдан саза чиқмасди.

Сирли тошга бош уриб, ундан паноҳ тиласамда, соchlаримни юлиб йиғласам-да, тоғу тошлардаги

¹Чакил — тошлар салтанати.

²Ясқоғ тош — супа тош.

акс садо менинг сўзларимни, чинқириқларимни тўхтосиз такрорларди.

Онам келиб, қўлимдан ушлаб:

— Юрақол, уйга борамиз, — деди.

Мен онамнинг кўксига бош қўйиб, уввос тортдим. Онам шўрлик ҳам йиғлади.

— Менинг бахтсиз қизим, чимилидикқа кира олмай бева қолган қизим!

— Она, — дедим мен. — У ўлгани йўқ! Некқадам қайтиб келади! — дердим йиғлаб.

— Она қизим, Некқадам борса келмасга кетди. Сен бева бўлиб қолдинг, лаънатга учрадинг!

Онам қўлимдан судраб уйга олиб келди. Аммо менинг миямга машъум фикр келган эди: «Бу ердан кетаман, одамлар юзига қандай қарайман, бош олиб кетаман!»

Мен уйдан ташқарига чиқмадим. Ҳарбийчасига зирҳланган тобутни очиришимабди.

Некқадамни яқингинамиздаги қабристонга дафн қилиши. Айтишларича, ҳарбий киши анчагина пул узаттанида, марҳумнинг тогаси: «Биз фарзандимизнинг хунини олмаймиз, бу йигит йигитлик бурчини бажариб, мардларча ҳалок бўлди», деганимиш.

Кечкурун отам, онам, қариндошларим йиғилиб келиб, мендан аҳвол сўрашди.

Шунда мен:

— Ота, энди мен бу ердан кетаман! Йўлимни тўсмасдан оқ фотиҳа беринг! — дедим.

Отам оғир аҳволда эди.

— Яхши, аввал борадиган манзилингни маслаҳатлашиб олсан. Сизлар нима дейсизлар?

Қариндошларим:

— Ҳеч қаёққа бормайди, — дейишиди.

— Кампир, сен нима дейсан?

— Кизингизнинг феълини биласиз, — деди онам.

— Қизим, — деди отам, соколини силаб, — Тошкентдаги аммангникига борасан.

— Ўқиши нима бўлади? — деди Малик акам. — У ерда қизингиз не кўйга тушаркин, бу ҳақда ўйлаб кўрдингизми?

— Нима қил дейсан? — деди отам.

— Ўн биринчи синфни тугатсин, — деди акам. — Кейин ўйлаб кўрармиз.

— Бирор жойдан чиқса, — деди тоғам, — йўқ демасдан тегиб кетгани маъқул.

Хуллас, бирор қарорга келиша олмади. Шунда мен:

— Некқадамнинг ёнига бораман! — дедим-да, йиғлаб юбордим.

Ярим тунда Малика холам:

— Раъно, тур қизим, йўлга чиқамиз, Маҳмуд кассирнинг машинасини гаплашибик.

— Қаёққа? — дедим мен. — Ярим кечаси-я?

— Тайёрлан, Тошкентга! — деди холам. — Ҳозиргина отанг амманглар билан телефонда гаплашибди, бўлақол!

Устимда атлас кўйлак-лозим, оёғимда калиш, бошимда рўмол, сочимни қирқ кокил қилиб ўрганиман. Осмонупар иморатлар, равон кўчалар, малаҳдек шошқалоқ машиналар, автобус ва трамвайларни кўриб ваҳима босди. Кинофильмларда, телевизорда кўрган бошқа-ю, ҳаётда ўз кўзинг билан кўрган бошқа экан.

Мақсад аммамларнинг уйига тонг отган чоғда бориб етдик. Аммам қулоқ очиб кутиб олдилар.

Аммамнинг Фотима-Зухра исмли қизлари ҳам ўн биринчи синфда ўқишаркан, улар мени қувонч билан кутиб олишиди.

— Раънохон, — деди Фотима жилмайиб. — Бизнинг синфимизда ўқийсиз, аммо бир муаммо бор.

— Қандай муаммо экан, — деда сўрадим мен.

— Шаҳар шароитига мослашиб олишингиз керак бўлади. Қандай?

— Ўйлаб кўриш керак, — дедим мен.

Малик акамнинг: «Шаҳарда қизингиз не кўйларга тушаркин?» — дегани эсимга келди.

— Яхши, — деди Фотима кулиб. — Истаганча ўйлаб кўрарсиз, сиз дамингизни олинг. Раънохон биз ўқишга боришимиз керак, кўришгунча.

Менинг ҳаётим ҳақида фақат Мақсад аммам биларди. Мен ўзимни қанчалик вазмин тутмайин, зукко, оқила аммаваччаларим менинг аҳволидан хабар топган бўлсалар керак, мени ёлғизлатиб қўймадилар. Хаёл суришга, ғам-алам гирдобига киришимга йўл қўйишмади. Ҳаётда шундай яқин жигаргўшаларим борлигидан тақдирга тасаннолар айтмасдан иложим йўқ эди.

Тушкунликка тушмасдан, Оллоҳ берган умрни яшаш ва Некқадамга берган ваъдамга содик қолишим керак, хаёлимда у тирик, мен нафас олаётган ҳаводан нафас олаётгандек, туйқус ёнимда ҳозир бўладигандек, туюларди менга. Келганимга бир ҳафта ўтиб, аммаваччаларим мени кийинтириб, ўзлари ўқийдиган мактабга олиб боришли. Синфда йигит ва қизлар мени хуш қаршилашдими-йўқми, билмадим, аммо ҳаётимда шу кунгидек ҳеч қачон оғир аҳволга тушмаган эдим.

— Бу қизнинг исми Раъно, — деди ўқитувчимиз Жамилахон майнингина жилмайиб. — Бизнинг синфимизда ўқишни давом эттиради.

Келганимга бир ой ўтиб, синфимизнинг энг аълочи қизларининг биттаси сифатида танилдим. Аммаваччаларим ўз ҳолимга қўймай шаҳар боғларига олиб боришарди. Зерикишга вақтимиз бўлмасди.

Биргаликда дарс тайёрлардик, ўйнаб қувнашардик. Қиши ўтиб, баҳор келди. Отам, онам, акам ҳолимдан хабар олиб туришди. Кунларнинг бирида отам:

— Қизим, дугоналаринг, синфдош болалар, ўқитувчиларинг қишлоққа қайтиб, ўқишингни мактабимизда тугатишингни илтимос қилишди. Ўқитувчиларинг сени кутаяпти, — деди.

Шунда амаваччаларим, аммам қаттиқ туриб олиши.

Мен ҳам мактабни шу ерда тугатаман дедим.

— Унда аммаваччаларинг билан меҳмонга борарсан? — деди дадам хафа бўлиб.

— Борамиз, — дейишди қизлар бир овоздан.

— Унда тайёрланинг, — деди дадам.

Биз қишлоққа қайтдик. Айни баҳор чоғи, қишлоғимиз ниҳоятда гўзал бўлади.

Она табиат гулларга, ям-яшил кўкарамзорларга чўмиб ташлаган қир-адирлар, оппоқ бўлиб мавжланиб оқаётган Лангарсой атрофларида мажнунтоллар, мирза-теракларга бурканиб олибди.

Машинамиз сойнинг саёз жойидан пишқириб ўтаёттанида, дадамга машинани тўхтатишни илтимос қилдим. Машина тўхтагач, аммаваччаларим билан юз-қўлимизни ювиб, жўшқин дарёмиз сувидан мириқиб ичдик. Кейин қишлоқ шароитига мос кийиниб олдик.

— Қадамларингга ҳасанот, — деди онам биз билан йиғлаб кўришиб. — Дугоналарим, қариндошларим бизни қучоқ очиб кутиб олдилар.

Шу куниёқ тоғ гулларидан гулдаста териб, Сирли тош пойига қўйдим.

— Эй сирли тош, — дедим мен баланд овозда. — Нега сен, менингдек жудоликни бошдан кечирган, садоқатингни, муҳаббатингни бағрингга тилсим

қила олдинг, мени эса ёнингга олишдан бош тортдинг? Ёки менинг муҳаббатимга шубҳанг борми?! Айтсанг-чи!

Бошини эгиб, ғамгин турган келинчак суратидаги баланд қоядан садо чиқмади.

Мен кўз ёшларимга чўмилиб, қишлоғимиз ёнгинасидаги думпайиб турган қабрлар орасидан оппоқ мармар ўрнатилган, митти гуллар ва бўлиқ майса босган севгилим Некқадам қабрига тикилиб, ундан кўз уза олмасдим.

— Эй жасур, мард йигитнинг руҳи! Билгинки, мен ҳамиша ёнингдаман. Мени кечир! Қабринг ёнига бора олмайман. Нега десант, сенинг ўлганингга ҳечам ишонгим келмаяпти. Тирик бўлсанг, нега хабар юбориб, мени тинчлантирмаляпсан?! Некқадам, мен биргина йўлни танладим. Олий ўқув юртида ўқиб, сен билан кечган қисқагина учрашувлар масканидан узоқда, жуда узоқларда зиёли инсон бўлиб яаш ўйуни танладим.

Йиллар ўтди. Лангарсой сойи неча маротаба тўлибтошиб, оппоқ кўпик бўлиб, чаманзорларга бурканиб оқди. Мен институтни битириб, олий ўқув юртида инглиз тилидан дарс беряпман. Битта ўзим, бир хонали давлатга тегишли уйда яшайман. Турмушга чиқмадим. Не-не азаматлар совчи қўймадилар дейсиз, рад жавобини олавердилар. Ёшим йигирма олтида, фан номзоди бўлиш арафасидаман. Ойлик маошим ўзимга етиб ортади. Бисот йигмадим, тилла тақинчоқлар тақмадим. Фақат китоблар. қўлланмалар сотиб оламан. Газета-журналларга мақолалар ёзиб тураман. Таҳририятлардан келадиган гонорарларим етарли. Ҳар йили қишлоққа бориб, ота-онамга, укаларимга кийим-кечак ва бошқа нарсалар совға қиласман. Сирли тош пойига гулчамбарлар қўйиб, муродига ета олмаган келинчак руҳига дуолар

ўқийман. Осмонўпар қоя билан дардлашаман. Кейин айқаш-уйқаш тушлар кўраман, севгилиминг руҳи оғир ламларимда ёнимда ҳозир бўлади ва менга таскин беради. Айниқса совчилар келиб, азоб чеккан кунларимда Некқаламнинг руҳи пайдо бўлиб, мени қўриқлайди, кўзимни очиб уни кўраман, кейин ётоқхонам деворига сингиб кўринмай кетади.

— 2 —

Некқадам хизмат қилаётган ҳарбий қисм қисқагина тайёргарликдан кейин Афғонистонда бораётган ҳарбий ҳаракатларга сафарбар этилганди.

Некқадам хизмат қиладиган ҳарбий қисм Афғонистон ҳудудига кирибоқ мужоҳидлар томонидан ўқقا тутилди. Автомашиналар портлаб ёнабошлади. Душман кўринмасди.

Ҳарбий колоннанинг олли ва орқасидан берилган қақшаткич зарба остида ҳарбий техника ва аскар офицерлардан анчагина йўқотишлар бўлди. Ҳарбий вертолётлар ёрдамга келганида отишма тўхтади. Вертолётлар кўринмас ёвни қириб ташлаш мақсадида ҳудудсиз тофу тошларга ракеталар отиб, ёнилғилари тугагунча айланиб учиб, ҳеч қаердан душманни топа олмай, оғир ярадорларни олиб, базаларига учиб кетдилар. Сапёrlар йўлларни танкка қарши миналардан тозалаб, водийдан ўтадиган йўлни созлагуни-ларича кеч кирди. Тақир дала-дашtlар, қўрқинчли қоя ва тепаликлардан ҳозироқ оғзидан олов чиқа-радиган ажал машинаси ишга тушса-я, деган ваҳима жасур жангчилар руҳини чўктириб бўлганди. Радиодан янграйдиган шўх мусиқа, гармоннинг юракларни ларзага солувчи «Частушкалар» саси эшитилмасди. Жангчилар, тинчгина оқаётган жилға сувидан ичишдан олдин, заҳарланганми-йўқми, текширишни санитарлардан талаб қилишарди. Жасур йигитлар

түйиб сув ичганларидан кейин, қўрқоқлар ва офицерлар ҳам юз-қўлларини ювиб, мириқиб сув ичдилар.

Дала ошхонаси кечки овқатни тайёрлади. Навбатчи соқчилар тунги кузатув дурбини билан тогу тошларни кузатади. Аҳён-аҳёнда прожекторларнинг ўткир нури беш километр масофадаги ҳудудни ёритиб, чигирткадек сакраб юрган қасоскор мужоҳидни қидиради.

Тепаликларга қўйилган соқчилардан иккисини топа олмадилар. Икки аскар пичоқлаб кетилибди. Бутун бошли бўлим соқчилик қилиб, тонгни оттиришиди.

Тонг отиб, санитарлар ўликларни санитар вертолётига юклаб, жўнатдилар. Енгил ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатилди. Ҳарбий колонна ўнлаб яроқсиз ҳарбий техникани қолдириб, вертолётлар кузатувида йўлга чиқди.

Колонна кун узоги йўл юриб, тепалик ёнбағрига тунаш учун тўхтади. Дала ошхонаси кечки овқатта ҳозирлик кўраяпти. Сиёсий бўлим офицери аскарларга Афғон уруши аҳамияти хусусида суҳбатлашяпти. Айни шу чоғ эшагини етаклаб келаётган афғонни тўхтатишди.

Некқадам тожик тилини билгани учун тилмочлик вазифасини бажарди.

— Исмим Ҳикматшо, ўтин териб сотиб кун кечираман, — деди афғон.

— Бу «Чурка»дан сўрачи, ёнидаги Калашников автоматини қаердан олган экан? Яна сўрачи, у солдат бўлмаса, унга қуролни нима кераги бор экан?

— Бу айтаяпти, — деди Некқадам рус тилига таржима қилиб, — босқинчилардан хотиним ва болаларимни ҳимоя қилиш учун сотиб олдим, деяпти.

— Унга айт, — деди майор Иванов, папиросини мириқиб тортаркан. — Ҳозироқ уни отиб ташлаймиз, қуроли бўлмаганда эди, қўйиб юборардик. Аммо душманлар манзилини, қанча киши ва бошлиғи ким эканини айтса овқатлантирамиз, мукофот ҳам берамиз.

— Ўртоқ майор, у ёмон гапларни айтаяпти.

— Сен, — деди майор, тош устига жойлашиб олиб коńяк шишасини кўтариб ичаркан, — сўзма-сўз таржима қил!

— У айтаяпти, — деди тилмоч, — ҳеч қандай душман манзилини билмагач қанча одам борлигини қаёқдан билай, кейин отса отаверсин, мен жаннатга бораман, у эса (майорни назарда тутаяпти) жаҳаннамга боради. Мен ундан жирканаман!

— Қўл-оёғини боғлаб ташлаб, қўриқланг, бир кун оч ётса тилга киради. Таржима қил!

Бечора афғон ниҳоятда озғин, териси суягига ёпишиб, қоқ суяқ калласи устара билан қиртишланган бўлиб, бошига салла, устига сурп кўйлак, лозими кирдан қорайиб, қирқ ямоқ енгиз камзул кийиб, оёғига ботинка кийиб олибди. Ҳалтасида бир парча қотган нони ва сув идишида ичимлик суви бор экан.

— Урсак сайраса керак? — деди лейтенант.

— Йўқ, урманглар, сувсиз, овқатсиз қанча вақт чидашини билмадим, урсанглар ўлиб қолади. Олиб кетинг! — ўшқирди майор.

Кейин тўрт бурчакли шишадан коńякни сипқориб ича бошлади. Аммо дайди ўқ унинг кўкрагига қадалли. Қўлидан шишаси тушиб, эсини йўқотган майор, бирордан сўнг тилга кириб:

— Отиб ташлансан! — деди-да, тилини тишилаб, боши шилқ этиб оғиб тушди.

— Снайпер! — кимдир қичқирди.

Аскарлар пала-партиш ўқ отишиб, кўринмас душман билан урушни бошлаб юбордилар. Шигиллаб ёғаётган пулемёт ўқларидан аскар ва офицерларнинг кўплари ярадор бўлиб, бир неча киши ҳалок бўлди. Бундай вазиятдан фойдаланган афтон ёнида турган Некқадамни калласи билан уриб йиқитди-да, лейтенантни ҳам елкаси билан уриб, чигирткасек сакраб, машина ва танклар панасига ўтиб, қочаверди. Орқасидан отилаётган тўппонча ўқларига чап бериб, қоятошлар панасига ўтиб, боғланган қўлини бўшатиб олди. Лейтенант қоюқни ушлаш учун тошлардан сакраб ўтиб, узоқлашган афтонга қаратса ўқ узди, ўқлар тошларга тегиб, чипиллаб ёпишиб қоларди. Мужоҳид чигирткадек сакраб лейтенантнинг орқа томонига ўтиб, палахмонига¹ тош жойлаб отди. Лейтенант бошидан яраланиб, тошларга урилиб, хушсиз йиқилди.

Орадан саккиз ой ўтди. Бу вақт ичидаги қанча-қанча тобутларда афтон урушида ҳалок бўлган ўзбек йигитларининг жасади санитар вертолётларга юкланиб, Ўзбекистонга жўнатилди. Даҳшатли жанглардан бирида Некқадам бошчилигидаги взвод аскарлари қуршовда қолди, батальон жангчилари аллақачон ортга чекинган эди. Некқадам ортга чекинишга буйруқ берган чоғда яраланиб, хушсиз йиқилди. Ҳушига келганида бир неча мужоҳид, қўлларида автомат билан ярадор совет аскарларини отиб, ўлдираётган эди. Жон ҳолатда инграб, ёрдам кутаётган бечора аскарлар биттадан ўқ еб тинчланиб қолардилар. Некқадам устига «душман» яқин келган эди. Некқадам кўзларини юмиб, ўлимини мардларча кутиб олаётган чоғда:

¹Палахмон — жундан тўқилган тош отадиган қурол.

— Эй мард ўғлон! — деди мужоҳид. — Мен сента жон қарздорман, кўзингни оч! Менинг исмим Ҳикматшо, мени қўйиб юборганинг учун сени нега отиб ташлашмади? Яхши, бу ҳақда кейин гаплашамиз, кўп қон йўқотибсан, гапирмаганинг маъқул.

Некқадам кўзини очиб, эшак миниб юрган мужоҳидни таниди. У Некқадам тушунмайдиган тилда шерикларига гап уқтирганидан кейин, Некқадамга тиббий ёрдам кўрсатилиб, зам билга солиб олиб кетишиди.

Вақт замбаракнинг ўқидек тез ўтаяпти.

Олти ой деганда Некқадам таёққа суюниб юрадиган бўлди.

— Бутун сен жумъа намозига имом ўтасан! — деди Ҳикматшо. — Нима дейсан?!

— Оёғим дош берармикин? Яна озроқ кутсакми?

— Ўтириб олиб ўқийверасан. — Ҳикматшо кулди.— Хўш?

— Нима ҳам дердим, — деди Некқадам.

Ҳикматшо кўмагида таёқни ташлаб, оқсаб юрадиган Некқадамни мужоҳидларнинг каттакон раҳбарлари қабулига олиб киришди. Уйнинг энг тўрида оқ кўйлак, оқ иштонда, устидаги пиджаги елкасида генерал погони, бошига салла ўраб, тасбех ўгириб ўтирган узун соқолли киши Некқадамга кўз остидан қараб турарди. Қаршисида олишишга шай турган баҳайбат илон турганини ҳис қилган Некқадам ўзини йўқотди. Даврада бошларида салла ўраб, погон тақсан ҳиндулар, туркларнинг попукли папахасини кийган соқолли кишилар тиззаларида автоматларини қўйиб, тасбех ўгириб, уйнинг тўрида ўтирган генерал қарорини кутиб, жимгина ўтирадилар.

— Кел, бўтам, — форс-тожик тилида деди генерал, сўзларини дона-дона қилиб. — Ўтири. Айтчи бўтам, мужоҳидлик йўлига ким сени олиб кирди? Хуш?..

— Совет генераллари буйруғи билан Афғон халқини «душман» деб қирғинбарот қилмаганида, қишлоқларни одамлари билан ёқиб юбормаганида, хуллас, босқинчилик уруши бўлмаганида, бу йўлни танламасдим, — деди Некқадам.

Хонада ғала-ғовур бошланди. Кимдир Некқадамни оқлади, кимдир қоралади.

— Бўтам, — деди генерал, бироз сукутдан сўнг, — қўлингга қурол олиб, ўрус босқинчи кофурларга қарши жангга кирасанми?

Яна хонада тортишув авж олди.

— Хуш, — деди генерал.

— Ўз қуролдош биродарларим, ўзбек ўғлонларига қарши қурол кўтаришдан ўлимни афзал кўраман, — деди Некқадам.

— Сени қишлоғинг қабристонига дафн қилишганидан хабаринг борми? — деди полковник погонини таққан мужоҳид.

— Хабарим йўқ.

— Келгуси тақдирингни кўз ўнгингда тасаввур қила оласанми? — деди кўзини юмиди тасбеҳ ўтириб ўтирган мужоҳид.

— Xa.

— Куръони каримни тушурган мулловачча эмишсан? Мажлис аҳли сенинг тақдирингни ҳал қилали, — деди генерал. — Борақол бўтам.

«Мен ҳарбий шифохоналарда даволанаётганимда, неча бор мужоҳидларнинг қишилари мени тергов қилган эдилар. Энди тушунсан, менинг жосус эмаслигимга амин бўлган бўлсалар ажабмас», — деган хаёлга борди Некқадам.

«Интернационал бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлди» деб, тириклар рўйхатидан ўчириб ташлаган бўлса-да, мени «душман» сифатида ўлдиришлари мумкинлигига ишонарди.

«Асир олинган кунимдан эътиборан Некқадам деган инсон ҳаётда йўқ деб, мени Кемел Тургун деган инсонга айлантиришиди». Шу куни кеч Некқадам бошқа мужоҳидлар қаторида хуфтон намозини ўқиди. Генерал:

— Энди сен, — деди, — шу ўтирган мужоҳидларнинг бири бўлдинг. Ватанинг Туркистонни, мазлум халқингни кофур шўравийлар зулмидан озод этилиши учун буюк жангларда қурбон бўлишта тайёрмисан?!

— Тайёрман! — деди Кемел Тургун.

Кейин Кемелга рухсат беришди. Ташқарига чиққанида машинага ўтқиздириб, номаълум томонга олиб кетишли. Қарийб икки соат йўл юриб, машина ҳарбий базага бориб тўхтади.

Ҳаммомга тушиб, ювиниб олиб, кейин яп-янги ҳарбий либосда, қора соқоллик зобит аксини ойнада кўрган Кемел, не аҳволга тушганини тасаввур қилиш оғир эди.

Энди у Кемел Тургун сифатида, расмий равишда мужоҳидлар сафига хизматга ўтди ва Пешаворга жўнаб кетди. У ерда ҳарбий лагерь бўлиб, унинг маҳсус қисмида мутахассис сифатида хизматини бошлади. Кемел Тургунга алоҳида хона, хизматкор, ёрдамчи ва машина беришли. Энди у алоҳида яшайди. Ресторанда овқатланади. Яхшигина маош олади. Аммо у назорат остида эканлигини, орқасидан ўлим қора соядек эргашиб юрганини яхши биларди.

Қора соялар ҳар соатда, ҳар дақиқада жонини олишлари мумкин. Аммо жони сабил бўлган Некқадамга бошқа даҳшатли кучлар таҳдид қилсалар-да ёки

бошқа қора күчлар таҳлика остида ушлаб турсаларда, у ўлимга ёинки бошқа азоб-уқубатларга тайёр турарди. Кемелнинг вазифаси — асирга олинган маҳбуслар орасидан жисмонан кучли, соғлом йигитларни ажратиб олиб, маҳсус мактабларда қайта тайёрлашдан иборат эди.

Мужоҳид раҳбарияти хизматига содик, зукко ҳарбий мутахассис сифатида танилган Кемелнинг ҳаёти ҳавф остида эканлигини ҳисобга олиб, бошқа вазифага тайинлашга қарор қилди.

* * *

Кенг ва шинам хона девори қаттиқ гиламлар билан безалган, кўрпачалар солиниб, хона тўрида болишлар орасида Калашников русумли автоматни тиззасига қўйиб ўтирган генералдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Кел бўтам, — деди генерал, соқолини силаб. — Яқинроқ келиб ўтири, хўш, аҳволлар қалай? Сен билан суҳбатлашганимизга ҳам икки йил ўтиб кетибди. Чарчамадингми?

— Аллоҳга шукур, — деди Кемел.

— Сен бўтам, яхши ишладинг, — деди генерал. — Сен менинг марҳум ўғлимга ўхшайсан. У сендеқ ақдли, жасур ўғлон эди. Дини Ислом душманлари билан бўлган жангларда шаҳид бўлди, қадли-бастинг, қиёфанг унга жуда ўхшайсан. Энди сен менинг ўғлимсан ҳам қанотимсан. Сени Аллоҳ ўз паноҳида асррасин.

— Марҳум фарзандингизни худо раҳмат қилсин. Сўнгги нафасимгача сизнинг фарзандингиз бўлиб, пойингизга бош қўяман, — деди Кемел Тургун.

Генерал сукут сақлаб, қора соқолини силаб қўйди-да, кейин:

— Беайб Парвардигор, бүтам. Ҳаммамиз адашамиз. Аммо Аллоҳни ёдда сақлаб, ақыл билан иш юритган бандасини Аллоҳ үзига яқин дүст тутади. Америкада сен катта бир савдо компаниясига раҳбарлик қиласан. Фақат бир киши сени танийди ва сенга бўйсунади. Ўша ўринбосаринг сенинг вазифангни бажаради. Сен фақат ҳужжатларни кўриб, қарор қабул қиласан. Савдо компаниясида уч киши — сенинг муовиннинг савдо ва бошқа ишларни бажаради. Ҳозирти вазифангни бошқача йўсинда давом эттирасан. Яъни, хуфия. Муҳожирлар орасидан сараланган дини Исломга садоқатли, жасур йигитларни танлаб, уларга яхшигина шароит яратасан. Билиб қўйгинки, қалтис ҳаракатинг ўлимга маҳкум этилишингдир. Қавм-қариндошни унут. Яқин келажакда улар билан дийдор кўришасан. Шахсий ҳисобингда етарли маблағ бўлади. Ҳозироқ ўзингга тегишли ҳужжатларни ёқиб юборасан. Кийим-кечак ва бошқа ашёларинг қолаверсин. Гёё сени йўқ қилиб юборишган. Бўтам, ҳозирги дақиқадан эътиборан Кемел Турғун йўқ, эртага дағн маросимиш бўлади. Шофёрингни қолдириб, шом намозига сўфи аzon айтган маҳалда, машинани ўзинг бошқариб йўлга чиқ. Ҳа, дарвоҷе, сенинг исминг Сулаймон Содиқ. Борақол, бўтам, худо ёр бўлсин, — деди.

Махсус самолёт Истанбул аэропортига қўнди. Сулаймон Содиқ такси ушлаб, шаҳарнинг торкӯчаларидаги дўконлар олдида машинадан тушиб, хасислик билан шофёрга йўлкирасини берди. Машина узоқлашгунча дўконга кириб бир пиёла чой ичиб, ҳақини тўлади.

Кейин яна машинага ўтириб, энг арzon меҳмонхонага ҳайдашни буюрди.

Орадан икки соат ўтиб, баланд бўйли, мардана қиёғали ўттиз ёшлар чамасидаги йигит, соқолини қирдириб ташлаб, европача кийиниб, бен юлдузли

ресторанга кириб овқатланды. «Энди мен хорижий компаниянинг раҳбари, миллионер Сулаймон Содиқман. Моддий бойлик ва олий лавозим, ҳарбий унвонлар эвазига ватангандолик тақдиримга битилган экан. Энди мен ҳеч қачон ўйнаб-ўсган она диёр тогу тошларини кўра олмайман. Менга, яъни Сулаймон Содиқقا дунёнинг ҳамма мамлакатларига йўл очиқ, аммо она диёрни, ёру биродарларни, ота-онани, севикли ёр дийдорини соғиниб яашдан ўзга иложим йўқ. Пешаворда ва Ҳиротда ёру биродарларим қолиб кетди. Қуролдош дўстларимдан турк тилини ўргандим»— хаёлан деди у.

— Хизматингиздаман, — ширингина табассум билан деди официант қиз турк тилида.

— Фақат турк кабоби ва салқин ичимликлардан келтиринг, — деди Сулаймонбей.

— Конъяк ёки рус ароғи?

— Фақат салқин ичимликлардан келтиринг, — деди Сулаймон Содик.

Шўх мусиқа янграб, баҳтиёр қиёфали, шинам кийинган эркаклар европача кийинган жононларни хипча белларидан ушлаб, сийнани сийнага қўйиб, ёқимли табассум-ла суҳбатлашган ҳолда рақсга тушардилар.

— Мени таклиф қиласиз? — деди гўзал қиз. — Келиштан йигит экансиз.

— Ўтиринг, — деди Сулаймонбей. — Марҳамат.

— Гўзал талаффузингиз Истанбул турклариникига ўхшамаса-да, Кашмирда яшайдиган аммаваччамниги ўхшаркан, — деди гўзал қиз. — Сиз жуда келишган, хушфеъл йигит экансиз.

— Раҳмат, — деди Сулаймонбей. — Адашмадингиз, мен кашмирлик туркларданман.

* * *

— Хуш келдингиз, буюк Америка тупроғига,— деди инглиз тилида қирқ беш ёшлар чамасидаги баланд бўйли, хушбичим, кароворон киши. — Сиз билан ҳозиргина телефонда гаплашгандик.

— Ҳа, — деди Сулаймонбей. — Сиз Ҳусайнбек, шундайми?

— Ҳа, мен сизнинг содиқ қулингиз, тўғрироғи, биринчи муовинингиз Ҳусайн Лабзийман.

— Демак, ҳозироқ ишга киришамиз?

— Ҳа, шундоғ, — деди Ҳусайнбек. — Сиз дам олишингиз керак, кейин батафсил гаплашиб оламиз.

— Яхши, бошланг, — деди Сулаймон Содиқ.

— Ҳозир қиласиган ишимиз, — деди Ҳусайнбек,
— Сизнинг қиёғангизни озроқ ўзгартиришта тўғри келади. Ҳўш?

— Кетдик, — деди Сулаймон Содиқ.

Беш кун ўтиб Сулаймонбей Американинг энг баланд ва кўркам биносида жойлашган ҳалқаро савдо компанияларидан бирининг бош директори сифатида хизмат курсисига ўтириди.

Радио, телевидение ва бошқа матбуот хизматлари, пресс-конференциялар, турли учрашувлар Ҳусайнбек зиммасидаги вазифа эди.

Сулаймонбейнинг уч ўринбосари ва ўринбо-
сарларнинг барча тўққиз ўринбосарлари Ҳусайнбек томонидан таклиф этилиб, Сулаймонбей ҳужжат-
ларни ўрганиб чиқиб, расмий ҳужжатга имзо че-
карди.

«Менинг қиласиган ишимни тайини йўқ, ҳамма ишларни муовину ўринбосарларим, мутахас-
сисларим амалга оширсалар, нега денгиз соҳилида,
кўнгилочар масканларда яхшилаб дам олмас экан-
ман», — хаёлидан кечирди Сулаймонбей.

Секретарини чақириб:

— Мен озроқ дам оламан, хонамга ҳеч кимни киритманг, барча муаммоларни Ҳусайнбек ҳал қиласи, — деди-да, кабинетидан чиқадиган захира йўлидан чиқиб кетди.

Сулаймонбей кўчага чиқиб, такси тўхтатди-да, денгиз соҳилига ҳайдашни буюрди.

Осмонўпар, ҳайбатли бинолар, йўлакларда шамсия кўтариб, қилпиллаб бораётган аёл ва эркаклар, тинимсиз ҳаракатланаётган автомобиллар, хуллас, атрофда қайнаб турган ҳаёт уни заррача қизиқтирмасди.

Америкада ўтган икки йиллик умрида тўкин ҳаёт кечирган бўлса-да, юраги ғаш, ватанни қўмсаш, унинг муқаддас тупроғига бош қўйиш, ёру биродарлар, яқин жигаргўшалар сийнасига бош қўйишдан-да ортиқ баҳт йўқ эди унга.

Ўтган икки йил мобайнида ўлимини кутиб яшаш, тан қўриқчилари ҳамроҳлигига, шинам автомобилларда манзилларга бориб, турли қиёфадаги одамлар билан тиржайиб, расмий равишда мулоқотда бўлиш, хуллас, қалбаки тиржайиш, қалбаки ҳаёт кечириши жонига тегиб бўлганди. «Ўлим билан ҳаётим оралиғида ҳеч қанча масофа қолмаган кўринади, умримда ароқ деган матоҳ таъмини татиб кўрмаган бўлсан, Раъногинамнинг лабидан олган бўса аёл зотига бўлган интилишнинг энг сўнггиси бўлиб хотирамда сақланиб қолган бўлса. Етар! Нимадир қилиш керак».

Машина соҳилга келиб тўхтади. Такси пулини бериб, турфа ранглардаги соябонлар орасидан ўтиб, яримяланғоч чўзилиб ётган аёл ва эркаклар ёнидан бўш ўрин топиб, уст-бошини ечиб ташлади-да, қирғоқни ювиб, изига қайтиб кетаётган денгиз сувига

кирди. Үфқа бош қўйған мовий дентиз мавжланиб, оқ кўпикли тўлқинларни олиб келарди-да ўзига тегишли маррани забт этиб, изига қайтиб кетарди. Сулаймонбей қулоч ёзиб, оқ кўпикли тўлқинларни писанд қилмай, тобора соҳилдан узоқлашиб борарди. Хавфсизлик чегарасидан ўтган бўлса керак, моторли қайиқлар ёнига келиб, ундаги кутқазувчилар изига қайтишни буюрдилар.

Кўп ўтмай иш кабинетига кириб келганида секретарь қиз ҳайратдан ёқа ушлаб:

— Жаноб Сулаймонбей, сизни қидириб юришибди.

— Ҳаммаси жойида, Ҳусайнбекни чақиринг!

Ҳусайнбек кириб келди ва раҳбарига зимдан тикилиб:

— Бизни қўрқитдингиз, огоҳлантирангиз бўларди-ку.

— Мен зерикдим, бир сўз билан айтганда чарчадим. Яхши ҳамки сиздек маслакдошим, тўғрироғи, дўстим бор.

— Бу сўзларни сиз эмас, — деди Ҳусайнбек, — мен айтишим керак эди.

— Москва орқали Тошкент, Бухорога саёҳатнома тайёрлайсиз, менга ўн беш кун вақт етади, — деди Сулаймонбей. — Иложи бўлса шу бугуноқ авиачипталаарни олдиринг.

— Бунча шошилинч? Ахир эртадан кейин директорлар йигилишида қатнашмасангиз бўлмайди, — деди Ҳусайнбек.

— Менинг вазифамни сиз, Ҳусайнбек бажарасиз.

— Яхши, аммо мен ўн беш кунга эмас, фақат ўн кунга дош бера олсан керак.

— Демак келишдик, — деди Сулаймонбей.

* * *

Океан ва денгизлар оша булутлар, тоғлар устидан учган Семурғ қүш Внуково аэропортига қўнди. Сулаймонбейни кутиб олган мезбонлар расмиятчилик ҳужжатларини таҳлаб, Сулаймонбейни икки ҳамроҳи билан Тошкентга учадиган Ил-18 лайнерига ўтқазиб, кузатиб қўйишиди.

Стюардесса қиз:

— Куёшли Ўзбекистоннинг пойтахти гўзал Тошкент шаҳрига хуш келибсиз. Командир ва экипаж сизларга соглиқ ва омонлик тилайди, — деди ва шаҳар тарихи, бугунти гуллаб-яшнаётгани ҳақида қисқагина маълумот берди.

Фидираклар қўниш майдонининг бетон йўлагига урилиб, қора тутун чиқариб, бир-икки силкиниб чопиб кетди ва секинлашиб, қайтиб олди.

— 3 —

«Фан ва турмуш» журнали редакциясидан Қўнғироқ қилишиди, бордим.

— Раънохон, — деди бош муҳаррир. — Сизга айтадиган хушхабарим бор, менимча, сиз узоқ Йиллар дийдорини кўришни орзу қилган инсондан маълумот бўлса ажабмас, — деди-да, менга сурғучланган сариқ рангли пакетни узатди.

Муҳаррир Некқадамнинг яқин дўсти эканлигини билардим, аммо унга сир бой бермасдим.

— У тирикми?

— Билмадим, бир киши сиз билан учрашмоқчи, — деди муҳаррир.

— Ким экан?

— Сабр қилсангиз, ҳаммасини билиб оласиз, — деди-да чиқиб кетди.

Шоша-пиша конвертни очдим, не кўз билан кўрайки, Неккадам армия сафига кетаётганда, мен совға қилганим дастрўмолнинг қофозга туширилган нусхаси эди. Унда: «Тошкент, Москва меҳмонхонаси, ички телефон рақами ва Жек», деган ёзув бор эди.

Тошкент вақти билан соат ўн олтида Москва мөх-
монхонаси нинг нозимхонаси га келиб, керакли
ракамга қўнғироқ килдим.

«Ръндохон, сизни Кутаяпмиз», — деди нотаниш овоз, хона номерини айтди.

«Эй, худо, нималар бўлаяпти, не бўлгандайм
хайрли бўлсин-да», кўнглимдан кечирдим ва тез-
тез юриб, айтилган хонага бордим.

— Хуш келдингиз, Раънохон, вақтингизни олиб чақирганимиз учун узр, — деди инглиз тилида баланд бўйли ажнабийча кийинган киши. — Менинг исмим Жек. Айтишим лозимки, сиз ҳақингизда анча-мунча нарсалар бизга маълум бўлганлиги сабабли мақсадга ўтганимиз маъқул деб биламан. Дарвоқе, инглизча яхши тушунмасангиз, туркий ёки форсийда гаплашганимиз маъқулдир?

— Бемалол, менинг ҳақимда күп нарса билганингиз ҳолда, инглиз тили мутахассислигим ҳақида унугтган кўринасиз, мистер Жек, — дедим мен жилмайиб.

— Мен, Раънохон, Некқадамбей ҳақида суҳбатлашгани келдим, — деди-да, Жек «Боржоми» сувидан икки пиёллага қўйиб, бирини менга узатди. — Ичинг.

— Утирикми?

— Аввал сувдан ичинг.

Раъно тоқат қила олмасди, пиёлани сүнгти том-
чисигача бўшатиб:

— Энди айтарсиз?

— Кенг ва совуқ бу оламда Сизни, Раънохон, у энг яқин кишиси сифатида тан олди ва рухсатингиз билан, хоҳлаган вақтингизда кўришина оласиз.

— Мен уни ҳозироқ кўришни истардим, — дедим мен. — Ахир у тирик, тўғрими?!

— Ҳа, Раънохон, у соғ-омон, аммо орангизда катта бир тўсиқ турибди. Биласизми, ҳақиқий дўстлик, садоқатгина ўша кўринмас ва даҳшатли тўсиқни бузиб ташлай олади.

— Кўрсатинг! Ўша сабил қолгур тўсиқни бир оҳ уриб синдириб, бузиб ташлай оламан! Уни деб яшадим-ку! Яна қанлай тўсиқ бўлиши мумкин.

Жек узр сўраб: «Ҳозироқ уни кўрасиз» деди-ла, хонани тарқ этди. Раъононинг ўпкаси тўлиб, йиғларди. Унинг вужуди бўشاшиб, йиқилиб тушишдан кўрқиб, пиёлани тўлдириб муздек оромбахш сувдан ичиб, ўзига келди шекилли: «Ахир мен иродали қизманку! Наҳот муродимга етганимда иродам дош бера олмаса?! Бу асло мумкин эмас», дерди. У кўз ёшларини артиб, эшикдан кирган кишига қаради. «Эҳ, бу ўша менинг Некқадамим! Унчалик ўхшамаса-ла, ундан муҳаббат ва садоқат ҳиди келаяпти».

Қиз ёнида турган баҳтига қарашига ботина олмасди. Баҳт қуши учиб кетса-я!

— Раъно, — деди таниш, жуда-жуда ҳам дилкаш овоз.

Аммо Раънодан сас чиқмади.

— Мен, сенинг Некқадамингман!

Раъно кўзларини юмиб, йигитнинг кўксига бош қўйди.

— Менинг соchlарим оқарди-ку сени деб, менинг Некқадамим, бунчалар соғинтирадими, инсон, — дерди Раъно.

— Тинчлан, севгилим, менинг ёлғизгинам, — дерди Некқадам.

ХОТИМА

Сулаймонбей Раънони Америкага чақириб олди ва қонуний никоҳдан ўтиши. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши 1991 йил 30 август куни республикамиз мустақиллик декларациясини ёқлаб, суверен демократик давлат сифатида ўз мустақиллигини эълон қилди. Шу куниёқ Раъно билан Сулаймонбейлар ораларини тўсиб турган темир парда олиб ташланди. Афғон урушида асир олиниб, жаҳоннинг турли мамлакатларида сарсон-саргардонликда юрган ватандонларимиз ҳам она Ўзбекистонимизга қайтдилар.

Ҳар йил баҳорда тог даралари ям-яшил майса-зорга, наврӯз гулларига бурканган маҳалда, жилга ва сойлардан тўлиб кумуш тусли зилол сувлар оққан маҳалда Раъно Сулаймонбей билан она қишлоғи Лангарга қайтадилар. Уларнинг тўрт ёшли фарзандлари Ҳикматшо она-отаси ва яқин жигаргўшалари билан ёнгинасида ҳайбат солиб турган Сирли тош ёнида суратга тушадилар.

Булоқ тозаланиб, ён-атрофига атиргуллар, анвойи дарахтлар экилди. Бу жой «Дарвешона», Наврӯз байрами маросимлари ўтазиладиган сайилгоҳ бўлиб қолди.

ХУКМ

Хорижий технологиялар асосида иплаётган катта корхоналардан бирида автоматларни ишлатиш қийинлашгани боис чет мамлакатдан чақирилган муҳандисларни олиб юриш, туну кун бирга бўлиб, ҳамроҳлик қилиш менга топширилган эди. Бирорта

сўзи ҳам менга таниш бўлмаган, новча, озғин, тепакал, қизил соқолли инглиз шорти чўнтағидан жигарранг сигарани олиб, биттасини ўзи чекиб, менга ҳам таклиф қиларди. Мен уни ранжитиб қўймаслик учун қўлини қайтармай, биттасини олиб ёқардим-да, унга тақлид қилиб, кўзларимни юмиб, тиржайғанимча бурқситиб, кўнгилни беҳузур қи-лувчи bemаза тутунни тортиб, кўкрагимни чангалағанимча йўталардим. У эса ишшайганича, мен йўталиб бўлишимни кутиб турар, кейин ширингина қилиб, тиржайиб ўз тилида нималарнидир уқдирап, кўллари, тиллари билан ишора қилиб, сигарета чекишни астойдил ўргатарди. Лекин у ниҳоятда устакорлик билан тортиб, ҳечам қийналмай аччиқ тутун билан ўпкасини тўлдириб, кўзларини юмганича чиқариб юбориб ҳузур қиларди.

Мен ёнимдан носқовоғимни олиб, сигарани бир чеккага қўярдим-да, каштасини келтириб, чиройли қилиб битта носвойдан отсан, хорижий дўстим ҳавас билан менга тикилганича, қизғиши соқолини силаб, мени яна нотаниш сўзлар ва имо-ишоралар билан сўроққа тутиб кетарди. Иккимиз ҳам бир-бировимизга тушунмасак-да, бегараз, соғ дўстлик ришталари билан тобора маҳкамроқ боғланиб бораётганимизни англардим.

У, чинакамига мендек оддий кишилар билан бўлганида ўзини енгил ҳис қилса-да, ажойиб ўлкада, уларнига мутлақо ўхшамайдиган атроф-муҳитдан завқ-шавқ оларди. Унга эшак миниб келаётган, сават кўтариб бораётган киши ўз қавмидек яқин, қадр-донлардек тикилиб тўймасди. Ёнида ҳамиша осиғлиқ фотоаппаратини оларди-да, ўткинчилардан изн сўраб, жавобини кутмасданоқ суратга туширади. Бу яримяланғоч, қуёшдан қорайиб, қизариб кетган мажнунсиғат киши мен билан аэропортда учраш-

ганида қўлимни самимий қисиб, Жорж – дея ўзини таништирган эди. Мен ҳам Жонқобил деб ўзимни таништиридим. Бироқ унга мутлақо нотаниш бўлган исмни айта олмай, қийналиб юриб, кейин Жони деб қўяқолган эди. Жорж хориж корхоналаридан келган мутахассис. Ёнидаги пакана ҳамроҳи – бурни узун соқолини ўсдириб юбориб, мўйловини қириб ташлаган ўрис, асосан муҳандис бўлса-да, Жоржнинг тилмохи ҳам эди. Бироқ фақат зарур бўлгандагина гапга аралашар ёки лавозими катта кишиларга инглиз тилидан ўруслага таржима қилиб берарди. Бошқа вақтларда Жорж билан мен қизғин мунозара олиб борсак, Жорж ундан таржима қилиб беришни илтимос қилса-да пинагини бузмай, сигаретини бурқситиб, хаёл суриб ўтираверарди. Аслида камгап, қўйдек ювош бу ўрус ўттиздан ошмаган бўлса-да, юзларини ажин босиб, тепа соchlари тўклиб кетганди.

У, аэропортда мен билан қўл олишиб, Николай Хамяков Жерибский, деб ўзини таништирган эди. Мен бунақа узун отни ёдимда сақлай олмай, ҳадеб қайта сўрайверсам ҳам ўрус эринмай такрор-такрор, қаторасига отини айтишдан зерикмасди. Мен уни Николай ёки Иван деб чақирсан, у мендан ранжир, ҳақоратлангандай тумтайиб оларди. «Ўзи-ку яхши одамку-я, – ўйлардим мен, – бунақа узун отни ким қўйибди унга». Жорж унинг жойини солиб, Иван деб чақирар, жавоб бермаса ўзининг инглиз тилида қўшиқ қилиб, мазах қиларди. Ўруснинг олдин жаҳли чиқса-да, ювош бўлиб қолганидан кейин Жорж билан иккимиз биримиз қўйиб, биримиз Иван деб чақирсан-да, лаббай деб турадиган бўлди.

Тарихий обидалар, бизнинг сўлим табиатимиз ва унинг маҳсули, антиқа ширин-шакар мевалар,

оқкүнгіл, ювош одамларимиз Жоржни оқанрабодек ўзига тортарди.

У, бүш вақтларида табиат ва одамлар орасыда вақт ўтказар, әшак, мушук деганлари Жоржнинг жонидили эди. Ошхоналарда, шаҳар боғларида турли хил таом тортилса-да, Жорж қаноатланмасди. Шу боис завод раҳбарияти билан гаплашған шекилли, Холида Суюновна деган муҳандис аёл билан завод директори бизни таништириб, уйига олиб бориб, меҳмон қилишни илтимос қилди. Холида опа кулиб, хорижлик меҳмонларга мулозамат билдириди. Лекин Жоржнинг ташқи кўрининши ёқмади шекилли, ижирғанди.

Мен Николайдан Жоржга уқдиришни илтимос қилганимда, у кўл силтаб қўяқолди. Мен Жоржга имо-ишора билан кийиниб олишни илтимос қилувдим, Жорж тушунди шекилли, ўйинга туша кетди ва кийимларини алмаштиришга рози бўлди.

Менинг сутга чайқалгандек оппоқ, хизматдаги «Волга» машинамга ўтирди. Биз шаҳар оралаб елдек учдик. Йўлда Жорж Николайнин ҳоли-жонига қўймай, саволга тутар, гоҳо жавоб олиб, гоҳида жавоб ола олмасди.

Холида опа ёнимда ўтириб борардилар. Ўттиз беш ёшлар чамаси, тўладан келган, хушбичим, истараси иссиққина қорамагиз аёл эдилар.

— Жонибек, — сўради мендан Холида опа. — Бошингиз очиқми?

— Нима десамикин, — дедим уялганимдан алла-нечук қимтиниб. — Мендек бир етимчага кимам қиз берарди, Холида опа!

— Неча ёшдасиз? — сўради менга зимдан тикилиб.

— Ўттизни қоралаб қўйганман, — дедим ёшимга бештани кўшиб.

- Бирор жойда ўқияпсизми?
- Текинга ўқишига кириб бўлмайди-да, — дедим, товушимга афсусланиш ифодасини бериб. — Топганимни еб-ичиб юрибман, Холида опа.
- Ундан чиқди, ота-онангиз йўқ, шундайми?
- Онам йўқлар, — дедим мен. — Отани боридан йўғи, ўгай она азобини биласиз-ку.
- Ҳим, — деди опа чўзиб, бироз ўйланиб турди-да давом этди, — суксурдек йигит экансан-у, етимилиги қурсин. Мениям биттаю битта қизим бор. Отасиз ўсли. Қаранг-а, яқинда биттасига унашдик. Олиб кетса ҳолим не кечаркин?

Мен фамгин, хаёл огушида йўлимга қараб кетмоқдаман. Опа яна гап қотдилар:

— Аввалроқ қаёқда эдинг? Менга мос куёв экансан. Чорраҳадан ўнгга, йўлингни тўгрилаб ол! Ҳув анави оқ бинодан чапга, — дедилар.

Мехрибонликларини яшира олмай, менга зимдан тикилганича, турнақатор машиналар орасида елдек учуб бораётган машинам светофорнинг қизил чироғида тўхтади.

— Ҳўжамисан болам ёки қорачаларданми? — тўсатдан сўраб қолди опа.

— Қорачаларданман, — дедим мен чаққон ҳаракат билан машинамни ўнг томонга буриб оларканман.

Кўп ўтмай узум пушталари ёнидаги кўркам, нақшинкор дарвоза олдида тўхтадик. Фиштин кошона ям-яшил мевали дараҳтлар, чиройли қилиб таралган ишкомлар, тартиб билан экилган гулларга чулғанган каттакон ҳовли. Кираверишда сўри ёнидаги чинни ҳовузга зилол сув шариллаб отилиб, ҳовузча сатҳида манзара акси жилоланиб турибди.

Қаршимда дастурхон кўтариб келаётган гўзал қизни кўриб, жойимда қотдим.

Қиз ҳам мени кўрганида ўзини йўқотганига қараганда юрагидан урганимга ишончим комил. Чунки қиз бир сесканиб, менга тикилганича жойида туриб қолганди. Бироз ўтиб, ўзига келди шекилли, бош иргаб салом берди-да, йўлида давом этди. Устида ўзбекона тикилган атлас либоси, бошига зар рўмолини елвагай ташлаб, ёнимдан шамолдек ўтганида юрагим қинидан чиқиб кетмаганига ҳайрон қоламан.

Ибо, уят уйланмаган йигитда қанча кучли бўлмасин, қизнинг жозибаси ундан ўн чандон кучлироқ эди.

Роса ўн етти ёшли суқсурдек бу гўзални етти иқдимдан қидириб ҳам топа олмасдим.

Сарғишга мойил бўлиқ соchlари икки аждаҳодек товонига тушиб турибди.

Чехраси гулдек ёниб етуклиқ ва тароват жило бериб, қалдиргоч қанотидек қошлари остида катта-катта шаҳло кўзлари пирпираб, найзадек киприклари кўксимга оташ ёқади. Ҳозироқ мени ўз комига тортиши муқаррар аждаҳодек инон-ихтиёrimни олиб қўйди.

— Жонибек! — Холида опанинг хитобидан ўзимга келдим.

Опа менга синовчан нигоҳ билан ҳайратдан оғзи очилганча тикилиб турарди.

«Қизим юрагингдан урдими, ҳали қараб тур!» — дегандек туюлди менга.

— Жонибек, танишинг, бу менинг ёлғизгина қизалогим — Дилбархон.

Қаршимдаги гўзалнинг юзига қараканман, қуёшга қарагандек зўр иштиёқ-ла, вужудим кўзга айлангандек қўрқа-қўрқа кафтимда ушлаб турган қўллари ўзга сайёрадан учиб келган фариштанинг вужуди эканлигига шубҳа қилмасдим. Йигирма беш

ёшлик уйланмаган йигит учун муҳаббат остонасига қўйилган илк қадам бўлгани учунми, ҳозирги ҳолатим ўнгим эмас, балки тушим бўлишини жуда жуда истардим.

Тушим эмаслигини билганим ҳолда, чин муҳаббат эмаслигига ҳам ишонардим.

Ҳаётда инсоннинг барча орзу-умидлари амалга ошавермаслигини аниқ билардим. Лекин ўзбекона расм-руссумлар менга, бошқа бир инсонга аталган ноёб гўзалликка рахна солмаслигим инсоний бурчим эканлигини сезиб, тақдирдан мутлақо норози бўлардим. Модомики, бу маҳваш бошқа бировга тегишли экан, тақдирга тан бериш керак.

— Жонибек, қани марҳамат.

— Раҳмат, опа, — дедим мен иродамни жамлаб. Бу ердан тезроқ кетмасам бировнинг фотиҳали қизини севиб қолишдан кўрқдим. — Мен кетсан, меҳмонларингизни кейинроқ олиб кетарман.

— Йўқ, — деди опа норози оҳангда. — Нималар деяпсиз?

— Негадир тобим қочаяпти, — дедим ижирғаниб. — Қола олмайман.

Кинофильмлар ва китоблардан бошқа бирор манбадан ўзбек урф-одатларини билмаган хорижлик меҳмонлар зўр иштиёқ-ла кўрпачалар устида чордона қуриб ўтиришни машқ қиласардилар.

Жорж оёқларини бири устига иккинчисини қўйиб ўтирганича ёнбошга юмалаб тушди. Ҳолида опа хижолат чекса-да, ўзини кулишдан аранг тўхтатиб турарди. Бироқ мезбон қиз пиқ этиб кулиб юборди, кейин елкалари силкиниб кула бошлади. Николай билан мен ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулардик. Ҳолида опа ҳовуз бўйида стол тузатмоқда.

Жорж ҳам бизга қўшилиб кулар, қўлларини пахса қилиб ўз тилида чулдиарди.

Фақат:

— Окей, окей, — дерди.

Таомилга биноан бир сидра нон, чой, ширинликлар тортилгач, инглиз меҳмон ҳовуз ёнида туриб, ҳаммамизни суратга тушишта даъват этди. Ўзи истаган ҳолатда бир неча бор суратга олгач, кейин мезбон қиз билан мени суратга олажагини имо-ишора билан айтиб туриб олди.

Тилмоч унга бунаقا ҳолатда суратга тушиш мумкин эмаслигини қанчалик уқдирмасин, Жоржни кўндириб бўлмади. Ноилож Холида опа қизига изн берди. Мен ҳам, қиз ҳам кўпам ялинтирмай розилик билдиридик.

Суратчи Жорж қиз билан мени бошимизни қувушибтириб, ёнма-ён ўтказиб, тик қўйиб, бир-бировимизга қаратиб ҳам суратга туширди. Аммо қаноатланмади шекилли, кела солиб мени қўлимдан тутиб, қизга яқин келди-да, унинг ҳам қўлидан ушлаб олиб, жуда ҳам бир-бировимизга мос келинкуёв бўлишимизни такрорлади. Николайни уриб юборгудек туртиб, таржима қилишни сўради. Николай кулиб, ўзимиз эшитавериб меъдамизга тегмайдиган, аксинча ёқиб тушадиган гапларни таржима қилиб берарди.

Дилбар қизариб-бўзариб, қўлларини озод қилишга уринса-да оқибатсиз қолаверарди. Кўп ўтмай Жоржга шароит яратилгач, эшик-туйнукларни ёпиб, сурат ишлашга киришиб кетди. Ҳаммаёқ сув қўйгандек тинчланиб қолди.

— Бу меҳмонимиз аломат экан, — деди кулиб Холида опа.

Николай эса палов сирларини ўрганиш мақсадида Холида опага ёрдамчи ошпазлика ёлланди. Мен Дилбархонга бирор яхшироқ гап айтиш илинжида бош қотирарам.

Биз гаплаша олмасак-да, яқингинамда турган паривашдан руҳий қувват олаётганимни ҳис қи-лардим. Томогим қуруқшаб, нима дейишни бил-масдим.

Ош еяётганимизда кутылмаганда, осмондан тушгандек, Дилбарнинг бахшандаси – бўлажак куёв бола кириб келди. Вақт алламаҳал бўлган, шаҳар нафаси анча тинчиб, ёзги чигирткаларнинг чириллаши онда-сонда эшитилиб қоларди. Бегубор, феруза осмонда милтираёттан юлдузлар оғушида тўлин ой майин шабадада шитирлаётган азим дараҳтларнинг қора япроқлари орасидан бизни кузатиб туради.

– Бўлажак куёв, – деди Холида опа. – Келиши мумкин эмаску?!

Ҳаммамиз жой-жойимизда қотиб қолдик. Дилбархон ҳаммадан кўпроқ безовталанди. У ёнимизда туриб салом берди. Холида опа ҳам ўзини тутиб олди шекилли, уни овқатга таклиф қилди.

– Ҳа, – деди у киноали тиржайиб. – Мени номига эр қилиб, қизингга манави олифтани ўйнаш қилибсан-да, манжалақи?!

– Оғзингга қараб гапир, бу кишилар менинг меҳмонларим. Қолаверса, сен ҳали менинг қизимга эр бўлганингча йўқ! Менинг уйимга келишинг мумкин эмас!

Йигит дастурхон четида турган фотосуратларни бир нечтасини олиб, аёлнинг кўз олдига олиб келди-да:

– Эй, мана бу келин-куёвларнинг суратлари-ку?!

Суратда мен Дилбархон билан бошимизни бошимизга қўйиб, баҳтиёр сузилиб турардик. Бўлажак куёвнинг соқоллари ўсиб кетган, уст-боши расво,

кўйлаклари ёқавайрон, ундан вино ҳиди анқирди. Қиёфаси шундай ғализ эдики, Дилбархондек қизга сира муносиб эмасди. Бўлажак куёв суратларни йиртишга чоғланганини кўриб, Дилбархон қўлига чанг солиб, суратларни тортиб олди

- Йиртмайсиз, — илтижо қилди қиз.
- Торт қўлингни қанжиқ! — бақириб қизнинг юзига тарсаки тортди.

Бироқ мен унинг қўлини ушлаб тўхтатдим.

— Бўшат қўлни, — деди у оғриққа дош бера олмай. — Ҳозироқ чиқиб кетмасант, чавақлаб ташлайман!

Мен унинг қўлини қўйиб юбориб, пастга тушдим-да оёқ кийимларимни кийдим. Бу вақт у қизнинг соchlаридан ушлаб тортаётган эди. Уни биқинига секин туртиб имлаб чақирдим-да, зарб билан башарасига тушурдим У чалқанча тушиб, ёнidan пичогини чиқарди. Ҳамма қийқириб юборди. У ўрнидан туриб оёқларини керганича пичоги билан менга яқинлаша бошлади. Мен пайт пойлаб пичоқди қўлига тепиб қуролсизлантирдим-да, пичоқни босдим. У яқин келиб пичогини олишга уринганида яна битта туширдим. Мен пичогини икки бўлиб, қўлига тутқаздим-да, кетига яхшилаб битта тепдим. У: «Беш талоқ, ўн талоқ», деб бақирганича чиқиб кетди.

— Энди бўлари бўлди, — деди опа.— Ўтиинглар! Нега туриб қолдингиз. — Устига-устак, суратга тушишга бало бормиди!

Инглиз меҳмон гапнинг тагига етди, шекилли, чўрт кесиб қўяқолди:

— Бунинг ҳечам хафа бўладиган жойи йўқ, мэсе Ҳолида! Ҳўп деб қўяқолинг, Мистер Жоне

сизнинг қизингиз Мэсе Дилбархонга мос күёв бўла олади.

Николай ҳам худди шу фикрда экан, кўпам таранг қиласдан таржима қила қолди. Опа мийиғида кулиб, бироз ўйланиб турди-да:

— Кошкийди осонгина шундай бўла қолса, анави ит эмгурга тўйни қайтариш учун пул керак бўлади. Бу йигит-ку ростданам менинг қизимга мос күёв бўлардику-я, энг ёмони Дилбар билан шу азamat йигитнинг ораларида никоҳ юрмайди. Биз оқсуякларданмиз.

— Николай, сиздан илтимос. Мистер Жоржга айтинг, мен худди у айтгандек иш қилишга розиман.

Дилбар бошини ҳам қилганича нари кетди. Аниқ кўрдим, унинг елкалари йиғидан титрарди. Ўтган бир неча дақиқа оралиғида бўлиб ўтган воқеалар унинг тақдирини ҳал қилиб бўлган эди.

«... Биз оқсуякларданмиз».

Дилбарга яқин боришим, унинг гулгун чехрасига тик қарашим, ҳатто унинг исмини тилга олишим моховлар билан ошно бўлишим билан баробар хўкм эди.

Дилбар секин юриб, стол устида тўзғиб ётган фотосуратларни йиғиб олиб, бағрига босди-да, ҳеч ким билан хайрлашмасдан ичкарига кириб кетди. Бечора қиз билса эди, мана шу машъум оқшом хотиралари бўлмиш бир неча фотосурат унинг келгуси ҳаётини жаҳаннам азобларига маҳкум қиласагини, у биларди.

Қиз яна шу нарсани яхши билардики, унинг ҳаётида шу суратлардан бошқа бирор нарса қизлик орзу-умидларидан юксак хотира бўла олмасди.

ОҚ ОРЗУЛАР

Шаҳарнинг марказий бозори рўпарасида шинамгина тилла магазин бор.

Авазбек Ҳамроқуловнинг хотини Саидахон ана шу магазинда раҳбарлик қилади. Унинг бўлимларида бир нечта сотувчи қиз ишлайди. Қизлар бири-биридан сулув, бўй-бастлари, кийинишлари ҳам бир хилда бўлиб, харидорлардан ҳам қизларнинг ҳусну жамолини томоша қилувчилар кўпроқ бўларди. Ширингина табассум билан харидорларни жалб қилувчи бу сотувчи қизлар, тилла буюмларни келганларга кўрсатишар экан, уларга маҳлиё бўлган харидор йигитлар бор пулларини қимматбаҳо тақинчоқларга сарфлаб қўйғанларини ўzlари ҳам сезмай қолишарди. Бежирим, ҳарир либосдаги бу гўзал қизларнинг билакларига, бармоқларига, бўйинларига тақиб олган тилла, зумрад ва бошқа қимматли буюмларни кўрган келинчаклар, бўй етган қизлар улардаги тақинчоқлардан кўз узмасдилар. Ўша куни бўлмаса-да кейинроқ келиб, ҳавас қилган тилла буюмларини сотиб олардилар. Бу магазинда энг тоза заргарлик буюмлари сотилгани боис баҳоси озгина қиммат бўлишига қарамасдан сотувчиларнинг қўллари қўлларига тегмасди.

Яҳшигина савдо бўлгани боис Саидахон турли расмий ҳужжатларни тўлғазиши, ҳамкор ташкилотларга югуриб-елиш ва бошқа юмушлардан бўшамасди. Ишчи-хизматчилар оладиган ойлик маош унчалик кўп бўлмаса-да, ой охирида Саидахон яҳшигина мукофот пули тарқатиб берарди.

Бу тилла магазинда ишлаш орзусида бўлган қанчадан-қанча қизлар Саидахон билан учрашиб: «Иш йўқ», деганига қарамасдан, яна умид билан:

«Иш ўрни бўлса қўнгироқ қиласиз», дея илтимос қилиб кетишарди.

Саидахон Авазбекка турмушга чиққанида ўн етти ёшда эди. Ҳозир йигирма етти ёшда. Қомати, хуснижамоли умр баҳорининг энг гуллаган маҳалини кечираяпти. Тўлқинли қора соchlари елкасига ташланган. Қимматли тақинчоқлар, ноёб, ҳарир газламадан тикилган кўйлаги меъёрида етилган қоматига ярашиб турибди. Суҳбатдошига ширингина табассум билан муомала қилганида сўлим чехрасига ой балқандек очилиб кетади.

Саидахон дўконда сотувчи қизлар ёнида бўлганида гул ғунчалар орасида обдан етилиб очилган атиргулни эслатади. Аммо, Авазбек келиб қолсами, бечора Саидахон ўзини қўярга жой топа олмас, «Нима бўлса бўлсин, Авазбек манави ёш қизчалар олдидা шарманда қилмасин», дея Оллоҳдан илтижо қиласди. Унинг илтижоси ҳамма вақтла ҳам қабул бўлавермасди. Авазбек чиройли қизларни кўрса жинниси қўзиб, ўзини йўқотиб қўярди. Унинг наздида чиройли, ёш қизлар олдидা Саида арзимас фаррош аёлдек қадрини йўқотарди. Кунларнинг бирида Саидахон ишва билан тилла тишлигини ярақлатиб, сотувчи қизларга муомала санъатини ўргатаётган чоғда туйқус кириб келган Авазбек ҳе йўқ, бе йўқ Саидахоннинг билагидан ушлаб ўзига қаратди-да:

— Нега ҳали ҳам ўтирибсан! — дея ўшқирди у. — Қизларни ушлаб, ишдан қолдираяпсан!

Ҳамроқолов жазаваси қўзиган вақтда ҳам ёнида ҳайратдан, кўркувдан титраб турган «жонон»лардан кўз узмасди, гўёки, оч бўридек ўтлаб турган ширвозни тезроқ еб қўйишга шошиларди. Эрини бундай олчоқлигини билган Саидахон ич-ичидан унинг омадсизлигини тиларди. Аёл қалбida нафрат

шу даражада кучли эдикى, ёнгинасида эри бошқа аёл билан түшакда ётганини кўриб қолса ҳам, рашк қилмаслигига ишонарди.

Ҳозир эри сўкиниб, жаҳл билан чиқиб кетганидан кейин бечора аёл эси оғиб ўтириб қолди. Қизлар пиёлада совуқ сув ичиришиб ўзига келтиришиди. «Бу ярим жинни, хотинбоз бойвачча билан яшагандан кўра, камбағал тракторчи билан умр кечирсам бўлмасмиди. Билагимни қорайтириб юборибди. Энди нима қилдим, бу аҳволда қандай қилиб савдо идорасига бораман?!» — дерди бечора аёл.

Саидахон шифохонада даволанаарди. Ҳамроқулов келиб, Саидахоннинг иш кабинетига кириб оромкурсига ўтириб олди-да, ходимлар рўйхати ва шахсий варақалар билан танишиб, ҳужжатдаги қизлардан бирини суратига тикилиб қараб: «чакки эмас» — хаёлан деди у. Кейин: «Оилада ака-укалари йўқ, опаси турмушда, ота-онаси нафақада. Яхши, асов бўлсанг қўлга ўрганасан».

«Эҳ, Авазбек! Шундай суқсур ёнингда турса, сен уни кўрмасанг! Беш кунлик дунёда даврингни суриб қолмайсанми?! Ҳозироқ сухбатлашиб, бирор қарорга келсак бўлади».

Авазбек ўзини ойнага солиб, оқ оралаган сочларини силаб тўғрилаган бўлди, кейин бўрсиллаб турган чеҳрасига тикилиб туриб: «Айғир от бўлса, мендек бўлади-да», — дея хаёлидан кечирди. У ёқимлигина жилмайиб, оқ кўйлагига ярашиб турган қизил бўйинбогини тўғрилаган бўлди. Кейин юмшоқ ўриндиқقا ўтириб олиб, тутмачани босди. Кириб келган ходимага:

— Саида ишга чиқмаса керак, — деди у қиёфасига ташвишли тус бериб. — Ўрнига сиз ишлайсизми?

— Мени саводим йўқ-ку, — деди аёл. — Саидахонни ўзлари келиб қолар.

— Йўқ, — деди Ҳамроқулов. — У энди бу ерда ишламайди, болаларга қараши керак. Сотувчи қизлардан бирортасини қўйсакмикин? Сизга ёрдамчи бўлади, идора ҳужжатларини зиммасига олади. Гўзал Расуловага қандай баҳо берасиз?

— Яхши қиз, — деди Ойсоат опа.

— Чақиринг, — деди Авазбек. «Арқонни узун ташлаш керак, яқин орада қушча тузофимизга илинади».

— Келинг, исмингиз нима эди? — деди Авазбек. Қизга эътибор бермасдан, сўзида давом этаркан. — Саида бугундан ишга келмайди, ўрнига Ойсоат опа ишлайди, сиз вақтинча опага ёрдамчи бўласиз. Идора ишларини яхши олиб борсангиз, яна ўйлашиб кўрамиз. Ойсоат опа сизни тавсия қилдилар, синов шарти билан, исмингиз?

— Исмим Гўзал, — деди қиз тортинибгина, суҳбатдошининг юзига қарамасдан.

Авазбекда кишини лол қолдирадиган қандайдир бир кувват бор эди. Айниқса, аёллар унинг кўзларига тик қаролмасдилар. Иродаси бўш аёл бир кўришдаёқ унинг қулига айланарди. Муомала сирини яхши билган Авазбек қиз бола билан суҳбатлашганида юриб туриб, гапнинг мавзусини узоқдан бошлаб, муддаога ўтишга шошилмасди.

— Гўзалхон, ишга киришинг, — деди Ҳамроқулов эшитилар-эшитилмас. Мана шу кабинет сизнинг ихтиёргизда. Ўрнингизга сотувчи олишга шошилманг. Бу ҳақда кейинроқ ўйлаб кўрамиз.

— Саида опамлар келмайдиларми? — тортинибгина сўради қиз. — Сизга қаҳва тайёрласамми?

— Бу ишни сиз қилмайсиз, савдони назорат қилинг, — деди Авазбек. — Бугунги тушумни инкассаторга бериб юборасиз. Қиладиган ишларингизни Ойсоат опа билан маслаҳатлашасиз.

«Ё алҳазар! Кўзлари оҳуникидек, ўсма, сурма қўймаган бўлса-да, ҳусни-жамоли қалбимга олов ёқади, бу жонон сеники, шоҳ Авазбек!»

— Ойсоат опани чақиринг, — деди Ҳамроқулов. — Бу кундан эътиборан шу магазинни каттаконисиз. Муаммо туғилгудек бўлса, Азимбек деган одами-мизга қўнғироқ қиласиз.

— Ҳайда! — хитоб қилди Ҳамроқулов шофёрига. — Шифохонага.

Кечакечаси асаби бузилган ҳолатда уйга келганида, Саидахон қаттиқ уйқуда эканлар. Етти ёшлик Сайфиддин ҳам мазза қилиб ухляяпти. Ҳизматкор аёл ҳам кўринмайди, дарвозани очган қоровулдан бошқа ҳеч ким Авазбекни қарши олмади. У секингина хотини ёнига келиб, унинг оёғига тепди.

Кўзини очиб, эрини таниган аёл кўзларини уқалаганича:

— Ҳозир, кўзим илинибди дадаси, кечирасиз, — деди.

Авазбек унга нариги хонага ўтишга ишора қилди. Тўрт ёшли Дурдонани устини ёпиб қўйди-да: «Тилло қизим», деди кўнглида Авазбек.

«Эрим мени соғинган кўринади, ноз қилишим керак-ку, ахир», деган хаёлга бориб:

— Авазбек Ҳамроқулович, чарчабман, бу кеча менга тегишмасантиз, — деди аёл эркаланиб.

— Юрсангчи! — тишлари орасидан секингина деди Авазбек. — Болалар уйғониб қолади!

«Нега мени қарши олмасдан ухлади бу қанжиқ, яқин орада мендан калтак емаган эди. Яхшилаб бир-икки тарсаки еса, ақли жойига келади», деган хаёл билан хонага кирса, хотини йўқ. «Ё тавба, қаёққа кетдийкин? Мендан кўрқиб бирор ковакка кириб, беркиниб олган бўлса керак». Чакирай деса,

болалар уйғониб кетади. У секин юриб, ётоқхонага кирса, хотини ерга жой солиб, чойшабга ёпиниб ётган экан.

— Келинг-да азизим, жононингиз интизорлик билан сизни кутаяпты, — деди аёл ноз билан.

— Ҳа, манжалақ! — деди Авазбек тишлари орасидан. — Мен билан сичқон-мушук ўйнамоқчимисан?! — деганича хотинини тепди.

Кипяланғоч аёлни ўрнидан турғиздириб шундай дүўп посладики, югуриб келтән хизматчи аёл эси оғиб ийқилиб туышы. Саидахон қонға беланиб хириллаб, жон талvasа қилајапты. Күzlари қонға түлгән Ҳамроқұлов келиб эшикни ёпиб, қулфлаб қўйди-да, хизматкор аёлга:

— Тезгина манавини кийинтири! — деди у.

Құллари қалтираб, құрқиб кетген хизматкор аёл нима қилишини билмасди. Авазбек ўзи хотинини кийинтириб, телефонда тез ёрдам чақирди. Саида ўзига келолмай беҳуш ётарди.

Вақт шиддат билан ўтаверди.

Саидахон икки ой шифохонада ётиб даволанди. Аммо унинг соғлигига путур етганди. Сўлим чеҳрасида ажин пайдо бўлиб, озғингина ногирон аёллардек ҳасса таяниб юрадиган бўлди. Касалхонага олиб келганларида врачлар бор хунарларини ишга солиб, беморнинг ҳаётини сақлаб қолдилар. Дори-дармон ва бошқа тиббиётга зарур нарсаларни Сайданинг акаси олиб келиб, қарашиб турди. Онаси Турсуной хола Сайданинг ёнидан бир қадам ҳам силжимай, қизининг тирик қолишини Оллоҳдан илтижо қилиб сўрарди.

Саидахон кўзи илинди дегунча, тунда бўладими, кундуз кунларими, ўрнидан туриб қичқириб юборди. «Келинг, азизим, жононингиз йўлингизга ин-

тизор. Вой онажон!» деб уйғонади. Сайданинг дүстлари, дугоналари касал күргани келишса, авваллари ҳеч кимни танимасди. Эндиликда жилмайбина бош ирғаб сүрашади.

— Анча яхшиман, — дерди бечора аёл. — Зинадан ииқилиб тушибман.

Орадан олти ой вақт ўтди. Гўзалхон тилла буюмлар дўкони директори лавозимида ишляяпти. Сотувчи қизлар устидан назорат қиласди. Идора ҳужжатларини тўлғазиб, ойлик ҳисоботни ҳам рисоладагидек бажараյапти.

* * *

— Сиз, Гўзалхон, — деди бир куни Авазбек. — Пойтахтда бўладиган анжуманга боришингиз керак.

— Авазбек Ҳамроқулович, — деди Гўзалхон ишва билан. — Уйдагилар билан маслаҳатлашиб олишим керак-ку?

— Юз чақирим масофани босиб ўтиб, Турон туманининг чекка қишлоғига бориб, рухсат сўраш?! Эсингиз жойидами? Самолётта чипта олинган бўлса, сафар гувоҳномаси, пойтахтдаги нуфузли меҳмонхонада маҳсус хона сизга интизор бўлиб турган вақтда, яна қанақа рухсат?! Сизга тушунолмай қолдим. Ўзингиз кимсан вилоятдаги энг зўр тилла магазинининг директори бўлсангиз. Эртага соат ўнда учасиз.

— Авазбек ака, сиз оиласи кишисиз, — деди Гўзалхон. — Муносабатларимиз хусусида гаплашиб олсак. Мен турмушга чиқмаган қизман, тўғриси, аёлман. Мана шундай хизмат сафарлари қачонгача давом этаркин? Қачонгача мен билан ўйнаш ўйнаб юраверасиз? Бу нарсага чек қўйиш вақти келма-

дими? Совчилар келаяпти, уларга рад жавоби берајапмиз. Қани сиз ваъда қилган уйланмаган куёв йигит?

Гўзалхон йиғлаб юборди.

— Сени қара-ю, ўша куёв бола сен ишлаётган тилла магазинда турган бўлса дарров олиб бермасмидим? Сабр қилиш керак.

— Етар мени алдашларингиз, — деди аёл йифи аралаш. — Жонимга тегди.

— Буни қаранг! Жонларига текканмиш, жаннатдай шароит яратиб бериб қўйибман-у тиллага буркаб, маликалардек ҳаёт кечирсанг, министрнинг хотини ҳам сиздек ҳаёт кечирмайди. Сабр қилсанг, сенга эркакни зўрини топаман-да, никоҳ тўйингни бошида ўзим тураман, лекин менга сўз берасан!

— Яна қанақа ультиматум?! Яна қанақа ҳунарлар кўрсатмоқчисиз?! — деди аёл кўз ёшларга фарқ бўлиб.

— Олий ўқув юртида сиртдан ўқиши давом эттирасан! — деди Авазбек. — Шу ерда ишлайсан, нимаси ёқмаяпти сенга?!

— Бўлажак куёв рози бўларканми?

— Нега рози бўлмас экан? Яхшигина маош билан тикув цехига бошлиқ қилиб қўяман. Бу камлик қилса, бирорта банкда яхшигина вазифага қўяман, биласан, менинг қўлим ҳамма нарсага етади, азизам, сен хотиржам бўлавер.

— Яхши, — деди Гўзалхон. — Бу сўнгги хизмат сафари бўла қолсин.

Авазбек Гўзалхон билан ораларидаги ишқий саргузаштларини мутлақо сир сакларди. Шунинг учун тилла буюмлар дўконига келмасди. Зарур бўлганида телефонда гаплашиб, пойтахтга хизмат сафарига бориши кераклигини айтиб кўярди.

«Мен учун қанчадан-қанча йигитлар тевалашиб милицияга тушиб қолиши. Мен уларга лойиқ эмасман. Афсус, шунинг учун ҳаммасига рад жавоби бераяпман. Бирорта инсон менинг ҳақимда ёмон гап айтмайди, улар сўраб-суроштиради, албатта. Бироқ эҳтиёт бўлганимиз учун кишилар менинг қора кирдикорларимдан бехабар қолаверадилар. Менинг номусим поймол этилиб, ўзимдан йигирма ёш катта оиласлик эркакни хуфиёна ўйнаши эканлигимни билмайдилар-да, иродам кучсизлик қилиб шу аснода юраверсам охири нима билан тугаркин?!» — деган ўйлар уни тарк этмасди.

— Хайр, яхши қол, — деди Авазбек чиқиб кетаётиб.

Аёл оғир хаёлларга берилиб, Авазбек Ҳамро-кулович билан хайрлашмади ҳам.

«Жин урсин ҳаммасини, ўлиб кетишдан бошқа чораси бўлмаса. Иложи бўлганида пул бор. Ҳозирги замон тиббиёти ожиз бўлса, сурункали ўйнаш ўйнагандан кейин оқибати...», ўйларди аёл.

Декабрь ойи анча совуқ келди. Тунлари узун, зерикарли. Осмону замин йиринг тусли губор билан қамраб олинган. Қипяланғоч дараҳтлар, улкан иморатлар бир хилдаги хира рангларда намоён бўлади. Совуқ изғирин игнадек санчади. Гўзалхон қундуз ёқали пальтосида, ихчамтина этикчаларда дадил қадамлар босиб бораркан, ёнидан бораётган эркаклар унга суқланиб қараётганларида ҳар доимгидек гурур ҳиссиётларини эмас, энг жирканч туйғуларни ўзида ҳис эта бошлади. «Даҳшат!» деди у хаёлида. Бундан ёмони бўлиши мумкин эмас. Яна Тошкентга уч кунлик сафар, яна икки меҳмонхона орасида ҳансираб, елиб-югуриш. Ўйнаш-ўйнаш, ҳайвоний ҳиссиётларни қондириш. Икки қиёфада, икки дунё

оралиғида саргардон кезиш, ўз-ўзимни алдашим, бундай гуноҳларни ҳеч қанақасига оқлад бўлмайди-ку! Даҳшат! — хаёлида деди аёл, «Яратгандан илтижо қилиб, ўзимга ўлим тилашим керак. Бокира қиз бўлиб, келинлик либосида, ёр-ёр қўшиқлари, шодиёна олқишлиар билан келинлик гўшангасига кириш менга насиб этмади. Гулдек ҳусну жамолим, қизлик иффатим, латофатим поймол этилиб, онамнинг оқ сутини оқламадим. Онамнинг, отамнинг бир ҳовуч дуосини ололмасам, мен ёруғ дунёга келиб, куёв йигит тўшагида уни бахтиёр эта олмасам. Мен балбахт хотинман!»

Асл қиёфамда эса, ёрқин юлдузлар концертларига савлатли, кўркам, бахтиёр эркак Ҳамроқуловни қўлтиғидан ушлаб, кириб бораман-да, энг олдинги қаторлардан жой оламан. Ахир, бу нарсалар бир қарашда баъзи аёллар учун оқ орзулар бўлиб кўринсада, хиёнат ва разилликдан бошқа нарса эмас. Отаонам нафақада бўлсалар-да, ишлаб пул топаётган бўлсалар, рўзғорда камчиликлар бўлмаса, онам шўрлик қизимга деб сандик тўла латта-пугтани, қатқат кўрпа, кўрпачаларни йиғиб ташлаган бўлса, уйда осойишталик бўлса, мен бундай номаъқул ишлар қилиб юришимни қандай баҳолаш керак? Мен шайтон васвасасига тушиб қолибман, шекилли. Оқ орзулар деб бутун борлиғимни таҳликага солиб кўйибман. Бечора Сайданинг бошига битган бало мен бўлмасам, ким бўларди!»

Гўзалхон оғир хаёллар оғушида юришга дармони бўлмай, озгина бўлса-да ўтириб дам олтиси келди. У шаҳар боғи дарвозасидан кириб, қиров бостган ўриндиқлардан бирига омонатгина ўтирди. Атроф сокин, дарахтлар оппоқ қировга чулғанган. «О – қиши! Еубор оғушидаги муҳит, инсон умрининг даҳшатли воқеаларини эсга солади».

Бундан бир йил аввал, Гўзалхон тонг чоғида сирли туш кўрган эди: «Мовий дengiz satxida oppoқ elkanli kema suzib yorganmiш. Beғubor osmonda oppoқqina kabutar қанot қoқib uchaypti. Uning kuz ўngida kemанинг oppoқ elkanlari қora tusga kiriб, жуда tez яқинлашиб keliб, kийим-boшлари, қиёfasи timқora darfa қўlidagi қирғийини учирган эмиш. Қирғий kўkka kўtariliб, parvazdagi kabutarга tashlanганмиш. Қирғий қanчалик urinmasin, kabutar chap bериб, duшман ҳamlasidan қutuлиб қолармиш. Қora kemadagi darfa kўllarinи ўйнатиб қирғий va kabutar janгини boшқaraётganмиш. Bечора kabutar ҳoldan toйib, beixhtiёр ўзини vaҳshiy қush ixтиёрига topshirganmiш. Uning oppoқ patlari tўzғib, мовий dengiz satxiga sekinstasta keliib tushganmiш. Osmonda қирғий қush Ҳамроқуловга ailaniib, kabutar esa Gўzalxonni ўзи эмиш. Ҳамроқуловни инсонлар kийimiда эмас, ўлаксахўр қарғa patlari va қanotlariда kўrganmiш. Kabutar қanot қoқib, kўkka parvoz қilgan choғda, darfa¹ камон ёйдан ўқ otganmiш, ўқ kabutarning patlariни юлиб ўтиб, қирғийни kўkratigiga tegibdi. Oғir яralanghan қирғий, қanotlari shalpайib, мовий dengizga қulab tushiбdi. Қanotidan яralanghan kabutar bor kuchini жamlab, қonli dengizdan uzokroqqa uchiб ketganmiш».

Орадан бир йил ўтиб, ўша қўрқинчли tush taъbirinи ўйлаб, boшини chan gallab ўтирган aёл: «Ҳammasi tughadi, boшқa chorasi йўқ, яқин oрада Ҳамроқулов boшқasiga қармоқ tashlайди, men esa sharmanda bўлиб қolaveraman», deя хаёл surardи.

¹ Darfa — kema kapitani.

Оқишиң ғубор орасидан қүёш мұралаб, күриниб-күринмай сузив бораяпти. Оқ марваридларга бурканиб олган дов-даражатлар заррин рангларда товланади. Сокинликни музда учеб юрган болалар бузади. Гүзілхон йиллар ғубори остида қолған болалигини эслади: «Қишиң күнлари әди. Учинчи синфда ўқырдим. Музда ўйнаб юрганимизда Болта деган бола мени қор билан уриб бурнимни қонастади. Урай десам күчим етмади, ўтириб олиб йиғладим. Болта мендан узр сүраб, юзимни қор билан ювиб қўйди. Мен ўрнимдан туриб, унинг кўзига мушт туширдим. Эртасига кўзи қўкариб келган Болтанинг устидан болалар роса кулишганди».

Аёл мийиғида жилмайиб, деди: «Эҳ болалик, беғубор болалик, орзу-умидлар деңгизининг кўрқмас қароқчилари!» Гүзілхон ўрнидан туриб, устбошларини қордан тозалаб: «Мен эртага сўнгти сафарга бораман. Ўйнашим Авазбек Ҳамроқулов билан романтик саргузаштларимизга сўнгги нуқта қўйилади. У мени кераксиз матоҳдек ташлаб юборади», деб ўйлади.

Айни шу дамларда Ҳамроқулов ҳам оғир хаёллар оғушила устма-уст сигарет тутатиб, кабинетида у ёқдан-бу ёққа юриб, атрофда содир этилаётган воқеа-ҳодисалар тафсилоти ҳақида бош қотираради:

«Гүзілхон камина олдиларидағи вазифасини адо этиб бўлди. Яна шу алғозда давом этадиган бўлса, ишлар чаппасига кетиши мумкин. Шунинг учун ишқий романларимизга нуқта қўямиз. Гүзілхон яна уч кеча мен билан айш-ишратини қилиб хумордан чиқсин, кейин шундай қиласайинки: Гүзілхон ўзининг орзу-умидлари билан нариги дунёга кетмас эканларми!»

Авазбек жойига келиб ўтириб олди-да, телефон рақамларини терди:

— Дароз, сен тафтиш масаласида қандай фикр-дасан? Шу ойнинг иккинчи ярмидан иш бошласалар... — Яхши. Шундай қилинг! Менга кечки рейста чипта олиб кўясанми? Поездга дедингми? Обҳаво ёмон? — Ўзинг ҳам мен билан борсанг, дегандим. Маслаҳатли ишлар бор. Ҳозир менинг олдимга инженерни киритасан. Хў-ўп!

— Хўш, инженер, аҳволларинг яхшими? Пайшамбе бозорида одамларинг яхши ишлайтиларми?

— Ака, — деди Тешавой кўлларини кўксига кўйиб. — Худога шукр, ўзингиздан сўрасак, Пайшамбе бозорини биласиз ака, ғувиллаб қайнаб ётибди. Анчамунча жанна¹ олиб ташладик. Нима қил дейсиз?

— Сен ўзинг нима қилмоқчисан?

— Бирорта мозоратга кўмсакми? — деди Тешавой шивирлаб.

— Яхши, — деди Авазбек. — Ҳозирча йифатур, мен сафардан соғ-омон қайтсам, бу ишни ўйлаб кўрамиз. Қўлга, пулга илинадиган нимаики нарса борки, сотиб пулланг! Арzon нархларда расмийлаштириб, устидан олинган фойдани алоҳида иккинчи ҳужжатда, иккинчи ҳужжатни бошқа жойта, гадой топмас қилиб беркитинг дематанмидим?! Автомашина ва бошқа техника воситаларини белгиланган нархлардан юқорироқ нархларда бераверасан. Олувчи билан келишилган нархда, демоқчиман.

— Ака, — деди Тешавой. — Лекин, бош ҳисобчи инжиқлик қилаяпти!

— Инжиқлик қилганини менга айтинг, дегандим, шекилли, — деди Авазбек. — Хўш, тандиринг² тайёрми? Машинада жўнатгандирсан?

¹ «Жанна» — тилло.

² Тандир — тандир кабоб.

— Машина жўнаб кетди, аммо йўл оғир дейишаётти, — деди Тешавой.

* * *

Атрофни хирагина туман қоплаб олган. Гўзалхон ўриндиқча ўтириб олиб, хавфсизлик камарини ўтказиб олди. Бортпроводник баланд бўйли, истараси иссиққина сариқ сочли қиз: «Уважаемые пассажиры! Экипаж и капитан корабля ЯК-40 желают вам приятного полёта», деди.

Самолёт бор кучи билан уввос тортиб, титраб турди-да, ўрнидан қўзгалди. Кейин унинг овози пасайиб, қанотлар ҳавони шигиллатиб кесиб, баландликка кўтарилаверди. Ер сатҳидаги экин майдонлари, дала-даштлар, оппоқ қор билан қопланган қир-адирлар тобора узоқлашиб географик ҳарита тусини олмоқда. Автомобиль йўллари эса жанубдан шарқи-шимолга қора лентадек чўзилиб, қўз илғамас ғуборга сингиб кетади. Кишилар хавфсизлик камарини ечиб ташлаб, кимдир газета, кимдир рангли журналларни варақлаш билан овора.

Самолёт паастлаб уча бошлади. Айни шу чоғ орқа ўриндиқдан Гўзалхоннинг дипломатини худди ўшанақасига алмаштириб қўйганларини мудраб келаётган йўловчилар сезмади. Аэропортдан чиқиши чоғида ҳодимлар дипломатни очишни буюрди.

— Бу менинг дипломатим эмас! — хитоб қилди Гўзалхон кўзларига ёш олиб.

— Бу сизнинг дипломатингиз! — деди аэропорт ҳодими. — Очинг!

— Менинг дипломатимнинг орқа томонида кичкинагина мис таҳтача ёпиширилган бўлиб, менинг исмимни бош ҳарфи бор эди, бунда йўқку?!

Гувоҳлар иштирокида дипломатни очишиб, ичидаги пулни ҳисоблаб ҳужжатлаштириши ва Гўзалхоннинг эътиrozларига қарамай, маҳсус хонага қамаб қўйишиди.

Самолёт ҳавога кўтарилишидан бир неча дақиқа олдин орқа ўриндиқларнинг бирида пала-партиш кийиниб, соқоллари ўсган киши журнал варақлаб келаётган эди. У вазифасини бажаришда қўпол хатога йўл қўйди. Пайт пойлаб, секингина Гўзалхоннинг орқасида ўтирган киши билан ўрин алмашганини изқувар сезган эди, ҳеч кимга сездирмай дипломатларни алмаштиришга улгурган шубҳали шахс қанча уринмасин изқуварни чалғита олмади. Изқувар шубҳали шахсни изидан тушиб, ким билан учрашиши лозим эканлигини билиб олиши керак эди. Аммо, шубҳали шахс осонгина текширув аппаратидан ўтиб олди-да, машина тўхтатди.

Ёнгинасида келиб турган изқуварни сезмаган эди. Машинага ўтирганида, изқувар ҳам унинг ёнига ўтириб олди.

— Машинани тўхтат! — хитоб қилди шубҳали шахс. Ёнида тиржайиб ўтирган изқуварни бўйнига пичноқ қўйди.

Аммо, изқувар чаққонлик билан рақиби қўлидан пичогини олиб қўйиб, қўлига кишан солди-да, кишанинг иккинчи ҳалқасини дипломат дастагига ўтқазиб қўйди.

Кейин шубҳали шахсни машинадан тушириб олиб, ичига урди.

— Мени қўйиб юбор! — деди шубҳали шахс. — Нималар деб валдираяпсан! Қанақа пул! Хотинимнинг нарсаларидан бошқа ҳеч вақо йўқ! Ишонмасанг, очиб қара!

— Юрақол! Қочишга уриниб овора бўлма! — деди изқувар. — Мабодо, қуролинг йўқми?! — У шубҳали

шахсни тепиб йиқитиб олиб, ҳамма ёғини пайпаслаб күрди. Башқа қурол йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, сўзида давом этди. — Сен кимсан?!

— Мен зиёли инсонман. «Совет Россияси» совхозида бўлим бошлиги бўлиб ишлайман! — деди шубҳали шахс. — Мени қўйиб юборсанг беш юз сўм бераман.

— Сен ифлос ҳали мени ҳам пулга сотиб олмоқчимисан! — дея изқувар шубҳали шахсни ёқасидан ушлаб силкилади. — Сени кетингдан бекорга юрган эканманми?! Фаламис, сен маразнинг касофатига бечора бир аёл тергов бераяпти! Сен бўлсанг мени ҳам пулга сотиб олмоқчисан! Сени қўйиб юборсан, пулни кимга олиб бораётганингни айтиб берсанми?!

— Қанақа пул? — деди шубҳали шахс, ҳеч нарса бўлмагандек. — Дипломатда хотинимнинг нарсалари дедим-ку. Қилган қилмишинг учун жавоб беришни истамасанг, ҳозироқ қўйиб юбор! Бўлмаса сени қарғайман, оёғинг кетингга ёпишиб қолади.

— Сенми, мени қарғайдиган! Муттаҳам! Аэропортга! — хитоб қилди у ҳайдовчига. — Қараб тур,— деди изқувар жаҳл билан. — Ҳаромхўр ҳомийингни ўзинг тутиб бермас экансанми!

* * *

Пойтахт аэропорти маъмурий идорасида изқуварнинг ҳужжатини кўздан кечираётган милиция капитани қулгудан ўзини сақлай олмади.

— Милиция лейтенанти ўртоқ Турдимурод Кўчимов, сизни кўрган киши қамоқхонадан қочган бандит демасмикин? Бизда шарт-шароитлар бор, юваниб, соқолларни олиб, дам олсангиз. Бизнинг азаматларимиз билан овқатланардингиз, кейин сиёsat билан,— капитан қулиб ҳужжатларни эгасига қайтарди.

— Раҳмат,— деди изқувар. — Аввал манави «зиёли»нинг кирдикорларини ойдинлаштириб олсак, дегандим.

— Яхши, — деди капитан, кейин шубҳали шахсни олиб киришни буюрди.

Кириб келган шубҳали шахсга қараб турди-да:

— Дипломатни хотинимни дегандингиз, Обидхон Собитхонов?

— Ҳа, хотиним қолдириб кетгани учун мен олганман.

— Очинг!

— Дипломат сирларини хотиним билади, — деди Собитхонов, сўзларини дона-дона қилиб.

Капитаннинг ишораси билан Гўзалхонни олиб кириши. Бу воқеадан ваҳимага тушиб, ҳабаш тик турган жойида ўтириб қолди.

— Гўзал Расулова, айтингчи, шу кишини танийсизми?

— Самолётда кўргандек бўлувдим.

— Манави дипломатни-чи

Гўзалхон дипломатни кўздан кечириб:

— Агар ён томонида менинг исмимнинг бош ҳарфи ёзилган кичкинагина мис ёрлиқ бўлса меники, аммо дипломатлар бир-бирига жуда ўхшаш.

Капитан дипломат ёнидаги кичкинагина мис ёрлиқни кўрсатди.

— Бу менинг дипломатим, — деди Гўзалхон, кўз ёшларга гарқ бўлиб.

— Очинг! — хитоб қилди капитан.

Гўзалхон чаққонлик билан рақамларни терди ва дипломатни очиб қўйиб, капитанга юзланди.

— Шахсингизни тасдиқлайдиган бирор ҳужжатингиз борми?

— Истаганча, — деди-да, дипломатдан талабалик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатларни олиб кўрсатди.

- Ичидаги ҳамма нарсаларингиз борми?
- Ҳаммаси бор, — деди Гўзалхон жилмайган бўлиб, кейин юзини қўллари билан беркитиб йиғлаб юборди.

Анча вақт ўзига келолмай, ўксиниб йиғлаган Гўзалхонга бир пиёла сув ичиришиди.

- Бўлди, — деди капитан. — Ҳаммаси ўтиб кетди.
- Унда қўйиб юборасизми? — деди Гўзалхон кўз ёпиларига ғарқ бўлиб.

— Шошилманг яхши қиз, — деди капитан. — Дипломат сизники, бунга шубҳа йўқ.

Иккинчи дипломатта ишора қилди:

- Келингчи, куръер! Мана шу дипломатни танисангиз керак?!
 - Йўқ! — деди қатъий Обидхон Собитхонов.— Бу нарсани менга ёпиштира олмайсиз!
 - Зиёлиман, дейсиз-у, кўчада юрган фоҳимнадан-да ифлосроқ маҳлуқ экансиз! Ҳозиргина дипломатни хотинимники дегандингиз, шекилли?! Айтгандарингиз протоколта киритилиб, магнит тасмасига ёзилаяпти! Сиз ҳаётингизда бирор марта рост гапирганимисиз?!

Мутахассислар «зиёли»нинг бармоқ изларини олиб, пул купюралари ўрамларини қайси банк томонидан, қачон берилганини аниқлаш билан банк ходимларининг шахсини аниқлашгача, банк томонидан берилган ушбу катта миқдордаги пул қандай ҳужжатларга асосланиб берилганлигигача, қандай ведомостларда неча ишчининг иш ҳақи ёки бошқа сабабларга асосан ўттиз минг сўм пул олинганигини аниқлаш имкониятлари бор эди. Мутахассислар дипломат ости қисмини осонгина олиб ташлаб, машинкада ёзилган қисқагина хатни олишди. «Мазкур пакетни олиб борувчи киши: Обид-

хон Собитхонов совхоз директори лавозимиға лойиқ, деб биламан, Сизнинг ёрдамингиз керак. Салом билан Д.К.»

— Подделка! — хитоб қилди Обидхон Собитхонов. Ўзингиз тўқиган латифа!

— Ифлос! — деди маҳсус хизмат ходими. — Сиз ўттиз минг сўм пулга совхоз директори лавозимини сотиб олаяпсиз! Бу пулга ўнта «Жигули» автомашинаси сотиб олса бўлади. Қайси бойвачча тогангизнинг хазинасидан олдингиз бунча пулни?! Шу даражада пасткаш экансизки, бечора бир йўловчи қизга ҳаром пулни таинлаб кетиб, ҳаётини хавф остига қолдиришингизни қандай баҳолайсиз?! Ҳозир маҳкама бошлиғи номига тушунтириш хати ёзасиз!

— Сен қизим, маҳкама бошлиғи номига ариза ёзасан, — деди маҳсус хизмат кишиси. — Сенга ёрдам беришади. Кейин сен билан ўзим суҳбатлашаман. Унгача ўзингга келиб оласан! Борақол!

— Катта бува, — деди Гўзалхон. — Мана шу безбет одамга саволим бор эди, майлими айтсан?

— Майли айтақол! — деди маҳсус хизмат кишиси, — менга қолса башарасига тупурсанг яхши бўлармиди, — кейин мийигида кулиб қўйди.

— Айтингчى, сизнинг ҳам фарзандларингиз бордир, менинг ёшимдаги қизингиз борми? — Гўзалхон гўё сасиб кетган ит ўлигига қарагандек жирканиб, давом этди:

— Уларга ҳам бирор туҳмат қилиб ўн-ўн беш йилга қамашларини истармидингиз? Нимага менга ёмонликни раво кўраяпсиз?

— Сиз, ўртоқ Шерлок Холмс, шарафли вазифангизни бажариб бўлдингиз, — деди маҳсус хизмат ходими. — Кейинроқ расмий ҳужжатларга имзо чекканингиздан кейин сиз билан хайрлашамиз.

— Кетишга рухсат?! — деди Кўчимов гоз туриб.

Изни берилгач, капитан Авлиёев Турдимуродга ювиниш хонасини күрсатиб:

— Бемалол ювиниб, ўзингизни тартибга келтириб олинг. Кейин бир пиёла чойимиз бор, биргаликда баҳам кўрамиз.

— Қашқадарё халқига беш кетаман, — деди капитан Авлиёев. — Феъли кенг, софдил одамлари бор. Пайшамбе бозори яхнаси билан жаҳонга машҳур, десак нима дейсиз?

— Ёмон томони ҳам бор, — деди ёшгина лейтенант.

— Қани гапиринг, — деди яна бир йигит оғзини таноби қочиб.

— Ароқни чинни косага тўлдириб қўйиб, «Меҳмон билан ичаман», деб оёқ тираб олади, меҳмонни кўрамиз, деб келган киши бир қўйнинг гўштини тандир қилиб, бир яшик ароққа қўшиб кўтариб келади. Меҳмон йиқилиб қолса қутиласди, бўлмаса йўқ.

Ҳамма кулиб юборди.

— Нимаси ёмон, — деди Авлиёев. — Ишлаб чарчаганингиздан кейин тўйиб ичиб олиб, дастурхон бошида хуррак тортиб мазза қилиб ухлайсиз-да, хумордан чиқасиз.

— Ухлаб бўпсиз! — деди яна бир йигит. — Туртқилаб уйғотишади-да, қўлингга ароқ тўла пиёлани тутқазишади. Ичмай кўрчи, «штрафной» деб каллангдан кўйишади.

Яна беозор қаҳқаҳа кўтарилди.

— Яхши томони ҳам бор, — деди яна бири кулгудан ўзини тўхтата олмай. — Бозорда тартибинтизомга гап бўлиши мумкин эмас, қўйган нарсанг қўйган жойингда туради. Ҳеч ким ҳеч нарса йўқотмайди. Ўғри даригудек бўлса, милицияни араштирмай, одамларни ўzlари муаммони ҳал қилалилар. «Меҳмонни урманг» дейишиб, роса дўппослаб

қўйиб юборишади. Пайшамбенинг парвардасини айтмайсизми, ҳар бири муштумингиздек келади. Оғизда эриб кетмаса менга келинг.

— Ўв йигитлар, ўзларинг гапириб, ўзларинг куласизлар, меҳмон ҳам гапирсан!

— Меҳмон, уэр, бирор нарса дент, — деди мезбонлардан бири.

— Ўн марта эшитгандан бир кўрган аъло, — гапга аралашди Турдимурод Кўчимов.

— Март ойининг бешинчи-ўнинчи числоларида тул бошланади, ям-яшил яйловларда қўйлар ёйилиб ўтлаб қўзилайди. Бизнинг Қашқа воҳасида баҳор авжиди бўлади. Барра гўшти, исмалоқ кулча, қўзи қўйруқ дейсизми, ҳамма ноз-неъматлар юзага чиқади. Албатта Калкама бозорида балиқхўрлик қиласиз, кейин дашт йўллари билан Пайшамбе бозорига ўтамиз, мен сизларни меҳмонга таклиф қиласман. Борасизлар, хўп.

— Албатта борамиз, — деди Авлиёев. — Катта лаганда қизил палов, помидор ва бошқа салатлар, албатта хум чойнакда кўк чой қўйилди. Тўрт кило гуруч, тўрт кило қўй гўштидан тайёрланган паловхонтўра олти кишига кўплик қилса-да, қийқириқ, «ошатиш» бошланиб кетди. Кўп ўтмай лаган бўшатилиб, устидан кўк чой ичилди.

— Биласизми, сизни ким кутиб турибди, олдиларига чиқмайсизми?

— Ҳа, Гўзалхон, муаммолар йўқми?

— Муаммолар бор, яқинроқ келинг, — деди-да, Гўзалхон ёқимлигини жилмайиб, оёқ учиди туриб, йигитнинг бўйнидан қучоқлаб, пешонасидан бўса олди.

— Турдимурод ака, биласизми, ҳаётда инсон одамларга баҳо беришда ожизлик қиларкан. Бу нарсани мен шу бугун билиб олдим. Йўл қўйилган

хатолар жуда-жуда қимматта тушишини, инсон баҳти-саодати сариқ чақачалик баҳоси бўлмай, орзу-умидлари саробга айланиб кетишини англаб етдим. Ҳаётда сиз бўлмаганингизда, айни шу дамларда бошқалар содир этган жиноятлар жабрини тортган бўлардим. Сизга қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни билмай турибман.

— Мен вазифамни бажардим, — деди милиция лейтенанти.

— Мана бу менинг ташриф қофозим, бу арзимас совғамни қабул қилинг. — Фаранг атири анқиб турган дастрўмолга ўралган тилла соатни йигитга узатдида, аёл йиғлаганича деди:

— Оллоҳ сизни ўз паноҳида асрасин.

— Ташриф қофозини оламан, аммо қимматбаҳо буюмни ололмайман, — деди Турдимурод.

— Мен сизга юрагимни эмас, оддийгина соат ҳадя қиласаяпман. Сўнгти нафасимтacha мана шу ҳолатда, кўркам, ўқтам, ажойиб инсон бўлиб қалбимда яшай-сиз, энди оларсиз?

— Унда сизнинг омонатингиз бўла қолсин, беринг.

Қаршисида талпиниб турган маҳвашнинг саловати босди шекилли, тиллари лол, бирор илиқ сўз айтишга уринса-да, бунинг иложини қилолмасди. «Тавба, аёл зоти эмас, фариштанинг ўзгинаси-я, хотининг бўлса шунақаси бўлса», — сайраб турган антиқа қушнинг куйиб-пишиб қилаётган илтижоларини унинг қулоқлари эшитмас, фақатгина ўзидан муаттар бўй таратиб, жуда яқин келиб, елкасига кўлинни кўйиб, соқол босган, тушуниб бўлмайдиган, аммо қандайдир ёқимли бўй анқиб турган йигитнинг қиёфасидан чўлпиллатиб ўпганидан кейин йигит ўзига келди.

— Кўйинг, одамлар кўрса нима дейди, — деди бечора йигит.

— Яна кўришамиз-а, — деди аёл йигитдан узоқлашиб.

Бечора Турдимурод ҳеч қачон бунақа ширин, илиққина, ҳаётбахш бўса лаззатини татиб кўрмаган эди-да.

У қўллари билан қиёфасини ушлаб кўриб: «У мени ўпди, шунақасиям бўларканми? Яна кўришамиз», деди.

Турдимурод ўтган йилнинг баҳорида армия сафидан қайтиб, маҳсус мактабни тугатганидан кейин лейтенант унвони беришли. Энди у ҳатто шайтон билан яккама-якка чиқиб жанг қилишта ҳам тайёр эди.

Аммо аёл киши қаршисида ҳеч ким эмаслигини тасаввурига келтира олмасди. «У билан кўришаман, яхшироқ ресторанга таклиф қиласман, бу ҳақда кейинроқ, ҳозир вақти эмас, хизматчилик» — хаёлида деди-да, ювиниш хонасига кириб, тошойнада қиёфасидаги бўса изларини узоқ вақт силаб-сийпаладида, мийигида қулди. Кейин юзларини ювиб, муаттар бўй таралиб турган, қордек оппоққина дастрўмолни юзига яқин олиб бориб, авайлабгина суртди.

* * *

Обидхон Собитхоновни прокуратура терговчилари маҳсус қамоқхонада сақлаб сўроқ қилишяпти.

— Бунга айт, — деди терговчи Коновалов қаршисида ўтирган таржимонига. — Нимага олий маълумоти бўлатуриб, рус тилини билмайди!

Терговчининг сўzlари ўзбек тилига ўтирилганда, маҳбус елкасини қисиб:

— Мен ўз билимим билан сельхозни завучний битирганман. Мен пахтани биламан.

Маҳбуснинг жавоби терговчининг онгиға етиб борганида, кулгудан ўзини тўхтата олмади. Кейин юзида ачиниш алматлари пайдо бўлди.

— Ундан сўра-чи, бошлиқ номига тушунтириш хатини ўз она тилида ёза оларканми?

— Йўқ, — деди маҳбус. — Бизда унақа дарс ўтмаган. Мендан пахтани сўрасин.

— Идиот, животний! Мени мазах қиласанми?!

— аламига чидай олмаган терговчи ўрнидан туриб, маҳбусга яқин келди-да, тўғри келган жойига бир мушт урди. Калтак зарбига дош беролмаган маҳбус йиғлаб ёлвора бошлади:

— Укажон, айтинг, мени урмасин, нима гуноҳим учун худо мени жазолайди?! Ахир мен оқсуякларданман-а!

— Бунча пулни кимга олиб бормоқчи эдинг?! — деди терговчи жазаваси тутиб. — Айтмасант, карцерга тиқаман!

— Касери нимаси? — сўради маҳбус оёқлари қалтираб.

— Нима деяпти, — сўради терговчи.

Таржимоннинг сўзларини эшигтан терговчи, жойига бориб ўтириб олди-да, тўйгунча кулди. Кейин қиёфасига жиддий тус бериб:

— Бу алвастининг эркаги билан эзмалик қиладиган бўлсам ақлдан озишим турган гап!

Терговчи бошини чангллаганича оғир ўйга толди, кейин кўлларини осмонга кўтариб:

— Ё парвардигорим, осий бандаларингни ўз паноҳингда асрарин! Не гуноҳларим учун бунақа фалча, муттаҳамларга дучор қиласан! — Терговчи ўзига келиб, секингина деди: — Обидхон Собитхон жаноби олийларига айт! Бунча катта маблагни қаердан олиб, булатлар устида гаштини суриб ўтирган шайтоннинг қайси урғочисига олиб бориб бериш ниятлари бўлган

экан-у, омадлари чопмай түнғизлар илинадиган қопқонга илиниб қолган эканлар?! — Терговчи ўрнидан туриб, хонада юратуриб, қўлида ёниб тугаган сигаретини куллонга ташлади-да, маҳбусга гап уқтираётган таржимонга юзланди:

— Хўш, сенга болға билан мих керак бўлган кўринади, адашмасам?! Қандай хушхабар билан мени тинчлантирасан?! Ёки бу эшакнинг қотиб қолган миясига ростданам мих қоқиш керакдир?! — У бўйинбогини бўшатиб, кўйлак тутмаларини ечиб ташлади-да, маҳбусга яқин келиб ёқасидан ушлаб кўтарди, кейин секингина, эшитилар-эшитилмас, майнингина товушда: — Айт-чи муттаҳам, бунча пулни кимга беришинг керак эди?! Биз сени ҳам, ҳаромхўр куртлардек ғимирлаб юрган ҳамтовоқларингни ҳам бирин-кетин ушлаб, сен билан ёнма-ён ўтқазиб қўямиз-да, сенларнинг ифлос башараларингни очиб ташлаймиз! Сен фақат менинг олтинга тенг вақтимни ўғирлайсан, холос! — Терговчи туйқус овозини бир парда кўтариб давом этди: — Агар ўжарлигингни давом эттирадиган бўлсанг, ўзингга қийин бўлади.

У таржимонга юзланиб, «Тезда таржима қил!» дегандек ишора қилди.

— Тухмат қилишаяпти, дипломатдаги пул аёл кишиники эди, менга ёпишириши деяпти, — деди таржимон.

Терговчи жойига бориб ўтириди-да, тутмачани босди. Тезгина кириб келган соқчига:

— Буни олиб кетинг, ўзига келса менга хабар берарсиз, — деди.

* * *

Аэропорт биносида маҳсус хона бўлиб, ўша хонага Гўзал Расуловани олиб киришиди. Ўрта бўйли, чаққонгина, кўз қарашлари ювош, ўттиз ёшлар

чамасидаги сариқ соchlари силлиқ қилиб таралған, фуқаро либосидаги киши ўрнидан туриб, жилмайтанича Гўзалхонни қарши олди ва ўтиришга изн берди.

— Мен, — деди у. — Прокуратура терговчиси Коновалов Алексей Владимирович бўламан, фуқаро Расулова Гўзал Расуловна бўласиз, шундайми?

— Танишганимиздан хурсандман, — деди Гўзалхон майнингина жилмайиб.

— Мен ҳам хурсандман, — деди терговчи. — Айтингчи, рус тилини яхшигина талафуз қиласкансиж, қандай қилиб ўрганиб олдингиз?

— Бунинг учун инсонда хоҳии бўлса кифоя. Ўрта мактабда ўқиб юрган давримда рус поэзиясини севиб қолгандим. Ўша қизиқишим сабаб рус тилини яхши ўрганиб олганман.

— Сизга бир неча саволлар берсам қарши эмасмисиз?

— Марҳамат, сўрайверинг.

— Менинг саволларимга холисона жавоб берсангиз, хавфсизлигинизни таъминлаган бўласиз. Сизнинг дипломатингиз билан куръернинг дипломати ўхашлиги тасодиф эмас. Куръер қўлга олинмаганида қандай вазиятда қолишингизни тасаввур қила оласизми?

— Ҳа, — деди Гўзал Расулова, кейин оғир ўйга толди. «Наҳотки бу комедиянинг режиссёри ўйнашим Авазбек бўлса?» — Ҳа, тасаввур қиласман.

— Сизнинг ишончли, яқин кишиларингизни бирбир айтиб берсангиз, таниш-билиш, севикли, хизмат юзасидан бугун, эртага учрашадиган кишилар.

— Ўйлаб кўришимга ижозат берасизми?

«Авазбекни айтсам, ўзимни ва уни қопқонга илинтириб қўяман, ҳамма кирдикорларим ошкор бўлади».

— Яхши, — деди терговчи. — Аммо ёмондан күра яхшироғини танланг. — У бир неча телефон рақамларини ёзиб, ўрнидан туриб аёлга узатди-да: — Бугун борадиган мәҳмонаңа борибоқ менга құнғироқ қилинг. Хайр, яхши боринг, — деди.

Тун. Чироклар ёғдусида атроф чароғон бұлса-да, улуғвор бинолар, турли автомобиллар оқ ғубор остида ажыб бир манзара қашф этарди. Майингина изғириң эсіб, қулоқларға игнадек санчилади. Гүзәлхон милиция машинасида пойтахтнинг марказий мәҳмонасига бораяпты. Йүллар тойинчоқ бўлса-да, УАЗ бошқа автомобилларни қувалаб ўтиб, шиддат билан йўл оляяпти.

— Чиройли қиз экансиз, — деди ҳайдовчи йигит ҳамроҳига суқланиб. — Турмушга чиққанмисиз?

— Тегсам олармидингиз?

Икковлон кулиб юборишиди.

— Тегсангиз жон деб олардиму, аммо.

— Нима аммо, яхшиси ўйнаш ўйнасангиз? — деди қиз кулиб.

— Кўнглингизга олмангу, фақат мен эмас, ҳамма эркак зоти бир кўришда ошиқ бўлади сизга, — деди ҳайдовчи йигит.

— Фолбин бўлсангиз керак, — деди Гүзәлхон шоғёр йигиттага кўз остидан қараб.

— Кечирасиз, — деди ҳайдовчи йигит. — Ноўрин гапириб кўйдим.

— Нега ноўрин бўлсин, — деди қиз кулиб.

«Менинг омадим келган кун ва тун. Нега десандиз, қандайдир ҳабаш ўттиз минг сўм берувди, тортиб олишиди-да, энг камида етти йилга қамаб юборишларига бир баҳя қолди. Ҳозир сиз муҳаббат изҳор қилаяпсиз», — хаёлидан кечирди Гүзәлхон.

Мәҳмона олдига етиб келгач машина тўхтади. Гүзәлхон шоғёрга яп-янги ўн сўмлик сўлқавой

ташлаб: — Бахтингизни берсин ошиқ йигит, — деди-да, тушиб кетди.

Нозимхонада расмий ҳужжатларни туздириб, ўзига аталган хонага кириб, жонига озор берган дипломатни отиб юборди. «Бошимга битган бало бўлдинг, савил қолгур!» — деди-да диванга ётиб олиб йиғлади.

«Энди нима қилдим, турмуш қила олмайман, қолган умримни оҳу нола билан ўтказаманми? Ёки менга ошиқ бўлган бирортасига бошимдан кечирган саргузаштларимни айтиб бериб, рози бўлса тегиб олсамми? Бир умр теккан эримга хушомад қилиб, оёқ остида поймол бўламанми? Ёки бир кунмас бир кун юзимга солиб ҳайдасачи?»

Гўзалхон телефон қўнғироғидан ўзига келиб, дастакни кўтарди:

— Алло, сени кутавериб бўларим бўлдику! Қаёқларда юрибсан! Тезда етиб кел! Алло!

— Бормайман! — деди-да, аёл дастакни қўйиб кўйди.

* * *

Гўзалхон «Бормайман» деб жавоб бериб телефон дастагини қўйгач, Авазбек:

— Жин урсин, мен билан гаплашишни истамали, ўзига келиб қолар, — деди, кейин ўйланиб турдилла, яна керакли рақамларни терди. — Тезда менинг ёнимга етиб кел! — деди у.

Кўп ўтмай телефон жиринглаб Авазбекни хаёли бўлинди.

— Ҳа, бу сенми? Ташқарида турган таксига яхшигина ҳақ тўлагин-да, ёнимга кир! Ён-верингга қара, яна дум боғлаб юргагин!

— Сизга нима бўлди? — деди эшиқдан кирибок, ўттиз ёшлар чамасидаги норгул йигит. — Рангингиз ўчган, мени ҳайрон қолдираяпсиз.

— Бу гапларни құятур! Ҳабаш ҳали ҳам сув лойқа-латиб ётиби, дегин?

— Ҳабаш энди сув лойқалата олмайды, у тирик қолиши гүмон, — деди меҳмон йигит.

— Тушунтириброқ гапир!

— Олиб борилған овқатдан зақарланғанмиш!

Врачлар хурматли Собитхоновнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳамма ҳунарларини ишга солаяптилар. Овқат олиб борған киши ҳозир тергов бераяпти.

— Ишонса бўладими? Яна пуч ёнгоқни кўтариб юрган бўлмагин тағин, — деди Ҳамроқулов. — Қандай жинга чалиниб, Обидхон қўлга тушибди? Яна тилло магазини мудирининг дипломатини алмаштирган экан, аэропортдан чиқиб ўзиникини олиш нияти бўлгани аниқ.

— У исковични сезиб, қуён суратини чизмоқчи бўлған бўлса керак, — деди меҳмон йигит.

— Поезддами, енгил машинадами, энг яхписи автобусда келаверса бўлардику! — деди Авазбек шивирлаб.

— Мансабпастлар қора дипломатдан бошқасини тан олмайдилар aka, — деди меҳмон йигит. — Ҳамма жойда — автобус бекатларида, вокзаллар ва бошқа жойларда исковичлар изғиб юрибди. Яқинда шаҳар вокзалида, Собитхоновни амакиваччаси қора дипломат билан қўлга тушиб, министрликдаги кишиларининг ҳаммасини сотибди, бундан хабарингиз бўлса керак?

— Сайраб қўйган бўлса яхши одамларимизнинг кўпи қамалиб кетади, биласанми?! Маконда нима гаплар?

— Ҳозирча тинч.

— Ювилер дўконининг мудирини танисант керак? — Ҳамроқулов сигарет қофозига Гўзалхоннинг меҳмонхона манзилини ёзиб, ҳамсуҳбатига

кўрсатди-да, кейин ёқиб кулдонга ташлади. «Уқ-дингми?» дегандек ҳамсуҳбатига егудек тикилди. Кетидан одам қўйинг. Қаерга, ким билан учрашади. Қайси жой ва қайси ошхонада ким билан овқатланади, кузатинг! Яна майна бўлиб юрманглар, келишдикми?! Жойини топиб гумдон қиласиз. Бугун эмас, эртага ҳам эмас, кейинги куни эҳтиёткорлик билан ишга киришинг!

Меҳмонга кетишга изн бериб, у кетганидан кейин меҳмонхонадан чиқиб, машина тўхтатди.

* * *

«Устма-уст қўнғироқ қилган киши менинг ўйнашим, мени қўз очиб кўрганим, ҳаётимни издан чиқарган Ҳамроқулов бўлмаса, ким бўларди», ҳаёлидан кечирди аёл. Ҳабашифат Собитхоновдан фарқи нимада, феъли-атвори, дунёқараши, одамларга муносабати — ҳамма-ҳаммаси унга ўхшаш, фарқи шундаки, Ҳамроқулов силлиқлаштирилган нусха.

Бу икки шахс бошқаларнинг бахтсизлиги эвазига лаззатланиб яшайдилар. Жамият учун ўта хавфли маҳлуқлар.

У фириб ишлатиб менинг номусимни поймол қилди. Ўшанда менга уйқу дори ичириб, қаттиқ ухлаган чогимда қиладиганини қилди. Уйқудан кўзимни очишга қанча уринмайин, яна кўзларим юмилаверди. Ҳечам қаршилик қила олмадим. Аммо ҳаммасини билиб тургандим. Кейин у менга ялинди, ёлворди, хуллас, ўргатиб олди. Бир сўз билан айтганда, у мени зўрлади. Бунинг учун Авазбекни кечира олмайман.

Эшик очилиб Авазбек кириб келди, Гўзалхоннинг аҳволини кўриб аввалги шаштидан қайтди, шекилли:

— Сенга нима бўлди азизим, — деди. Пальтосини ечиб ташлаб, аёлнинг яқинига келиб, — рангинг ўчган, тобинг йўқми? — деди.

— Бўларим бўлди, — деди аёл, кўз ёшларини артиб. — Мен ҳеч кимга керак эмас эканман! Аэропортда ушлаб қамаб қўйишди, сиз бўлсангиз менга ёрдам беришни истамадингиз. — Ҳамроқулов бир пиёла чой қуиб, Гўзалхонга ичирди.

— Энди ҳаммасини бир бошдан гапириб берчи, — деди Авазбек секингина аёлнинг қўлларидан ушлаб. — Ҳаммаси яхшиликча тугадими?

— Худо асрари, — деди аёл. — Мендан бошқа гап сўраманг, мени тинч қўйинг! Жуда, жуда чарчаганман.

— Айтақол жонгинам?

— Бир ҳабаш дипломатимни алмаштириб қўйган экан, унинг дипломатидаги ўттиз минг сўм пули билан мени ушлапди.

«Яхши, очкўз Собитхонов, энди жабрингни тортасан! Фақат каттаконларни сотмасанг яхши бўларди. Сени қандай қилиб бўлмасин йўқ қилиш керак! Аблаҳ, замон қалтис, манави қанжиқни нима қилсам экан? Сенинг ҳаром пулинг билан қамалиб кетса, бошимга тушиб турган ғалвадан қутулардим. Бу ишни ҳам михлатмабсан! «Менга эр топасан!» деб оёгини тираб олса, бошга битган бало бўладику! Ҳозироқ бу билан бир-икки айш-ишрат қиласизда, кейин бу офатижон жаҳаннамга йўл оладилар. Ҳозир у меники».

— Гўзалхон, — деди Авазбек аёлнинг соchlарини силаб, — уйғонгин азизим, менга раҳминг келмайдими?

Аёл кўзини очиб, секингина:

— Ёнимга кирмайсизми, менам сизни соғинганимни билсангиз эди. Ўзингиз ўргатиб қўйдингизда, ўз ҳолимга ташлаб қўйганингизни тушун-

маяпман, — майингина жилмайиб деди аёл. — Энди ҳимоя воситасидан фойдаланмасак дегандим, сизга кичкинагина Авазбек туғиб бераман.

— Сенга нималар бўлаяпти, қўзларимга ишон-маяпман. «Аввалгидек инжиқликлар, нозу ка-рашмалар йўқ ёки бирортаси билан дон олишиб юрибдимикан? Бундан ҳамма нарсани кутса бў-лади».

Авазбек тезгина ечиниб, аёлни ечинтирди-да, ҳайвоний иштиёқ билан ўлжасига ташланди.

Гўзалхон Авазбекни ўз ҳолига қўймай у билан етаклашиб, дўконларни айланиб, истаган нар-саларини сотиб олаверди. Олинган нарсаларни Авазбекка кўтартириб, ўзи ёш қизалоқлардек сакраб ўйинга тушиб, одамларни ўзига қаратарди. Гў-залхонни бундай совуқ қилиқларини сабр-тоқат билан кечириб, уни инсофга чақиравди. «Гулнинг тикани озор беради-да, бундай гулни мендан бошқа кимам ҳидлай олади, қандингни ур Шоҳ Авазбек!» — дерди у ўз-ўзича.

Кўчаларни яёв айланиб, меҳмонхонада харид қилган нарсаларини диванга ташлаб:

— Авазбек Ҳамроқулович, — деди аёл ўйнаши тиззасига ўтириб олиб, унинг башарасига секингина уриб. — Биласизми, мени дискотекага олиб борасиз!

— Хўп! — деди Авазбек.

— Аввал ресторанга, кейин шаҳарни от-аравада айланамиз, ундан кейин дискотекага борамиз, хўп?

«Шошмай тур, хотинбоз, сенга шундай ўйин-ларни кўрсатайки: мендан қутулиш йўлини қидириб қолмас экансанми?!»

— Кетдикми?

— Кетдик, — деди Авазбек.

* * *

Ажнабийча кийинган йигит ва қизлар ақлдан озган мажнунлардек ўйинга тушаяптилар. Юракларни жунбишга солувчи мусиқа садолари остида, сочларини ёйиб ташлаган Гўзалхон ҳам бор дунёни унутиб қўйгандек силкиниб ўйинга тушиб кетди. Унинг бутун борлиги атрофдаги телба ёшларнинг ҳаракатига мослашиб, ўшаларнинг биттаси бўлиб қолганини кўриб, томоша қилиб турган Авазбек: – «Эҳ, бу ёшлик ажойиб давр эканлигини унутибман. Қирқ ёшдаман.

Майли, Гўзалхон хумордан чиққунча ўйнаб қувнасин. Мен бу босқични аллақачонлар босиб ўтганман. Вақтида биз ҳам кўрган кўзларни қувонтирадиган чиройли йигит бўлганмиз. Мендан ўтадиган шилқим, шўх йигит йўқ, десамми ўша вақтларда».

Мусиқа садолари остида Гўзалхонни атрофида парвона бўлган йигитлар гап отиб, гоҳида бирга ўйинга тушардилар.

Ўйин тугагач, қоронғу кўчада бораётганларида Гўзалхонни билагидан ушлаб ўзига тортган безорини Авазбек иягидан ушлаб ўзига қаратди-да:

– Жонингни суғуриб оламан-а! – деди тишларини ғижирлатиб. – Ҳозироқ қиздан кечирим сўрайсан!

Айни шу чоғ кимдир Авазбекнинг елкасига се-кингина турагиб, ўзига қаратди-да, – сенга нима кераклигини биласанми?! Билмасанг билиб қўй! – деди-да, чир айланиб бор кучи билан тепди.

Бечора Авазбек эсанкираб йиқилган чоғда, безори уни оёққа қўйиб, яна чир айланиб тепди. Авазбекнинг оёқлари ердан узилиб бор бўйи билан баланд бетон бардердан ошиб ўтиб, пастга – қаттиқ ерга боши билан йиқилиб тушди. Гўзалхонни дод солишига қарамай билагидан ушлаб, тилло тақинчоқларини

сидириб олиб, бақир-чақир қилишиб аёлни машинаға солиб олиб кетиши. Авазбек қонға беланиб, хириллаб, ҳаёт учун курашганича қолаверди.

Безорилар аёлни ўртага олиб, биқинига пичоқ тираб, марказий күчалардан, ГАИ турған жойлардан ўтиб олиб, шағар четидаги ташландиқ имарат яқинида машинадан тушиб, шофёрға йўлкира ҳақини бериб жўнатиб юборганларидан кейин, ҳаробага кириб Гўзалхон билан айш-ишрат қилдилар. Шоҳона либосларини, чиройли этикчаларини ечиб олиб, қоронғу, совуқ, қор билан қопланган, кўрқинчли, кимсасиз дала-даштдаги ҳаробага ташлаб кетдилар.

Гўзалхон ўзига келиб, «катта йўлга чиқиб олсан», деган фикр миясига келди. Аммо туришга ҳоли келмаса-да, вужудидаги оғриқ, игнадек санчилаётган совуқдан тишлари такиллаб, бир амаллаб ўрнидан турди ва ғишин деворга суюниб, «Ташқарига!» дерди унинг ички бошқа бир овози. У катта йўлга чиқиб, келаётган машинага қўл кўтарди. Ҳеч қайси машина тўхтамаяпти. Аёлнинг сабри тугаб, ўлимини тилаётган чоғда «Москвич» келиб тўхтадида, ҳайдовчининг ёнидаги аёл тушиб, машина эшигини очиб:

- Ҳа, қизим, келақол, ўтир машинага, — деди.
- Раҳмат, энди умидимни узувдим, сизларни худо етказди, — деди Гўзалхон.

Бўлган воқеани тушуниб етган аёл:

- Қизим, ҳаммаси яхши бўлади, ҳозир сени манзилингга олиб бориб қўямиз, — деди.
- Барака топинг, — деди Гўзалхон.

«Бошим балодан чиқмаяпти, Авазбекни ҳоли не кечдийкин?»

Кўп вақт ўтмай Гўзалхон меҳмонхонага келиб, халоскор опа билан хайрлашганида:

— Гулнора опа, қандай қилиб сизга раҳмат айтишни билмай турибман, бирор нима совға қилсан, демоқчийдим.

— Қўявер қизим, мениям сендек қизларим бор, ошиқча қилиқ қилсанг хафа бўламан. Тоқатли бўл, ҳали кўришамиз, — деди Гулнора опа чиқиб кетаётиб.

Орадан бир кун ўтиб ўзига келгач, «нима қилсамикин?» — ўйлади Гўзалхон. «Ўйламай қилган ҳаракатим ҳаммасини бузиб юборади, ҳамма жирканч нарсалар ошкора бўлиб қолади».

У нари-бери кийиниб, шаҳарларо телефондан ишхонаси билан боғланди. Телефон гўшагини қоровул кўтарди:

— Фофур ака, аҳволлар қалай, — деди Гўзалхон. — Тинчмисизлар?

— Аҳволлар яхши эмас, бошимизга мусибат тушди. — Бундай нохуш хабардан ваҳимага тушган Гўзалхон жойида ўтириб қолди. — Алло, — деди Фофур ака, — эшитаяпсизми?

— Алло! — деди Гўзалхон, — сизни яхши эшитаяпман, тапиринг!

— Алло, Гўзалхон, Авазбекдан айрилиб қолдик, жасадини самолётда олиб келишармиш. Нохуш хабарни кўтара олмаган хотини Саида психболнисага тушди. Ўзига келмаётганмиш, бечора.

«Ҳаммасига мен айборман, унга ўлим тиладим, нега мени ҳам ўлдириб кетмадилар?! Дискотекани нима кераги бор эди, безориларга атай ишва қилгандим. Авазбекни дўппослашларини истагандим. Мен қотилман! Сўнгги нафасимгача виждон азобини тортаман!».

— Алло, Гўзалхон, бу камлик қилиб, магазинни ёпиб, муҳрлаб кетишди, ишлаганимиз йўқ. Мархумнинг уйини ОБХСС босди, қаердадир подвалда

ювилер цехи бор экан, сизни қидириб юришибди.
Алло, Гўзалхон, эшитаяпсизми!

Гўзалхон гўшакни қўйиб, бўш ўриндиқлардан бирига ўтириб қолди. «Мен ўзимни қўлга олишим керак. Мархумнинг номига доғ тушмаслиги, унинг кирдикорлари ошкора бўлмаслиги керак. Ювилер дўйконидаги муаммоларни иложи борича ўзим ҳал қиласман. Оиласи, яқинлари оғир кунларни бошдан кечираётган вақтда, ўз жонимга қасд қилишим асло мумкин эмас. Йўлга отланаман! Нима кўргулик бўлса, пешонамдан кўраман».

Гўзалхон ўзида катта куч, шижаот борлигини сезди. У тезгина аэропорт кассаси билан телефонда боғланди.

Қоронғу тушмасдан самолёт ҳавога кўтарилиди. Юксакликка интилгани сайин оппоқ қор билан қопланган экин майдонлари, жануби-ғарбга чўзилиб кетган автомобиль йўлларидан бораётган автомашиналар митти ўйинчоқлардек ҳаракатланарди.

Пастда, шаҳар ва қишлоқларда милтираб чироқлар ёна бошлади. Оппоқ қор, оқиш губор оғушидаги борлиқ яқин ўтмишда оқ орзулар бўлиб, аёлнинг наздидаги тубсиз бўшлиқ ва зулмат олами бўлиб кўрина бошлади. У хавфсизлик камарини ўтказиб қўйиб кўзларини юмди. Уч кеча-кундузги оғир кечинмалар ўз ишини қилганди: у қаттиқ уйкуга кетди.

ЖАҲАННАМ ПОЕЗДИ

Район ветеринар врачи Ҳосилбек Низомов бошқарувидаги автомашина ҳалокатга учраб, ҳаёти қил устида турган Низомовни район шифохонасига олиб келишди. Райком секретари Асқар Ризоевнинг ўзи шифокорларни оёққа қўйиб:

— Низомов яшашы керак! Акс ҳолда ҳаммангни қаматиб юбораман! Күлингдан келмайдиган бўлса областдан, керак бўлса республикадан мутахассис чақирамиз! Ишга киришинг! Тезда беморни ҳушига келтирасизлар! — деди у асабий ҳолатда.

— Биринчи, — деди шофёр йигит. — Сизни.

— Келишибдими?! — сўради райком секретари машинага ўтириб.

Асқар Ризаев қабулхонада кутиб турган кишиларга бош иргаб салом берган бўлиб, шаҳдам юриб кабинетига кирибоқ:

— Киринглар! — деди.

Бош врач Рашит Жўрақулов, ички ишлар бўлими бошлиғи Ўринбой Мейлибоев, район прокурори Адаш Абдиевлар кириб, ўтиришди.

— Эшитаман, ўртоқ Ризаев, — деди бош врач.

— Партбилетни столга қўйинг! — деди райком секретари эшитилар-эшитилмас майингина товушда. — Айтганимни қилинг!

Нима қилишини билмай, туриб қолган бош врачга яқин келиб, унинг башарасига тикилганича шивирлаб:

— Низомов ўлмаслиги керак, у бюро аъзоси-я, ундан кейин Сагдиевни ўлдирган қотилни қўлга олиш қийин кечади. Жўнанг!

Район прокурори Адаш Абдиев раҳбарнинг ишораси билан яқинроқ келиб ўтириди.

— Ишлар яхши эмас, ўртоқ Абдиев! — деди райком секретари. — Банк директори Сагдиевни ўлдирраб кетишса, парвойингиз палак! Одамларни ушлаб қамашдан бошқа иш қилганингиз йўқ! Шундай эмасми!? Нотўғри деб айта оласизми!? Йўқ, ундей дейишга ҳаққингиз йўқ! Мен сизни яхши биламан. Ўзингизга оро беришдан, дам олиш

масканларида аёллар билан айш-ишрат қилишдан бошқа яхшироқ иш қылган бўлсангиз, айтинг! Гапнинг сирасини айтганда, сиз ўртоқ Абдиев, партия сафида қолишга лойиқ инсон эмассиз, ҳозироқ бюро чақираман-да, партиядан ўчириб юбораман! Хўш?!

— Ишлаймиз, ўртоқ биринчи секретарь, — деди район прокурори.

— Яхши, — деди райком секретари. — Ишондик! Ҳозироқ бориб, бирорта қамалиб чиққан баҳтсиз инсонни ушлаб, қўлига кишан солинг-да, қамаб уриб, зиммасига истаган жиноятингизни юклайверинг! Ҳақиқий жиноятчи озодликда қолиб, одам ўлдиришни, босқинчилик қилишни қолган жойидан давом эттираверсин! Сиз ҳам, милиция бошлиғи ҳам бир шаблонда, бир хил схемада ишлайсизлар! Ҳозир эса қаттиқ туриб ишлаш керак. Сагдиевнинг жасади топилган жой яхшилаб текширилсин! Ҳар соатда ахборот беринг! Менга латифа айтишни хаёлингиздан чиқариб ташланг, шубҳа остидаги кишиларни қамашларига рухсат беринг! Ишга киришинг! Жўнанг!

— Хўш-ш, aka тўр-ра! — деди биринчи секретарь атай сўзларни чўзиб, киноя билан.

— Неча кишини қамаб, зиммасига қотилликни юклаяпсиз?!

Милиция бўлим бошлиғи нима дейишни билмай каловланиб қолди.

— Гапиринг ўртоқ Мейлибоев!

— Ўртоқ биринчи секретарь, — деди Ўринбой Мейлибоев.

— Эшитаман, — деди райком секретари, кинояли тиржайиб.

— Сагдиев бошқа жойда ўлдирилиб, тонг чоги олиб келиб ташланган. У ерлан топилган монтиров-

кадаги бармоқ излари ўрганилиб, қурол эгаси қамоқقا олинди.

— Бунча тез?! — деди райком секретари таажжубдан ёқа ушлаб. — Қойил, ҳар қандай муаммони зудлик билан ҳал қиласиз-а? Батафсилоқ айтинг-чи?

— Долли довдир деган шоғёримиз ғилдирагини созлаб, монтировкани йўл четида — ўт-ўлан ичидаги қолдирган. Буни кўрган кишилар гувоҳ бўлишди.

— Ҳўш? — деди райком секретари.

— Буёгини эшитинг, — деб сўзида давом этди милиция бошлиғи. — Қотил атайлаб қуролни қолдирив кетишига шубҳаландик. Шунинг учун марҳум жасади суд-тиббий экспертиза текширувидан ўтказилганидан кейин бирор холосага келамиз, деган умиддаман.

— Низомов бошқарувидаги машинани уриб, йўлдан чиқариб юборган машина топилдими?

— Қидирудва, — деди милиция капитани. — Устахоналар, автобазалар, автомобиль йўллари ГАИ ходимлари назоратида.

— Барча янгиликлардан, экспертлар холосаларидан мени огоҳлантиринг! — деди райком секретари. — Жўнанг!

Ўринбой чиқиб кетгач, Асқар Ризаев ўрнидан туриб, ўз-ўзига гапирганича хонанинг у бурчагидан бу бурчагига тез-тез юра бошлади: «Мен тик туриб, танбеҳ эшитаман, сенга берилган вақт ичидаги партия топшириғини бажармай кўр-чи! Ишдан бўшатишса майлику-я, энг ёмони партбилетни олиб қўйишади. Партбилетинг бўлмаганидан кейин ит ғажиб ташлаган устухондан фарқинг қолмайди, ҳеч кимга керагинг бўлмайди ҳам. Партбилет аслида Оловуддиннинг сеҳрли чироғидан бошқа нарса эмас. Сеҳрли чироғи бўлмаса Оловиддин ҳам, жин ҳам бир пуллик сариқ чақага арзимайди».

Секретарь қыз кириб, Ризаевнинг хаёли бўлинди:

— Нима гап? — сўради биринчи секретарь.

— Обком секретарларининг ўзлари сизни сўраяптилар, — деди секретарь қыз.

— Уланг! — деди райком секретари соchlари, бўйинбогини тўғрилаган бўлиб, томоқ қириб олди-да, гўшакни кўтарди.

* * *

Нуриддин Сагдиев икки қизни ўқитиб, тарбиялаб турмушга узатди. Икки ўғил олий мактабни битириб, уйланиб, алоҳида яшайдилар. Кенжা ўғли Дилшод ўқимади, уни уйлантириб, хотини иккаласининг зиммасига рўзғор юмушлари юклатилди. Нуриддин аканинг турмуш ўртоғи Руқия опа етти йилдирки ўнг оёғи ишламай таёққа суюниб юради, аммо тили бурро, келин бечорага тиним йўқ. Бақалоқ кампир олғир илондек вишиллаб буйруқ беради, қарғайди, ҳақоратлайди. Бу ҳақоратларга чидай олмаган бечора келин неча бор уйига қочиб кетди, келиннинг онаси эса олиб келиб ташлаб кетади.

Оллоҳдан хотинига инсоф-иймон тилашдан бошқасига ярамайдиган Нуриддин aka ҳам уйидан безиб, ўғиллариникига бориб ётиб қолади.

* * *

Машҳура институтни битириб, Нуриддин aka раҳбарлик қиласидиган банкка ишга келди. Гўзал ва хушмуомала қыз тезда раҳбарнинг назарига тушди. Мижозлар билан ишлаш маданияти, зиммасидаги вазифасини сидқидилдан, зукколик билан бажара олганлиги учун Машҳура бош ҳисобчининг тавсияси билан бош ҳисобчи ўринбосари вазифасига ўтказилди.

Орадан бир йил ўтди. Бош ҳисобчи Турдимурод Ҳаққулов меҳнат таътилига чиқиб, Машхура бош ҳисобчи вазифасини ҳам зиммасига олди. Машхуранинг аксарият вақти банк бошқарувчиси билан бирга хизмат сафарига боришга, ҳам идорада бирга ишлашга тўғри келарди.

Шундай кунларнинг бирида улар вилоят марказидаги серфайз рестораннинг алоҳида хонасидан жой олиши.

Кечки овқат чоғи... Қаршисида булбулдек сайраб ўтирган жононга назари тушган Нуриддин аканинг шўх ва гўзал аёлнинг ойдек чехрасига, кулганда, сўзлаганда яшинаб, ярқираб, гулғунча лаблар орасидан паноҳ топадиган инжу тишчаларга, елкасини тўлдириб, камондек қошлар устида ўйнаб тушаётган кўнғир соchlарига, денгиздек чексиз ва беғубор шаҳло кўзларига, ярмигача очиқ диркиллаб турган бўлиқ сийналарига қарагани сайин унинг ранги ўзгарарди. Ёнгинасида ўтириб олиб ақли-ҳумини олган шу маҳваш қўл остида ишлаётган хизматчиси эмас, балким жонини олишга келган Азроил бўлиб кўринарди.

«Розиман шу гўзал жонимни олса!» — хаёлидан кечирди Нуриддин ака.

«Юрагингдан урдим шекилли. Сен қари чолни қандай ўйнатарканман!» — хаёлан деди Машхура.

— Нуриддин ака, сизга нима бўлди? — деди аёл ва ўрнидан туриб, раҳбарига пиёлада сув қуйиб, ўз қўли билан ичирди.

«Париштанинг ўзгинаси-я, бола-чақа дебмиз, бойлик, пул дебмиз-да ёшлиқ чоғимизни беҳуда ўтказибмиз, афсус», — хаёлидан кечирди Нуриддин.

— Нуриддин ака, — деди аёл қалбларни жунбиишга соладиган майингина товушда.

— Йўқ демасангиз, меҳмонхонада қолсак, дегандим. Бу аҳволда машина бошқаришингизга йўл қўя олмайман, хўни?

— Нима десант шу, — деди Нуридин ака.

«Қанийди ёнимда бўлсанг, меҳмонхона эмас, у дунёга бўлса ҳам сен билан борган бўлардим».

Ўша кечада ҳаммаси Машхура истаганидек бўлди. Кекса Нуридиннинг аёл зотига яқин бормай ўтказган беш йиллик азобли даврига нуқта қўйилди.

Орадан кўп ўтмай Машхурахон билан Нуридин акаларнинг никоҳ оқшомлари бўладиган бўлди. Мулла никоҳ хутбасини ўқимай туриб олди.

Нуридин ака турмуш ўртоғи Руқия хола билан ораларидаги никоҳни бекор қилиш учун инжик хотинининг ҳамма шартларига рози бўлди. Руқия холани даволаш учун кетадиган маблағ, оилани моддий томондан тўлиқ таъминлаш, ҳовли, машина Руқия хола ҳисобига қолдириладиган бўлди. Нуридин ака билан Машхура расмий равишда ЗАГС гувоҳномасини олганидан кейин никоҳ хутбаси ўқилди.

«Отамиз одамларга масхара бўлди», деб норози бўлган қизлар никоҳ маросимига қатнашмади. Фақат ўғиллар адаларининг «кўнгли учун» келиб хизматда бўлишиди.

«Қамишдан бел боғлаб» хизмат қилган ёру дўстлар орасида бош ҳисобчи Турдимуроднинг хизмати ҳаммадан ошиб тушди.

Тўёнаға рангли телевизор совға қилиб, ташкилий ишларнинг ҳаммасини зиммасига олди.

...Кунлар ойларни қувлаб ўтаверди. Машхурахон тўлишиб, янада гўзаллашди.

Эрига янги костюм-шим, ҳаворанг кўйлакда галстук, оёғига ЦЕБО туфлисини кийдирди. Ҳовлини супуриб, сув сепиб, гулларни парваришилди. Қисқа-

си, Нуридин ака қайтадан ёш йигитлардек күчга тұлди.

Саъдин ака деган колхоз раиси катта камомад қилиб, район марказидаги эллик сотих ер участкасинар арzon нархда сотувга күйди.

— Хұжайин, — деди бир куни әркаланиб Машхура. — Саъдин раисни ҳовлисина сотиб олсак, дегандим, нима дейсиз?

— Қани ўша пул? — деди Нуридин ака хомуш тортиб.

— Қачонғача одамларнинг ташландиқ ҳовлисига пул тұлаб, кун кечирамиз? — деди Машхура күзлағыра ёш олиб. — Қани менга ваъда қылган олтин тоғларингиз, аслида мен аҳмоқман. Сизнинг шириң сўзларингизга ишониб, ёш бошим билан...

У йиғлаганида шаҳло күзлари юмилиб, жон олгувчи киприкларидан марварид доналариdek күз ёшлари беғубор чеҳрасига оқиб тушарди. Аёл хўрсиниб, кўз ёшларини қўллари билан артиб, тумтайиб ўтириб олди.

Нуридин ака чорасизликданми, ўзининг ожизлигиданми томогига нимадир тиқилиб, йиғлагиси келди. У нимадир демоқчи эди, аммо тили лол, кўз ўнги қоронгулашиб борарди. «Мен тақдирдан, ҳаётдан норозиман, ёруғ дунёда мендан бошқа бирорта инсон бу даражада бахтсиз бўлмаса керак. Мен тенгилар оиласи билан тинчгина кун кечирадилар, мен бўлсан қизим тенги аёлга уйланиб беҳаё, ноинсоф, хотинбоз сифатида одамларга масхара бўлдим.

Бунинг бош сабабчиси болаларимни онаси — жоҳил Руқия эмасмикин!? Мен ажал поездига ўтириб бораяпман, уни ҳеч ким, ҳеч қандай куч ва ақл билан тўхтата олмайди. Руқиядек пасткаш аёл билан ўтган умримдан афсусланаман.

Ҳозир эса Руқиядан-да пасткаш, аммо ниҳоятда ақдли жодугар қўлида қўғирчоқман. Буни тан олишим керак. Мен ўз ажалим сари дадил, қўрқмасдан бормоқдаман».

— Машҳура, жонгинам! — деди Нуридин ака, анча ўзини тутиб олиб. — Ҳозир пулимиз йўқ-ку! Йўлини айт! Шу ҳовли сенинг бошингдан садаға!

— Кредит оламиз! Олти ойда қутулиб кетамиз.

— Яхши, — деди Нуридин ака. — Қўлимидан келадими?

— Лотереялардан яхшигина ютуқлар чиқади, — деди Mashҳura. — Бу ишларни менга қўйиб берасиз. Пахта теримида ҳаммаси жойига тушиб кетади.

— Бу жуда қалтис иш-ку?!

— Таваккал қиласиз, — деди Mashҳura. — Қисқаси, менга қўйиб беринг. Мижозлар билан бўладиган банк операциялари менинг қўлимда. Нима дедингиз?

Нуридин ака тиржайиб, бироз вақт сукут сақлаб:

— Яхши, — деди.

— Демак келишдик, — деди Mashҳura мийиғида жилмайиб.

Турдимурод таътилдан қайтиб ишга кириши. Ўринбосарининг иш фаолиятидан норози бўлиб, раҳбардан маслаҳат сўради.

— Бир иложини қилмасанг бўлмайди, укам Турдимуроджон, — деди Нуридин ака.

— Қамалиб кетамиз-ку, — деди бош ҳисобчи қўллари билан бошини чанглаб.

— Мен бир ярим минг сўм топиб бераман.

— Қаёқдан оласан? — деди раҳбар. — Катта пул-ку?

— Иккита ҳўқиз боғловдим, — деди Турдимурод. — Шуларни сотамиз...

Нуридин аканинг катта ўғли Аслидин унинг ишхонасига келди:

— Дада, гаплашиб олсак дегандим, — деди кулимсираб. — Соғлигингиз яхшими?

— Шукур, ўғлим, — деди Нуридин ака ташвишланиб. — Кабинетга кирамиз.

— Дада, — деди Аслиддин. — Уй сотиб олиш ниятингиз борлигини эшитиб, олдингизга кела-вердим.

— Қариган чоғимизда онанг билан келиша олмадик, — деди Нуридин ака. — Йўқса бу ташвишларни кимга кераги бор эди.

— Ота, сиз ҳечам ташвиш тортманг, сиз номаъкул иш қилганингиз йўқ. Онамнинг феъли ҳаммамизга маълум. Биздек азamat ўғилларни ўқитиб, яхши лавозимларга қўйган бўлсангиз, бир чеккада қараб туармилик?

— Турдимурод озроқ пул бераяпти, — деди Нуридин ака. — Ўзимизда озроқ пулимиз бор.

— Мен турган жойда Турдимуродга ўхшаганлардан бир мири пул олмайсиз, — деди Аслиддин. — Эртага ёки индин уй сизнинг номингизга ўтади.

— Уйни Машҳуранинг номига олсак дегандим, — деди Нуридин ака.

— Жуда соз, — деди Аслиддин. — Сиз айтганингиздек бўлақолсин.

Нуридин ака нима дейишни билмай, ўйланиб қолди.

— Бунча катта пулни қаёқдан олмоқчисан? — деди Нуридин ака, кулимсираган бўлиб.

— Мени ўзингиз тарбиялагансиз, — деди Аслиддин. — Ҳечам хавотирланманг. Чет элда ишлаб, анчагина ақча орттирганмиз.

— Яхши, — деди Нуридин ака, кейин қўлларини дуога кўтарди.

— Дада, — деди Аслиддин эшиқдан чиқаётуб. — Тошкент бир соатлик йўл, муаммо бўладиган бўлса,

қўнгироқ қилсангиз, ёнингизда бўламиз. Бугун менинг муовиним уй ҳужжатларини тайёрлашга кўмаклашади. Энди менга рухсат.

Нуриддин ака яхши кайфият билан уйига қайтди. Машҳура эрини қарши оларкан:

— Нуриддин ака, Хизр кўрганингиз рост бўлсинда, хуш келдингиз, — деди Машҳура жилмайиб.

— «Вой, бу инсонни юзига қараб, унинг ички дунёсини кўра оладиган жодугар эмасмикин ёки илон ёғи ялаган бўлса-чи?» — хаёлидан кечирди Нуриддин ака.

— Хушвақт бўлинг хоним, — деди Нуриддин ака.

Машҳура эрининг қўлидан пиджагини олиб, бўйинбогини ечиб оларкан:

— Хўжайин, мени қувонтирадиган янтилик олиб келган кўринасиз?

— Уйни сенинг номингга расмийлаштирамиз, — деди Нуриддин ака.

— Йўқ, бўлмайди, — деди Машҳура. — Бўлмағур гап-сўзлар жонимга тегди. Сизнинг номингизда бўлгани маъқул. Ўғилларингизга барибир, аммо Руқия хола билан қизларингиз мени ўлдириб қўйишлари турган гап.

Уй Нуриддин аканинг номига расмийлаштирилди. Атрофлари сархил мевали дарахтлар, узум ишкомлари билан ўралган копонада Машҳура эри билан яшаяпти.

* * *

Орадан бир йил ўтди. Машҳура марказий банклардан бирида ҳисоб рақами очиб, анчагина пул жамғарип олганди.

— Хўжайин, — деди у. — Йўқ демасангиз, тўрт кўзли «Жигули»дан биттасини олсак, нима дейсиз?

— Эсинг жойидами, хотин, — деди Нуридин ака таажжубдан ёқа ушлаб. — Уйни олтанимизга бир йил ўтмасдан машина бало борми?

— Сизнинг номингизга кредит оламиз, — деди Машхура ёқимлигина жилмайиб.

— Уйнинг пулидан кутулмасдан-а?

— Уйнинг пулини ўғлимиз Аслиддинжон тўлаган бўлса-да, — деди Машхура, — расмий ҳужжатларда сиз билан менинг мулкимиз бўлиб қолди. Энди кўрқмасдан машина сотиб олсак бўлаверади.

— Бошим оғрияпти, — деди Нуридин ака. — Бу ҳақда кейинроқ гаплашсак дегандим.

— Йўқ. — деди Машхура, эрининг тиззасига ўтириб олиб. Унинг чандиқ босган қиёфасини силаб, чўлпиллатиб ўпиб олди-да, — Хўш?

— Билганингни қил, — деди Нуридин ака тиржайиб.

— Энди ўзингизга келдингиз, — деди Машхура нозланиб.

Кўп ўтмай анвойи дарахтлар орасидаги уй дарвозаси ёнида кумуш ранг, ёғи артилмаган «Жигули» туродиган бўлди. Эрталаблари шинамгина кийинган Машхура қўлидаги шамсиясини йиғиштириб, машинанинг олдинги ўриндигига ўтириб олади. Кейин Нуридин ака машина моторини ишга туширади.

Машхуранинг ишораси билан машина секин ўрнидан қўзғалиб, катта йўлга чиқиб, орқасидан ёқимлигина бензин ҳиди қолдириб, бирпасда узоқлашиб кетади.

Кунларнинг бирида чарчаб-ҳориб ишдан қайтган Машхура эрига шикоят қилди:

— Ўладиган бўлсан ўлиб бўлдим! Дод, ёмон одамларнинг дастидан! — Машхура қўлидаги сум-качасини отиб ташлаб, эрига яқин келиб. — Афти

қурсин ўша турқи совуқни, кўришга кўзим йўқ, Нуриддинжон ака, шу безбетни ишдан бўшатиб юборсангиз бўлмайдими? Энг оғир ишларни ўзи қилмасдан, менга беради, чарчаб, ўлиб қолишимни истамассиз?!

— Ким экан ўша турқи совуқ? — дея сўради Нуриддин ака.

— Ким бўларди, — деди Машхура йиғлаганича. — Сизнинг арзанда укажонингиз!

— Турдимуродми? — деди Нуриддин ака тиржайганича. — Қўявер, ўзи ёмон бола эмас, айтиб қўяман, сени бошқа хафа қилмайди.

«Сезмабди! Хотинчанг билан айшини суриб юрганидан хабаринг йўқ».

У эрининг чандиқ босиб, қорайиб кетган юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди-да, жунлари оқариб, қутилган пўстакдек қаттиқ ва совуқ кўксига бош қўйди.

«Менинг бўлганим шу! — хаёлан дерди бечора Нуриддин. — Шунга бардош берсанг, сени тиллокумушларга ўраб ташлашни менга қўйиб бер!»

— Нуриддин ака, — деди аёл. — Сиз чарчабсиз, ётиб ухланг, мен кирларимни юваман, кейин машинкада ёзадиган ишларим бор.

— Сенга ёрдам берсам дегандим, — деди Нуриддин ака.

— Ухлаб дамингизни олинг, — деди Машхура. — Мен ўзим.

Идорадаги машмашалар, тинимсиз тортишувлар, ҳаёт ташвишлари эзиз ташлаган Нуриддин аканни бир зумда кўзи илинди. Машхура кир ювадиган машинани ишга туширди. Кейин дазмол босиб, хоналарни тартибга солиб соатига қаради. Ётоқ-

хонадан эшитилаётган хурракка қулоқ тутиб: — «Үла бу кунингдан, қари күппак», — деди-да ташқарига чиқди ва қўйхона томон юриб кетди.

Коронги қўйхонада қўйларнинг кўзлари яшил ёғду сочиб, кишини ваҳимага солади.

Бегона одам борлигидан безовталанган қўйлар хуркиб, қўйхона бўйлаб чопаяптилар.

— Ҳаром қотгурлар, — деди Машхура, — тинчланнинглар, келган қассоб эмас сизларни сўядиган, менинг жонимни олишга келган қотил. Қотил бўлгандайм унақа-бунақаси эмас, олдин мен билан айшини суриб, кейин узоқ муддат азоблаб жон оладиган раҳмсиз жаллод. Ёғоч тўсиқ орқасида беда, сомон сақланади. Беда уюми орқасидан эркак кишининг ҳиринглаб кулгани Машхурага қудуқдан келаётган жинлар товушига ўхшаб туюлди.

— Кўрқитиб юбордингиз-ку! — деди шивирлаб Машхура.

— Келақол азизим, — деди эркак киши товуши. — Яқин борган аёлни белидан ушлаб, ўзига яқин олиб борди-да, ташналик билан ўпиб, тирсиллаб турган сийналарни авайлаб ушлаб, эзғиларди. Қўллар тимискаланиб, аёлнинг лозимини тушириб ташладида, кўйлагини бўйнигача кўтариб, кучли эҳтирос билан маъшуқасини бўйнидан, лаби ва сийналаридан ўпаверди. Эркак кишининг бундай эркалашларига дош бера олмаган аёл сабрсизлик билан Ҷурдимуроднинг бўйнидан кучоқлаб энтикиб нафас оларкан: «Шошилма жоним, ахир мен сеникиман-ку», дерди.

Нурилдин ака хотини чиқиб кетганидан кейин секин ўрнидан турди-да, оёқ училда юриб деразага яқин борди. Қўйхона тарафдан келаётган дукурлашдан сергакланиб, чироқ ёнишини кутди. «Машхура қўйлардан хабар олгани борса, чироқни ёқиши керак

эди. Ўғри келган бўлса-я», деб хаёлидан ўтди Нуриддин акани. Тезгина кийиниб, қўйхонанинг орқа тарафига ўтди. Қўйлар тинчланган, туйнук очилгани йўқ, аммо эркак кишининг товуши келаяпти. Аёл кишининг ҳиринглаганини эшитиб, баданидан чумоли ўрма-лагандек сесканиб, томоғи қуриди. Тик тура олмай ўтириб қолди: «Турдимуродни укам деб адашибман. Олдинги шубҳаларим рост бўлиб чиқди. Мендек эртасини ўйламайдиган аҳмоқ инсонга берилган ҳақли жазо. Тезроқ этагимни ёпиб олмасам, элу халқ орасида шарманда бўлишим ҳеч гапмас». Нуридин ака оёқларини аранг судраб босганча, ётоқхонага кириб ётиб олди. «Бундай шармандалиқдан қутулишнинг осонгина йўли – ўлим!» Хотини кириб келганини, ваннахонага кириб ювениб, тошойна қаршисида юзу кўзини тартибга солганини сезди, ҳис қилди. Аммо ҳеч нарса бўлмагандек майнингина хурракни тортаверди.

«Мана, мулло Нуриддинжон, хотинчангиз тўшакда эмас, оғилхонада эркак билан айшини сурди. Кечирасиз, менинг ҳам, сизнинг ҳам қисматимиз шундай бўлганидан кейин, бунга кўнишишимиз керак. Аммо буни одамлардан сир сақламасак ҳолимизга маймунлар йиглайди».

Бўйнида, юзида бўса изларини силаб-сийпаб, «Нега менинг тақдирим бунчалар тубан, бунчалар аянчли, бунчалар хокисор, бунчалар хиёнаткор?» – Аёл кўз ёшлигини қўллари билан артиб, оғир хаёл гирдобига шўнгиди.

* * *

Машҳуранинг отаси сафардан яхшигина пул топиб келса байрам бўлиб кетарди. У қурилиш ташкилотларига Россия ўрмонларидан қурилиш

ашёларини юбориб, икки ойлаб сафарда юради. Она-сига, укаларига, унга олиб келадиган совғаларнинг ўзи бир машинага юк бўларди. Отаси маҳалланинг обрўли кишиларидан биттаси. Етим-есир, бева-бечораларга совғалар улашиб, беморлар ҳолидан хабар оларди. Олдида Норқулбой десалар-да, ор-қасидан Норқул қиморвоз дейишарди.

Машҳура ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига хужжат топширадиган чоғда отаси:

— Қизим, озроқ жанжаллик ишимиз бор, йўқ демасанг Тошкентга бориб келсак, демоқчийдим. Кейин қайси институтни десанг, ўша институтга ўқишига киритиб қўяман, — деди.

Тошкентга эмас, нотаниш кимсасиз манзилда поезддан тушишганида кўнгли нохушликни сезган Машҳура:

— Дада, мени қаёқларга олиб бораяпсиз? Ёки сотиб юбормоқчимисиз? — дея йиғлаганди.

— Унингни чиқармай жимгина юрасанми ёки йўқми?! — деди отаси тишларини фижирлатиб.

Кутиб турган «Москвич»га ўтиришиб, трактор юриб ўйдим-чуқур қилиб ташлаган йўллардан юриб, машина кимсасиз қамишзор четидаги қоронғу манзилга келиб тўхтади.

— Қизим! Сен шу кишилар айтганини қилмасанг, укаларингни, мени, ҳаммамизни ўлдириб юборишади. Уч қундан кейин сени олиб кетаман, — деди отаси.

Сокин тун, пахта далаларидан анча узоқдан шалдираб поезд ўтаяпти. Поезд йўлидан берироқдан эса автомашиналарнинг чироқлари оламни ёритиб, муюлишдан ўтиб йўқолиб кетади-да, тут дараҳтлари, пахта далалари қора кўланкадек ваҳимали бўлиб қолади.

Чанг, түзөн қоплаб олган губорли уфқдан қирмизи ой күтарилаяпти. Ваҳимали қора чиммат күтарилиб, атрофни кумуш зарралари қоплаб ола бошлиди.

Машинадан тушиб, тун қўйнига шарпадек силжиб, кўздан йўқолган ота изидан қараб турганида оғзига латта тиқишиб, кўзини рўмол билан боғлаб, қўлига кишан солишиди.

Қиморга бой берилган қизнинг иффати поймол этилишини тушуниб етиб, тақдирга тан берди.

Машҳуранинг отаси сўзида турди. У эндиликда университетнинг иқтисод куллиётида ўқиёттанди. Бўлиб ўтган нохуш воқеалар сирлигича қолди. Кунларнинг бирида ота:

— Сенинг келажагинг, баҳтингни ўйлайвериб, кечалари ухлай олмай азоб чекаман. Йўқ демасант, калламда бир фикр бор.

— Айтингчи? — деди Машҳура.

Онангни аҳволи оғир, куни битган кўринади. Онанг билан мен бу дунёдан кетсак, укаларингни ўқитиб, тарбиялаш сенинг зиммангга қолади.

— Нималар деяпсиз, дада? Шунча кўргуликлар камлик қиласпами?!?

— Сабр қил қизим, инсон омадини қувонч билан қарши олганидек, баҳтсизлигини ҳам мардона қаршилаши керак бўлади. Сенинг ҳисобингга яхшигина пул қўймоқчиман. Шу бугуноқ расмийлаштирамиз.

— Кейин тинчгина яшайверамиزمи?

— Йўқ, ҳеч қачон тинчгина яшай олмаймиз, ҳар кун, ҳар соатда баҳтсизлик, ўлим бизни таъқиб қиласвади.

— Дада, нега бундай қалтис йўлни танладингиз?! — деди қизи. — Мени ҳам ўзингиз билан даҳшатли, номаълум томонга олиб кетаяпсиз?!

— Қизим, — деди ота, оғир ўйга толиб сукут сақлади-да, — Бахтсизлик билан бахт, қашшоқлик билан бойлик, ўлим билан тириклик оралиғини күзга күрінмайдыган шаффоф чизиқ кесиб ўтади. Күзга күрінмас чизиқни фақат ақлли, сабр-тоқатли инсонларгина күра олади ва узокроқ яшай олади.

Отаси узоқ яшай олмади. Орадан бир ой ўтмай уни ўлдириб кетишиди.

Онаси вафот этгач уйниям қиморвозлар олиб күйишиди. Етим қолган укаларини Норвой амакиси қарамогига қолдириб, ўзи ўқишини давом эттириш учун пойтахтга кетди.

— Қизим, — деди амакиси Норвой кунларнинг бирида. — Совчилар келаяпти. Нима дейсан?

— Амаки, — деди Машхура, — аспирантурада ўқишим керак. «Билсангиз эди, жиянингиз келинлик гўшангага кириш баҳтидан маҳрум, беномус аёл».

六
七
八

Ётоқхонадан эрининг товушини эшитиб, оғир хотиралар таъсиридаги аёл ўзига келди ва эри ёнига шоцилди.

— Бормисан, хотин, менинг аҳволимдан хабар ҳам олай демайсан! — деди Нуриддин ака.

— Ахволингиз яхшими? — деди Машхур.

— Хотиржам бўлавер хотин, ҳали-вери ўладиган аҳмоқ эмасман. Аммо сендан бир ҳақиқатни билмоқчидим.

— Сүранг, — деди Машхура, майингина жилмай-
ган бўлиб.

— Машхурахон, умрингда бир маротаба худони ўртага кўйиб рост сўзлашингни истардим, — деди Нуриддин aka мискин бир ҳолатда хотинига термулиб.

— Сўранг, — деди Машҳура секингина, эши-тилар-эшишитилмас.

— Она бўламан, легандинг?

— Ҳа, она бўламан! — деди аёл. — Сизнинг зурриёдингизни кўтариб юрибман. Бу рост сўзим. Онамнинг арвоҳини ўртага қўйиб, қасам ичаман.

Нуриддин ака кўзларини юмиб, сукут сақлади. Кейин даст ўрнидан туриб, ўтириб олди-да:

— Барака топ, мени тинчлантиридинг, — деди, кейин кўкрагини чанглаб, тез-тез нафас ола бошлиди.

Машҳура эрининг кўкракларини уқалаб шошилганича телефон рақамларини тера бошлади. «Инфаркт» хаёлига келган даҳшатли биргина сўз таъсирига дош бера олмаган аёл ўзини йўқотиб ўтириб қолди.

Врачлар ёрдамида соғайиб олган Нуриддин ака шифохонада бир неча кун даволанадиган бўлди. Машҳура хизмат сафарига — Тошкентга жўнаб кетди.

«Бу дунёла қиласидиган ишим қолмаган кўринади», хаёлидан кечирди Нуриддин ака. — «Одамлар билан муомалада бўлиш, улар билан ишлаш, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг оддийгина аъзоси сифатида яшашга ҳаққим йўқ. Виждони пок инсонман деб айта олмайман. Виждонли, орияти инсонлар хотини бошқа эркак билан ҳиринглашганини кўргандаёқ чавақлаб ташлайди-да, қонли пичогини кўтариб, милиция маҳкамасига бориб, ўзи содир этган жиноятини тан олади. Мен-чи мен, бу ишни қила олмайман. Одамларга масхара бўлишим камлик қилганидек, фарзандларим одамлар орасида обру-эътиборини йўқотади. Бу шармандаликни ўзим билан нариги дунёга олиб кетишум керак! Бошқа чорасини кўра олмаяпман. Шармандалик ошкора бўлмасидан

аввалроқ ҳаёт лаззатларидан воз кечиш керак! Қай йўсинда ўлиш керак? Осилиб, уйга ўт қўйиб, қўшилиб ёниб ўлишми?

Унда ўлим изтиробларига дош бера олмай қочиб чиқсан нима бўлади? Тезгир автомашина тагига ташласамми? Бегуноҳ шофёр қамалиб кетади-да, болалари етим қолади. Осилиб ўлишдан осони йўқ – аввал қўлларни боғлаб, бўйнимни маҳкам қилиб тугилган сиртмоққа соламан, бир неча дақиқалик азобдан кейин ҳаммаси тугайди. Аммо иснодини ҳеч қачон ювиб ташлашнинг иложи бўлмайди. Поезд остига тушсанчи, кўз очиб юмгунча ҳаммаси тугайди. Бу сўнгги қарорим, эр йигитнинг энг сўнгги қарори бўла қолсин!»

Кечки пайт bemорлар ошхонада овқатланяпти. Нуриддин aka секингина ўрнидан туриб, ўёқ-буёғига қараб, дарвоза томон юрди. Та什қарига чиқиб, поезд йўл томон шаҳдам қадам ташлаб бораётганида ёнгинасида тўхтаган машинани кўриб: «Ишлар пачава», хаёлидан кечирди у.

– Ҳа, дада, – деди күёви машинадан тушиб қайнотаси билан кўришаркан. – Спортчилардек ҳаволаниб кетаяпсиз?

– Тоза ҳавога айлангани чиққандим, – деди Нуриддин aka.

– Биз, қизингиз билан молларимизни саришта қилиб, кеч бўлса-да, йўлга чиққандик, – деди Толмас.

– Соғайиб қолибсиз, дадажон, – дея Ҳуррият отасининг бўйнидан қучоқлаб ўпиб. – Сизни кўргани келавердик.

– Мен соғайиб қолдим, – деди Нуриддин aka кулган бўлиб. – Овора бўлибсиз-да.

– Дадажон, – деди Ҳуррият. – Йўқ демасангиз, сизни олиб кетсан, қишлоқ ҳавосидан тўйиб нафас

оласиз, сут-қатиқ дегандек. Эрталаб қүёвингиз олиб келиб құяды, йўқ демассиз?

— Нега йўқ дерканман, сизларни соғингандим, — деди Нуриддин ака.

Улар район марказидан саккиз километр узоқликдаги Қумариқ қышлоғига етиб келишиди.

Пахса деворга қўйилган электр чироги хирагина ёғду бериб, кавш қайтариб ётган сигирларни, бе зовталаниб, тик турган қўйларни ёритса-да, нарироқдаги дараҳтлар, узум пушталари қора соя бўлиб, қоронғулик қаърига сингиб кетганди. Нуриддин ака ташқарига қўйилган сандалга ўтириб олди. Сигир, қўйлардан келаётган ҳид, дараҳтлар ва гуллардан тараалаётган хушбўй ҳид, чигирткаларнинг, қурбақаларнинг тинимсиз ноласи Нуриддин акага болалигини, ёшлиқ даврини эслатди, унинг кўнгли қўтарилиб руҳи тетиклашди. Озгина бўлса-да ғам-ғуссани унугандек бўлди. Боғ тарафдан оппоққина кирпитикон югуриб келди-да, уй деворидаги электр чирогига урилиб, ерга тушган чигирткаларни, ёруғлик шайдоси бўлмиш парвоналарни тергилаб ея бошлади. Оламушук жажжигина болачаларини олиб келиб, ҳашаротларни ушлаб еяётган кирпи ёнига қўйиб, ўзи Нуриддин аканинг оёғига суйкаланди.

«Ҳа, жонивор», — хаёлан деди Нуриддин ака. — «Сен азалдан инсон зотига дўст бўлиб келдинг, эгангнинг шодлиги, севинчи, ғам-ғуссаси, ташвишига шериксан. Ҳасадгўй ит сенга қанча ташланишга уринмасин, чаққонлигинг, чапдастлигинг сенинг енгилмас қуролинг бўлиб келди». У мушукни тиззасига олиб, бошини силади.

— Дада, чойга чиқмайсизми? — деди Ҳуррият.

— Ароғинг борми?

— Дада, — деди Ҳуррият ҳайратдан ёқа ушлаб. — Ичмасдингиз-ку?!

- Болаларинг күринмайди?
- Қайнаңамникіда сумалак қўйишган, — деди Ҳуррият. — У ерда доира, ўйин-кулги, болалар келади дейсизми?
- Эринг қаёқда?
- Бўрдоқиларга сув бериб юрибди, — деди Ҳуррият. — Нима демоқчийдингиз, менга айтаверинг.
- Ароқ олиб келсин!
- Сизга мумкин эмас! — деди Ҳуррият норози оҳангда.
- Менга мумкин, — деди Нуриддин ака. — Мен ароқ ичаман! Қизим, наҳот тушунмасанг!
- Жойга чиқинг, ароқ бор, фақат бир пиёла ичасиз.

Нуриддин ака каравотга чиқиб, болишлардан иккисини қўйиб ёнбошлаб олди-да, бўйнидаги белбоғ билан юз-кўзларидаги терни артди. Дастурхонга қўйилган қатиқни косаси билан кўтариб, ярмигача сипқорди. Музлаткичдан олиб келинган ароқ шиша-сини очиб, шопиёлани тўлғазиб қўйди. Кейин пиёлани даст кўтариб, охирги томчисигача ичиб, пиёлани тўнтараб қўйди.

Толмас келиб ўтириб, қайнотасига чой қуйиб узатди. Нуриддин ака ёнбошлаб ётганича, ароқ шиша-сига ишора қилди.

- Ё тавба, — деди Толмас. — Қаёқдан ой чиқди, дада, сиз ароқ ичаяпсиз?!
- Нима деб ўйловдинг, — деди Нуриддин ака, кўзларини юмиб. — Сенга мумкину, менга мумкин эмасми?!

Нуриддин ака пиёлани лиммо-лим қуйиб, куёвига узатди:

- Бу жарима! — деди.

Толмас бир күтаришда ичиб, пиёлани чаппа қилди.

— Жуда соз! — деди Нуридин ака. Кейин пиёласини уришириб, охиригача сипқорди. — Хүш, күёв бола, мен ҳам сенга ўхшаган одамман. Ичишни, сўкинишни биламан.

— Дада, — деди Ҳуррият қовурма шўрвани дастурхонга қўяркан. — Сизга нима бўлди? Аввал ҳечам ичмасдингиз?! Ёки тўқол хотинчангиз фироқида ёниб, ичадиган, чекадиган одат чиқардингизми?

Нуридин ака даст ўрнидан туриб ўтириб олдида, кўзлари чақнаб, қизига егудек тикилди:

— Қизим, — деди у. — Ҳозироқ айтган тутуриксиз сўзларингни қайтиб ол! Йўқса хафалашиб қоламиш!

— Тўғрисини айтдим, қўйдим-да дада, — деди Ҳуррият кўзларини сузиб. — Сотиб олган уйингизни неварангиз Ўлмасжонга хатлаб берсангиз, дегандим.

— Нималар деяпсан! — деди тутақиб Нуридин ака. — Ўғлинг ҳали энди ўн учга кирди. Мана шу ҳовлини сенга ким олиб бергани ёдингдами?! Ёмон даданг пул сарфлагани эсингдан чиқдими?! Бу уйга безори эринг билан сен бир мири сарфлаганинг йўқ! Сенинг очкўзлигинг туфайли эринг мол ўғирлаб қамалиб чиқди! Қизим, сенинг феълатворинг онангни феълига ўхашлигидан афсусланаман.

— Ҳуррият бўлди қил, касал одамни олиб келиб тергов қиласанми?! — дея ўшқирди Толмас.

Нуридин ака ўрнидан туриб, чайқалиб турдида, кўкрагини чангллаганича, чалқанчасига бор бўйи билан каравотдан йиқилиб тушди ва бир

ихраб тинчиб қолди. У оламдан ўтган эди. Бузоқ боғланадиган уч қиррали темир қозиқ марҳумнинг елкасига кириб, юрак пардасини тешиб ўтган эди.

— Дада! Дадажон! — дея чинқирди Ҳуррият.

— Овозингни ўчир! — дея Толмас хотинини оғзига шапалоқ туширди. — Деворни қулоғи бор, қамоқда чирийсан-ку, қанжиқ! — кейин телевизор овозини күтариб қўйди.

— Дўхтири чақирысанми? — деди Ҳуррият эшитилар-эшитилмас шивирлаб.

— Ҳозир, — деди Толмас марҳумнинг чакка томирини ушлаб. — Ўликни бу ердан йўқотишимиз керак.

Тун яримдан оғиб, аҳён-аҳёнда машиналар ўтиб турса-да, одамлар юрмаяпти.

Ой ботиб, борлиқни тун пардаси қоплаб, қурба-қалар ва чигирткаларнинг тинимсиз ноласи, итларни хуриши Толмаснинг ғашига тегди: «Овозинг ўчгурлар!» дея хаёлан қўнғироқли қилиб сўкинди.

Геология идорасига қарашли бурғулаш машинаси Толмасларнинг уйидан бир чақирим нарида йўл четида турарди.

Машина ҳайдовчиси Эрик исмли чала ўзбек вино ичиб, маст-аласт юрганини билган Толмас машина эшигини очиб, симларини улаб, моторни ишга туширди.

— Бирор кўрмаса баҳтиңг! — деди Толмас. — Машина изларини йўқот, қон устига тупроқ ташла, — деди Толмас хотинига. — Мен тезда қайтаман.

Машина кабинасига қопга жойланган қайнотаси ўлигини ортиб, машинани катта йўлга ҳайдаб кетди. Қишлоқдан икки чақирим ўтгандан кейин, теракзор яқинида машинани тўхтатиб, мурдани йўл четига —

тераклар остига ётқизиб қўйди ва йўлдан топиб олгани мантировкани қонга бўяб, мурда ёнита ташлади.

Целлофан қопни машина ўринидиги остидаги қутига солиб қўйди. Бошига машина ҳайдовчиси кийиб юрадиган шляпани бостириб кийиб олганди. Толмас машина ёнига келиб, эшикни энди очаётган эди, муюлишдан чироқлари оламни ёритиб енгил машина тўхтамай ўтиб кетди.

«Худо урди», — хаёлидан кечирди Толмас. — Мени таниди. Бу ифлосни жаҳаннамга жўнатмас эканман, умрим қамоқда ўтади! Мени танидими-йўқми, барibir ўлдирман!»

Толмас шляпани бостириб кийиб олди ва машина тезлигини ошириди.

Машинани қувиб етгач, ёнига яқин бориб, чап ёнбошидан урди. «Москвич» йўлдан чиқиб катта тезликда дарахтга урилиб тўхтаб қолди. Ҳалокат жоийидан анча узоқлашгач, «Тирик қолган бўлса, ҳолимга вой. Мени танитани аниқ. Ўлган бўлса баҳтим», — дея хаёлидан кечирди Толмас.

Қишлоқ четида, одамлар яшайдиган манзилдан анча узоқда қарийб бир гектар сувли ерда боф, катта ҳовлида яйраб яшайдиган Толмасдан қишлоқ аҳли узоқроқ юришни афзал кўрарди. Ёмон кўрган одамига кулиб қараб қўйсами, «ўзимман» деган зўравон ҳам ақлинни йўқотиб қўярди. Ўрта бўйли, пишиқ гавдали девсифат ўттиз ёшли Толмас ёмон кўрган одамини кечаси хилватга тортиб, дўппосласа, уч ойлаб шифохонага ётиб даволанса-да, милицияга айтмасдилар.

Толмас машинани ўрнига қўйиб, симларни жойжойига улади-да, уйига қайтди. Қайнотаси жонига зомин бўлган темир қозиқ ўрнига бошқасини ўрнатиб, воқеа жойини тозалаб ювлирди. «Манави ақли калта хотин сездириб қўймаса бўлгани».

Қайнотасининг фожиали ўлимидан «хабар топган» Толмас устига чопон, бошига дўппи кийиб, белини боғлаб, дарвоза эшиги олдилада отамлаб турди. Ҳуррият соchlарини ёйиб, юзларини тимдалаб, ўксиниб йиглади. Агар ёнидаги аёллар сув ичириб, суюб қолмасалар, эсини йўқотиб қўйишига бир баҳа қолганди.

Ҳосилбек Низомов шифохонанинг реанимация бўлимида уч кун ётиб, кўзини очди. Бироз вақт ўтиб, миясига ўрнаниб қолган фожиа тафсилотлари секин-аста хотирасида равшанлашаверди. Бурғаловчи машина кабинасига чиқаётган ҳайдовчининг қиёфасини кўра олмаган бўлса-да, унинг юриши, қаддиқоматидан у Толмасни таниган эди.

«Бўлар иш бўлди, Толмасни айтсам беш йилда озодликка чиқса, оқибати ёмон бўлади. Бу билан соғайиб кетмайман. Яхшиси танимадим, кўрмадим, десам олам гулистон», дея хаёлидан кечирди Ҳосилбек.

Бурғаловчи автомашина ҳайдовчиси Эрик Мамажонов ётоқхонадаги хонасида ухлаб туриб, сувсаганидан, сув ўрнига «портвейн» виносидан биттасини очиб, ярмигача сипқорди.

Кейин чивинлар ўрмалашиб юрган дастурхондан бир бўлак гўшт олиб еди-да, хира пашшаларга қўл силтаб, чойшабга ўралиб ётиб олди.

Милиция ходимлари келиб, кайф қилиб ухлаётган Эрикни турғиздилар-да, кийинтириб олиб кетишиди.

Эрикни қамоқقا олинганидан хабар топган Толмас қаддини ростлади. «Хайрият-ей, худо хоҳласа сувдан қуруқ чиқадиган бўлиб турибсан-ку, Толмасвой», дея кўнгли таскин топди. Аммо Толмаснинг қувончи узоқча бормади. Кеча тунда қайнотасини

машинасига ўтқизиб, олиб кетганини кўрган кимса милицияга хабар берган эди. Изқуварлар Толмаснинг уйига келиб, ҳар бир жисмни, ҳамма нарсанни синчиклаб ўрганди. ҳатто соч толаси, овқат қолдиги, кўлсочиклари, идиш-товоқлар ва бошқа ашёлар ҳам изқуварлар назаридан четда қолмади.

Бир ярим метр баланд супа устига ўрнатилган ёғоч каравот остига тахлаб қўйилган ароқ шишалардан, пиёлалардан ҳам намуналар олинди. Бузоқ боғланадиган қозиқ ва унинг атрофига солинган тупроқ. бетон девор қатларидаги қотиб қолган қон қотиллик мана шу ерда содир этилганидан далолат берарди. Изқуварлар оғилхона ва моллар боғланадиган қозиқлар орасидан марҳумнинг ўлимига сабаб бўлган уч қиррали темир қозиқни топиб, авайлаб суғуриб олиши ва цеплофан қопчиққа солиб қўйишиди.

Экспертлар олиб борган тадқиқотлари бесамар кетмади.

Фожиали воқеа қандай содир этилган бўлса, худди ўша ҳолатда ўз тасдигини топди. Аммо марҳумнинг йиқилиб тушишига нима сабаб бўлганини аниқлаш, даврада кимлар бўлгани ва қандай мавзуда суҳбат борганини аниқлаш муҳим эди. Лаборатория тахлиллари, гумонли шахсларни сўроқ қилиш учун бир неча соат вақт кетди.

— Марҳум ўрнидан туриб, ўз-ўзидан йиқилиб тушмайди-ку? — деди терговчи. — Унинг асабига тегадиган бирор ҳаракат ёки ёмонроқ гап-сўз айтилганига шубҳам йўқ. Бўлган воқеани бир бошдан айтиб беринг!

— Отам ароқ қуйиб, кўпрогини ўзлари ичдиларда, эримга ҳам бир пиёла тўллириб ичирдилар. Кейин латифалар айтиб, ўзлари кулиб, бизларни ҳам кулдириб яхшигина суҳбатлашиб ўтиргандилар,

қандайдир дард тутди шекилли, отам түйкүс ўринларидан туриб кетдилар. Күкракларини чангллаб, тик турганларида, мен отамга ёрдамлашмоқ учун ўрнимдан туришта улгурмай, чалқанчасига йиқилдилар.

— Эрингизнинг айтишича, сиз отангиз билан тортишиб қолганмишсиз! Нега терговни чалкаштиришга уринаяпсиз?! Ҳозироқ қамоққа олишимни истамассиз?!

Сизни латифангизга ишонадиган бўлсак, отангиз билан бойлик талашиб, бир ярим-икки метр баландликка итариб юбормаган бўлсангиз, ўлигини итнинг ўлигидек қадрсизлантириб, ахлатхонага олиб бориб ташлатмасдингиз! Ростини айтасизми ёки сизни қамаб қўйиб терговни давом эттирамизми?!

— Мен бўлган гапни айтдим, — деди Ҳуррият йиғлаганича.

— Йўқ! — деди терговчи. — Эрингиз билан тил бириктириб, отангизни тунда шифохонадан ўғирлаб келиб, мажбурлаб ароқ ичиргансиз! Отангиздан олтин тангалар ва катта миқдорда пул талаб қилгансиз! Сиз очкўз, олчоқ одамсиз! Сиз отангизнинг қотилисиз! Сизда озгина бўлса-да инсонларга хос инсоф, иймон бўлганида эди, ҳамма воқеани борича айтиб берардингиз!

— Нега мени қийнайсиз?! — дерди бечора Ҳуррият йиғлаганича. — Ҳаммасини айтдим-ку!

— Яхши, — деди терговчи. — Сиз ҳаммасини айтдингиз дейлик. Отангизнинг қотили бўлмасангиз, нега отангизни шифохонадан ўғирлаб келгунингизча, болаларингизни ўз уйингизда тунаб қолишига йўл қўймадингиз?!

— Болаларим сумалак кечасига кетгандилар, — деди Ҳуррият кўз ёшларини рўмоли билан артаркан.

— Сизга бор ҳақиқатни айтиб қўймоқчиман, — леди терговчи. — Сиздан ҳамма қариндошларингиз юз ўтирилар. Фақат онангиз сизни яхши кўришини айтдилар. Отангизни ўлдириб, мурдасини ахлатхонага олиб бориб ташлатанингиз учун берган оқ сутларига рози эмишлар.

Кейин тинимсиз жиринглаётган телефон гўшагини қўтариб:

— Умрзоқов эшитади, — деди-да, гўшакни қўйиб Хурриятта юзланди: Низомов реанимацияда вафот этибди. Эрингизни олий жазога ҳукм қилишади. Эрингиз ҳамма жиноятни зиммасига олса, сизга беш йил қамоқ жазоси берилиши мумкин, қариндошларингиз сизни эмас, Толмасни жиноятчи эканлигини тан олишса, сизга қамоқдан ташқарида ижро этиладиган жазо белгилашлари мумкин.

— Мен эримни кўра оламанми?

— Ҳозирча кўра олмайсиз, аммо унга сизнинг илтимосингизни етказаман, — деди терговчи. — Биласизми, эрингизни қандай инсон эканлигини яхши биламан. Сиз эрингиздан қўрқиб, унинг айтганларини қилгансиз. Шундай эмасми?

«Эрим ҳеч қачон бўйнига сиртмоқ солишларини истамайди. Болаларни ҳам ўйламайди. Ўзи билан мени нариги дунёга олиб кетади. Аслида отамнинг ўлимига мен сабабчиман. Менинг очкўзлигим, олчоқлигим туфайли эрим қамалиб чиқди. Тилло тақинчоқларни, зарбоф либосларни нима кераги бор эди. Мен эримни қамалишига, отамни, бегуноҳ инсон Низомовнинг ўлимига сабабчи бўлдим. Бева аёллар, етим болаларни уволига қолдим. Мен қотилман, одамлар назаридан қочишим керак! Қаёқقا?!»

— Воқеалар шундай тез содир бўлдики. мен ўзимни йўқотиб қўйдим, — деди Ҳуррият.

Кейин бўлган воқеани бошдан-охиригача айтиб берди.

Терговчи кўзларини юмиб, воқеа тафсилотларини майда-чуйдасигача эшитиб, «Ҳақиқатта яқин келмаяпти, бу ерда бошқа гап бор», — деган қарорга келди.

— Сизга рухсат, — деди терговчи сўроқ баённомага имзо чектиаркан. — Уйингизда бўлинг, чақирганимизда келасиз.

Ҳуррият темир йўл бўйлаб юриб, район марказидан узоклашди. Эрта баҳор кезлари бўлишига қарамай, шип-шийдам шудгорда сезилар-сезилмас фўза ниҳоллари тўғри чизиқ тортиб уфқа бўй чўзган. Тут дараҳтлари нозиккина япроқ чиқара бошлаган бўлса-да, хосиятсиз манзара кашф этади. Қўёш юзини сур булатлар қоплаб олиб, шарқ тарафга шошилаяпти. «Ёмғир ёғади, шекилли», — хаёлидан кечирди Ҳуррият. Кейин ётиб олиб, пўлат изга бош қўйди: «Поезд келаяпти. Имкониятни бой бермаслик керак, ҳаммасига сўнгги нуқтани қўямиз!» — хаёлидан кечирди Ҳуррият. Узокдан кўринган поед тезлигини секинлаштирди. «Юк поезди, менинг жасадимни йўловчилар кўрмайдилар, бу ёмон эмас». Поезд яқин келганида, аёл пўлат изга бош қўйди.

Поезд тўхтади. Тиббий ёрдам, милиция машиналари келиб, жасал бўлакларини йиғиб олдилар. Марҳумнинг шахсини аниқлаш қийин кечмади, қонга беланган ва парчаланган паспортдан Ҳурриятнинг шахси аниқланди.

Ҳурриятга қўйилган айблок бекор қилинди. «Поезд йўлини кесиб ўтаётган вақтда йиқилиб туштан ва оёғи шикастланиб, ўрнидан тура олмаган», — деган қарорга келишиди.

Марказдаги инқилоб майдонида мотам маросими бўлди. Марҳумлар тобути қаторасига қўйилиб, ёнига гулчамбарлар қўйилди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Асқар Ризаев мотам мажлисини очиқ деб эълон қилди ва обком вакили Райим Раҳмоновга сўз берди.

Қирқ ёшлар чамасидаги ўта маданиятли, меҳнаткаш халқ дардига ҳамиша шерик бўлиб, иложи борича одамлар муаммосини ижобий ҳал қиласиган раҳбар Райим ака минбарга кўтарилиб, жамоага қўз югуртириб, аввало марҳумларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилди. Марҳумлар номини бирма-бир тилга олиб, «халқимиз фаровонлиги йўлида жон куйдириб меҳнат қилган инсонларни йўқотдик, истеъоддли раҳбар кадрларимизнинг табаррук номлари қалбимизда абадий яшайди», деб сўзини якунлади.

Оддий читдан кўйлак ва лозим кийиб, оқ рўмол ўраган Машҳура ўгай ўғил ва қизлари, Нуриддин аканинг қариндошлари орасида кўзларига ёш қалқиб турди. Кишилар унинг ёнига келиб, бош этиб таъзия изҳор қиласидилар. Таъзияга Руқия хола келмади.

У Ҳурриятни йўқотиши сабаб эски касали хуруж қилиб, қўл-оёқлари ишламай тўшакка михланиб қолган эди. Ётган жойида марҳум эри Нуриддин акани қарғарди. Ҳозирги кунгача намозини канда қилмаган Руқия хола ўз жигаргўшаси Ҳурриятни, ҳалол меҳнати билан элда обрў орттирган инсон Низомовни, бир ёстиққа бош қўйган Нуриддин акани фожиали ҳалок бўлишига, куёви Толмасни ҳаёти барбод бўлиши сабабини, жаҳаннам поездини ҳаракатга келтирган асосий куч – Руқия хола ўзининг онгсизлиги, очкўзлиги, инсон қадри-қимматини тушуниб етмаслиги эканлигига ақли етмас эди.

Турдимурод ҳам марҳумнинг ўғиллари қаторида энг яқин жигаргўшасини йўқотган кишидек кўзларига ёш қалқиб, ўзи таскинга муҳтож бўлиб турарди.

Фарбдан совуқ шамол эсиб, ўзи билан қуюқ, қўнғир булатларни ҳайдаб келаверди.

Бир зумда олам қоронғилашиб, катта-катта ёмғир томчилари туша бошлади. Одамлар сўнгги сафарга кетаётган замондошлари тобутлари устида бош эгиб турибдилар.

Мотам мажлиси тугади. Maxsus тайёрланган учта юк машинасига тобутлар жойлаштирилди. Марҳумларнинг яқинлари керакли ашёларни олиб, машиналарга чиқиб олишди. Енгил автомобиллар ва автобуслар одамларни олиб қабристон томонга йўл олди.

Шигалаб ёғаётган қор аралаш марҳумларни ўз маконларига қўйишиди.

Юпун кийинган кишилар қорни, изғирин совуқни писанд қилмай, қабрларни тупроққа тўлғазиб, чим қалаб чиқдилар. Одамлар Қуръон суралари остида ўн беш дақиқа жимгина ўтиришиб, марҳумларнинг сўнгги ҳурматини адо этишди. Ярим соат вақт орасида эски қабрлар қаторида янги қабрлар ҳам оппоқ чойшабга ўралиб, ботиний тус олди.

Қор ҳамон ёғаётган эди.

НОМАЪЛУМ КИШИ ҲИКОЯСИ

Поездимиз Тошкент вокзалидан секин жилди. Гўё перронда турган кузатувчилар шоҳбекат биноси билан биргаликда юриб кетадигандек, ғала-ғовур, бекатнинг қайноқ ҳаёти биздан узоқлаша борарди.

Купе эшигини зичлаб ёпдик-да, штораларни тушириб, шовуллаб ишлаётган ҳаво совуткичга гал бердик. Күп ўтмай иссиқ ва нохуш купе ҳавоси танга ором берувчи салқинлик билан алмашилди.

Москвагача қарийб уч кунлик йўл. Ҳамроҳлардан иккитаси Жанубий Кореядан бўлишса керак, ёшёш қизчалар, Москвада таҳсил олаётганликларини айтишди. Улар юқоридан жой олишган, ҳозир жимгина ётиб дам олишяпти. Ёнимда, пастда бораётган ҳамроҳимнинг калласи устара билан қиртишланган, яп-янги чуст дўппи, устида фарғонача оқ яктақ кийиб олган. Яна белига белбоғ боғлаб, ёнига каттакон пичноқ ҳам таққан. У ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги заъфарон юзли, қайирма мўйлабли, озғин киши эди. Унинг уйқусизликдан қизарган катта-катта қўй кўзларида бесаранжомлик, оғир изтироб балқиб турса-да, ўзини хотиржам тутганича, менга бошдан-оёқ зимдан қараб қўйиб, қовоғини осганича, поезднинг юмшоқ тебранишига монанд силкиниб кетаяпти.

Мен сафар халтамдан газета ва журналларни олиб, кўзойнагимни дастрўмолим билан шошилмай. ҳафсала билан артдим-да, уларни ўқишга киришдим. Шу аснода чамаси бир ярим соатлар ўтиб, кўзим толиққанидан сигарета олиб, ташқарига чиқдим. Бу орада Жанубий кореялик ҳамроҳларим ҳам чиқишиб, вагон деразасидан Қозоғистоннинг сўлим қир-адирларини томоша қилаётган эдилар. Улар ўз тилларида нималардир ҳақида баҳслашиб, қиқирлаб кулишардилар.

Осмон ола-була булутлар ҳукмида бўлса-да, намиқкан ердан гуркираб ўсаётган гиёҳлар гуллаб, гўё рассом қунт билан чизган полотнодагидек кенг қир-адирлар кишини мафтун қиладиган гўзаллик кашф этган эди.

Айниңса, темир йўл четларида гуллаб ётган хайригуллар қуёшнинг нафис нурларида жилоланиб, ҳар хил тоза рангларда товланарди. Кент, кўз илғамас уфқдан камалак бўй тортиб, яшин чақнайди. Кўп ўтмай момақалдироқ гумбирлаб, поезддан келаётган бир меъёрдаги шовқинни босиб кетарди.

Вагон ресторанидан тушлик қилиб қайтганимда, қизлар менинг ўринидигимда журнал суратларини кўриб ўтиришардилар.

Менинг келганимни кўришиб, ўринларидан турган қизларни ишора билан ўтиришларини англатдим. Қизлар ҳам менга табассум ҳадя этишиб, бараварига «мерсе» дейишди.

Ҳалиги йигит менинг қизлар билан қилган муомаламни зимдан кузатаркан, кайфиятини яшира олмади, шекилли:

— Хотинларни кўрганингизда нақ суютингиз қолмас экан! Катта бува, бунча ҳамтовоқларингизга ўхшамасангиз? Сизларга ўргатиб қўядиган азаматлар йўқми?

Бу чапани аллақачоноқ меъдамга тегиб бўлгани боис олғир илондек ҳамлага шайландим:

— Аввало мен катта бува эмасман! — дедим тишларимни гижирлатиб. — Иккинчидан, жамиятда инсон ўзини қандай тутишини, қолаверса, хонимлар билан муомала қилишни сизга ўргатиб қўйсам-микин?!

У менга истеҳзоли тиржайиб қараб турганича, тезгина егуликларини йиғишириб қўйди-да, ёнидан қийшиқ пичогини чиқариб:

— Ҳали бизга ақл ўргатадиган жонивор топилибди-да, — деганча чавақлаб ташлаш ниятида менга ташланди.

Мен осонгина ёв ҳамласини қайтардим. Оқибатда чапани ёввойи оғриқقا дош бера олмай чинқириб

юборди. Мен рақибим қўлини қайриб, ерда ётган пичоғини олиб, қўлига бериб:

— Ҳолингга қараб чирангин-да, жонивор, — дедим ҳансираб нафас оларканман.

Халачўпдек қўлларини синдириб қўйсам бўларди-ю.

— Қўлни синдириб қўйдинг-ку, номард, — деди инграганича, бояқиш.

— Мабодо банги эмасмисан? — дедим мен ҳаяжонимни боса олмай. — Тезгина лаш-лушларингни олгин-у, бу ердан йўқол!

Хонимлардан бири мени тўхтатиб:

— Бу ярамасни қўйиб юборинг, бу аҳволда чиқариб юбориш инсофдан эмас.

Менинг мақсадимни тушуниб, муросага чақирган хонимни чала-чулпа рус тилида айтган самимий сўзлари мени шаштимдан қайтарди. Иккинчи хоним жомадонини очиб, ундан табиблар киядиган оқ либосини, маҳсус қўлқопини олиб кийди, кейин қўлларини қандайдир суюқлик билан артиб, менга ишора қилди. Мен чапанининг қават-қават либосларини ечиб ташладим. Унинг қўёш тегмаган бадани қўл тегса чок-чокидан ситилиб кетадиган кафани эслатарди. Унинг қовурғалари саналиб, қўл ва тирсак суяклари шу даражада ингичка эдики, кетмон эмас таёқ кўтариб бирор иш қилишига ишонмайсан, киши.

Хонимча уни ётқизиб, силжиб кетган қўл ва тирсак суякларини осонгина жой-жойига қўйди. Бирор дақиқалар ўтиб, чапанининг жони ором топди шекилли, атрофга олазарак қараб олиб, табиб қизга миннатдорчилик билдириди. Хонимлар бараварига кулиб юбориши. Ўз тилларида нималардир чулдирашиб, ҳайрат ва ҳавас билан термулиб турган чапанига пичоғини деразадан ташлаб юбориши лозимлигини уқдиришарди.

Нотаниш тилда, узук-юлуқ сўзлар ва булоқ сувидек тиниқ қийқириқлари купени тўлдириб юборган эди.

Қизлардан бири совун, сочиқ олиб ташқарига чиқаётib, менинг қўлларимдан тутганича чапанига яқин олиб борди.

Мен ноилож рақибимнинг илондек совуқ, курбақадек нохуш панжаларидан ушладим. Негаки, беғубор қалб соҳибасини ранжитиб қўймаслигим лозим эди. Шу ондаёқ чапанини лаш-лушлари билан чиқариб юбориш фикри мени тарқ этди. Чапани ҳам менга бир хўмрайиб қараб қўйди-да, ноилож тиржайиб мендан, қизлардан узр сўради. Кейин иккимиз ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Ака, — деди чапани оғир тин оларкан, — авахталарда сурункали калтакланишлар, иссиқда, совуқда оч-наҳор тинка қуришлари мени шу аҳволга тушириб қўйди. Йўқса Афғонистонда уруш кўрган бақувват йигитлардан биттаси мен эдим.

— Бошингизга кўп мусибатлар тушганми дейман? — дедим мен.

— Асло сўраманг ака, — деди у, — ёзса роман бўлади, балким ёзарсиз? Фақат, ёзадиган бўлсангиз ҳам исмимни сир тутиб ёзинг. Одамлар билишсин, зўравонлар айш суришлари учун мендек фақир, бечоралар бахти қаро бўлишини билишсин.

Унинг озгин чеҳрасига ғам-алам соя солди. Шовиллаб кетаётган поезд ҳаракатига монанд тебраниб, қовоғини осганича бироз турди. Кейин кўзларидан ўт чақнаб, гўё қархисидаги рақибига ҳозироқ қаттиқ зарба бера олмаса абадий мағлубият азобини тортадигандек муштларини тугди.

Хонимлар чўзишишиб, безакли журнallарни мутолаа қилишардилар. Мен эса мижжа қоқмай суҳбатдошимга тикилиб, бор вужудим билан унинг

ҳаётида содир бўлган кўнгилсиз воқеалар таф-
силотини эшитардим...

Хизматни ўтаб келганимдан сўнг ота-онам элга
ош берди. Беш-тўрт кун магнитофон кўтариб,
ўртоқларим билан кўчаларни тўлдириб ўйнаб-кулиб
юрдим.

Ошна-оғайнилар меҳмон қилишиб, кўнглимни
тоғдай кўтаришди. Хўжалик раҳбарлари далага ишга
таклиф қилганида бошим осмонга етди. Ўша мавсумда
ғўзани сувга қондириб, неча бор мукофотлар ол-
ганимни айтмайсиз. Ҳолу жонимга қўймай кузда тўй
қилиб, Ҳолида исмли қизга уйлантириб ҳам қўйишиди.
Кунлар ойларни қувалаб ўтаверди. Нозиккина,
хушбичим сарвқоматли қайлиққинам тўлишиб, ойдек
очилиб бораверди. Бизнинг кунларимиз меҳнатда,
тунларимиз оҳ-воҳ билан муҳаббатга лиммо-лим тўлиб
ўтаверди. У ғўзага кетмон билан ишлов бериб,
дугоналари орасида илфорликни қўлга олди. Мен
станцияга «селитра», «аммофос» деган дориларни
ортиб, хўжалигимизга жўнатиш ишига сафарбар
қилинган чогимда, райондан бир олифта раҳбар
келиб, ходимлардан бир нечта илфор аёл ва қизларни
شاҳарга томошага олиб кетибди.

Мириқиб, ўйнаб-кулиб, илфорлар қурултойидан
совға-саломлар билан қайтган қайлиғим ўзгарди
қолди.

— Хўжайнин, — деди у нозланиб, кўзгу ёнида
туриб сочини ёйиб ташларкан, — шаҳарда тилла
магазинда зирак кўрдим. Уни олиб берсангиз.

— Қанча тураркан?

— Уч юз сўм, — деди у кўзларини юмганича
тиржайиб.

— Уч юз сўм?! — дедим мен елкам тиришиб. —
Қани ўша пул?!

— Олиб берасиз, — деди у юзу күзларига тушиб турған кокилини икки құллаб орқасига ташларкан, күзларига ёш олиб, — йўқса болалар боғчасига ишга кираман. Тўрт ой чёрний касса ўйнаб, зиракни сотиб оламан

— Йўқ! — дедим мен — У ерда енгил аёллар раҳбарлик қиласди.

— Ҳа! — деди Холида йиги аралаш. — Оладиган етмиш сўмингизга носвой олиб чекаверасиз! Еб-ишишни, одамлардек кийинищни истайман. Ордона қолсин ўша ялтири-юлтири пиёвангиз, яна боғчада енгил аёллар ишлармиш! Енгил бўлса ўзининг иши, менга нима?! Ёки сизнинг жонингиз оғрийдими?!

— Бас! — дедим мен ўзимни тута олмай. — Ишламайсан! Сени ўзим боқаман! — дедим-да, ташқариға чиқиб кетдим.

Авалги муҳаббат изҳор қилишлар, ой ёғдусида ўтириб, бўлажак фарзандимиз ўғил ёки қызы бўлиши устида баҳслашувлар, ширин хаёлларимиз оғушидаги тотли ҳаётимиздан асар ҳам қолмади. Холида кўзгу ёнидан кетмай, тинимсиз пардоз қилас, мени ғашимга тегиш учун савлатли эркаклар, тўрт кўзли жигулилар, ресторанлар ҳақида гапирадиган одат чиқарди. У қанчалар жигимга тегиб, тутиб олиб уришимни истаса, мен ўшанча куч билан ундан узоқлашиб, ўзимни тиярдим.

У туйкус онасиникига кетиб қолди. Узун-қулоқ гапларга қараганда Мавжуда исмли қўшмачи аёл билан дўстлашиб олганмиш. «Юбилей» деган шийпонда эркаклар билан айш-ишратни йўлга кўядиган ташкилотчилардан биттаси ўша Мавжуда деган фоҳиша экан. Орадан бир ой ўтса-да, Холида келавермагач, изига тушдим. Айни туш маҳали оҳори кетмаган яп-янги «Жигули» Холидаларни гузарида тўхтади. Тезгина бир оғайнимнинг «Иж» мото-

циклини сўраб олдим-да, қизил «Жигули» турган жойдан сал нарироқдаги чала қурилиш чолдеворига кириб, тайёр турдим. Кўчалар тинч, сокин жазирама сукунат ҳукмида. Одамлар дала шийпонигами, иморатлар соясигами, тўғри келган салқинроқ жойдан паноҳ топишган.

Кўп ўтмай хонатласдан кўйлак-лозим кийган, япон қийифини товус тусли бўлиқ соchlарига танғиб олган, баланд пошнали туфличасини тақиллатиб, не кўз билан кўрайки, Холидахоним каклик юриш қилиб, йўрғалаб келаятилар.

Машина секин юриб, Холидахонни миндириб олди-да, бирпасда кўздан йўқолди.

Мен ҳам юзимга ниқоб кийдиму, «Иж»га газ бердим. Машина тобора яқинлашиб, рақам белгилари аниқ кўринавергач, тормозга босдим. Орқа ойнасига оқ парда кўйилган машинада менинг турмуш ўртоғим бораётгани боис ўзимни кўйишга жой топа олмасдим. Машина «Юбилей» шийпонига яқинлашиб, ҳаракатини секинлаштириди. У орқадан таъқиб бор-йўқлигини кўрмоқчи эди. Мен гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ўқдай учеб йўлимда давом этдим.

Орқани кузатадиган ойнадан кузатиб билдимки, «Жигули» ҳар кимса учун эшиклари ёпиқ, оддий кишилар тақдири қиморга бой бериладиган номус күшхонаси томон ўқдек учеб бораётган эди. «Юбилей» шийпони район, област миқёсида аҳён-аҳёнда нуфузли раҳбарлар иштирокида бўладиган мажлисларда фойдаланиларди. Атрофлари мажнунтоллар билан иҳоталанган шоҳ ҳовузда турли кўринишдаги балиқлар сузид юради. Азим дараҳтлар соясида мажлис ўтказилиб, шийпон хоналарига азиз меҳмонлардан бошқа ҳеч ким киритилмасди. Шийпон ва унинг атрофи фуқаро либосидаги милиционерлар томонидан

Қўриқчанарди. Бу ерга енгил машиналарда кўзга яқин гўзал аёллар, қизлар келиб-кетишар, кейин яна машиналар уларни олиб бориб қўйишарди.

Мевали дараҳтлар билан ўралган кумуш рангли бу машъум бинога асосий йўлдан ташқари, фақат уч юз метрлар чамаси ўтган зовур орқали яқинроқ бориши мумкин. Пахта далалари мутлақо узоқда бўлиб, меҳнат аҳли шийпонни ўраб олган боғ яқинига йўламасдилар ҳам. Мен беш-олти километр узоқликдаги зовур четидан юриб, шийпонга яқинлашдим-да, мотоциклни яшириб қўйиб, пиёда юриб, қалин узум пушталари эгатига кириб олдим. Кечаси билан акиллаб, бу ерни қўриқлаб, ҳолдан тойган қизил кўзли итлар соя қидириб кетган шекилли, мен осонгина очиқ деразадан ичкарига кириб олдим. Милицонерлар карта ўйнаб ўтиришарди. Хотиним ўтирган «Жигули» етиб келганига йигирма беш дақиқалар чамаси ўтганини ҳисобга олсак, айни ўйиннинг устидан чиқишим мумкин, деб тахмин қилдим.

Ялантоёқ юриб, хоналарнинг бирига қулоқ солдим. Эркак ва аёл овози...

Аёлнинг майин, нозли нолиши, эркак кишининг хушомади қулоғимга чалинди.

Эшикни секин ичкарига итардим. Эшик товушсиз очилиб, парда орқасига кириб олдим.

Эркак киши онадан туғилгандек қип-яланғоч, Холидани ечинтираяпти.

— Қўйворинг! — дерди Холида карашма билан. — Бирор келиб қолса-я.

— Бу ерга зоғ ҳам кира олмайди, — дерди эркак йўғон, ширали товушда.

Мен Холидани саккиз ой хотин қилиб, ҳозиргидек, онадан туғилгандек ҳолатда кўрмабман. Холиданинг сутга чайқалгандек оппоқ бадани, тароватли

ойдек чеҳраси, товонига урадиган узун, сүмбул сочлари болишни тўлдириб ётарди. У ҳали кашф этилмаган гўзаллик маъбудасининг ўзгинаси эди.

Ё тавба, менинг никоҳимдаги хотинимни мутлақо бегона эркак маст түядек уқалайверса-ю, мен шўрлик томоша қилиб ўтирсам. Бундай кўргуликни ҳатто душманимга ҳам раво кўрмасдим. Ҳайвоний ҳирс билан бегона эркак хотинимни даст кўтардида, полга тўшалган гилам устига ётқизиб, сийналаридан ушлаб эзғилайверди. Холида илондек тўлғониб, кўзларини юмганича инграр, фақат «ундай қилманг, акажон кўрқаяпман», — дерди, холос.

Мен тишимни тишимга қўйиб, пичоқни қаттиқ сиқиб, йигитлик гуури, рашқ устун келиб, ўлимга маҳкум этилганлар устига боравердим. Чунки мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам худо олдида, ҳам жамият олдида гуноҳсиз қолишимга асос бўла оларди. Мен муродимга етолмадим. Қасос иштиёқида маст бўлиб, орқамдан етиб келган милиционерларни сезмай қолибман.

Фуқаро либосидаги милиционерлар қўлимни қайириб, қуролимни тортиб олдилар-да, қўлтиғимдан олиб судраб чиқишиди.

Рақибим қиёфасини яхшилаб қўриш иштиёқида эшикни зарб билан тепдим. Ўзига келган Холида чинқириб юборди.

Эркак эса ҳайратдан оғзи очилиб қолган эди. У караворон, хом семиз, тепакал, қирқ-қирқ беш ёшлар чамасидаги қориндор киши, чап кўзи остида мошдек ўсимта холи бор эди.

«Танидим, жойингни соламан!» — леб бақирдим.

Ювилган чопон сувини сиққандек қўлимни бурашди, ҳаккалатиб миршабхоналарига олиб боришида хумордан чиққунларича тепкилашди. Кейин ўзимни билмай қолибман.

Хүннімга келсам, лаб-лунжларим йиртилиб, қон
қотиб қолған каллам тепки зарбидан шипиб, танам
бегонадек менга бўйсунмасди. Оёқларим зирқираб
оғриди.

— Сув, — дедим мутлақо бегона товушда.

Ёнимдаги қоровул ялангоёқларим устига бо-
тинкали оёқларини босиб, шундай эзғиладики,
беихтиёр чинқириб юбордим. Бошқа қоровуллар ма-
зах қилиб қулишди.

— Нега гилам ўғирлашга куппа-кундузи кир-
динг?! — дея бақирди лўли башара қоровул. — Эй
онангни!!

— Тұхмат-ку! — дедим ҳайратдан ёқа ушлаб.

— Тұхмат дедингми?! Онангни учқұрғондан
күрсатиб қўймасамми! — деди қоровул, кейин туйкус
ичимга мушт туширди.

Мен ўзимга келиб олғанимдан кейин биттаси:

— Эңг камида уч йилга қамалиб кетасан! — деди.

— Хотинимни фоҳишахонага олиб келиб, бир
ифлосга қўшиб қўйибсизлар, яна бу камлик қилиб,
ўзимни ўғрига чиқарайпсизлар, шу инсофданми?! —
дедим мен оғриққа дош бера олмай.

Эшикдан кириб келган қоровул нимадир деб
шипшиди. Кейин мени ертўлага олиб бориб:

— Сен билан бир киши гаплашади, омадинг чопса
кутулиб кетасан, — деди-да, кейин ўzlари чиқиб
кетишиди.

Кўп ўтмай хонага баланд бўйли, яхшигина боқил-
ган олифта киши кириб келди.

Қўлимда қуролим бўлганида отиб ташлардим-у,
аммо ҳали вақти эмас эди.

У тиржайиб:

— Ука, кўринишдан яхши йигит экансан-у, қи-
либ юрган номаъқул қилиқларинг куракда турмайди.

Сенга московский гилам керак экан, совхоз директорига айтсанг бермасмиди?

— Мен гилам ўғирлаганим йўқ, — дедим жоним ҳалқумимга келиб. — Хотинимни фоҳишахонага олиб келиб, яна менга туҳмат ҳамми?

— Гапни қўятур, амалда қилинадиган ишдан гаплашайлик, — деди у хотиржам ўтириб олиб. — Факт, асос борми?! Сени ким айтади афғонда жанг қилган азамат йигит деб, уят-еъ! Кўнглингга олмагину, биласанми кимлар ўз хотинини фоҳишага чиқарали?!

— Биламан, — дедим мен.

— Да лил, исбот борми?!

— Йўқ.

— Унда қулоқ сол! Агар менинг хотиним шундай иш қилса, ушлаб олган жойимда сўядим. Ҳеч иккиланмасдан сўйиб ташлардим. Сенга ҳам шундай маслаҳат бермоқчиман, нима дейсан?!

— Мен ҳам сўядим-у, милиционерлар келиб қолишиди-да, — дедим афсусланиб.

— Ҳа, баракалла, — деди у тиржайиб. — Сенинг қўлингдан келмабди, шундайми?! Сенга маслаҳатим, ўзингни жувормарг қилма, агар ёмон хаёлларга борсанг, ўлим жазоси беришларини бир ўйлаб кўр, ука. Ҳали ёшсан, айни олов бўлиб ёнадиган давринг сени. Хотин зотидан кўпи йўқ, кетига тепгину бошқасини олиб яшайвер, хўш?!

«Мулоҳаза юритадиган донишманд экан», дедим хаёлимда.

Кейин:

— Нима қил демоқчисиз? — деб сўрадим.

— Нима ҳам дердим? — деди у. — Тақдиринг ўз қўлинга ука. Менга қолса ўз-ўзингни шарманда қилмагин, ҳеч нарса бўлмагандек йўлингда кетавер! Билиб қўйгин, курашда бой бердинг. Сен номусинг, орингни бой бериб бўлдинг. Агар ўша маразни жойида

хотинчант билан бирга, жиноят деймизми, хиёнат деймизми, ўша дақиқада иккисини ҳам чавақлаб ташлаганингда, қонун сенинг тарафингда бўларди. Энди кеч, жуда кеч бўлди. Вазиятдан чиқиш учун яна бир йўли бор. Тўғрисини айтсам, мен адвокат эмасман, аксинча, прокурорман. Прокурорни одамлар қораловчи деб тушунишади. Аммо мен содир этилган жиноятни аниқлаб, инкор қилиб бўлмайдиган далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, керак бўлса суд тиббий экспертиза хulosалари ва тўлиқ фактлар билан судга бераман. Қонун доирасида иш юритадиган адлия ходимиман. Сен ҳозир оғир ахволдасан. Мен вазиятдан чиқиш учун сени дўппослаган зўравонлар содир этган жиноятларини исботлаб, қора курсига ўтқазишим учун сенинг ёрдаминг керак бўлади. Ҳозироқ сенга суд тиббий экспертиза хulosаси керак. Бу зўравонлар одил суд томонидан жазога маҳкум этилалилар. Хўжалик раҳбаринг мендан илтимос қилгани учун, ваколатимга кирмайдиган вазифани бажаришни зиммамга олдим. Истасант сени ҳозироқ озодликка чиқариб юборишлари мумкин. Улар сени дўппослаб, тан жароҳати етказгандари учун жавоб беришлари кераклигини яхши биладилар. Сени гилам ўмарғанлигингни исботлашларига тўғри келади. Агар бу зўравонлар сени ўғирлик устида ушлаб, РОВД¹ органи навбатчи қисмини чақириб, сен содир этган жиноят тафсилотларини расмийлаштириб, холислар гувоҳлигида гиламми, бошқа нарсами сени зиммангга юклаганларида бошқа гап эди.

— Сиз айтгандек, нега РОВД навбатчи қисмидан наряд чақиришмади? «Гилам ўғриси» бўлиб жазо олишни афзал кўраман. Ёмон томони, беҳаё хотиним, шарманда бўлиб ўлиши шарт бўлган эркак жазосиз қолаяпти, — дедим мен.

¹ РОВД — район ички ишлар бўлими

— Булар расмий қўриқчи эмас, сен айтгандек «милиция» ходимлари ҳам эмас. Сени ўлдириб, ўлигингни бирор чукурга ташлаб юборишлари ҳам мумкин эди.

— Ҳаммаси тушунарли, — дедим мен.

— Хўш, — деди олифта донишманд. — Суд тиббий экспертиза хulosаси керак, демоқчисан?

— Ҳа, — дедим мен.

— Яхшилаб ўйлаб кўрдингми?

— Ҳа, — дедим мен. — Нега сиздек донишмандни аввалроқ кўрмаган эканман? Акс ҳолда бундай шарманда бўлиб, номусим оёқ ости бўлмасмиди.

— Ҳозир терговчи келади, — деди прокурор. — Менга сўз бер, хотинчалиш қилиқлар қилмайсан! Сенинг хотининг, унинг хушторлари, бугун бўлмаса эртага қўлга тушиб, шарманда бўлишлари муқаррар. Сени дўпослаган муттаҳамларни қайси идора маош билан таъминлаши ва уларни ким ёллаганликларини ҳам аниқлашади.

Прокурор чиқиши билан мени дўпослаган милиционерлар олиб бориб қамаб ташлашди.

Бироқ бўлиб ўтган ноxуш воқеалардан хабар топган «фоҳишахона» мутасаддиси «бундай машмашаларга ҳозироқ, тезда барҳам берилмаса, иш чаппасига кетишини» тушуниб етган бўлса керак, келиб ҳамма хизматчиларини оёқقا қўйиб, ер тепиб сўкина бошлади. Кейин менинг олдимга келиб:

— Ука, сен шайтон васвасасига тушиб, ўғирликка қўл урибсан шекилли, — деди у жаҳл билан. — Ўзимзининг ташвишимиз ўзимизга етиб ортади-ку, сенинг машмашанг ортиқча эмасмикан? Ҳозироқ туёғингни шиқиллат!

— Мен ўғирлик қилганим йўқ! — дедим мен.

— Гилам ўғирлабсан-ку!

— Гилам ўғирлагансан, дедингизми? Гўрни очиб, кафан ўғирлашим мумкин, аммо номус, ҳаё қушхо-

насининг энг ифлос гиламига тупуришдан ҳам жирканаман! — дедим мен.

— Нималар деб валдираяпсан?! — дерди у оғзи кўпирисиб, жаҳл билан. — Биласанми, бугун обком секретарининг ўzlари келиб мажлис ўтказадилар!

— Обком секретаридек олий лавозимли кишига сизнинг фоҳишахонангиздан бошқа тозароқ шийпон топилмабди-да?! — дедим мен.

— Тишингни синдираман! Мараз, ялангоёқ, областимизда энг намунали «Юбилей» шийпонига, биласанми ким меҳмон бўлган?

— Ўша азиз меҳмонингизга хотинчангизни қўшмаган бўлсангиз керак?! — дедим мен ўзимни тўхтата олмай.

— Сени оначангни! — ўкирди у жазаваси тушиб, кейин бор кучи билан башарамга мушт туширди.

Кўзимдан олов отилиб, йиқилиб тушдим-да ўзимни йўқотдим. Кўзимни очганимда, бақбақалари осилиб, хотинлардек ўқчалари тарвақайлаб кетган, бадбашара шийпон бошқарувчиси:

— Ўлиб қолади-ку! Дўхтур қайси гўрда, тезда чақиринг! Укажон, минг сўм бераман, икки минг сўм берай, олгин-да қорангни ўчир! — дерди рангкути ўчиб.

— Ҳеч қаёққа кетмайман! — дедим мен.

— Барака топкур, ўғирлаган гиламинг ҳам сенга сийлов, ҳозироқ жўнаб қолгин! Нарсаларингни менинг «Жигулим»га ортгин-да, жўна! Ҳозир икки минг сўм бераман, бу пулга хотин олсанг етиб ортади.

— Пулинг, гиламларинг ўзингга сийлов, менинч қўйсанг бўлгани, — дедим мен.

Милиция ва тиббий ёрдам машинаси келиб тўхтади. Милиция ходимлари ва фуқаро либосидати олифта кишилар воқеани батафсил сўзлаб беришимни

сүрадилар. Мен гилам ўғирлаганлигимни тан олдим, кейин мени тиббий ёрдам машинасида шаҳарга олиб кетишди.

Шифохонада даволанганимда суд тиббий экспертиза ўтказилиб, менга оғир тан жароҳати етказгандиклари ҳақида ҳужжат тўлғазишиди. Кейин сўроқ қилинди.

— Сени кўчада кимлардир дўппослашган экан, «Юбилей» шийпони қоровуллари сенга кўмаклашган эмишлар, шу тўғрими? — деб сўради терговчи.

— Йўқ! — дедим мен оёқ тираб олиб, — мен гилам ўғирлаб қўлга тушдим, мени дўппослашди!

— Сен, оғайни, фирт аҳмоқ экансан! Гилам ўғирлаганинг учун сени уч йилга қаматиб юборишлидан хабаринг йўқ кўринади?!

— Хабарим бор, — дедим мен.

Кечга яқин шийпон бошқарувчиси келиб:

— Ука, ўжарлигинг бошингга бало бўлмасин тагин, қоровул йигитларни қаматишни хаёлингга келтира кўрма! Уларнинг орқасида «катта одамлар» турибди!

— Пулдор бўлсангиз ўзингизга, — дедим мен. — Қоровулларингизнинг орқасида ким тургани мени қизиқтирмайди, мен фақат Худодан кўрқаман!

— Ука, — деди у. — Уч минг сўм берай, яп-янги «Жигули»ни ёғи билан олиб минасан! Базадан олишга ўзим ёрдам бераман! Яхшилаб ўйлаб кўр, ука!

— Йўқ, кўлингиздан келганини қилинг! — дедим мен.

Менга ялиниб кўришди, бўлмади, кўрқитиб кўришди, бўлмади. Бир ой даволаниб чиққанимдан кейин суд бўлиб, қоровуллар икки-икки ярим йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар.

Суд раиси курсисида ўтирган савлатли кишини танидим.

«Юбилей» шийпонида хотиним билан бирга бўлган муттаҳамнинг ўзи эканлигига имоним комил.

У менга кўз қири билан қараб қўйди-да:

— Жабрланувчи Палончи Пистончиев мотоциклни бензини тугаб қолгани учун «Юбилей» шийпонига келиб, ёрдам сўраган. Ҳамма уйқуда бўлгани учун, шийпон хоналарига кириб, «Ким бор» деганида қоровуллар тутиб олиб уриб, зиммасига гилам ўғирлигини юклашган. Жабрланувчи Палончи Пистончиев оғир тан жароҳати билан шифохонада бир ой даволанса-да, ҳали-ҳамон саломатлиги тикланмаган. Жабрланувчи Палончи Пистончиевга зўравонлар ҳисобидан икки минг сўм ундириб беришга қарор қилинсин, — деди-да, менга мугомбирона қараб қўйди.

Унинг бу қараши: «Ука, хотинчанг кетвorgан жонон бўлганидан кейин, кимсан район судъяси кучоқламаса кимам таптими қондиради?!» — дегандек туюлди менга.

«Ҳали шошмай тур, қоринбой, сен билан яхшилаб ҳисоблашганимизда менинг кимлигимни билиб оласан!» — дея хаёлимдан кечирдим мен.

Шу онда нимагадир Афғон тоғларидаги жанг кўз олдимга келди: «Туйқус жант бошланиб, кўз очиб юмгунча ёнингда соғ-омон турган сафдош оғайниларим, силкиниб жон талвасасида ўлим билан кўришарди. Қулоқларим остидан визиллаб ўқ ўтиб, бoshимдаги каскамга ўқ урилса-да, мен тирик қолавердим. Шундай жанглардан бирида қора соқоллик жангари тош устига туриб олиб автоматдан бизга қаратса ўқ ёғдира бошлади. Бирин-кетин сафдошларим оғир жароҳатланиб ўлаверганидан кейингина қоним қайнаганини сезибман. Унгача автоматдан қанча ўқ бўшатсам-да, душманни нишонга олмасдим. Тўғриси, одам ўлдиришга қўлим бормасди.

Бақирганимча ўрнимдан туриб, автоматни сайратиб, бир эмас, икки эмас, учта душманни ер тишлатдим.

Үзимга келиб, ётиб олдим-да, қоя панасидан туриб, гранатамётни ишга тушираётган душман устига граната ташладим, йигитларимиз: Ура! – деб ҳайқиришиб, тепаликни забт этишли.

Жанг тугади. Асир олинган жангариларни учтасини полкимиз штабига ҳайдаб бориш менга топширилди. Йўлда мен: «Ҳали сенлар билан ҳисоб якунлангани йўқ, муттаҳам жангарилар! Менинг жондек ўртоқларимни ўлдирғанликларинг учун яна нечтангни жаҳаннамга жўнатмаган номард!» – дедимда автоматимни сайратиб, уларни жаҳаннамга жўнатдим. Кейин автоматимни тифини осмонга қаратиб батальонимиз эталлаб турган тепалик ён бағрига бордим. Воқеалан огоҳ бўлган бошлиғим майор Бах:

– Сени давлат мукофотига тавсия қилмоқчи эканлигимни билатуриб, нега асир олинган «язик»-ларни отиб ташладинг! Сени ҳарбий трибуналга бераман! – дея товуши борича бақирди.

– Душманларни отиб ташлаб, ҳозиргина жон таслим қилган ва оғир жароҳатдан инграб ётган биродарларим учун ўч олдим! Ҳарбий трибунал олдидатик туриб, жазо олишга тайёрман! – дедим.

Ҳарбий бошлиқ ёнимга келиб, икки қўлини елкамга қўйиб, секингина деди:

– Бу муттаҳамларни осиб ўлдирсанг-да, бирор сўз айтмасдилар. Аммо армия қонун-қоидаларига мувофиқ сен уларни штабга олиб бориб топширишинг керак эди. Сен эса бошлиқ буйруғини бажармадинг! Энди сени қамоққа олишга буйруқ бераман. Смирно!

Мен гоз турдим.

– Жангларда кўрсатган жасорати учун полк командири номидан миннатдорчилик билдираман! Вольно! – деди.

Шу воқеадан кейин табиатан ўзгардим. Ўзига бино қўйган, олифта сержантлар ҳам мендан узокроқ юрадиган бўлишди».

Хотинимнинг номусини булғаган хомсемиз сулья менга раҳми келиб, «яхшилик» қилаяпти.

Мен ҳам юрагим боғида битта яхшигина тугун туғиб қўйдим.

Орадан бир ой вақт ўтиб, суд ижрочиси партком Ҳакимча билан яп-янги «Волга»да келиб, менга тантана билан икки минг сўм пулни топшириб:

— Муҳтарам суд раиси Эшмамат Тошмаматовга миннатдорчилик билдиришингиз лозим, — деди.

Тиржайиб турган қиёфаларни ҳозироқ чавақлаб ташлардиму, чидаб туришга мажбур эдим.

— Мен бу пулни ола олмайман, — дедим. «Хотинимнинг номуси, йигитлик гурурим эвазига бериллаётган товонни олгунимча ўлтаним яхши эди». Қамоқда ётган йигитларни бола-чақасига олиб бориб беринглар, — дедим-да, нари кетдим.

Орадан ойлар ўтаверди. Бу вақт ичидаги ҳангомалардан хабари бўлмаган ота-онам, Холиданинг яқинлари бизни яраштиришга қанчалик уринишмасин натижаси бўлмади. Қудаларнинг берган лашлушкини ўзи бир тележка юк бўлди, олиб бориб ташладик. Холида вилоят педагогика институтида сиртдан ўқиб, болалар боғчасида тарбиячи вазифасида ишлай бошлади.

Эндиликда ҳусну жамоли янада очилиб, эркакларни янада оҳанрабодек тортадиган гўзалта айланган эди.

Мен аскарчасига спорт билан шуғулландим. Масоғадан туриб пичоқ отиб, аниқ мўлжалга уриш, эмаклаб юриш, баландликдан сакраш, югуриш машқларини яхшигина бажарадиган бўлиб олганидан кейин, эгнимга қора кўйлак, шим кийиб,

тунлари санғиб юраман. Куз тунлариды рақибим Эшмамат олифта яшайдиган уйни айланиб, девор баландлигини, дараҳтлар, күшни уйларни ўрганиб, рақибим ширин уйқуда ёттан чөфида у билан ҳисоблашиб олишни ўйлардим.

Эшмамат бола-чақаси, уй-жой, хотинини ташлаб, рангпаргина, ўттиз ёшлар чамасидаги гүзал аёлга уйланиб, унга шинамгина ҳовли сотиб олиб берган экан. Тўрт метрлик пахса девор билан ўралган, сатҳи қарийб бир гектарлар чамасидаги узумзор, мевали дараҳтлар экилган бу боғ, менинг назаримда ой шуъласида кумуш тусда мавжланиб, хилват, кимсасиз гўшадек хосиятсиз, қонталаб қилиб тургандек ваҳимали бўлиб кўринарди. Эҳтимол, менинг қора қонимни талаб қилиб турган бўлса ажаб эмас. Бўрисифат итини аллақачоноқ гумдон қилган эдим. Боғнинг ён томонидан ўтадиган серсув ариқда сув қувури бўлиб, темир панжара билан тўсиб қўйилган экан. Баҳтимга темир панжарани осонгина кўчириб, лойқага ботиб, боғга кириб олдим.

Куз фаслида кечалари салқин. Лойқа сувга ботиб, шалаббоси чиққан мендек инсонга совуқ таъсир қилса-да, сабил қолган жонни авайлаш хаёлимга ҳам келмасди. Қасос нашидасини татиб кўриш – мана шу менинг муҳим вазифам эди.

Оёқ учida юриб, айвонга яқинлашдим. Айвонда каттакон рангли телевизордан пахтакорлар учун концерт беришяпти. Астагина баланд айвонга бўй чўздим, ёғоч кроватда эр-хотин қалин атлас кўрпага бурканиб ётишибди. Хотинбозни ва унинг хотин-часини ғафлат уйқуси комига тортган бўлса керак, тепаларидаги жаллод турганини сезишмасди ҳам.

Хомсемиз ёттан ёстиғи остидан қуролини олаётганимда у уйқусираб:

— Ит бўлмаганидан кейин ўғри мушук устингда юраверади-да, — деди-да, бироз вақт ўтиб-ўтмай хурракни қолган жойидан давом эттираверди.

Аёлнинг бўлиқ соchlари ёстиқни тўлдириб турарди, бир қўзғалиб кўрпани тепиб ташлади. Енгиз оқ кўйлагини тортиб, қашинган бўлди. Унинг сутта чайқалтандек оппоқ сонлари яққол кўриниб турарди. Телевизордан чиқаётган ёруғлик аёлдаги бор тароватни турли рангларда жило-лантиради.

Кўз олдимга хотинимнинг ҳам шу аҳволдалиги келди, хаёлимдан: «Хотинбознинг диди чакки эмас. Бу жонон ҳам Холидадан кам жойи йўқ», деган ўй ўтди. Аммо онгимда ёввойи ғайирлик туғён уриб, ҳозироқ эрининг кўз ўнгига шу аёл билан жинсий алоқа қилиш иштиёқи ҳамма нарсадан устундек туюла бошлади. Вужудим олов бўлиб ёна бошлади. «Аммо вақт зиқ, тезда Эшмамат хотинбозни боғлаб ташлаб, унинг кўз ўнгига аёли билан майшат қиласман», деган фикр миямни қамраб олган эди. Секингина хотинбознинг оёғига тепдим. У кўзини уқалаб, менга қараб турди-да, ёстиғи остига қўл узатди.

— Сен манавини қидирайпсан шекилли, — дедим мен.

Икки қўлини пахса қилиб, ялина бошлади:

— Укажон, мен сени юқори лавозимларга қўйдирман, туманнинг энг гўзал қизларига уйлантираман, фақат ўлдирмагин! Ахир менинг бола-чақам бор.

— Қани ўша бола-чақанг?!

— Улар Самарқандда яшашади.

Аёл уйғониб, бўлаётган воқеага тушуниб етгач чинқириб юборди. Аммо унинг чинқириғи телевизорда бўлаётган кинофильм қаҳрамонлари товушига

сингиб кетди. Мен унинг ҳайратдан катта очилган оғзига тўппонча қувурини тиқдим-да, қўлим билан жимгина ўтиришни маслаҳат бердим. Аёл жим бўлиб қолди.

Чойшабни йиртиб, Эшмаматнинг қўл-оёқларини боғлаб ташладим-да:

— Энди хотинчанг билан айш-ишрат қилсан, нима дейсан?! — дея сўрадим.

Унинг қўркувдан эси оғиб, менинг сўзларимни эшлишига қурби етмасди. Бир тарсаки еганидан кейин ҳозиргина айтган сўзларимни такрорладим.

Шунда у:

— Укажон нима қилсанг қилгин-у, мени ўлдирмагин, — дея илтижо қиласарди.

Мен унинг айнан шу ҳолатидан кейин аввалги шаштимдан қайтдим. Ўлимини кутиб, мунгайиб ўтирган хотинбоз кўз ўнгига, қўрққанидан эсини йўқотиб ўтирган мунгли аёлнинг номусига тегишдан-да оғирроқ жиноят бўлмаслигини тушуниб етдим, рақибимни азоблаб, осиб ўлдириш ниятимдан воз кечдим. Бироқ, бу маразни ҳозироқ ўлдирмасам, њеч қачон бундай имконият бўлмаслигини яхши билардим.

— Эр-хотин иккаласини боғлаб, юзини тескари қилиб, ётқизиб қўйдим-да, қуролни отилмайдиган ҳолатга келтириб, боевой заводга патронни жойлаб, рақибим ва унинг хотинчасини қўлларини ечдим.

— Ҳозироқ чиқиб кетсан, мени ушлаб қаматиб юбормайсанми?! — дея сўрадим.

— Йўқ, албатта, — деди Эшмаматнинг юзига қон югуриб. — Қиёматли укам бўласан.

— Сен-чи, — дея сўрадим хотиндан.

Аёл тилга кириб:

— Судъя акангизга ишингиз тушса, пул олмасдан ёрдам берадилар.

— Мени қамамасалар бўлгани, — дедим-да, — «Макар» русумли тўппончани эгасига қайтардим.

— Укам бўлдинг, йўқ демасант, озроқ тилла буюмларимиз бор эди, пича пулимиз ҳам бор, сенга керак бўлиб қолар, уйланадиган бўлсанг, тўйни бошида туриб, қамишдан бел боғлаб, хизмат қилмаган номард, — леди сўзларига ялинчоқ, мунгли урғу бериб бечора судъя.

«Ҳа, зангар, шу юрагинг билан не-не бегуноҳ азаматларни қамоқقا тиққансан. Ҳозир кўрамиз, қасамни ичиб, бир дақиқада қасамингга хиёнат қилмас экансан?!»

— Сен мени ростданам эртага ушлаб қаматмайсанми? — дея сўрадим мен.

— Онамнинг арвоҳи урсин! Каломулло урсин, сен менинг тутинган укам бўлдинг! — дея қасам ичди номус ўғриси.

— Сен-чи? — сўрадим эсини тамоман йўқотиб ўтирган девонасифат аёлга юзланиб.

— Қиёматли укамсан! Каломулло урсин! — деди бечора аёл.

«Сенгаку ишонса бўладику-я, манави ифлосни аллақачоноқ қасам уриб бўлган», — дея хаёлимдан кечирдим.

Тўппончани эгасига қайтариб бердим-да:

— Мен кетдим, — дедим.

— Укажон, ҳалиги тилла буюмлар, пул деган эдик, — деди қуроли қўлига тегиб, тетиклашган суд раиси.

— Мен қароқчи эмасман, — дедим-да, йўлга отландим.

Боғ томон икки қадам босмасимданоқ:

— Тўхта! Муттаҳам ўғри! — хитоб қилди, ҳозиргина укам деб Қуръонни ўртага қўйиб қасам ичган суд раиси менга курол ўқталиб.

Мен тўхтаб, изимга бурилдим. Бечора аёл эрининг қўлидаги қуролга ёпишиб, мени ҳимоя қиласяпти. Хотинини уриб, чўзилтириб қўиган қасамхўр мени нишонга олиб отди. Аммо ўқ отилмагач, ёнида тахланган кўрпа, кўрпачалар остидан қўшофиз милтиқни олиб, тепкиларини қайирди-да:

— Суд раисининг уйига бостириб келган босқинчини отиб ташласам, мендек қонун посбонига ҳеч қандай жазо беришмаслигини биласанми?! Муттаҳам ўғри! Кўз олдимда хотинимни номусига тегдинг!

Бечора аёл эрининг қўлидаги милтиққа ёпишиди, ўқ отилди, аммо менга тегмади.

Қасамхўр хотинбоз аёлнинг башарасига шундай тепдики, бечоранинг оғзидан қон сизиб чиқа бошлади.

Қўшофизнинг иккинчи тепкисини қайирган чоғда, ёнимдаги темир қозиқни душманим калласини нишонга олиб отдим. Агар нишонни тўғри ола олмаганимда ёки у чап берганида, ҳалол курашда енгилган, қил устида турган ҳаётимга сўнгги нуқта қўйилган бўларди. Темир қозиқ рақибим пешонасига қадалиб туриб қолди. Унинг қўлларидан милтиги тушиб, эсанкираб, оғзини катта очиб турди-да, орқасига йиқилиб тушди.

Милтиқ товушидан сергак тортган қўшнилар дарвозани уриб, очишга уринишарди.

Ўзига келиб, воқеадан огоҳ бўлган аёл уйқашчайқаш юриб, менга яқин келди-да, секингина, гўё типирлаб жон бераётган эрига халақит бермаслик учун атаяй шивирлаб:

— Энди кетинг, одамлар кириб келмасдан қочинг! Мен онт ичдим, сиз оладиганингизни олиб бўлдингиз, сизнинг хотинингиз билан ётганидан хабарим бор, энди кетинг, ўтиним сўрайман, ёлвораман, жувармарг ўлишингизни истамайман, — дерди у йифлаганича.

Мен тезгина, ўзим кириб келган йўлим билан, боғ оралаб сув туйнугидан ўтиб олдим-да, бир кўча наридаги милиция маҳкамасининг навбатчи қисмига кириб бордим. Мени бу аҳволда кўрган милиционерлар ўзларига келиб олиб:

— Тинчликми? — дея сўрашди.

— Мен ҳозиргина бўлиб ўтган нохуш воқеани айтиб бердим-да, қамоқقا олишларини илтимос қилдим.

Суриштирув, тергов уч ой давом этди. Бу вақт мобайнида калтак еявериб, вужудим отнинг тўш айлидек қотиб, калтак таъсир қилмайдиган бўлиб қолган эди.

Суд бўладиган кун мени ювинтириб, тоза либосларимни кийишимни буюришди. Суд уч ой давом этса-да, якуний қарор чиқаришга шошилишмади. Ягона гувоҳ марҳум Эшмамат Тошмаматовнинг турмуш ўртоғи Лолаҳон Одилова айтиб берган воқеаларни мен ҳам маъқулладим.

— Темир қозиқни қаердан олдинг? — дея сўради суд раиси.

— Бофга кирганимда бедапоядан топиб олгандим, — дедим мен.

— Оралиқ масофа саккиз қадам бўлган, дейлик, қандай қилиб марҳум Тошмаматовнинг пешонасини нишонга олдинг ва уни ўлдирдинг?

— Агар мен уни ўлдирмасам, у мени отиб ташларди.

— Икки ўқ отилган, шундайми?

— Ха, — дедим мен.

— Биринчи ўқ билан саккиз қадам масофадан сени отиб ўлдириши мумкин эмас эдими?!

— Марҳум мени отишга чоғланган чоғда, унинг турмуш ўртоғи Лола опа милтиқ қувурини кўтариб юборди. Фазабланган марҳум Тошмаматов турмуш ўртоғини телиб, эсини кеттазган эди.

Марҳум иккинчи ўқни отишга чоғланиб, тепкини қайириб олди-да, нишонга олаётганида, мен унга қараб отган темир қозиқ пешонасига бориб қадалди. Милиция бўлимига келиб, солир этган жиноятимни тан олдим.

— Марҳум Тошмаматовнинг турмуш ўртоғи гражданка Лолаҳон Одилова нега жон-жаҳди билан сизни ҳимоя қилди?

— Марҳум Тошмаматов ва унинг турмуш ўртоғи мени укамиз, деб қасамёд қилишган эди.

— Қаранг-а, — суд раиси истеҳзоли тиржайиб, сўзида давом этди. — Қурол остида ака-сингил тути-нишган эмишлар?! Мабодо сиз фуқаро Палончиев марҳумнинг турмуш ўртоғи билан хиёнат қилаётган чоғингизда кутилмагандаги кириб келган Тошмаматовни ўйнашингиз Лолаҳон билан биргаликда ўлдириб қўймадингизми?!

— Туҳмат! — дедим мен.

Хуллас, менга олий жазо, Лолаҳонга етти йил қамоқ жазоси тайинланди. Лолаҳон ноҳақ жазога маҳкум этилди ва қамалиб кетди. Менга ҳақли жазо тайинлашди. Аммо Лолаҳон айтганидек қочиб кетганимда, ҳаммаси яхши бўлиши мумкин эди. Лолаҳон туҳматга қолиб, номига қотиллик ва хиёнат тамғаси босилди. Ўлимимни шодиёна қўшиқлар айтиб кутиб олардимку-я, Лолаҳоннинг тақдирини ўйлаб, тунлари уйқум келмасди.

Чалкаш тақдирлар, ноҳақ туҳматлар, хиёнат — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, бутун бир дунёни қамраб олган қуюндек номаълум ва қоронғу, даҳшатли оламга олиб бораётгандек эди.

Ўлим камерасида ўлимини кутиб ётган маҳбуслар қаторида кунларим ойларни қувалаб ўтаверди. Ота ва онам, ака-укаларим елиб-югуриб, олий суд қарори билан менга ўн йил қамоқ жазоси, Лолаҳонни эса мутлақо озод этилишига муваффақ бўлипиди.

Энг муҳими, менинг яқинларим, Лолаҳоннинг қариндошлари ростданам Лолаҳон менинг тутинган опам эканлигига ишониши ва эркинликка чиқишимизга ёрдам бериши. Ҳаммаси бўлиб етти ой қамоқда сақланган Лолаҳон акам Ўткир ёрдамида мени қўргани қамоқхонага келди. Оққўнгил аёл мен билан:

— Менинг оғажоним, — деб йиғлаб кўриши. — Мана кўрдингми, адолат қарор топди. Ўшанда қочиб кетганингда, бир умр виждонинг қийналиб, азобда кун кечирардинг.

— Опа, — дедим мен, — сизни ўйладим. Софдил, виждонли аёлсиз, сўнгти нафасимгача укангиз бўлиб қоламан.

Қамоқхонанинг қоронғу ва заҳ камераларида уч йил ётиб, даволаб бўлмас қасалликка дучор бўлдим. Яна икки йил Сибирь ўрмонларида пашшага таландим, зимистон қишлигини йўталиб, қон ўқчиб, кесилган ёғочларни тозаладим.

— Энди озодликка чиқдингизми? — дея сўрадим мен.

— Ҳа, — деди у. — Энди эркин инсонман десам ҳам бўлади.

— Лоланинг тақдирине кечди?

— Ўткир амакиваччам унга уйланиб олди. Уларнинг икки ёшли ўғилчалари бор. Лола опам қишлоғимиз мактабида ўқитувчи. Янгам десам ҳам бўлаверади.

Жанубий кореялик қизларимиз жойларига ётиб олиб, суратли журналларни ўқишиб, жимгина бораяптилар.

— Уйланмадим, денг?

— Бу аҳволимда қандай аҳмоқ аёл менга турмушга чиқарди? — деди у.

Вагон тебранишига монанд силкиниб бораркан, унинг озғин, заъфарон қиёфасида афсус ва умидсизлик аломатлари соя солганди.

— Ҳа, — дедим мен. — Вақти келиб сизнинг ҳам пешонангизга офтоб тетса ажабмас. Тошмаматовдек номус ўғрилари, Мавжудадек құшмачилар жамиятимиз орасидан супуриб, тозаланиб ташлансагина сиздек, Лолаҳондек түғри-түпор инсонлар ҳаётида яхши томонга ўзгаришлар бўлади.

Поездимиз шиддат билан қоронгулик қаърини ёриб, шимол томонга интиларди.

Темир йўл четидаги осмонга бўй чўзган яккамдуккам арчалар қора соялардек шошилганларича тонг ёришиб келаётган тарафга — енгил губор қўйнига сингиб кетарди.

ДЕВОНА ТАБИБ

— 1 —

Ёз кунларининг бири. Қуёш кўтарилиб, ҳаво яхшигина қиздирмоқда. Ҳамроҳларимиз эшакларга маталган молларини ўтлатиб, бизни кутиб ўтиришибди. Энди йўлга отланганимизда, Йўлбарс лақабли бўриbosар итимиз кетишга қўймай қаршилик қиласарди. Гўё: «мен ҳам сизлар билан бораман» деб, оёқ тираб олган. Ушлаб боғлашни иложи бўлмаяпти. Бораверсин десак, катта шаҳарда ўткинчи одамларга ташланса ёки ўтаётган машинаними, мотоциклни қувалаб йиқитса, бошга битган бало бўлали. Ит билан овора бўлсан, моллар қочиб қолади. Итни ушлаб, занжирбанд қилиб, сигирларни эшакка мatab, фунаҗин ва ҳўқизчаларни қўшиб ҳайдашдан-да

қийин юмуш бўлмайди. Қайси эсини еган мол ўзи туғилиб ўсган яйловини ташлаб кетгиси келади, дейсиз.

Мендек ўн тўрт ёшли бола учун Самарқанд бозорига мол ҳайдашдан бошқа яхшироқ томоша бўларканми? Ёнимизда Каримбобо, Очилхон эшон бобо, Тошхон эшон бобо, менинг отам ҳам эшатини миниб олиб, гердайиб бораяпти. Каттаконлар дуога қўл кўтариб «Оқ йўл» тилаганларидан кейин, сафаримиз бошланди. Синфдош ўртоғим Мұҳаммади Аваз ўғли билан иккаламиз югурдакмиз. Каттаконларни айтганларини қилишимиз керак. Акс ҳолда, Самарқанддек шаҳри гулгулани бошқа кўрмасмишмиз!

Мұҳаммади эшакларга мatalган молларни ҳайдаб бораяпти. Иккаламиз ҳам ялангоёқ, жулдур кийимдамиз, яёв, эллик километр тоғ сўқмоқларини, чўлу биёбонларидан ўтган йўлларни босиб ўтишимиз керак. Чарчаб, қора терга ботиб, оёқларимизни тиконга, тошга уриб, қонаса ҳам сир бой бермай бораяпмиз. Бузоқчаларни тумшуғига мих қадалган чўп боғланган бўлиб, оналарини эма олмайдилар. Йигирма чоғли молларни Авазов билан иккаламиз ҳайдаяпмиз.

Синжовут қири билан Шовуз чўққисининг ўнг томонидан ўтиб, тоғ устига чиқдик. Катталар эшакдан тушмайдилар. Биз қайсар молларни уриб, қайтариш билан оворамиз.

Карим бобо ҳазилкаш одам эдилар:

- Мұҳаммади, — дедилар.
- Ҳа! — деди Мұҳаммади ҳансираф нафас оларкан.
- Сен Эҳсондан қўрқасанми ёки худодан?! — дея сўради у.
- Худодан қўрқаман! — деди Авазов.
- Худодан қўрқсанг Эҳсонни ур! — деди Карим бобо.

Пиёда мол ҳайдайвериб тинкам қуриб турган чоғимда Мұхаммади ета солиб жағимга мушт туширса бўладими.

— Мана бўмаса! — дедим-да, Мұхаммадини ура кетдим.

Иккаламиз жўжакхўроздардек муштлашиб, қонга бўялсак ҳам, катталар мазза қилиб куляяптилар. Охирида мен қўлимга қалладек тошни қўтариб, рақибимга ташланганимда, катталар бизни ажратмоқчи бўлишиди. Аммо учовлон аранг ажратиб қўйишиди.

Самарқанд шаҳрига боргунимизча бошқа уришмадик. Тарагайни усти билан юриб, қори эриб, ариқ бўлиб оқаётган сувга юз-қўлларимизни ювиб, чарчаган молларни суториб, ўтлашга қўйдик. Эртаси кун намози асирда гулгула шаҳар Самарқандга кириб бордик. Карвонсаройга молларни жойлаштириб, карвонсаройдан сотиб олган бедадан бериб, қорнини қаппайтиришимиз керак. Ўзимиз супага ўтириб олиб, белбоғларни дастурхон қилиб, топган-туттганларимизни баҳам кўрдик.

— Тоза кийимларингни кийиб ол, — деди отам. Мен кандир иштон, кўйлагимни кийиб, белимга мўлчоқли белқарсни боғлаб, бошимга Лангар ойимлар тиккан қалпоқни, оёғимга Устача бободан сотиб олинган попишни кийиб, тиржайиб турибман.

Отам бир халтада қурут, идишда сариёғ, тоғ гиёҳларини хуржунга солиб, менга кўтартириди.

— Қани юр! — хитоб қилди у.

Тор кўча, жин кўчаларни юриб, дабдабали дарвоза зулфини урдик. Эшик очилиб, бошига гулли дўппи кийиб, рўмол ташлаб олган аёл қўлларини кўксига қўйиб:

— Бетон¹, — деди.

¹Бетон — келинг (тожикча).

Ҳеч нарса тушунмай ҳайратдан оғзим очилиб турганимни кўриб, бошимни силаб қўйиб:

— Эҳсонжон, ичкарига, — деди елкамдан хуржунни олишга уринди.

Аммо мен изн бермадим.

Ичкарига кирганимиздан кейин қўш садақайрағоч остидаги супага жой ташлаб:

— Кане, — деди аёл жилмайиб. — Чорпаяга жойга.

Биз жойлашиб олганимиздан кейин отам дуога қўл кўтарди.

Аёл қўлларини кўксига қўйганича ҳол-аҳвол сўрашди.

— Бойинг кўринмайди? — деди отам. — Яхши юрибдими?

— Шукур, — деди аёл. — Ҳозир телефондан чақирамиз.

— Қиз қандай, қиздан гапиrint, — деди отам.

— Ҳали-замон келиб қолади, — деди аёл.

— Худо узоқ умр берсин, — деди отам.

— Айтганингиз келсин, — деди мезбон.

Кейин, бироз жимликдан сўнг мен билан аҳволлашиди:

— Эҳсонбой, неchanчи синфда ўқияпсиз, аҳволингиз яхшими? Бадий адабиётларни ҳам ўқияпсизми?

— Ҳа, — дедим мен. — Ўқияпман.

Садриддин Айнийни, Мирзо Турсунзоданинг қайси ромонларини ўқиганимни сўраганларида: «Дохунда», «Қуллар», «Опа-сингиллар»ни ўқиганман, дедим мен тортинибгина.

— Садриддин бобонинг ўзлари бу йигитчага исм қўйганлар. — деди отам гапга аралашиб.

— Шунақами? — деди аёл севиниб. — Бу ҳақда кейин, мен ҳозир, — у узр сўраб, хизматкорга иш буюргани чиқиб кетди.

Кўп ўтмай дастурхонта тортилган ноз-неъматларни ҳалигача кўрмаган эдим. Аёл пиёлага чой қуиб, аввал отамга, кейин менга чой узатди.

— Хўш, — деди у. — Кейинчи?

— Бу йигитча қирқ кунлик чақалоқ вақтида ўша замонларда келган азиз меҳмонларни ўзига баҳаз лавозимдаги оилаларга юборишарди, ҳозирги Чироқчи районининг Лангар қишлоқ совети тасарруфида Барлос қишлоғи бўлиб, Файзулло Хўжаев номли чорвачилик колхози Бухоро вилояти тасарруфида бўлган. Айний бобомиз машҳур ёзувчи бўлишлари билан, Республикализнинг нуфузли оқсоқолларидан эдилар. Садриддин Айний колхознинг ферма мудири Саттор Абдуллаевнинг, яъни каминанинг хонадонимизда меҳмон бўлганлар. Пойи-қадамларига қўй сўйгандик. Уйнинг энг тўрига ўтириб, йиғлоқи чақалоқни олиб келишни буюрдилар. Буюк аллома йиғлоқи чақалоқни қўлларига олганларидан кейин йиғлашдан тўхтаб, соқоллик «Киши бобо»га термулиб, қараб қолди.

— Бу йигитни исми? — сўрадилар буюк аллома.

— Илҳомбой, — деди ўша замоннинг машҳур табиби Абдулло Халифа.

— Бу меҳмоннинг исми Эҳсон бўлсин, катта одам бўлади, — леб дуо қилдилар-да, менга қайтариб бердилар.

— Бу йигитча буюк инсон Айний бобосининг табаррук дуоларини олган эканлар-да, — деди Шоира опа. — Худо хоҳласа мен ўзим бу йигитчани САМГУга ўқишига киритиб, ҳар томонлама ёрдам бераман. Аввалги йили келганида Сетораой билан ўйнаб юрарди. Мана энди Сетораой ҳам каттакон қиз бўлиб қолди.

— Энди бирга ўйнашса уят бўлади-да, — деди отам.

— Нега энди, — деди мезбон аёл. — Ҳали булар болаку?

Терлаб-пишиб Сетора кириб келди-да, дафтар халтасини бир чеккага күйиб, биз билан саломлашди. Кейин менга ишора қилди. Мен отамга қарадим, отам қовоғини осиб, индамай тураверди. Шоира янгам кулиб:

— Эҳсонжон борақол, ўртогинг кутиб турибди, — дедилар.

— Каттакон бўлиб қолибсан! — деди Сетора. — Кел энди яшинмачоқ ўйнаймиз!

— Эҳсон ёдингдами, сени бурнингни ари чақиб олувди, — деди кулиб Сетора. — Ўшанда роса йиғловдинг. Онам бурнингга лой ёпиширганида, чиройлигина цирк артистига ўхшаб қолгандинг!

Биз Сетора билан иккимиз бўлиб ўтган воқеаларни эслалиб роса кулишдик.

Бизни чақиришди. Сетора сочиқ олиб, ювингани кетди. Мен одоб билан дастурхон четига ўтиредим.

— Жуда соз, — дедилар Шоира янгамлар. — Китоб ўқишга вақт топаркансиз-да?

— Молларни боқиб юрганимизда китоб ўқишта вақт бўлади, — дедим мен, тортиниб.

— Баҳоларингиз чакки бўлмаса керак? — деди Шоира янгамлар.

— Мен, — дедим уялган бўлиб, — аниқ фанларни яхши билмайман.

— Қайси фанлардан аъло баҳога ўқийсиз?

— Она тили, грамматика, ўқиш, рус тили ва грамматикаси, тарих фанларидан «аъло», «яхши» баҳоларга ўқийман, — дедим мен.

— Арифметика?

— Икки, баъзида уч баҳо оламан, — дедим мен, уятдан қизариб.

— Сиздаги ростгүйлик учун энг юқори баҳо қўйса бўларкан, — деди мезбон аёл. — Сиз билан бафуржга гаплашамиз.

— Келин, — деди отам безовталаниб. — Бойингизни кўра олмадик, салом деб қўярсиз.

— Йўқ! — деди мезбон қатъий, қўлларини пахса қилиб, — Ош дамланаяпти, телефондан хизматдошингиз огоҳлантирилган. Ҳозир келиб қоладилар. Орифбой сизни йўқлаб турдилар. Фронтда бирга хизматда бўлган экансизлар.

Мезбон хизматкор аёлга ўз тилида нимадир деди.
Аммо отам:

— Молларга қарашимиз керак, бизга рухсат, — дея дастурхонга тилак тилади.

Биз Сетора билан қўл силкитиб хайрлашдик.

Карвонсаройда молларни гулбеда билан боқиб, қорнини қаппайтириб, ярим тунда мол бозорига ҳайдадик. Каллаи саҳарда молларни сотиб бўлиб, ўрнига ёш, озғин моллардан яна ўн бештасини сотиб олиб, йўлга чиқдик. Тонг отиб, қуёш қорли тоғлар устида нур сочаётган вақтда тоғ этагига бориб, күшхона ташладик. Мұҳаммади иккаламиз яланг оёқ, жулдур кийимларимиз мол шатрасига ботиб, тош, тиканакларни писанд қилмай молларни қайтариб боқаяпмиз. Чамаси тўрт соатлар ўтиб, тоғ сўқмоқларидан юриб, кеч пешинда тоғ чўққисини забт этдик.

— Авазоп, сени Эҳсон тош билан уриб, миянгни қатифини чиқариб қўярдику-я, худо асрэди. У сени роса дўппосладими?! — деди Карим бобонинг бошига халачўп билан уриб қўйди.

Очиҳон эшон жаҳл билан:

— Аслида сени миянгни қатифини чиқариш керак эди, элидан айрилган чуют! — дея Карим бобонинг бошига халачўп билан уриб қўйди.

Мұҳаммади иккаламиз қучоқлашиб олиб роса кулишдик.

Орадан икки йил ўтди.

— Эҳсонбой, юринг, Сетора билан аҳволлашинг, — деди мезбон аёл. Мен отамга қарадим: отам изн бергач, бемор қиз ётган кроват ёнига бордим. Биз ўтирган супа билан қиз ётган кроват оралиғи ўттиз қадам бўлиб, гилам билан тўсиб қўйилган экан. Сетора ўшандада чамаси ўн тўрт-ўн беш ёшдаги қиз эди.

Кўкрагигача чойшабга ўралиб, осмонга қараганича ётиди.

— Салом Сетора, яхши бўлиб қолдингми? — дедим мен секингина.

Қиз шошилмасдан, секин мен томонга кўз ташлаб, қараб турди-да, бош иргаб қўйди. Унинг бўлиқ, қўнғир соchlари ёстиққа ёйиб ташланган. Тим қора кўзларida ғам-алам, хаёли жойида эмас. Қиз бироз ўйланиб турди-да:

— Хуш келдингиз, — деди.

— Худо хоҳласа, — дедим мен шивирлаб. — Бу келишимда яхши бўлиб қоласан.

Қизнинг қиёфасида майингни жилмайиш аломатлари зоҳир бўлди. Аммо бирор сўз айтишга шошилмади.

— Узр, — дедим мен. — Сенинг ширин хаёлларингни бузган бўлсам.

— Нега энди, — деди қиз. — Зериккандим. Бугун кетасиз-а?

— Ҳа, — дедим мен. — Карвонсарайда молларимга қарашиб керак.

— Яна қачон келасиз?

— Билмадим, — дедим мен.

— Менга каклик жўжа олиб келарсиз? — деди қиз, киприклари пирпираб.

Кейин күз ёшлари заъфарон юзига оқиб тушди.

— Сенга сўз бераман, — дедим мен. — Каклик жўжаларни бериб юбораман.

Қиз осмонга тикилганича, күз ёшларига ғарқ бўлиб ётаверди. Кейин:

— Мен дам олишим керак, — деди.

— Худо шифо берсин, — дедим-да, изимга бурилиб кетавердим.

— Тўхтант! — хитоб қилди қиз шивирлаб.

Жойимда туриб қолдим, кейин изимга бурилиб, қизга қарадим. У менга эътибор бермасдан осмонга тикилганича жимгина ётарди.

Шу зайлда уч-тўрт дақиқалар ўтиб, йўлимда давом этдим.

— Кетманг! — илтижо қилди қиз.

Мен шахдам қадамлар ташлаб, жимгина, узун-узун киприклари пирпираб турган қизнинг яқин-гинасига бориб тўхтадим-да:

— Мен келдим, — дедим.

Қиз менга эътибор бермасдан, осмонга боқиб, жимгина ётишда давом этди.

— Каклик жўжаларини олиб келаман! — дедим мен шивирлаб.

Қизнинг заъфарон чеҳраси ёришди. Кўз ости билан менга қараб турди-да:

— Яхши боринг, — деди.

—3—

Орадан бир ой ўтди.

Тоғ дараларида тинимсиз сайрайдиган какликларни ушласа бўлади, аммо учаман деб қолган жўжаларни тузоққа илинтириш қийин. Неча жойга тузоқ кўйсам она каклик, тоғида нар каклик тушади. Тоғда юрган жўраларим ёрдам беришмаса, бемор қизга берган ваъдамнинг устидан чиқа олмасдим. Воқеадан огоҳ бўлган онам:

— Бемор қизга худо шифо берсин! Самарқанд бозорида каклик эмас, Анқо деган қуш ҳам со-тилади, — деди қовоғидан қор ёғиб. — Бор, подани боқ!

Отамга яқин бориб, муддаога ўтдим.

— Бозорчилардан бериб юборамиз, — деди отам.

«Юбормасанглар ўзим кетавераман!» — дедим-да, дори-дармон, каклик жўжаларни қафасга солиб, ярим оқшом йўлга чиқдим.

Тоғ қўрқинчли. Ниспак¹ ёки боламчалар бўри бўлиб қўринади. Қўшиқни барадла қўйиб, ҳаккалаб йўл оляяпман. Қўлимда таёқ, бирида қафас, чопқиллаб бораяпман. Овулимиздан эллик километр масофани босиб ўтишим керак.

Миронкўлга тушганимда милтираб чироқлар қўринди. Йўл четида гулхан ёниб, қозонда овқат пишаяпти. Сездирмай ўтаётганимда ўтирган кишилар мени кўриб қолишиб:

— Ҳай-ҳай бола, саломинг қани?! — дейишди.

Мен тўхтаб, одоб билан салом бердим. «Каклик-ларимни тортиб олиб, ўзимни калтаклаб, ҳайдашмаса эди!» — хаёлимда дедим мен.

— Йўл бўлсин, бўтам, — деди галифе шим, кител кийган биттаси.

Бошига сур телпак кийиб олибди, «раис бўлса керак», деб ўладим.

— Касал қўргани бораётибман, каклик жўжаларни сўровди. Отаси отам билан урушда бўлган экан, — дедим мен.

— Қафасингни қўйиб, қўлингни ювгин-да, дастурхонга келақол! — деди биттаси. — Тортинмагин, бўтам, bemor қизнинг отасини отини айтарсан?

¹Ниспак — тоғ гиёхи.

— Ориф ака, уйлари жугутон гузарига яқин, — деб жавоб бердим мен.

Үтирган түрт киши бараварига кулиб юбориши. Кейин тожик тилида тортишганларидан кейин, менга юзланиб:

— Овқатланганимиздан кейин машинада Ориф аканинг уйига олиб бориб қўйишади, — деди киши бувалардан бири.

Хамир тоғорада қовурма гўшт келтирилди. Мен билан беш киши овқатдан оляяпмиз. Чинни косада қўй ёғи тўлдирилиб, навбати билан узатилди. Мен бош чайқадим. Аммо, киши бувалар:

— Ичасан! — деб қовоқларидан қор ёғаётганини кўриб, қўрқанимдан сипқориб ичдим-да, косани бўшатиб, ҳамроҳларимга қараб турдим.

— Балли! — дейиши «киши бува»лар.

Чинни коса бир айланиб, хамир тоғора бўшади. Мен севиниб: «Худога шукур, энди омин қилишса керак» дегандим, қозонда бор гўшт тоғорага ағдарилиб, «Олинг-олинг» бошланди. Мен ўн олти ёшли бола бўлсам, бу кишилар ўзларига менгзаб, баравар овқат ейсан! — деб туриб олишса. Йўлга тайёргарлик кўрилаётган вақтда хушбўй ҳид таратиб турган «Аброй» деган шифобахш гиёҳдан бир бодини териб олгандим.

Яп-янги Газ-51 тоғ йўлларида шамолдек елиб бораяпти. «Ёрилиб кетмасам» деган хаёл билан кўп эмас, ярим соатлар йўл юриб, Самарқанд шаҳрига етиб бордик.

Регистон майдонига етмасдан ўнг томонга бурилиб, машина секинлаб юрабошлади.

Кўкрагимни шамолга бериб, кузовда тик туриб, мазза қилиб келдим.

Машина Ориф аканинг дарвозасига келиб тўхтади-да, шофёр тезгина тушиб дарвоза зулфини урди.

Унгача мен машинадан түшгандим.

— Ўв бола, — деди машина кабинасида ўтирган киши. — Мен унга яқын бордим.

— Ўн беш минут, күпі билан йигирма минутда чиқиб турсант, тоғ тагигача биз билан борасан, келишдикми?

— Хүп бұлали, — дедим мен. — Раҳмат сизларга.

— Борақол, — деди у. — Бұтам, тез-тез ҳаракат қыл!

Дарвоза очилиб, отамнинг хизматдош дүсти Ориф ака чиқди. Машинада ўтирган киши тушиб, улар билан қучоқлашиб күришдилар. Кейин менинг елкамдан қучоқладаб, силкилаб:

— Балли ўғлим, ким билан келдинг? — дедилар Ориф ака.

— Бир ўзим, — дедим мен. — Ориф амаки, ҳеч кимдан рухсат олмай, ўзим йўлга чиққандим. Иложи бўлса, шу машинада тоғгача етиб борсам дегандим.

— Қолсанг, эртага сени шаҳарчасига кийинтириб қўярдим.

— Иложи йўқ, — дедим мен.

— Юрақол, бўтам, — деди Ориф ака.

Машина орқасидан бензин ҳиди қолдириб, бир зумда муюлишдан ўтиб, кўздан йўқолди.

— Ҳа, Эҳсонжон, — деди уй бекаси, юз-қўлларини патли сочиқ билан артиб.

Эр-хотин ўз тилларида келишиб олгунларича тўр саватни қўлимда кўтариб, сабрсизлик билан кутаяпман. Улар қелишиб олдилар шекилли, ота қизи ётган кроват томон кетди.

Уй бекасига:

— Вақтим зиқ, — дедим мен. — Дафттар-қалам олиб, бизнинг ёнимизга келасиз.

— Эҳсонжон келавер, — деди Ориф ака.

Үзи хотини ёнига кириб кетди.

— Мен келдим, — дедим шивирлаб.

— Бир ўзингиз келибсиз? — деди қиз менга термулиб. Кейин жимиб қолди.

«Мен кетишім керак, бу қиз бунча эркаланади? Вақт кетаяпти!»

— Каклик жүжаларни олиб келдим, — дедим мен сабрим тугаб. — Ҳа, бир ўзим келдим.

— Тоғдан құрқмадингизми?

— Йўқ, — дедим мен.

— Нега бундай қилдингиз? — деди қиз майингина жилмайиб. — Яқинроқ келинг! Менинг исмимни тилга олмадингиз?

Қизга яқин бордим.

— Раҳмат, кам бўлманг! — деди қиз. — Сиз мен учун ҳаётингизни хавф остига қўйибсиз. Каклик жүжаларни қабул қилдим, яхши боринг. — Қиз жилмайди, кейин кўз ёшлари заъфарон юзларига юмалаб туша бошлади.

— Сетора, — дедим мен. — Диққат билан эшишт. Сенга шундай дорилар олиб келдимки, тўғри қабул қилсанг, тез кунда соғайиб оласан.

— Ваъда бераман, — деди қиз.

Ёнимда дафтар ва қалами билан тайёр турган уй бекасига бир қараб қўйдим-да:

— Бошладик, — дедим мен, сурп халтадан доривор гиёҳларни ёнма-ён қаторасига қўйиб: қизга яқин келиб, — Сетора, бунинг исми «Каровуш», бу «Зирк», овқатга солиб истеъмол қилинади. Мана бу «Абрўй», буни қозонда қайнатиб илиққина қилиб чўмилтиришади. Ҳидини таниб ол! Ҳамма дорилар ҳушбўй, ҳидлари бир-бировига ўхшамайди. Ихлос билан қабул қилсанг, тез кунларда юриб кетасан. Билиб қўй, «Абрўй» тоғ этакларида бўлади. Отанг ҳам олиб келиши мумкин. Ҳозир мен олиб келганим

бир маротаба чўмилишингга етади. Қозонда қайнатилиб, қуюқ, хушбўй, яшил доривор суюқликда, яъни «Абрўй» дориси ваннасида бадан ҳароратида ўн беш дақиқа ётасан. Артинмасдан, чойшабга ўралиб ётишинг керак. Ваннада «Абрўй» дориси билан бошинг, соchlаринггача яхшилаб ювиб қўйишади. Орадан бир кечакундуз вақт ўтказиб, «Абрўй» ваннасида йигирма дақиқа ётасан. Тўшагинг остига «Ялпиз» гулларини тўшаб, устидан юпқагина тўшак солиб, ўша тўшакла ётаверасан. Мана бу дорининг исми «Контомир», буни қўйнингга солиб ётаверасан. Бу дорининг исми «Мумиёи гиёҳ», нўхат катталигида бўлаклаб, бир бўлагини тунда ухлашдан аввал истеъмол қиласан. Парҳез: қатиқ, ўсимлик ёғи, «Каровуш», ялпиз гули солингган товуқ шўрва. Парранда гўшти – қайнатилгани. Турп, чилонжийда, сабзи, олма, ўрик суви. Тоғ чойи. Қирқ кун парҳез сақлашинг керак. Шу қирқ кун ичida отанг, онангдан бошқа ҳеч ким билан мулоқотда бўлмайсан! Ҳар куни эрталабки нонуштадан кейин ўн дақиқа кўкрагингни ерга қаратиб ётганингда онанг уқалашни амалга оширади. Бўйин ва елка, умуртқа, сонлар ниҳоятда аста, куч ишлатмасдан уқалаш амалга оширилиши шарт. Ҳамшира, врач ва бошқалар ҳозирча сенга яқин келмаганлари яхши. Ироданг кучли бўлса, иншаолло соғайиб кетасан, энди менга рухсат. Тушунарлими, янга? – дедим мен.

– Ҳаммаси сиз айтганингизча бўлади, – деди Шоира янга.

– Яна келасизми? – деди қиз севиниб. – Яхши боринг.

– Келаси жума куни, худо хоҳласа келаман, – дедим-да, юрганимча ташқарига отилдим.

– Шошилма, Эҳсонжон, – деди Ориф ака. – Машина сени кутади. Янганг озгина совға тайёр-ляяппи.

Күп вақт ўтмай шакархалта күтариб келган уй бекаси пешонамдан ўпид, халтани менга тутқазди. Яна бир бор қизни соғайиб кетиши учун тилак билдириб, ҳеч қанақа совға олмаслитимни айтдим.

— Олақол Эҳсонжон, укаларингга ширинликлар, Самарқанддан совға, — деди аёл жилмайган бўлиб.

Мен совғани олиб, сакраб машина кузовига чиқиб олдим. Машина тўлин ой шуъласига чўмилиб, енгил губор оғушидаги баланд чўққилар томон жадаллик билан юриб кетди.

— Ҳозир отда кетасизлар, — деди Ориф аканинг дўсти.

Ўн беш дақиқалар ўтар-ўтмай, эгарланган чувур¹ тизгинини менга тутқазишиди. Ёнимда кечаги ошпаз йигит тўриқ қашқани миниб, тизгинни тортиб турибди. Мен чувурга қамчи босдим. Ёмон жойлардан ўтиб олгунимизча отларни етакладик. Ой ботиб, тоғ шамоли танамни яйратарди.

Чамаси уч соат вақт ўтмай, ваҳимали дараларни ортда қолдириб, овгога² чиқиб олдик.

Қуёш чиқиши тарафда осмон оқариб, юлдузлар сўнайяпти.

— Йўлдош ака, — дедим мен. — Отлар ҳолдан тойди, бу ёғига ўзим кетавераман.

— Сабр қил, — деди Йўлдош ака. — Ҳозир тўхтасак отларни тери қотади, жимжима йўргага солиб ҳайда!

Күп вақт ўтмай, тоғ устидан юриб, Яйлоқчага яқин келиб қўйибмиз. Тонг отмоқда эди. От тизгинини тортиб, тўхтатдим-да:

— Йўлдош ака, энди қайтарсиз? — дедим-да, отдан тушдим.

— Яхши бор ука, — деди Йўлдош ака.

¹Чувур — хашаки от.

²Овго — тоғ чўққиси.

Менингчувуримни тизгинини қўлига оларкан изига қайтиб олиб, отларни ўз ҳолига қўйиб, аста юриб кетди. Тақимимга босиб келаётган таёфимни қўлга олиб, сафар халтамни елқамга отдим-да, ҳаккалаб йўлга тушдим. Тоғларда тонг отиши, кеч кириши узоқ давом этади. Чўлу биёбонларда қуёш ботди дегунча қоронгулик тушади.

Ҳозир тонг отмоқда. Бизнинг овулимизда ҳали қоронги.

Мен турган жойда тонг билан кун ўрин алмашаётган вақт. Мен ҳаккалаб бораяпман. Овулимизга яқин келиб, ҳуштак чалдим. Бўрибосар бир ҳуриб, мен томонга чопиб келаяпти. Мен унинг бошини силаб, унга аталган бир бўлак нонни тутқаздим. Ит нонга қарамай, менинг оёқларимга чалкашиб, эркаланаарди.

— Бўлди, бас! Кучуквачча эмассанку, мана кўриб турибсан, соғ-омон келдим! — дедим мен.

Менинг тунги саёҳатимдан ҳеч кимнинг хабари бўлмагани учун, онам норози оҳангда:

— Иҳсон ҳув! Қаёқларда санқиб юрибсан! — дея қичқиарди.

— Мана ман, — дедим мен кулган бўлиб. — Самарқандга бориб қайтдим.

— Ё тавба, ё Ҳазрати Баҳовуддин Балогардон! Нималар деб валдираяпти бу Сўтал! — дерди онам ёқасини ушлаб.

— Йилқи арқонланган жойида турувди-ку! — деди отам ҳайратдан ёқа ушлаб. — Пиёда бордингми?! Биз билан ҳазиллашаётганинг йўқми, тағин!

Софә солинган халтани олдиларига ташладим.

— Ишонмасангиз, мана! — дедим мен.

— Бу Сўтал бир балони бошламасайди! — деди онам жаҳл билан. — Нега бординг!

— Беморга каклик жўжаларни, дармон-дориларни олиб бориб бердим!

— Бу Сүталга самарқандлик тожик жоду едирган! — деди онам.

— Бу гапларни қўй, онаси, бечора Орифбойни биттаю битта фарзанди оёқ-қўли ишламай тўшакка михланиб ётиди. Яхшиси шифосини тилагин, — деди отам.

—4—

Инсон оёғи етиши қийин бўлган тоғ дараларида, улуғвор арчалар тагида, ҳайвонлар ҳам ололмайдиган жойларда ўткирлиги илон заҳридан қолишмайдиган бир гиёҳ ўсади. Баҳорда япроқлари бошқа гиёҳлардан гўзаллиги, ялтираб ўзига оҳанрабодек тортиши билан кишини ҳайратга солади. Ҳали етти-саккиз ёшли бола бўлганимда марҳум бобом Абдулло табиб билан тоғлардан доривор ўсимликларни тергани келардик.

Бобом бир куни:

— Шу гиёҳ япроғидан игна учидек бўлакчасини тилингга тегиздириб кўрсанг нималарга малҳам бўлишини билиб оласан, — дегандилар.

Шунда мен:

— Майлими, татиб кўрсам? — дея сўрагандим.

Улар изн бергач, қоя белига тирмашиб чиқдимда, ўша сирли гиёҳ япроғидан озгина олиб, пастга тушдим. Озгинасини татиб кўрдим. Орадан бир неча сониялар ўтмасдан ўлим изтироблари вужудимни камраб олганди.

Мана, орадан етти йил ўтиди.

Бобом ҳаётда йўқлар.

Худди мана шу тошлар, қоялар ёнида етти йил олдин кулиб, менга қараб: «Табиблик — азоб, укубат. Табиблик — ростгўйлик ва ҳалоллик. Табиблик ҳар кун, ҳар соатда ўлим билан юзма-юз туриб, унга тик боқиши», — дегандилар. Мен борман, у зот мени етимча қилиб, азобли, номаълум, тушуниш қийин

бўлган дунёга қолдириб кетдилар. У зот ўлимлари олдида менга «қўл» берган бўлсалар-да, бу касбга лойик инсон бўла олмасам керак. Аммо, шунга қарамасдан, бемор қизни даволашга бел боғладим. Мен марҳум бобом ўргатган амалларни, улар ўқиган дуоларни бирма-бир эслаб, уларни ҳалоллик билан, бехато бажаришга киришдим.

«Жавзанинг биринчи кунларидаёқ гуллайди,— дегандилар бобомлар. — Саратонда пиёзи пишиб етилади. Унинг ўткирлиги у даражада кучли бўлмай, инсон вужудида эриб, ухлаб қолган оқ асаб толаларини ҳаракатга келтиради. Катта табиблар илон заҳаридан фойдаланадилар. Ёш табиблар бўлса, тоғ гиёҳларидан меъёрида ишлатсалар айни муддао. «Беморнинг ёшини, тана қувватини назарда тутмоқ лозим», дегандилар табиб бобомлар.

Япроқлари, донлари пишиб етилган гиёҳни томирида ўнлаб пиёzlари етилиб турган экан. Мен шу пиёzlардан ўзимга кераклисини қазиб оляяпман. Анча-мунчаси қолса, келгуси сафар учун янада кўпайиб туради. «Қонтомир» деган гиёҳни қидириб топиб, унинг илдизида семириб пишган ҳар бири картошкадек ёки ундан-да каттароқларидан бир нечтасини қазиб олдим.

«Энди «Испара» керак», — хаёлимда дедим мен. Айни пайтда «Испара» тоғ этакларида гуллаган маҳали.

Тоғ гиёҳларини кераклиларини териб олиб, уйда соя жойга қуритишга қўйдим-да, «энди Самарқанд шаҳрига сафарга отлансанк бўлади», деб ўйладим хаёлимда.

— Айғирга кучинг етмаса, чувурни минақол! — деди отам.

— Чувур чарчаб қолади, — дедим мен.

Онам, бувим, укаларим мени кузатгани туришибди.

— Менга тешиккулча олиб келасиз, — деди Бододой.

— Ака, менга дафтар, қалам, китоблар олиб келинг, — деди Эшмурзавой.

— Оқ йўл, ой бориб омон кел! — деди онам кўзларига ёш қалқиб.

— Худо ёр бўлсин! — дея дуо қилди бувим ҳар доимгидек. Пишқириб турган Саман Қашқа белига сакраб миндим. От пишқириб, йўлга тушиди.

Олти соат ўтиб, эллик километрлик йўл забт этилди. Карвонсаройга қўниб, отим совуганидан кейин, абзалиарини олиб қўйиб, ёпқичини ўраб, ўша жода сотиладиган гулбедадан бир богини олдига солдим.

— Хуш келибсиз, — деди Шоира янгам.

— Хушвақт бўлинг, — дедим мен. — Сетора яхшими?

— Сизни анчадан бери кутади, аҳволи ёмон эмас.

Мен тез-тез юриб, Сетора ётган кроват ёнига яқин бориб:

— Салом Сетора, мен келдим, — дедим.

Аммо Сеторадан садо чиқмади.

— Сени қара-ю, шунча йўл босиб, чарчаб-ҳориб келсаму, сен бўлсанг. Аҳволинг яхшими?

— Салом, — деди қиз, ҳамон осмонга боққанича.

— Хуш келдингиз. Ахволимни яхши десак ҳам бўлади.

— Сени бугун чўмилтиришади, — дедим мен. — Иштаҳанг яхшими? Дориларни ҳаммасини истеъмол қилаяпсанми?

— Сўраманг, ака, — овқатни бўри иштаҳаси билан еяпман. «Абрўй», «Ялпиз» ҳидидан маст бўлиб ухляяпман. Уқалаш вақтини, «Абрўй» ваннаси вақтини узайтиришни иложи йўқми?

— Сенга уқалаш, чўмилтириш учун мутахассис чақиртирамиз. Асаб толаларни уйғотадиган кучли дорилар олиб келдим, — дедим-да, Шоира янгани чақирдим.

— Янгам барака топсинлар, — деди Шоира янгам, табассум билан. — Шунча сариёғ, қанча қурут бериб юборибдилар. Менинг саломим билан миннатдор-чилигимни айтиб құясиз.

— Бөш устига, — дедим мен. — Сеторахонга янги дорилар тавсия қылсак, дегандим. Мана бу дармон дорининг таъсирини ҳозироқ синааб күрамиз-да, қай миқдорда мүмкін эканлигини билиб оламиз. Беш кун ўтганидан кейин асаб толалар ҳаракатта келиши керак. Ҳозироқ тожик, ўзбек тилларини билмайдиган ёши улуғроқ мутахассис чақириңг. Үқалаш ва чўмилтириш вазифасидан бошқасига аралашмасин. Бордию ўргатувчилик қиласиган бўлса, ўша заҳотиёқ ишдан четлатинг.

Асал билан қўшиб истеъмол қилинган дори ўн беш дақиқа вақт ўтмай, ўз кучини кўрсата бошлади. Беморнинг иссиғи кўтарилиб, безовталанди. «Ёмон эмас» хаёлимдан кечирдим мен. Шоира янгам телефондан эри билан гаплашяпти. Хизматкор аёл ёнимда турибди.

— Қозонга иссиқ сув тайёрланг, кейин bemорни ювинтириб, тоза лиbosлар кийинтириш керак, — дедим мен. — Тўшак янгилансин. Доривор ўсимликлар «Абрўй» ва «Ялпиз»дан кейинроқ фойдаланамиз. Ҳозир уларни узоқроққа олиб бориб ташланг.

Сетора менга боққанича қовоғини осиб ётибди.

— Хўш, Сеторахон, нимадир ёқмаяпти, шекили? — дедим мен.

— Ҳа, — деди қиз кинояли жилмайиб. — Ҳатто дугоналаримни ҳам яқин қўйишмаяпти, бу сизнинг ишингизми?

— Ҳа, — дедим мен. — Яна йигирма саккиз кун ёлғизликда даволанасан.

— Унгача соғайиб оламанми?

— Худо хоҳласа, — дедим мен. — Фақат қисқа-
қисқа ҳикояли китобларни ўқи. Радио эшиттириш-
ларини икки соат — кечки саккиздан ўнгача. Кун-
дузиям икки соат, истаган вақтда эшитишинг мум-
кин. Келишдик, шундайми?

— Ҳа, — деди қиз. — Авваллари бўрилар ҳақида
ҳикоя айтардингиз. Ҳозир бирор нарса ҳақида, иложи
бўлса.

— Эртага вақтим бўлади, — дедим мен. — Ке-
лишдикми?

Шоира янгамга bemorning иссиғини кўришни
ишора қилдим. Опа термометр қўйди. Мен соатимга
қарадим.

Вақти келгач термометрга қараб:

— Чакки эмас, ўттиз тўққиз, — дедим мен. —
Иссиғи тушганидан кейин ювинтирасиз.

— 5 —

Орадан ойлар ўтди. Августнинг сўлим қунларининг
бирида Сеторани кўргани келдим. Ҳовли саронжом-
саришта, ток вайишларида «Оқ кишиши», «Қора
шўргони» фарқ пишибди. Ёғоч кроватда атласга
бурканган Сеторахон китоб мутолаа қилиб ўтирган
эканлар. Мени кўрибоқ, китобига хатчўп қўйиб,
ўрнидан турди-да, секин тупиб, қўлларини кўксига
кўйганича, салом берди.

— Хуш келдингиз, — деди у майингина жилмай-
ганича. — Келмай кетадиларми, деб қўрқандим.

— Мана келдим, — дедим мен, кейин аҳволлашиб
олдик.

— Ҳурматли табиб, — деди қиз кинояли жилма-
йиб. — Қандай қимматли совға билан сизни сийлашни
билмаяпман, эҳтимол ўзингиз айтарсиз?

— Аллақачон сиз, муҳтарама Сеторахонум, мени
мукофотлаб бўлдингиз, — дедим мен ҳам жилмайиб.

— Тушунтириброк айтарсиз? — деди қиз ҳамон жилмайганича.

— Сизни соғайиб олишиңгиздан қимматлироқ мукофотни күрмаяпман, — дедим мен.

Түр саватларда какликлар бири қўйиб бири тинимсиз нола қиласади.

Қиз қўлларини менга узатди. Ноилож унинг қўлларидан ушладим. Қиз атай қилдими, ростми билмадим, қўлимга суюнганича секин қадам ташлади. Бора-бора оёғи дош бермай ўзини менинг қучоғимга ташлади. Ҳаётда оғушимда гўзал қизни кўриб, бор вужудимни қора тер босиб, уятдан бўларим бўлди. Қизни суяб, кроватга ўтқазиб қўйдим-да, ўзимни четга олдим.

— Иҳсон ака, — деди қиз. — Одатда табиб ўзи даволаётган беморини даволашда ҳамма амалиётларини ўзи бажаради. Сиз, ҳатто менинг қўлимдан ушламадингиз?

— Мен ҳақиқий табиб эмасман, — дедим мен кулган бўлиб. — Ҳақиқий табибни синглиси бўлиб қолардинг. Мен эса девона табибман.

— Йўқса кимим бўлдингиз? — сўради қиз қулогигача қизариб. — Сиздек мард, жасур йигитга қалбимни ҳадя қилишга тайёрман. Мен сизнинг хотинингиз бўлишни истардим.

— Мен девона табибман, — дедим мен кулган бўлиб.

— Қалбингиз узоқ йиллар ўзингизга хизмат қилсин.

— Мени отга миндирасиз-а?

— Оёқда юролмасант, қандай қилиб отда юраркансан?

— Оёқда юроламан, ҳатто ўйинга туша оламан!

— Йўқса нега йиқилиб тушаёздинг?

— Мен шуни истагандим, — деди қиз кулганича. — Юринг, боғда айланамиз.

— Кетишим керак, — дедим мен. — Вазифамни бажариб бўлдим.

— Отам, онам келмасларидан кетаверасизми? —
деди қиз.

У аввалги Сеторага сира ўхшамасди. Атлас күйлакда тўлиб турган унинг жуссаси, иккита қилиб ўрилган сумбул соchlари нақ товонига уради. Нақш олмадек нур бериб турган чиройли қиёфаси юрагимга ўт ёқарди. «Тезроқ кетмасам бўлмайди», деган фикр миямга чақмоқдек урилди. Секин юриб, бўшатилган хуржунни олиб, елкамга ташладим-да, ҳеч нарса демасдан, ҳеч нарса этишни истамай ташқарига чиқдим. Қиз дарвоза эшигига туриб:

— Қайтинг! — дея илтижо қилди, кейин ўксиниб йиғлади.

Карvonсаройга келиб отимни этарлаётганимда Ориф амаким келиб, секингина елкамга туртдилар.

— Қайтинг, янгангиз йиғлаб ўтирибди. Сетора хафа қилган кўринади? Уни қўяверинг, қарийб икки йил тўшакка михланиб, не азобларни тортмади, дейсиз. Бизни хафа қилиб, қаёқقا кетаяпсиз. Сизга бош-оёқ сарупо тайёрлаган эдик.

«Ориф амаки, билсангиз эди, Сетора мени севиб қолганидан хабарингиз йўқ, мен ҳам унинг ишқида ёниб, девона бўлишимни истамасангиз, йўлимни тўсманг!

Сетора билан менинг тақдир йўлимиз бошқа-бошқа томонга борадиган йўл, менинг йўлим ўнқирчўнқир, тиканакли, ўта хатарли даралардан ўтадиган хавфли тақдир йўлидир». Отимни етаклаб, карvonсарой дарвозасидан чиқдим-да, Ориф амакининг юзига қарамасдан, отимга миниб, тизгинни бўшатдим. Бозор яқинида отимни дараҳт шохига боғлаб кўйиб, уйга совға, у-бу нарсалар сотиб олдим-да, йўлга чиқдим.

Ярим тун. Ой кўтарилганича йўқ, тоғ сўқмоқларидан отимни етаклаб ўтаётганимда йўлимда чўн-қайиб ўтирган махлукни кўриб от ҳуркди. Бада-

нимда чумоли юргандек сескандим. Беихтиёр қўлимдаги ўқланган милтиқни тўғрилаб, отишга чоғландим.

— Ким бўлсанг ҳам йўлимдан қочмасант отаман! — дедим-да, қўшотардан ўқ бўшатдим. Туз ўқ¹ еган бўри оғриқقا дош беролмай сойлиқقا отилиб қоронғулик қаърига йўқ бўлиб кетди. Аммо ён тарафимда яна жондор борлигини сезиб, от ириллаб, ер тепаяпти. Тизгинни узишига бир баҳя қолди. Нишонга олиб, иккинчи ўқни бўшатдим. Туз ўқ теккан жойини ёндирган бўри аламига чидай олмай, сойлиқقا отилиб, кўздан йўқолди. От тизгинини узиб кетганида бўриларга ем бўлиши ҳеч гапмасди. Ўқ емаган икки бўри эса оловли ўқ тегишидан қўрқиб, қочиб қолишли. Мен отимга миниб олиб, милтиқни ўқлаб олдим-да, тизгинни бўшатдим. Ой кўтарилиб, тоғу тошлар, қир-адирлар кумуш рангларда товланиб, назаримда ҳаёт сўлим, гўзал бўлиб, вужудимдаги қўрқув мени тарқ этди. Баландликка кўтарилиб олиб, ажриқ яшнаб турган жойга отимни ўтлашга қўйиб, ўзим атрофга олазарак қарадим. Ой шуъласида сояси қорайиб қўринган тош, бодомча ва бошқа нарсалар ҳаракатсиз турганини қўриб, кўнглим тинчланса-да, туйқус яқинимда пайдо бўлиши мумкин бўлган бўри ёки илон ваҳимага соларди. Узок-узоқларда милтираб чироқ ороллари мавжланарди. Мени таёқ олиб қувалайдиган отам, тишлирини ғижирлатиб, танбеҳ берадиган, баъзила бошимни қўксига босиб эркалатадиган онам, меҳрибон бувим, йиғлоқи ука-сингилларим, мен билан муншлашиб, ярашиб елкама-елка юрадиган Муҳаммади ўртоғим, ҳамиша тиржайиб юрадиган Очилхон бобо, ёру-биродарларим ёдимга тушди. Улардан руҳан қувват олдим.

¹Туз ўқ — ўқ ўрнига туз солинган туз ўқ.

Инжиқ қыз Сетора, Шоира янгам, Ориф амакимларни хафа қилиб, йўлга чиқдим.

От устида бўлганимдами, от ҳуркиб ёмон дарага қулаб тушиб, мени ҳам ўзи билан нариги дунёга олиб кетармиди?! Тақдиримда хавф-хатар остида яшаш, кишиларга яхшилик қилиш бараварида ранжитиш битилганмикин». Ой тикка кўтарилиди. Узоқ-узоқларда Лангар қабристонидаги икки хонақоҳ ой шуъласида икки кабутар ўтирганини эслатади. Шу хонақоҳлар орасида бобокалоним Абдулло Румий ҳам бошқа марҳумлар қаторида маҳшар кунини кутиб ётибди. Менга тириклар оламида сарсон-саргардонликда ҳаёт кечириш насиб этган бўлса неажаб. Тоғ шамоли вужудимга ором бахш этади. Отим ўз майлида секин юриб бораяпти. Олдинда ҳали анча йўлимиз бор.

ВАФОДОР ИТ

Ёрмаҳмат бир умр бегона жойларда подачилик қилиб, тинкаси қуриди. Тонгдан шомгача дала-даштларда оч-наҳор қотган нон билан тириклик қилиб, одамлар билан ҳечам иши бўлмасди. Сиртлон лақабли итини эргаштириб, кишиларнинг молини боқиб юради. Баъзан одамлар бир четга ўтқазиб, овқатлантирадилар-да, нон тўрvasига гўшт ҳам солиб берардилар. Кимдир яримта, кимдир бутун нон бериб жўнатарди. Унинг устахона ёнида кулбаси бўларди. Ёғоч кровати, эски чеълакда ичадиган суви, кулба ёнидаги ўчоқда ис босиб кетган чойдиши, деворда осиғлиқ эски-туски кийим-боши, увадаси чиқиб кетган кўрпа-тўшаги, ерга тўшаладиган рангиз, эски гиламидан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Тўғри,

кароват тагида темир сандығыда тоза кийимларини сақлаб қўйганди. Кулба эшигига қулф ўрнига сим ўтқазиб қўйиларди.

Қишин-ёзин тумшуғи кўтарилиб кетган кирза этгини, увадаси чиқиб, эскириб кетган кир чопони, мөғор босган телпагини ташламай, белини чилвир билан боғлаб, таёғини судраб, итини эргаштириб юради. Бирорта раҳмдил эски-туски либосини берсами, Ёрмаҳмат ўша куниёқ устидаги кир-чирдан йиртилиб, адо бўлган яроқсиз кўйлак, шимларини ёқиб юборарли-да, тозаларини кийиб оларди.

Тўй ёки бошқа маъракаларда кайвонилар уни яхши едириб-ичиришни канда қилишмас, кулбасига ёғлиқ паловми, шўрвами нон билан етказишарди. Унинг ҳақиқий исмини ҳеч ким айтмас, олдида чўпон бобо дейишса, орқаваротдан Жудапиё деб аташарди. Бу лақаб Ёрмаҳматга болалигидан ёпишиб, ҳатто бегона юртларла ҳам ундан ажралмади. У мол ҳайдаб келган болалардан Жудапиё дарсидан неча баҳо олганликларини сўраб қўймасди. Болалар кулишиб, Жудапиё бобо дейишиб қочишар, Ёрмаҳмат ер тепкилаб қувлаган бўларди.

Кунларнинг бирида Алиев деган ҳисобчи зўр «вечир» тўй қилди. Ўша тўйда Ёрмаҳмат одатича самовар ёқалигига болага кўмаклашиб юради. Тун. Минглик чироқлар ҳаммаёқни чароғон қилиб, базм авжи қизиган чоғ раққоса қиз мастилааст даврани айланиб, хизматкорлар томон йўрғалади. Белига каноп боғлаб олган подачига яқин келиб, ишва қила бошлади. Шунда қаршисида карашма билан товланаётган чумоли бел нозанинни кўриб ўзини йўқотган подачи қизариб, бўзарди. Унинг тарва-қайлаб ўсган соқоллари қимтинди. Тарам-тарам ёрилиб кетган чеҳрасида илиққина табассум жило-ланди. Чўпон атрофга, ўзига қадалган минглаб шўх

күзларни кўриб баттар ўзини йўқотди. У уялганидан сақлаб қўйиб, зериккан чоғларида томоша қиласидан ўн сўмлик сўлкавойни олиб, раққоса қизнинг гулдек ёнаётган чаккасига тақди. Қиз эса ишва билан кўз қисиб, тердан ва кирдан бурқсиб турган қировли соқол босган беўхшов юзидан битта бўса олди-да, ўйнаб узоқлашди.

Ёрмаҳмат бор дунёни унутди. Ёнгинасида бўлаётган шодиёна қийқириқлар, куй ва қўшиқлар, тароватли, мунаvvар кеча унинг учун ўз қадрини йўқотган эди. Унинг кўз ўнги хиралашиб, аллақачонлар вужудини тарқ этган эркаклик ҳиссиёти қайтадан жонланди. Олтмиш йиллик нашидасиз ўтган умри борса келмасга кетиб, аллақачонлар у билан видолашган йигитлик чоғлари ёдига тушиб қадди букилди. Афсус ва надомат ботқофига ботиб бораётганини ҳис қилгани сайин атрофдаги ишшайган қиёфаларга нисбатан нафрати оша борди. У бутун кучини жамлаб, номаъкул иш қилаётганини ҳис қилсада, чарх уриб қайнаётган даврага кириб борди. Унинг ноўрин ташрифи ёқмаган оқ кўйлак кийиб, ингичка қора бўйинбог боғлаган савлатли киши чўпонга хўмрайиб тикилганича қўлларини бигиз қилиб, чиқиб кетишта амр қилди. Ёрмаҳмат унга бир хўмрайиб қараб қўйди-да, бўш пиёладан бирини олиб, тўлғазиб ароқ қўйди.

Умрида биринчи бор бошқалар ичиши мумкин-у, унга мумкин бўлмаган тиниқ ва оромбахш ичимликни даст кўтариб охиригача ичди. Кейин бироз ютиниб туриб, ёнидан узатилган бир бўлак гўштни тишлаб еди. Иккинчи бор пиёлани ароқقا тўлғазиб олди-да, раққоса қиз томон дадил юрди. Ўйинчи қиз товусдек товланиб, йўргалаб келди-да, чўпонга таъзим қилиб, жилва қила бошлади. Чўпон узатган пиёлани олиб, бир ўпид, яна эгасига қайтарди. Ёрмаҳмат тик

турганича пиёлани бўшатиб, ёнида бўлган ҳамма пулини бир даста қилиб раққосанинг чаккасига тақди. Кейин қизниңг момиқдек оппоқ қулларидан эҳтирос билан ўпди-да, даврани тарқ этди.

У судралганича секин, чайқалиб, бир-бир босиб, тўйхонадан узоқлашаркан, ёнида ўйноқлаб бораётган кучукласини даст кўтариб олди-да, унинг қулогига шипшиди:

— Сиртлон! Азиз дўстим! Сен менинг ягона таянчимсан, — деди у, гёё бегона киши товуши билан. — Бу фоний дунёда ишонгандарим менга ёмонлик қилишдан бошқасига ярамади. Бахтимни ўғирлаган, хотинимни тортиб олган ифлос инсонни бўғиб ўлдиришдек гуноҳдан ўзимни сақлаш учун ҳам ўзга жойларда ватангандоликка маҳкумман.

Ит ғингшиб, эгасидан анқиётган бетона, нохуш бўйдан ётсираб, тушмоққа интилиб, талпинаверарди.

— Ҳа, сенга тушундим жонивор, — деди у, ўз овозидан ўзи чўчиб. — Сен, Худога топшир демоқ-чисан, шундайми?

Ёрмаҳмат қўлидаги тугунчани ечиб, кучукласига атаб олган сүякни унинг олдига ташлади.

— Туғилиб ўғсан қишлоғимдан кетганимга кўп йиллар ўтди. Мана йил айрилиб, қирқ йил тўлибди, — деди у итининг бошидан ушлаб ўзига қаратиб. — Бу пайт ичиди Олмалиққа қирқ марта баҳор келиб, у қирқ бор гулларга чулғанди. Кейин тошқин Лангар дарё суви тиниб, қирқ марта саратон яшил далаларни қовжиратиб ташлади. Мен йўқлигимда кўплар дунёга келиб, кўплар ҳаётдан кўз юмди.

Эҳтимол укам Холмаҳмат, хотини Маръям тириқдир. Улар мени ўлдига чиқариб, элга ош берган бўлсалар ажаб эмас. Одамлар мени тириклигимни, бегона юртларда хокисор бўлиб, эшикма-эшик

ризқимни териб юрганимни билишмас. Хотиним Марҳаматни тортиб олган олифта бола-чақалик бўлиб, мана шу кеч мени даврадаи қувлатан оқ кўйлаклик зангардек шишиб, пишиб юргандир. Қайтса тайёр уй-жой, қалин кўрпа-тўшаклар, ёнбошида мендан тортиб олгани суксурдек жонон...

Менда эса ҳеч вақо йўқ. Кулбамда ёки кўча-куйда ўлиб қоладиган бўлсан, итимдан бўлак ҳеч ким менга аза чекмайди ҳам. Нега мен бирорта марду пақир аёлга уйланмадим. Раис худони зорини қилди-ку! Ҳозир бола-чақалик бўлиб кетармидим?! Энди кеч, афсус, минг афсус, фақат ҳаром ўлмаслигим керак. Ажал соядек мен билан изма-из юрибди-ку! Наҳот шу чоққача буни ўйламадим. Эҳ! Шўр пешонам, худодан иймон тилашдан ўзга тилагим йўқ-ку! Бўлди, бас, энди жигарларим олдига – ватанга қайтаман. Бошқа чора йўқ! Борди-ю хотинимни тортиб олган маҳлуқ урушда ўлиб кетган бўлсами, менга худо бергани ўша. Ёрмаҳмат Оймат ўғли хотини билан ярашиб олгани бўлсин. Йўқса жигаргўшаларимни дийдорига тўйиб ўламан. Мени тоза қилиб ювишиб, кафанлаб кўмишса бўлгани.

У ич-ичидан қайнаб чиқаётган надомат оташига дош бера олмай, ҳўнграб йиглаб юборди. Ичимлик қуввати унинг онгини тобора сеҳрлаб, фикрини алғов-далғов қилиб ташлаганди. Унинг киарли-чиқарли беқарор хаёлида раққоса қиз ишва билан намоён бўлди. Бир неча дақиқа бурун қалбини яралаб қўйган раққосанинг илиқ оромбахш қарашлари, унинг алифдек кўркам қадди-қомати, аёллик таровати балқиб турган гулгун чеҳраси, олов пуркаб вужудини ўтда ёқкан шаҳло кўзлари қилт этмай туриб қолди. Унинг кўз ўнгига маъсума маҳваш қирқ йил муқаддам гўшангга уники, фақат ўзиники бўлган рафиқасига айланди ва истехзоли жилмайиб туриб

қолди. Гүё⁺ раққоса қиз либосида келган рафиқаси баҳор ёмғиридек қисқагина осуда чоғларни жонлантиргани келган эди. Бир умрга татийдиган ўша онлар қайта насиб этгандек юраги тез-тез ура бошлади. Қандай ширин, қандай илиққина лаблар бўсаси. «Қаранг-а, кўйлакларининг шарпаси Азроил қанотларига ўхшаса-я!» – хаёлидан кечирди у. Хаёли жойига келиб, чўпон:

– Бу ердан тезроқ кетиш керак, уят! Олтмишни қоралаган, худо деб юрган мискин бир ғарип жамоат ичиди ёшгина бир аёлга ўптириб, майна бўлиб ўтиrsa. Бу камлик қилиб, умрим ўтиб оғзим таъмини тотмаган ароқ деган шайтоннинг пешобини пиёлани тўлдириб ичиб юборсам-а! Мени осиб ўлдирса камлик қиласди...»

«Кетмаган номард», деди-да, уйга келиб, тезгина лаш-лушларини йиғишири бошлади. Ёрмаҳмат кроват тагидан темир сандигини очиб, ичидан тоза либосларини кафандик буюмларини олиб, хуржунга жойлади.

Тўй ва бошқа маъракаларда самовар қайнатишга кўмаклаштани учун берилган латта-лутталарнинг ўзи бир арава бўлди. Уст-бошларини ечиб ташлаб, тозасини кийди. Кейин эски-туски, кераксиз лаш-лушларни оловда ёқди. Эшагига юкини ортиб, эшикни тамбалаб ташлади-да, итини эргаштириб йўлга чиқди.

Олмалиқ қишлоғи ҳув анави кўкиш ғубор босиб, чўққиларига юлдузларни тақиб, керилиб турган тоғ этагида эканини аниқ биларди. У ҳар куни, ҳатто кечалари ўша Шовуз чўққисига қараб тўймасди. Энди унинг ҳавосидан нафас олишни соғиниб бораяпти. У ерда бобокалонлар руҳлари макон топган. Болалиги ўтган. Хотинини тортиб олганларидан кейин, «Эр йигитни ўлгани яхши» деб, қадрдон жўраларни, қавм-қариндошларни, она қишлоғини тарк этди.

Ёрмаҳмат қишлоғига қайтди. Укаси Ҳолмаҳмат ака элга ош беріб, акасини бағриға босди. Қишлоқ оқсоқолларини күпам ялинтириб ўтиrmай, у қишлоқ молини боқди. Ойлар йилларни қувалаб ўтди. Ёрмаҳмат бобо итини эргаштириб, дала-даштарда мол кетидан юриб, кишилардан иложи борича узоқроқ юришга интиларди.

Қишлоқ оқсоқоллари елиб-югуришиб, аввал пода боққан жойидан ҳужжат түғрилашиб, яхшигина нағақа олиб беришди. Укасининг хотини Маръям хола хонасини супуриб, уст-бошини ювиб берди. «Қайтиб келмаслигим керак эди. Собиқ қайлиғимни узокдан күрдим. Ўша онда Азроил алайҳиссалом жонимни суғуриб олмади ёки симобдек зриб, парчаланиб кетмадим? Одамлар кўрсинлар, билсинлар шармандалик, хокисорлик қандай бўлишини...»

Ёрмаҳмат бобо тўй ва бошқа маъракалардан итига пайми, суякми олиб келиб берарди. Узок-яқинга борар бўлса, эшагини эгарлаши билан ити варрак думини ликкиллатиб, қиёфасидан мағрур ҳолда, оғзини катта очганича эгасига суйкаланарди.

Агар кимдир ҳазил тариқасида Ёрмаҳмат бобота дўй-пўписа қилсами, ўша чоғда ит ириллаб, таёқ-паёқни писанд қилмай рақибиға ташланарди. Агар Ёрмаҳмат бобо орага тушмаса бирор кори ҳол бўлиши ҳеч гапмасди. Эгаси ухлагани кириб кетса хонага ҳеч кимни киритмас, ҳатто Маръям хола ҳам ён-верига қараб, эҳтиётлик билан қадам босарди. Ит эгаси ва Маръям холадан бошқа бироннинг қўлидан овқат емасди.

Оч қолган бўлса-да, итлик феъли тутиб, бошқа бирор берган нарсага айланиб ҳам қарамасди. Ёрмаҳмат бобо етмишдан ошиб, оёқларидан кувват кетган. Тез-тез дармони қуриб, оёқдан йиқиларди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ит эшик олдиди ётиб олди. Кишиларнинг

кириб-чиқишига ҳам кўниҳди. Икки оёғи устига бошини қўйган ит бир неча кунни дош ичмай, ҳатто ҳурмай ўтказди. Эгаси тетапоя бўлиб ташқарига чиқадиган бўлганидан кейингина ёнида ётган нон бўлакларини, устухонларни қўллари орасига олди. Ёрмаҳмат бобо ҳассага таяниб, ити ёнига келди-да, вафоли итининг бошини силади. Ит керилиб, думини ликиллатиб, эгасининг озғин, жун босган қўлларини, замъфарон тусли ҳорғин юзларини ялай бошлади.

— Ҳа, жонивор, — деди Ёрмаҳмат бобо ҳазин ва синиқ товушда. — Мен ўлиб кетсам, нон беришса емасант, дош беришса ичмасанг!

Чолнинг томоғига алам билан ночорлик тиқилди, шекилли, намли ожиз кўзларини қўллари билан тўсиб олди, кейин:

— Оғир касал ётиб, сени ўйладим, — деди.

Ит эгасига суйкалиб, оғзини катта очганича тишламоқчикидек унинг гоҳ оёғини, гоҳ қўлларини авайлаб оғзига тиқар, думини ликиллатиб юмалаб, яна уст-бошларини тортқиларди. Ёрмаҳмат бобо кулиб, ити билан бироз ўйнашди-да, унинг варрак бошини ласт кўтариб, юзига яқин олиб келди.

— Нега бу фоний дунёда баъзи одамлар сен қарамайдиган нарсалардан ҳам жирканмайди. Сен-ку рақибингни тишлаб ёки тармашиб хумордан чиқасан. Улар пинҳона бир-бировларини пайини кесадилар. Зўр инсонлар камқувватлилар маслатини тортиб олишишлари итларга ўхшайди. Ахир улар инсонку? Яхшиям сени мендек ғарибларга дўст қилиб яратган, акс ҳолда бу алдоқчи дунёда аллақачон қиласидиган ишим қолмаган бўларди. Сени бир ҳақиқатдан огоҳ қилмоқчиман: мен ёмон туш кўрдим. Бандаликни бажо келтирсам ажабмас. Сен мард бўлиб, садоқатли дўстингни асл маконига кузатиб қўйгин, хўпми? Фақат келган-кетганни

тишлама, таомил шунақа, дўстим. Ҳа. Шунақа! Кейин етти кун қабримдан хабар ол! Ўлишга шошилма, хўп? Шунинг учунки, Аллоҳ таоло ҳар бир мавжудотга ўлчаб умр ва ризқ ато қилган бўлади, унга тажовуз қилиш ўғирлик билан баробардир.

Ёрмаҳмат бобо томоғига тиқилиб келган кўз ёшлини юта олмай анча ютинди. Кейин ўзини тутиб олиб, интиқиб давом этди: Сенга дош беришса ич, йўқса тўғри келган нарсани еб кун кечир.

Ит эгасининг қисёфасида содир бўлган фожиали ўзгаришларни англадими ёки тўлиқ тушуниб етдими, ҳар ҳолда ғамгин ва ҳазин бир алфозда бошини тортиб олиб кўзларини юмди.

Ўша куниёқ Ёрмаҳмат бобо тўшакка ётиб қолди. Ит умрида биринчи марта бўриларга тақлид қилиб улиди. Унинг мунгли, айни чоғда жарангдор овози сўнгги дақиқаларини яшаётган эгаси қулогига етиб, мийигида кулиб қўйди. Бор қувватини жамлаб дераза оша баланд, салобатли қизгиш қирларга, тиниқ ва беғубор осмонга сўниб бораётган нигоҳини тикди. Кейин шошилганича сўнгги бор ўзи билган калималарни ўқий бошлади. Ит уй эшиги олдига келиб ётиб олди-да, секингина эгаси ётган жойгача эмаклаб борди. У сўнгги бор эгаси оёқларига бош қўйди. Ёрмаҳмат бобо инграб турган итини кўриб, бор кучини жамлаб, қўлини или боши узра олиб борди. «Рози бўл жонивор», деган ибора итнинг онгига бориб етди.

Тунлари эгаси қабрини қўриқлаган, кундузлари эса эгаси билан ўтган баҳтиёр кунларини хотирлаб, кулба олдида ётган итни етти кун қўришли. Овқат емай, тама ҳам қилмай, ит оч ҳолда етти кун ётди, унга ҳеч ким эътибор бермади ҳам. Саккизинчи куни уни ҳеч ким, ҳеч қаёқда бошқа қўришмади.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

— 1 —

Туман прокурорининг хонаси. Полда чўдек гиламлар тўшаб ташланган. Икки ён томонига қатор стуллар, тўрда эса «Т» шаклидаги столга кулранг мовут солинган.

Прокурор ўтирган кресло деворида Маршал либосидаги олов рангли катта раҳбарнинг портрети бўйи бараварида осиб қўйилган. Прокурор ранг-баранг телефонлардан бирининг гўшагини жойига қўйдида, ғаладондан қизил думли сигарет олиб ёқаркан, стол календаридаги ...кун ...ой 19... йил санаси варағини очиб нималарнидир ёзиб қўйди. Кейин креслога ўзини ташлаб ўтириди. Юмшоқ креслога сингиб кетган прокурорни паға-паға тутун чулғаб олди. У шу зайлда узоқ ўтириди. Кейин у ўрнидан туриб, хонани у бошидан-бу бошига секин юра бошлади.

Ўрта бўйли, эллик ёшлар чамаси, тўладан келган қадду қоматига қора костюми ярашиб турарди. Муҳим бир нарса миясига келди, шекилли, жойига келиб ўтириб тутмачани босди. Овоз ўтмайдиган қора эшикдан яхшигина кийинган хипча йигит пайдо бўлди ва оёқларини жуфт қилиб, ғоз турди.

— Менга бош терговчини чақириб бер, — деди у секин, эшитилар-эшитилмас. — Олдимга ҳеч кимни киритма!

— Хўп бўлади, — деди секретарь. — Кетсам бўладими?

— Кетавер.

Кўп ўтмай хонага баланд бўйли, бақувват, ўзига ўта оро берган ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамаси бош терговчи Баширов кириб келди.

— Ўтириңг, — қаршисидан жой күрсатди прокурор. — Нега ёқаларингизда қон?!

Терговчи күйләги ёқасида қотиб қолган қон томчисини қўриб ранги ўзгарди.

У уялганидан эмас, балки америка фирмаларидан бири ишлаб чиққан моданинг энг сўнгти қийқириғига ачинган эди.

— Шу кечаси билан ишладим, — деди у жингалак соchlарини силаб қўяркан, овозига уйқудан қолган кишилардек урғу бериб. — Жиноятчилар осонгина айбларини тан олмайдилар. Учтасига аранг жиноятларини юкладим.

— Кимлар экан? — сўради прокурор секин, қўлидаги шер тамғали тилла узугини ёниб турган чироқ ёғдусига солиб, бир кўзини юмиб диққат билан тикиларкан. Кейин шошилмасдан чап қўлининг шаҳодат бармоғига тилла узугини солиб, ҳамон оғзини очганича ёрдамчисига тикилиб жавоб кутди.

— Лангар қишлоғилик Жўра чўпоннинг дайди ўғлига, отиям нимайди, ҳалиги, — у соchlарини силаб давом этди. — Тошмурод Жўраев номусга текканлигини тан олди. Ҳалиги Шоимова Гулчехра аризасига биноан иш қўзғатиб қамаган эдим-ку, биларсиз?

— Лангарлик чўпон деганинг қандай одам? — прокурор ҳамон узугини чироқ ёғдусига солиб ўйнарди.

— Қаттиқ одам дейишади.

— Нима? Қаттиқ одам?! Унақада ишини судга ошириб юборавер! — Прокурор узугини бармоғига тақиб оларкан, жиддий тус олди.

— Қолганлари ажралган оиласарга нафақа пулини юбормаганликлари учун, — терговчини ранги ўчиб, довдираб қолди. — Шу учови.

— Ишламаяпсан Баширов! Алиментчини қамашни нима қийинчилиги бор?! Ўзинг бир ўйлаб кўр! — Унинг асаблари титраб, узугига қараб оларкан, ўшқирди. — Сберкассани ўмарганларни нима қилдинг?!

— Бўшатиб юбордим, — терговчи сочини силаб кўшиб қўйди. — Даили, исботлар етишмади. Ҳалиги...

— Хўш, — прокурор икки қўлини стол четига кўйиб, ёрдамчисига тикилиб турди-да, — мол ўғриларини-чи?!

— Уларниям, ҳалиги далиллар етишмади, ишёпилиб бўлган-ку.

— Қирқта қўй, эчки, йигирма қорамол, — прокурор узукли бармоги билан стол четини чертаркан, овозини пасайтириб. — Мол эгалари шикоят ёзавериб гаранг қилиб юборишади энди.

— Шикоят сизнинг ва менинг қўлимга келиб тушибади, — деди терговчи. — Ҳалиги, ўзингиз бор-ку. Мен кичкина одамман.

— Яхши, — иккаласи бир-бирига қараб маъноли кулиб қўйишди.

— Яна нима гапинг бор? — деди прокурор кулиб турган юзини жиддий қилиб.

— Учтасини қамаб, сўроқ қилаяпман, — деди у мағрур тиржайиб.

— Кимлар экан? — сўради прокурор майингина.

— Яқинда ҳарбий хизматдан қайтган Рафиқ Даминов қотилликни бўйнита оладиганга ўштайди, — товушини пасайтириб, пиликлек қошларини чимирганича деди терговчи. — Қолган иккитасига квартира ўғирлиги қолади.

— Даминов деганингни орқасида асаваси бўлсанчи? — деди прокурор, чап кўзини қисиб, узугига сукланниб қааркан.

— Кампир онасидан бошқа ҳеч вақоси йўқ, — деди терговчи бошлиғига синовчан қааркан.

— Сен ҳеч кимни аяб ўтирма! Қотиллик оғир жиноят, — деди прокурор қаддини ростлаб ўтириб олди-да, икки қўлини стол четига тираб, қиёфасига жиддий тус бериб. — Юқоридан келган топшириқ шундай, Даминов бўладими, жинларнинг урточиси бўладими, менга барибир. Тезда қотиллик жинояти очилиши керак!

— Ҳа!

— Ишта кириш, — деди прокурор жиддий, гўё бармоғини безаб турган тилла узугини унутиб қўйгандек. Билиб қўй Баширов! Бу ишни генералнинг ўзлари назорат қиласяптилар! Ҳа, дарвоҷе, шу май ойида ўн бешта жиноятни очишимиз керак. — У шер тамғали узугига тикилиб, анча юмшоқ қилиб қўшиб қўйди. — Ҳамиша ҳам муштингга эрк беравермагин.

— Юмшоқлик билан ким ҳам жиноятини тан оларди, дейсиз, — деди терговчи.

— Мол ўғриларини ишини ёпдим, дедингми? — прокурор асабий бир ҳолатда деди. — Гувоҳлар кўрсатмасини нима қилдинг?

— Ўғриларни қўйиб юбордим-да, ҳалиги гувоҳлар келиб, бир ҳафтадан кейин «кўрмадик, билмадик» дейишиб, ёзма равишда кўрсатма беришли, жиноий ишни ёпишга мажбур бўлдим.

— Яхши, сенга рухсат, — деди прокурор.

Бир неча қофозга имзо чекиб, ёрдамчисига узатаркан, қўли билан ўтиришга ишора қилиб, қофозга нималардир ёзиб, терговчига кўрсатли-да, қофозни ёқиб, кулдонга ташлади. Кейин бош иргаб, ёрдамчисига кетишга изн берди.

— Дарвоҷе, — деди Баширов. — Бундай чалкаш ишларни суд яна терговга қайтармас эканми?

— Сен, оғайни, мени яхши билмас экансан! — деди прокурор ёрдамчисини эркалатгандек секин-

гина. — Мени Худойқулов дейишади. Судья деганларинг менинг қўлимдан дон еганларидан кейин, қўғирчоқ қилиб ўйнатишни менга қўйиб бер! Энди борақол!

— 2 —

Туман милиция маҳкамаси. Авахта камераларидан бирида уч маҳбус ерда ғужанак бўлиб ётибди. Қўлларини оёклари орасига тиқиб, совуқдан титраб ётишарди. Камера эшиги қаршисида, одам бўйи етмайдиган баландликда кичкина туйнук билак йўғонлигидаги пўлат симлар билан тўқиб ташланганди.

Туйнукдан тунлари чироқ ёниб турар, кундузлари эса ташқи ёруг дунё нури бўлиқ, чўзиқ чизиқлар чизиб, камеранинг у бурчагидан-бу бурчагигача кечгача юриб ўтарди. Деворлари йиринг рангли, ғадир-будир қилиб бетондан ишланган бўлиб, оғир темир эшикларга монанд эди. Камера бурчагидаги тувакдан бадбўй ҳид келарди. Шу ерда умри ўтаётган маҳбусларнинг таналарига бу ҳид сингиб кетганди.

Тинч ва сокин тун. Камера эшиклари шарақшуруқ очилиб, терговчи Бапириов ёнида икки киши билан кириб келди.

— Тур ўрнингдан! — хитоб қилди терговчи.

Икки маҳбус зўрға ўрнидан туриб, судралганича деворга бориб икки қўлини бараварига бўйинларига қўйди. Биттаси эса ўрнидан ҳам қўзғалолмади. Шишиб, қўкариб кетган қовоқларидан кўзлари очиқми-юмуқ, билиб бўлмасди. Бу маҳбус Даминов эди. Терговчи бироз сукутга берилиб, хира ёғдуда арвоҳ тусини олган ёнидаги врачни туртди:

— Ўйғотинг муттаҳам манъякни! — деди ўшқирганича кекиртагини чўзиб.

Врач Убайдуллаев чаққон ҳаракат билан маҳбус-нинг орқа томонига ўтиб кўтарди-да, беморни ўзига келтирди. Ҳушсиз маҳбус ўзига келди ва кўз ўнги ойдинлашди. Башировни таниган ониёқ чинқириб орқага эмаклади.

— Йўқ! Мен одам ўлдирганим йўқ, мени бошиқа урманг! Рафиқ камера деворига урилиб тўхтади. Унинг йиртилган шимларидан қўкариб кетган танаси кўриниб турарди, башараси шишиб, қонталаш бўлиб кетган эди.

Баширов шаҳдам юриб, маҳбуснинг елкасидан ушлаб даст қўтарди-да, тиззаси билан ичига зарб билан тепиб, қўйиб юборди. Рафиқ мўлтираб турган шериклари ёнидан учиб ўтиб деворга урилди-да, шалоп этиб ерга йиқилди.

Эшикларга зилдек қулфлар осилганидан сўнг қабристон сукунати чўкди.

Орадан кунлар ўтди. Шериклари жиноятларини тан олишиб, вилоят ҳибсхонасига олиб кетилди. Рафиқ эса ўзига келгач, оёқларига дармон кира бошлади. Навбатчи офицер билан Тўйчи исмли қотма, қора милиционер Рафиқни олиб чиқишиди. Икки милиционер орасида маҳбус судралиб борарди.

Шариллаб оқаётган сув қувурининг ҳаётбахш сувига Рафиқ бошини тиқиб турди.

У тўйиб-тўймай, энтикиб нафас оларкан, сочлари, бошидан оқаётган сувни ёнаётган вужуди билан сипқориб тўймасди. Уни ўриндиқقا ўтқазишиди.

Маҳбус баланд деворлар орқасида озод ҳаёт борлигини ҳис қилди. Шаҳар четида пахса деворли, оддийгина ҳовлида мунгли онаси кўз ўнгига келди. «Бечора онам», ўйлади Рафиқ. Икки йил хизмат чоғида пенсия пулидан бўлажак келин учун сандиқقا сеп йигибди. Рафиқжон ўртоқларидан кам

бўлмасин деб, аскарликдан қайтганида уни олиб келган шофёрга суюнчисига беқасам чопон, белбоғ, яна устига йигирма сўм пўл қўшиб узаттанди.

Ушанда кампир боқиб қўйган серкани сўйиб яхшигина тўй ҳам берганди.

Рафиқ етим ўсди. Отаси уларни жуда эрта ташлаб кетганди. Беғубор болалик хотиралари секин-аста жонлана борди. Отасини пахта пресслайдиган машина қисиб ҳалок бўлган. У ёш кетди, онаси ўшандада дод-фарёд солиб йиғлаганди.

«Ушанда мен нега йиғламадим? Бола бўлсан ниманиям фаросатига борай. Ҳовлида ивиришиб ўйнаб юраверибман. Отамни одамлар соябонли аравага солиб олиб кетишди. У гўё маст уйқуда эди».

Амаким йифи аралаш: «Рафиқжон йиглагин, отанг бизни ташлаб кетаяпти», дегани аниқ эсимда... Кейин ҳовлимиз сув қуйгандек жимиб колганди.

— Даминов, — деди навбатчи офицер ёнидаги қора сержант нари кетганидан фойдаланиб. — Бекорга ўлиб кетманг, сиз тан олмасангиз иккита ёш ўспиринни уриб, гувоҳликка ўтказади-да, барibir қамаб юборади.

Рафиқ ҳеч нарса демади, фақат ҳеч бир гуноҳ қилмай азоб чекаётганини, у чекаётган азоб, изти-роблар кимларгадир манфаат олиб келишини аниқ тушунисиб етди.

У сокин тунда чайқалаётган азим дараҳтларга ти-
килди. Күкда ёнган минглаб юлдузлар акси ўйнаётган
яшил япроқлар шитирланып яшашга, фақат озод
яшашга даъват этарди.

Ха, ҳаёт инсонга бир маротаба берилади. Лекин озод яшашга ҳаққинг йўқ, Рафиқ. Сендейлар кимлардир содир этган жиноят қурбони бўлишга маҳкум этиласиз. Сенинг ўрнингга қотиллар, муттаҳамлар озод яшайдилар.

Вақт шамолдек елиб ўтаверди. Рафиқ қотилликни зиммасига олмади.

Аммо сохта гувоҳларни топиб гувоҳликка ўтказиш осон кечмади.

Бунинг учун терговчи Баширов кўз кўрмаган, ақлга сифмайдиган тергов усулларини ишга солди. Бундай ҳолатларни кутмаган Рафиқ:

— Олиб келинг, қандай қофозингиз бўлса имзо чекканим бўлсин, бу бечораларга азоб берманг, — деди.

— Яхши, — деди терговчи. Кейин гувоҳлардан биттасини ёқасидан ушлаб:

— Судда ҳам гувоҳга ўтмасанглар мендан яхшилик кутманглар! — дея ўдағайлади.

Узоқ қишлоқлардан келиб, СПТУда ўқиб юрган болакайлар тазийқ остида гувоҳ ўтишга рози бўлишиди.

Бир йил мобайнода авахталарда ётиб, соғлигини йўқотаёзган бечора Рафиқ ўн икки йил қамоқ жазосига маҳкум қилинди. Сифта кийинган прокурор Худойқулов суд мажлисида қовоини солиб ўтирганича, тилла узугига бир назар солиб, тишини орасидан:

— Олий жазо берилсин! — деди-да, ўрнига ўтириб олди.

Суд раиси Эгамқулов қарорни ўқиётиб, прокурорга маъноли қараб қўйди. Худойқулов эса унга эътибор бермали ҳам.

— 3 —

Район прокурори Худойқулов иш кабинетига кирибоқ, пиджагини кресло суюнчиғига осиб, тошойна қаршисига келиб, билқиллаб етилган қоматига, нақш олмадек бўрсилдоқ башарасига тикилганича, бўйинбогини тўғрилаб узоқ туриб қолди. «Аканг кимсан, район прокурори Алиқул

Худойқұлов давр устидалар, қанийди очилиб етилмеган атиргулдек онаси үпмаган жонон бўлса, беш кунлик дунёда аканг қарағай майшатини қилиб қолсалар. Орқамда суюнган тоғларим бор бўлса, шайтоннинг ўзи ҳам мен сотиб олганим манави креслони тортиб ола олмайди. У қўлидаги тилла узугини чироқ ёғдусига солиб, кўз олдига яқин қўйди. «Бу ёқут қўзли узук менга омад келтиради, бармоғимда бўлганида, ҳатто милиция бошлигининг ўзи ҳам менга эгилиб салом беради. Пул деганинг терак япроғидек оёқ остимга тўкилади, бу узукни ҳеч қачон, ҳеч кимга бермайман. Ҳозир эса Баширов тоғдаги дам олиш масканида яхшигина «обед» тайёрлатади. Унда албатта суқсурдек жонон ҳам бўлади».

Шундай хаёлларга берилган прокурор яккамдуккем оқ оралаган тим қора соchlарини тўғрилаган бўлиб, жойига келиб ўтирди ва тутмачани босди.

Эшикдан кириб келган новча йигитча оёқларини жуфт қилиб, тик тураверди. Икки қўлини башарасига қўйиб, хаёл суриб ўтирган прокурордан садо чиқмасди. Бироз вақт ўтиб, прокурор кўз қири билан қараб:

— Нега туриб қолдинг, секретарни киритгин-да, ёнимга ҳеч кимни қўйма! Йўқол!

— Аликул Худойқұлович, — деди аёл майингина жилмайиб. — Менга нима хизмат?

Прокурор кўз қири билан аёлга қараб: «Ёнгиннанда оҳори кетмаган ноёб нарса бўлса-ю, сен Аликул назар ташламасанг!» — деб хаёлидан ўтказаркан:

— Нега қаққайиб турибсан? — деди прокурор жаҳл билан. — Ишлагинг келмаса аризантни ёзгин-да, даф бўл!

— Вой, қўрқитиб юбордингиз-ку?! — деди аёл кўйлагини тўғрилаган бўлиб.

— Сени күркитадиган бирор иш қилмадим шекилли? — деди прокурор аёлнинг тирсиллаб турган сийналаридан, шаҳло кўзларидан, ҳайратдан очилиб турган оғизчаларидан, ҳарир кўйлак остида гуркираб турган қадду қоматидан кўз узмай.

— Менга хизмат? — сўради аёлча.

— Олдинги секретарим, — деди прокурор ўзига нотаниш, дўриллаган товуш билан, — мени елкаларимни массаж қилиб қўярди, кийимларимни чўткаласаб, чой қуйиб узатарди, сен бўлсанг, «менга нима хизмат» дейсан, бошқасидан хабаринг йўқ!

— Аликул Худойқулович, — деди аёл жиддий, — хоҳласангиз ҳозироқ мени ишдан бўшатинг, аммо мен ҳеч қачон ҳеч кимнинг елкасини массаж қилиб, кўнглини овламайман!

Прокурор қизарди-бўзарди, у оғир аҳволда қолди. Бу ҳолатдан чиқиши ҳечам иложи йўқдек, сукут сақлаб:

— Ҳазиллашдим, — деди у мавқеига, шаънига ярашмайдиган ҳолатда. — Сен бўлсанг тоғдан келасан, борақол, менга ҳозироқ Башировни чақириб бер.

— Демак, ишдан бўшатмайсиз?! — деди аёл сонларини ликкиллатиб чиқаётиб тўхтаб, сўнг жиддий тус олди-да чиқиб кетди.

— Яхши бўлмади, аёллар билан муомалада нўноқлигим билиниб қолди, фақатгина бир йўли, у ҳам бўлса узоқдан тўр ташлаб, совға-салом билан кўнглини овлашим керак. Тўрга илинганидан кейин ёруғ дунёда бор ҳунарни ишлатиб, хумордан чиқаман.

У кўлидаги тилла узугига кўз қири билан қараб:

— Сен ҳам кези келганда иш бермас экансан!

Эшик очилиб, ингичка югурдак кириб келди.

— Хўш! — деди у жаҳл билан.

— Баширов йўқ, — деди югурдак ташвишли бир ҳолатда. Прокурор сергак тортди.

— Гапир! Нима дейсан!

. — Сизни олдингизга меҳмонлар келган, — деди югурдак ўзини йўқотиб.

— Қанақа меҳмон экан, — деди прокурор ўз овозидан ўзи қўрқиб. — Айт муовинимга, киришсин! Кўрмаяпсанми мен бандман!

— Республика прокуратурасидан келишибди.

— Йўқол кўзимдан! Сариқ оёқ! Сен фақат нохуш хабар олиб келасан!

Шу чоғ эшик очилиб, сипо кийинган, баланд бўйли, савлатли уч киши кириб келди.

— Район прокурори Худойқулов сиз бўлсангиз керак? — деди меҳмонлардан бири, бу киши муҳим ишлар бўйича терговчи Saidov, бу киши эса Республика прокуратураси муҳим ишлар бўйича терговчиси Каримов бўладилар. Камина ҳам Республика прокуратураси прокурорлик назорат бўлимини мутахассиси Ўтаганбек Эрматовман, — деди у мулоҳимгина табассум билан.

Бир неча дақиқа олдин еттинчи осмонда сайр қилиб юрган мағрур, баландпарвоз прокурор аёлдан дакки еб, мағлуб бўлган бўлса, ҳозирги ҳолатида омад уни абадий тарқ этганини ҳис этиб, қаддини кўтариб турган тетикликдан асар қолмай, бўшашиб ўтириб қолганини ўзи сезмай қолганди.

Кириб келганлардан биттаси мезбонга сув ичириб, ўзига келтиргач, меҳмонлар бараварига кулиб юборишиди.

Худойқулов ўзига келиб, тавозе билан меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди.

Калта кўйлак ва узун лозим кийиб, соchlарини майдалаб ўриб, бошига дўппи кийган секретарь қиз меҳмонларга чой қуйиб узатди. Зум ўтмай стол сархил мевалар, ноз-неъматлар билан тўлдирилди.

— Ишга киришсак, — деди Эрматов норози оҳангда. — Нега туриб қолдингиз! Сиз, Алиқул Худойқулов, қамоққа олиндингиз, — деди сўзида давом этиб.

Бу пайт қўлига кишан солинган Алиқулни аҳволи ўзи ҳукм қилиб, қаматиб юборган баҳтсиз инсонларнинг аҳволидан ўн чандон оғир эди. Ҳатто ўлимга маҳкум маҳбуслар ҳам баланд кайфият билан суд залини тарк этган эдилар. Худойқулов қаршилик кўрсатишга, бирор сўз айтиб, ўзини айбсиз эканлигини исботлаши лозимлиги эсига тушиб:

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ! — дея олди.

— Терговда бизнинг саволларимизга тўғри ва холисона жавоб берсангиз,— деди Ўтаганбек, — озодликка чиқариб юборишади.

— Ўша саволларингизга ҳозироқ жавоб берсам, — дерди бечора Худойқулов йиғлаганича.

Прокурор Худойқуловнинг ҳозирги ҳолатини кўриб, ҳамма кулиб юборди. Худойқулов ҳам мийигида кулган бўлди.

Сейф ва бошқа лозим бўлган ашёларга сурғучли муҳр босилгач, Худойқуловни етаклаб олиб чиқишганда, эшик ёнида турган секретарь қиз собиқ раҳбарига ғолибона қараб турганди. Аёлнинг кўзига кўзи тушган Худойқуловнинг хаёлидан кечди: «Ҳали шошмай тур, асаваларим мени озодликка чиқаришсин...»

Маст одамлардек гандираклаб, ақли-хушини йўқотган Худойқуловни маҳсус машинага чиқаришаётганида ўнлаб кўзлар — кимлардир очиқ, кимлардир пинҳоний қувонч билан кузатиб турадилар.

Май ойининг иссиқ кунларида ёруг дунёдан маҳрум қилиб ишланган машинада ҳаво ҳарорати эллик, ҳатто ундан-да юқори даражада бўлиши билан ўта нохуш эди.

Худойқұлов ҳәйтида ҳеч қачон бундай оғир ақволга тушишини хәлиға ҳам келтирмаган, ҳамиша айшишратда, вужудига гард юқтирмай, түкис турмуш кечиришини, бошқалар тортадиган азоб-изтироблар уларнинг қисмати, ундайлар содир этган жиноятлари учун тұлов тұлашлари шарт, имкони бўлса пул билан, йўқса қамоқ, ўтаверса ўлим жазосига маҳкум этилишлари шарт, – деб биларди.

Ним қоронғуликда ўнлаб күзлар унга тикилиб қараб турғанини, ҳұрмат юзасидан сурилиб, ўрин бўшатиб берганларидан кейин анча ўзини тутиб олган прокурор пешоб ва аччиқ, тушуниб бўлмайдиган, чидаб ҳам бўлмайдиган нохуш ҳидни, устига-устак, ҳаммом ҳароратидан-да баланд ҳаводан нафас оларкан: «Йўқ, бу фақат тушунмовчилик, эртагаёқ озодликка чиқаришади, саволларига жавоб оладилар-да бўшатиб юборишади», деган хаёлга борди.

— Тилла узүгинг қани? — деди кимдир.

— Олиб қўйиши, — деди прокурор ўзига таниш бўлмаган бегона оҳангда. — Эртага қайтариб беришади.

— Эртага дедингми? — деди кимдир, кейин ҳамма кулиб юборди. — Сенга олий жазо ҳам камлик қиласы. Биласанми нима, оғзингдаги тилла тишликтардың қоқиб олганларидан кейин, хотинсираб ётган ҳанги-дек эркактар сендан қандай фойдаланишади?!

— Ўзиям бақалоқ хотинлардек етилган экан, — деди кимдир.

— Буни орган одамларига күпшиб қўйишади, — деди кимдир.

— Ўша, сен айтган орган одамларидан ҳамма нарсани кутса бўлади.

— Сенга нима? — деди ўша овоз. — «Ўзингни бил, ўзгани қўй!» деган мақол бор!

Буни тинч күй!

Ҳаётининг оғир онларини кечираётган Ҳудойқұлов ҳеч нарса күрмас, ёнида үзи ҳақида бораётган тортишувларни эшиитмасди ҳам. «Тезроқ ҳайдасантчи, ўлиб қолишимни кутаяпсизларми?!» Ҳудойқұлов бунақа шароитта күникмаган, нафас олиши қийинлашды, қайт қылгиси келди.

— Сув беринг, — деди бечора прокурор оҳори кетмаган пиджагига ўқшиб.

— Озгина сабр қылсанг, — деди ёнидаги маҳбус, — түйиб сув ичасан.

— Қачон етиб борамиз? — деди Ҳудойқұлов. — Ҳали құзғалмадик-ку?!

— Энди оғайни, азоб-уқубатлар шароитига тайёр турсанг чакки бўлмайди. Қачон боришимизни худо билади.

Орадан чамаси икки соатлар ўтиб машина қўзғалди. Катта йўлга чиққан бўлса керак, тезликни ошириди, кейин озгина салқин бўлгандек бўлди. Аммо машина яна тўхтаб одам олди.

«Наҳотки ҳаммаси тамом бўлган бўлса. Ноумид шайтон, қўлимдан дон еб юрган асаваларим қараб туришмас, эрта-индин қутқазиб юборишса олам гулистон», хаёлидан кечирди бечора прокурор.

Кун узоги тўхтаб, одам олавериб жонга теккан қамоқхона машинаси саксон километрлик йўлни ўн соатда босиб ўтди. Вилоят марказидаги тергов изоляторига келиб машина тўхтади. Ташқаридан бўрисифат итларни акиллаши, қуролланган милиционерларнинг ҳайқириги эшитиларди. Эшик очилиб, бирин-кетин ташқарига чиқишига буйруқ беришганларидан кейин, Ҳудойқұлов ҳам талаб ташлашга шай бўлиб хуриб турган итлар орасидан ўтиб олди.

Кейин яна олд тарафи сим тўр билан иҳоталанган, деворлари бетондан бўлган маҳбуслар хонасига

қамаб ташлашди. Билак йўғонлигидаги сим қафас қаршисида милиция либосидаги кишилар столда ўтириб, ёзув-чизув билан машғул, яхшигина боқилган чопафон отдек, тўладан келган катта лейтенант маҳбуснинг оёқ учидан босиб, ичига чунонам урдики, бечора маҳбус оғриқقا дош бера олмай чинқириб юборди. Навбат етиб келгач, Худойқулов ҳам югуриб келди ва стол ёнида тўхтади. Ўтирган милиционер берган саволларга жавоб бериб улгурмай чопафон отдек ер тепиб турган катта лейтенант ғазабига учради.

— Хўш, каламуш! — деди кулимсираб катта лейтенант. — Прокурорман, дедингми?!

— Ҳа.

— Шунақа дегин?! — катта лейтенант прокурорнинг оёғидан босиб, уришга шайланди, аммо урмади. — Борақол, яхшилаб дамингни олганингдан кейин сени эсингни киритамиз.

«Кўрқди, — хаёлидан кечирди Худойқулов. — Эртандин чиқариб юборишса бу занғарнинг онасини кўрсатиб қўяман!»

Худойқуловни ўз маслакдошлари ётган камерага олиб киришиди. Нимқоронғу камерадан ўнлаб кўзлар ёниб, яримяланғоч кишилар тердан, кирдан бижкиб кетган либосларини кийиб, сафга тизилишди. Кўп ўтмай милиционерлар чиқиб, эшикка зилдек қулфлар осилди.

Камера деворлари ғадир-будур бетон билан ишланган бўлиб, ердан бир метр баландликда узунасига кроватлар қўйилган, унинг устида яна темир кроватлар қўйилган.

Худойқулов бўш жойга пиджagini тўшаб ўтириб олди.

Камера ҳавоси ўта дим ва нохуш, Худойқулов қора терга ботди. Олтмиш градуслар иссиқ бор.

«Нима қилиб бўлса-да бу ердан чиқиб кетиш керак. Пул бўлса бор, жойини топиб ишлатсак, иншаолло қутулиб кетармиз».

— Қичқириқ район прокурори Худойқулов эмасмисиз? — деди хонанинг нариги бурчагидан туриб, яқин келган савлатли киши.

— Ҳа, — деди у. — Мен шу кунгача прокурор эдим.

— Мен Томчи район суди раиси лавозимида эдим, исмим...

— Танидим, — деди Худойқулов. — Сиз билан областда кўришиб турардик, исмингиз Ҳосилбек, шундайми?

— Сиз, таниб бўлмас ўзгариб кетибсиз, тинчликми?

— деди Ҳосилбек. — Уй-жойингиз тинчми?

— Туйқус, осмондан тушгандек бостириб келишида-да, ҳе йўқ, бе йўқ қўлимга киshan солишли, — ўлиб қолаёздим. Бу айғир отга ўхшаган катта лейтенант одамларни ураркан.

— Болтаевми? — деди Ҳосилбек. — Ўзи шунаقا. Ҳаммани уради, олдин уриб, абжаини чиқариб ташлайдилар-да, бир кишилик камерага қамаб ташлайдилар. Қонун, қоида деганлари беш пул.

— Сизни ургани йўқми?

— У иблис, худони билмайди, — деди Ҳосилбек. — Ёнига киргизиб олиб: «Шу ердан тирик чиқишини истасанг, камерада бўлаётган воқеалардан мени хабардор қиласан! СП бўлсанг тезроқ чиқариб юборишади», деди. Мендан рад жавобини олгач, роса дўппослади.

— Ҳосилбек, камерада нималар бўлиши мумкин?

— Ҳар нарса бўлади, айтайлик: чопоннинг увадасига нашани солиб, тутатишади-да, қофоздан най қилиб, ҳузур қилиб тортишади.

— Яна?

— Яна бой одамларни мажбурлашиб, уйдагиларига хат ёздериб пул олишади, уриб, майиб қилишади, хуллас, ҳамма нарса бўлиши мумкин.

— Ўлдиришлари мумкинми?

— Ҳа!

— Жазодан қўрқишмайдими? — сўради Худойқулов ранги ўчиб.

— Бу ерда ҳамма қонунни билади, ўқимишли юристлар, милиционерлар, одам уришни, жиноятни тан олмасликни, барибир ҳам қамалиб кетишидан хабари бўлганидан кейин нимадан ҳам қўрқарди, дейсиз!

— Уйдагиларни безовта қилишмайдими? — сўради Худойқулов.

— Уйни тинтуб қилиб, ҳамма нарсани ҳисобини олишади, гувоҳлар топиб, қилган-қилмаган жиноятингизни зиммангизга юклапиади.

— Орқангизда одамингиз йўқ эдими?

Ҳосилбек кулган бўлди.

— Қанақа одам бўлиши мумкин? Сиз айтган одам ҳам тергов берәётган бўлса-чи?

— Бу ерда неча кун ётамиз? — сўради Худойқулов ҳафсаласи пир бўлиб.

— Мен уч ойдан бери тергов бераяпман, — деди Ҳосилбек. — Яна қанча вақт ётишимни худо билади.

Темир эшик туйнуғи очилиб, милиционернинг танбеҳини эшитгач, Ҳосилбек Худойқулов билан хайрлашиб, жойига бориб ётиб олди.

Тонгга яқин камера ҳавоси анча салқинлашсада, маҳбуслардан, ҳожатхонадан келаётган ҳидга Худойқулов кўнига олмасди, аммо чарчоқ ўз ишини қилди. У кўзларини юмиб юзгacha санади-ю, уйқуга кетди. Кўп ўтмай қаттиқ хуррак торта бошлади.

Хуррак товушидан уйгонган маҳбуслар унинг ёнига келишиб, тутиб кўришди, бўлмади, катта

очилган оғзини түлдириб турган тилла тишларини күрган камера атаманини сұлаги оқиб:

— Ҳозироқ бунинг эсини киритиб қўймасак бўлмайди, — деди-да қули билан ишора қилди.

Югурдак маҳбус оёғидан пайпогини ечиб, бемалол хуррак тортаётган Худойқуловнинг катта очилиб, сұлаги оқиб ётган оғзига тиқди. Кейин оёққа турган маҳбуслар бараварига кулиб юборишидӣ. Кўзини очиб, ёнида ишшайиб турган беўхшов башараларни кўрган Худойқулов оғзидағи сасиб, бижғиб кетган пайпоқни олиб ташлади.

Маҳбуслардан бири бечора Худойқуловни енгидан ушлаб турғизди-да, башарасига мушит тушириди.

Эрталаб ҳамма сафга турди, аммо Худойқулов ётаверди. Катта лейтенант Болтаев унга яқин келиб, оёғига тепганида сакраб ўрнидан турган бечора Худойқуловнинг қиёфаси шишиб, оғзидан қон аралаш сұлаги оқиб ётарди.

У секин юриб сафга турди.

— Сени ким бу аҳволга солди?! — деди миршаб. Жавоб ола олмагач:

— Сиз айтарсиз?! — миршаб маҳбуслардан бирининг оёқ учини босиб, зарб билан урди.

Аммо калтак зарбидан эсини йўқотган маҳбусдан садо чиқмади.

Жазаваси чиқиб, ғазабланган миршаб биринкетин ҳаммани урди. У битта маҳбусга яқин келиб, унинг ёқасидан ушлаб кўтарганича:

— Балким сен айтарсан?! — деди Болтаев тишлари орасидан сўзларни дона-дона қилиб.

— Билмайман, — деди бечора маҳбус. — Қаттиқ ухлабман.

— Кўргансан, биласан! — деди миршаб. — Бу ерда мен каттаконман! Кимдан қўрқишинг кераклигини

билиб қўй! — калтак зарбидан бечора маҳбус гандираклаб йиқилиб тушди.

Нонуштадан кейин Худойқуловни олиб кетишиди.

— Сиз менга гапнинг пўсткалласини айтасиз! — деди катта лейтенант Болтаев стол четига қўлларини қўйиб. — Сиз ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берасиз, ким сизни дўппослади?!

— Йиқилиб тушдим. Кеча кечаси йиқилиб тушгандим, — деди қўрқувдан титраб бечора маҳбус.

— Сиз менга ҳаммасини айтасиз, ахир сиз прокурорсизку?! Кейин камерада бўладиган ҳамма гапни менга етказасиз. Ундан кейин сизни яхши шароитга эга, яхши одамлар сақланадиган камерага ўтказаман, хўш?

— Мен бундай қила олмайман, — деди Худойқулов. — Билганингизни қилинг.

— Билганингизни қилинг, дедингизми? — деди Болтаев жаҳл билан. — Каллакесарлар билан қўшиб қўйсам тилла тишларингизни сууриб олиб, ўзингизни хотин қилиб ўйнатсалар ялиниб-ёлворасиз, аммо унда кеч бўлмасмикин?

— Ундей қила олмайсиз, — деди Худойқулов. — Собиқ адлия хизматчилари орасида каллакесарлар, бандитлар бўлмайди, мен ҳам адлия хизматчисиман. Ҳозирча мени жиноятчи деб аташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Орадан ўн кун ўтгач, Худойқуловни терговга олиб боришиди.

Прокуратуранинг муҳим ишлар бўйича терговчи мени деб таништирган терговчи керакли расмий ҳужжатларни тез-тез ёзиб:

— Сиз қилган жиноятингизни тан олиб, терговга ёрдам берсангиз, айбингиз енгиллашади. Кейин сизни тезроқ чиқариб юборамиз.

— Шундоғам мени чиқариб юборишади, — деди Худойқулов. — Бу ерда түшүнмөвчилик.

— Қанақасига түшүнмөвчилик бўлиши мумкин, ўзингиз ўйлаб кўринг, порахўрлик, жиноятни яшириш, бегуноҳ одамларнинг калласига жиноятчи қалпогини кийдирган бўлсангиз, отувга маҳкум қилишмаса, худога шукр қилинг. Ким айтади сизни қонун посбони деб! Сиз билан мен жамиятнинг олдинги сафларида бораётган яловбардорларимиз. Жамиятимизни жирканч қаланғи-қасангилардан тозалашимиз керак. Ахир биз XX асрнинг энг илгор зиёлиларимиз-ку!

«Мени зиёли деса бўлади, — хаёлан деди Худойқулов. — Сен эса ақлсиз, гумроҳ қароқчининг ўзгинасисан!»

— Йўқ, — деди Худойқулов. — Мен қонун доирасида ишлаганман, мени тинч қўйинг.

— Нега сени тинч қўярканман! Ахир сен энг пасткаш одамсан, шундай эмасми?! — деди терговчи жазаваси тутиб. — Сени уйингни тинтуб қилишганда қанча пул, олтин, кумуш ва бошқа қимматли ашёлар ҳисобга олинганидан хабаринг бордир? Шошмай тур ҳали. Қариндошларинг номига олган ҳовли, автоминаларингни ҳам топамиз. Сенга қарши гувоҳлик берадиган одамлар биласанми ким? Эгамқулов. Яна қанча-қанчаси сенга қарши гувоҳ ўтишга тайёр турибдилар!

— Хотиним ва мен яхшигина маош олганимиздан кейин қимматбаҳо буюмлар сотиб олганмиз, — деди Худойқулов. — Пора олганимни ва бошқа жиноятлар содир этганлигимни аввал исботланг.

— Кимдан қанча пора олганлигинги ва кимга қанча пора берганлигинги исботлашни бизга қўйиб бер, — деди терговчи. — Сен порахўр яхшиликни билмас экансан, энди ўзингдан кўр! Қоровул!

Худойқуловни олиб чиқиб кетишиди ва ҳеч қандай рақами бўлмаган камерага олиб келишди. Нимқоронғи камерада баданига турли махлуқлар, монстрлар чизиб ташланган, мушаклари тошиб, титраб турган девсифат киши ўтиради.

— Ну что, чурка, дратса будим, — деди у гулдираган товушини баралла қўйиб. — Или баротса хочеш, вибирай!

— Ҳеч нарса хоҳламайман, — деди Худойқулов рус тилида.

— Унақада бошладик, — деди девсифат, ўрнидан туриб бокс тушадиган кишидек қўлларини ўйната бошлади. — Ким енгилса, ўша ғолибга хизматкор бўлади.

— Оғайни, ундай қиласкўрма, — дерди бечора Худойқулов ялинганича. — Неча сўм десант бераман!

Бир неча мушт туширганидан кейин Худойқулов эсини йўқотиб, чўзилиб ётаверди.

Зилдек эшик очилиб:

— Нима гап? — деди назоратчи. — Тинчликми?

— Мен унга ёрдам бераяпман, — деди девсифат тиржайиб. — Иссиқданми, эсини йўқотганди.

— Аҳволингиз яхшими? — сўради назоратчи, Худойқуловнинг аҳволига ачингандек.

— Бундан ҳам яхши бўларканми? — деди Худойқулов.

Назоратчи чиқиб, оғир эшиклар ёпилгач, камера сув сепгандек тинчиб қолди.

— Бу ернинг ўз қонун-қоидалари бор, — деди девсифат Худойқуловга юзланиб. — Яшашни истасанг, шу қоидаларга амал қилишга мажбурсан, йўқ десанг, «обиженинг»лар камерасига борганинг маъкул. Хўш?

Худойқулов ҳеч нарса демади, эшитишни истамасди ҳам.

«Омад қуши мени тарк этди. Пешонамдан отиб ташлаганларида күз очиб-юмгунча оғриқни сезмай нариги дунёга равона бўлмасмидим? Аммо эс-хушини тарк этган вужудим беш, ҳатто ўн дақиқа тўлғаниб, ҳаётга ташна бечора қалбим уришдан тўхтаб қолмас эдими, менинг қиёфамда ўлим изтироблари эмас, осуда уйқудаги баҳтиёр инсонларда бўладиган майнингина табассум билан ёруғ дунёни тарк этмасмидим!»

Терговчи кимдан ва қачон, қанча миқдорда пора олдинг, юқоридаги пораҳўрларга неча сўм пора бердинг?! Йил, ой, кун, ҳатто соатини ёздириб олиши турган гап. Терговчи кўрсатган схемада бошқалар зиммасига туҳмат тошини юкламас экансан, яна мана шунга ўҳшаган маҳлукларга қўшиб қамайдилар.

Тизза баравари баланд қизил рангга бўялган темир кроватда сон-саноқсиз тахта каналар, битлар галаси ўрмалаб, ҳеч нарсадан ҳазар қилмасдан ҳолдан тойган, ҳаёт билан ўлим оралиғидаги азобли, тушга ўҳшаган ноxуш умр кечираётган инсон – Худойқуловнинг баданини еб, азоб берардилар. Таҳтакана чаққан жой ўқловдек шишиб чиқса, бит деган маҳлук секин-аста инсон танасини еб берарди.

Худойқулов ўз вужудини битлар, каналар балосидан ҳимоя қила олмаслигига ишонди. Бунинг устига устак, нафас олиш мушкул бўлган ўта иссиқ, ҳожатхонанинг ноxуш ҳиди, қандайдир тушуниб бўлмайдиган ёмон ҳаводан нафас олишга маҳкум эканлигига ҳам ишонди.

«Бечора хотиним, – хаёлидан кечирди Худойқулов. – Қамоқхона атрофида кезиб, номардларга ялиниб-ёлвориб, менга тоза либос, мева-чева, егулик олиб келади. Олиб келган нарсаларини ҳаммаси ҳам камерамизга етиб келмайди. Етиб келганларини

ўртага қўйиб баҳам кўрамиз. Мен билан тўн кийишиб, дўст тутинган бойваччалар думларини хода қилиб қочиб қолишиди.

Ким билади, дейсиз, улар ҳам мамлакатнинг бирор ковагидаги тергов изоляторида тергов бераятиларми? Мени кўрганда етти букилиб салом берадиган, қўлимдан дон еб юрган казо-казолар қаёққа йўқолишиди экан? Фақатгина хотиним Насибахон менга вафо қилса-я, гапга кирмайдиган ўғил-қизларни тарбиялашни, рўзғорнинг оғиренгилини зиммасига олиб, мен чекаётган азоб-уқубатларга шерик бўладиган ягона вафоли дўст хотинимдан бошқа ҳеч ким эмаслигига ишонмаслик фирт аҳмоқлик эмасми? Нега ҳалигача турмуш ўртоғимни уриб, сўкиб, хафа қилдим?!»

Худойқулов оғир хаёлларга берилиб, кўзи уйкуга кетса-да, сесканиб уйғониб оларди-да, яна ухлаб қоларди. Хаёлида ишшайған башаралар, айғир отдек ер тепиб, дўппослашга шай турган Болтаев, ёнида ухлаётган девсифатнинг иккита шохи бор эмиш, терговчининг эса тишлари овчарка итникидек иржайиб турганмиш.

«Еб ютиб юборади, еб ютиб юборади», қўрқинчли кўринишдаги махлуклар кўз ўнгига намоён бўлиб, уйқу билан бедорлик оралиғида азоб чекаётган Худойқулов бақириб юборди ва ўз овозидан уйғониб, туриб ўтириб олди.

Ширин уйқудаги девсифат бир қимиirlаб қўйидида, кўп ўтмай хурракни тортаверди.

— 4 —

Рафиқнинг яқинлари юқори идораларга ёзган шикоят хатлари оқибатсиз қолмади.

Республика прокуратураси қайтадан жиноий иш қўзғатишиб, Жобир раисни ўлдирган қотил аниқланди.

Бунинг учун Жобир раиснинг қариндошлари шикоят хатларида тергов сурештирув ҳаракатлари холисона олиб борилмай, аслида қотиллик содир этган жиноятчи озодликда қолиб, бегуноҳ бир инсонни қаматиб юборганикклари ҳақида ёзишиди.

Терговчи Баширов тазиқи остида гувоҳ ўтган болалар сўроқ қилинди. Қотиллик содир этилган кун ва соатда Рафиқ пахта пресслайдиган дастгоҳда ишлаганилиги, иш вақтида иш ўрнини ташлаб кета олмаслиги тасдиқланиб, ўнлаб ишчилар ёзма равишда гувоҳлик беришиди. Ваҳоланки, қотиллик содир этилган манзил район марказидан етмиш километр масофада бўлиб, у ерда бўлаётган тўйга Рафиқнинг бориши ҳеч бир мантиқа тўғри келмас эди.

Рафиқ район марказига етмасдан машинадан тушиб, шофёрга йўлкира ҳақини берди-да, сафар халтасини елкалаб, тош йўлдан ўзи туғилиб ўсган маконга йўл олди. Пахса деворлари қулаб тушиб, тuya ўркачидек шумшайиб қолган девор оша ҳовлисига қараб, кўнгли бузилди. Бироқ «Йигит киши йиғламайди», деган ақида эсига тушиб, ўзини қўлга олди ва дадил юриб, дарвоза зулфини урди. Кичик табака очилиб, ундан бопига саргилак ёпиниб олган, юзларини ажин босган она ўғлига термулиб қараб қолганди.

— Она, — деди Рафиқ. — Фақат ўзингиздан кетиб қолманг, илтимос.

— Йўқ, — деди она. — Дийдам қотиб бўлган. Фақат сен йиғламассанг бўлгани, қўзичофим.

— Она, сизни жуда-жуда ҳам соғиндим.

— Менам сени соғиндим, — дерди она. — Ахир сен менинг қўзичофимсан-ку!

КҮШМОЗОР

— 1 —

Төг оралиғидан ўтган тезоқар дарёни кечиб ўтиб, ўнг тарафда баланд қирлар, чап томонда турли шаклда ястаниб ётган қоялар, тошлар билан ўралган водийта кириб бораяпмиз. Паст-баланд тепаликтерден ўтиб, мұйжазгина қишлоқ устидан келиб қолдик.

Қишлоқ итлари машинамиз ёнида чопиб, ўзларига тегишли манзилдан чиқиб кетгүнимизгача таъқиб қилиб келмоқда. Итларнинг важоҳатидан кўрқмасдан иложингиз йўқ, ғазаб ва нафратлари шу даражада кучлики, гўё сиз бир замонлар номи тилга олинганда манаман деган ботир йигитлар қўрққанидан жойида ўтириб қоладиган Эшназар мирохўрдан ҳам даҳшатлисиз. Машинамиз тўхташи билан ҳозиргина бизни ғажиб ташламоқчи бўлган кўппаклар бир ғингшиб қочиб қолдилар. Сабил қолгурлар калтакдан кўрқадилар-да.

Машинадан тушмасимиздан дўпписи пешонасида, чопонини елвагай ташлаб, оёқяланг солланиб келган қирқ ёшлар чамасидаги киши бошини ғоз кўтариб, илжайганича биз билан қўл бериб саломлашди. Эгасини кўрган кўппак бир ҳуриб бизга ташланди. Уй эгаси ер телиб, «Тур!» демаганида бирор кори ҳол юз бериши мумкин эди. Қопағон итни бўйнидан боғлаб олиб кетишиди.

— Адҳам Мустафоев домла сиз бўлсангиз керак, деб тўхтадик, — деди ҳамроҳимиз Фозихўжа.

— Адашмадингиз, — деди уй эгаси. — Қани, ичкарига.

— Вақтимиз зиқроқ, — деди Фозихўжа. — Биз «Кўш мозор»ни зиёрат қилмоқчийдик. — Йўқ демасангиз, шароит дегандек. Бу кишилар газета мухбирлари.

— Яхши, — деди Адҳам домулло. — Демоқчисизки, бирорта жонлик?

- Ҳа-да.
- Ширвозми ёки пишган улоқми?
- Сизга қайси маъқул бўлгани, — дедим мен.

Чамаси икки соат вақт ўтиб, тоғ дарасида, улкан чинор соясида ширвоз гўштини тўйиб еб, устидан ер остидан отилиб чиқаётган муздек чашма сувидан ичиб роҳатландик.

Икки тарафи баланд қир, тоғ тарафи улкан қоялар билан ўраб олинган сойлиқда серсув чашма кўзида минг йиллик воқеаларни ўзида муҳрлаб, тоғ жондорларига, вақти-вақти билан биздек сайёҳларга оз бўлса-да роҳат бахш этадиган улуғ чинор тоғ шамолида солланаяпти. Диққат билан эшитсангиз, гоҳо қувноқ куй-қўшиқлар айтади. Гоҳида мискин, мунгли қўшиғини айтганида, унинг гўзал япроқлари титраб, улуғ чинорнинг тенгдоши қора қарғалар учиб келиб, уни юпатади. «Йиғлама жоним, сен шу гўзал водийнинг маликасисан! Кел, ҳаммамиз жам бўлишиб она табиат мадҳини куйлайлик, майнингина шабада қўшиғимизга жўр бўлади». Чинор бир силкиниб кўксидаги дардни тўkkанида, тоғ шамоли унинг дардини, ғам-аламини узоқ-узоқларга олиб кетади».

— Адҳам домулло, — дедим мен. — Кам деганда икки юз йиллик воқеалардан хабарингиз бор. Айтингчи, не сабабдан бу чинорларни «Күш мозор» дейишади?

Домулло дўпписини пешонасига қийшиқ кўйиб, бошини ғоз кўтариб, йўталиб олди-да, бироз ўйланаб тургач, секин ҳикоясини бошлади.

— Эшитганимни айтсам бўлади, аммо ёлғоняшиққа тоқатим йўқроқ. Қариялар айтишларига қараганда, ҳар юз йилда бу улуғ чинор икки кишини, яъни ошиқ-маъшуқнинг қонини ичармиш. Орангизда ким қуш тилини билса, қарғадан сўрасин, дараҳт тилини билса, минг йиллик тарихни биладиган мана шу чинордан сўрасин. Ривоятнинг рост ёки ёлғон афсона эканини айтиб беради.

Қадим замонда бизнинг овулимиизда ёши қирқдан ўтиб, элликни қоралаган бир чапани киши яшаган экан. Ўша чапани Норқулнинг бахти чопиб, эри бегона юртларга кетиб, бева қолган Норгул деган аёлга уйланиб олади. Ёш ва тўзал Норгул эри билан кўй-эчкиларини боқиб юради. Норгул қўй, эчкиларини соғиб, қатиқ, кувада сариёғ қилиб, тош ўчоқда кумоч пишириб кун кечиради. Қорда, совуқ-изгиринда юриб, сомонхоналарда ухлаб ўпкасини шамоллатиб, қон тупуриб юрадиган Норқул хотинини кўрмаса туролмас экан. Аммо кечалари хотинини кулбада қолдириб, ўзи қўйхонада қўйларни ўғрилардан, бўрилардан қўриқлаб қўй охурида ётиб юаркан. Ўн тўрт ёшли, ўн тўрт кунлик ойдек очилган Норгулойнинг нозу карашмаларига эътибор бермас экан.

«Гуркираган баҳор чоғимда мени кўнглимдагидай эркак бўлмаса, бу бевафо дунёда яшашдан не ҳожат. Бу касалванд йўталиб, қон қусишдан бошқасига ярамаса! Эй худо, афти-башараси хунук бўлса-да, бақувват бир эркакни менга етказ, кейин жонимни суғуриб олсанг розиман!» — деб яратгандан илтижо қиласкан бечора аёл.

Айни ўша вақтда қишлоғимизда Соли совуқ деган бир айғир яшаркан. Тентакнамо десам ошириб юборган бўламанку-я, мақтанчоқроқ, аммо, лекин эшакни эркагидек бақувват йигирма икки ёшлик йигит икки марта уйланди. Кўзи чиққудек бўлиб хотинига ёпишган бўлса керак, бечора келинчак ичидан қон кетиб ўлиб қолган дейишади.

Хотинининг қирқини ўтказиб, Казаякли саройдан биттасини йигирма чори қўй қалин бериб, олиб келиб беришли. Хотин десангиз, хотин эмас, нақ алвастининг ўзи. Бетлари товоқдек, сонлари сизнинг белингиздек келади, дейишади. Оёғига ковуш сиф-

май ялангоёқ келганиши. Ўзиям бир корсон аталани бир сипқориша ичиб, тагини ялаб қўяркан.

Бу шўрликнинг ҳам куни битган экан, ўн беш кундан кейин нариги дунёга равона бўлди.

Соли совуқ, белига шохи белбоғ, бошига оҳори кетмаган қалпогини кийиб, қулига таёқ олиб, шундай ўкириб йиғлаганмишки, унинг ноласидан дарахт шохларида чуғурлаб ўтирган зоғчалар гуриллаб учган, уй деразалари титраган дейишади. Соли совуқقا ҳеч ким қизинику бермасди, ҳатто кунидан қолган бевани ҳам беришмади. Шўрлик Соливой дарди ичиде юрувди, елкасига кўза кўтариб, рўмолини бошига елвагай ташлаб Норгулой бир-бир босиб келаяпти. Иккиси бир-бировига юзма-юз келганида Соли совуқнинг кўкрагида олов ёнди. Аёл ҳам рўмол учини тишлаб, қаршисидан келаётган йигитнинг яrim юмуқ кўзларига тик боқди ва мийигнида жилмайиб қўйди-да, шаҳдам қадамлар ташлаб ўтиб кетди. Йигит жойида туриб қолди. Аёл изига бурилиб қараб, ҳайкалдек қотиб турган йигитга қиё боқиб, ёқимлигина жилмайганича бурилиб, йўлида давом этди.

— Устингизни қалин қилиб кўрпа ёпиб ташлайман, қўзғалмай терлаб ухланг, мен қўйқўрада, охурда ухлайман. Тўхча эчкимиз түфса, улоқчасини кўйлар босиб майиб қиласи, хўп? — деди Норгул эрига.

Аёл кўз ўнгиди Соливойни тасаввур қилди: «Мени ўлдира олмайсан! Мулло Соли, тезда жон берадиган аёллардан эмасман», — аёл ширин хаёллар таъсирида кўзи илашиб, қотиб ухлаб қолди.

«Ўзиям хотинмисан хотин, Норкул қўксовга ким кўйибди бунақасини. Тўртта тиррифингни боқиб юравермайсанми?» Шундай хаёллар оғушида Соливой яrim тунда ўрнидан турди-да, секин юриб, кеча кечаси Норгул кириб кетган оғилхонанинг орқа тара-

фидан борди. Қўй қиёларини босиб, туйнукдан мўралаган чоғда қўйлар хуркиб, дупурлаб қўйхона бўйлаб чопа кетдилар. Сесканиб уйғонган Норгул қўзларини уқалаб, қўлига таёқ олиб туйнукдан бош чиқарган кишининг бошига урди. Бир инграб, орқасига йиқилиб тушган Соли совуқни таниганидан кейин, оғзини қўли билан ёпиб роса кулди. Кулавериб, қўй охурига йиқилиб тушди.

Эртаси куни Норгулой ўқчаларини ликиллатиб ўтаётганида қархисидан келаётган Соли совуқ билан юзма-юз туриб, ширингина жилмайиб, кўз қисиб ўтганида Соливойни қора тер босди: «Бу кечаси келаман», дея шивирлади Соли совуқ.

Норгул билан Соливой тил топишиб, ярим тунда чинор остида учрашдилар.

Норгул йўлини қилди. Икки ошиқ муродига етди. Шунда Соли совуқ:

— Норгул, биласанми, шу ҳунарингдан мени хабардор қилганингда икки хотинни умрига зомин бўлмасдим, нега айтмадинг?!

— Сени қараю тентак! — деди Норгул шивирлаб. — Эшак эканлигингни қаёқдан билардим?

Ярим тунда йўталиб, нафаси бўғилиб ўлиб қолишидан қўрқиб сакраб турган Норқул ўчоқда илиқ турган обтаводаги сувдан ичди-да, ташқарига чиқаётиб, қўй шовуридан сесканиб тўхтаб, ўзини девор соясига олди. Ойдин кечаси ҳаммаёқ кундуз кунидек ёруғ, салқин куз кечаси. «Қўйга ўғри дарибди, Норгул бечорани сўйиб, бир-иккита қўйни олиб кетса-я», деган ўй унинг миясига чақмоқдек урилди.

«Қўй ўғрисини нақ пешонасидан отиб ташлайман!» — унинг йўтали тутиб, жойида ўтириб қолди. Бу чоғда қўйхона туйнугидан Соли совуқ кириб, қўйлар хуркиб, оғилхона бўйлаб чопаётган эди.

— Кет, ҳозироқ қорангни ўчир! — дерди ялиниб Норгул. — Аnavи кўксов билиб қолди, бир балони бошламаса!

Бир тарафдан, қўлга тушиб эл орасида шарманда бўлиш, яна бир ёқдан, қаршисида беданадек чулдирраб турган жонон билан жуда-жуда ҳам зарур бўлган шоҳона иштиёқни қондириш хоҳиши ёнма-ён турарди. У ҳеч нарса демасдан ўйнаши белидан ушлаб ўзига тортди-да, унинг лабларидан, юзларидан ташналик билан ўпаверди. Унинг қўллари аёлнинг ҳамма аъзоларини пайпаслаб ташлади. Аёл ўйнашини бoshинг, кўзинг демасдан дўппослар, қўллари билан кучли, забардаст, жиннилардек ўз вужудини идора қилаолмайдиган эркакни кўкрагидан итариб ташлашга беҳуда уринарди. Аёл таслим бўлди. Ўзини ўйнаши ихтиёрига қўйиб берди.

Бечора Норқул отасидан мерос қолган пилта милитиқни қидириб топиб, ўтхонасига дори солиб, кейин чўчқа ўқ жойлаб, устидан пахта тиқиб, шампул билан яхшилаб жойлаштирди. Ёнида юрадиган чақмоқни, пичоқли белбоғини белига боғлаб, йўталаётала қўйхона томон юриб кетди.

— Тезроқ бўлсангчи! — нола қилди аёл. — Сен эшак эмас, айиқсан, итсан! Ана у йўталиб, келиб қолди.

Қўйхона эшиги шарақлаб очилиб, қўлидаги милитиғи билан Норқул турарди.

— Таслим бўл муттаҳам, менинг хотинимга кирганинг учун Суюн ўғрига айтиб, сени дарахтга итдек остирмасамми!

У ёнидан гугурт олиб пилтани ёқишига беҳуда уринарди. Гугурт унинг чўнтағида нам тортиб ёнмади. Бечора Норқул пичоги ёнида осиғлиқ чақмоқтошни ёқишига беҳуда уринди. Бу пайт орасида Соли совуқ ишини битириб чоловорини кийиб олганди. Бечора Норқул милитиқни итқитиб ташлаб, чўпон пичогини қинидан чиқариб, Солини чаваклаб таш-

лаш учун йўлини тўёди. Аммо йўтали тутиб жойида ўтириб қолди. Соливой рақибини тепиб, йўлини бўшатиб қўйхонадан чиқиб кетди.

Соли совуқ отасидан калтак еб юриксиз бўлганларидан кейин Норгулни олиб тоқقا қочди. Кечаси келиб, уйидан кепанак, қозонча, тавоқ, нон, туз олиб кетиб, тоғда каклик, қўён овлаб севгилиси билан айшини қилиб юраверди.

— 2 —

Мулло Холмаҳмат мирзаси, муовини Ўринбеклар Эшназар мироҳўрнинг ёнида туну кун бирга бўладилар. Бек ўзи туғилиб ўсган кишлогида дам оляпти. Садақайрағочлар соясидаги шосупада қалин гиламлар, гуллик наматлар, баҳмал кўрпачалар тўшалиб, семиз лулалар солиб ташланган. Эшназар мироҳўр бешотар милтигини тиззасига қўйиб, олмос тиғли қиличи сопини ушлаб, қовоғини осиб ўтирибди. Дарёнинг нариги соҳилидан «укки»нинг қийқириги эшитилди.

— Қара! — деди бек. Бошини кўтариб атрофга разм солди, тепасида садақайрағоч шоҳида тўр саватда каклик нари сал нарироқдаги тўр саватда донлаётган мода каклик томонга қараб туриб, турли рангларда товланаётган патларини ҳурпайтириб, туйқус сайради. У бошини гоз кўтартганича меҳр билан, бор маҳоратини ишга солиб, қандайдир инсон тушумайдиган тилда, аммо киши қалбини жунбушга соладиган мусиқавий оҳанг билан тўхтовсиз сайради.

— Абдулло халифа келибдилар, — деди Мулло Холмаҳмат.

— Келаверсин, — деди бек ўрнидан туриб, меҳмон истиқболига секин юраркан.

Абдулло Чор китобни, Мирзо Бедилни ва бошқа диний китобларни мутолаа қиласиган мулловачча

даражасига етишди ва Бухоро мадрасасида таҳсил олишни давом этди. Бухоро Амири Жалидизмга қарши террор уюштирган чоғда Абдуллонинг ҳомийси Бухоро амирининг вазирларидан бири, Бухоро мадрасасининг мударриси Маҳмадали Тўқабо Абдуллони ҳайтини сақлаб қолиш учун Афғон табибларига қўшиб, мамлакатдан чиқиб кетишига ёрдам берди. Абдулло етти йил тогу тошларда қишин-ёзин табобат сирларини ўрганди ва улуғ алломалардан сабоқ олди. Устозлари билан шифо излаб келган беморларни даволаб тажриба ўтказаркан, илон заҳри, табобат гиёҳлари билан даволаш, дуо билан инсон танасини оғриқсизлантириб, хирурглик амалиётларини амалга ошириш сирларини ўрганди.

Туркиянинг Рум шаҳрида мадрасада мударрислик қилиш баробарида табиблик амалиётларини бажаришда давом этди. У зотга Абдулло Румий ҳамда Халифа тахаллуси берилиб, кейинчалик ҳарбий врач сифатида Болқон урушида иштирок этди. Жангу жадаллар чоғида Абдулло Румий ҳам душман томонидан асир олинди. Турк зобитлари қаторида Абдулло Румий ўлимга маҳкум қилинганди. Сафда турган турк ҳарбий раҳбарлари қатл этилиб, ҳарбий табиб Абдулло Румий тирик қолди.

— Сен бошқа диндаги инсонни, бунинг устига, сенинг давлатингга қарши уруш ҳолатила бўлган давлатнинг ҳарбий раҳбарини даволайсанми? — дея сўрашди.

— Ҳа, — деди Абдулло Румий. — Мен табибман. Ҳар қандай инсонни, ҳар қандай шароитда даволаш менинг бурчим деб ўйлайман.

Табибни оддийгина турк тақводорлари либосида, ўзининг табиблик ускуналари билан оғир жароҳат олиб, ўлим билан курашаётган ҳарбий бошлиқ ҳузурига олиб боришди. Тоғ дараларида, биёбонларда

ўсадиган гиёхларни териб келиб, малҳамлар, доридармонар, махсус эритмалар тайёрлади. Жароҳатни махсус эритма билан ювиб, ҳалок бўлган қон танаҷаларини малҳам ёрдамида олиб ташлади. Қон томирларини, асаб толаларини дуо билан улади. Жароҳатини махсус эритма билан ювиб турди. Орадан бир неча кун ўтмай бемор ўзига келди ва оёққа турди.

— Сенга юқори лавозим, олий мартаба берамиз, — дедилар.

— Йўқ, — деди табиб.

— Сўра тилагингни! — дейишди.

— Озодлик беринг, — деди табиб.

— Сен озодсан! Катта бойлик, олий мартабалик бўлдинг. Одамларимиз борадиган манзилингга олиб бориб қўйишади.

— Менга битта хачир, ўзимнинг ашёларимни берсангиз бас, ўзим кетавераман.

— Олтин тангалардан, аъло ҳазратларининг марҳаматидан ҳам воз кечасанми?

— Ҳа, — деди табиб.

— Сенга ҳужжат беришади. Рус тупроғида дахлсиз инсонсан. Борган манзилингда қўмак беришади. Сен жаноби олийларини даволаб сафга қўйдинг. У улуғ зот сен билан суҳбатлашмоқчилар.

— Сен, ҳеч бир табибни қурби етмайдиган амалиётларни бажардинг. Айтишларича, менинг ҳаётим қил устида турган экан. Не сабабдан олий мартаба, менинг мукофотларимдан воз кечдинг? — деди жаноби олийлари.

— Мен табибман. Табиб учун энг улуғ мартаба, лавозим ва мукофотлар бемор ҳаётини асраб қолишни оллодан тилашдир.

— Сени яратганни ўзи паноҳида асрасин, — бироз сукутдан сўнг, — сенга ҳавасим келади, борақол, — деди олий мақомдаги раҳбар.

Абдулло Румий ватанга қайтди. Айни чогда Ислом мужоҳид қўшинларининг табиби. Ҳозир Эшназар мирохўрнинг таклифи билан унинг ҳузурида турибди.

— Қадамларига ҳасанот, — деди бек Эшназар. — Хуш келибсиз.

— Оллога беодат шукроналар бўлсинки, сиз жаноблари билан дийдор кўришиб турибмиз.

— Кутлув, — деди бек Эшназар. — Сизга илтиносимиз бор.

— Айтсинлар, — деди табиб.

— Дўстингиз Маҳмадали Тўқсанбо жаноблари қози ҳамда муфти иштирокида жазолашни таъкидлаганлар. Большавойлар қози, муфти, мингбоши, амин ва бошқа лавозимларни бекор қилганидан хабарингиз бор. Мен ўғрини, зино қилувчини ва бошқа жиноятчиларни жазолашим керак. Жиноятчилик авж оляяпти. Яхши от миниб, қўлига яроғ олган зўравонлар ўзларини босмачи эълон қилиб, бечораларни молу мулкини тортиб олиб, аёлларни номусига тегаяпти. Қози, муфтининг ўзи йўқ! Сиз муҳтарам Абдулло халифа, дўстингиз Маҳмадали тўқсанбога мактуб йўллаб, менга, яъни Эшназар мирохўрга мадад керак эканлитини илтимос қиласиз. Қонунларимизнинг жонкуяр ҳимоячиси эканлигимни айтасиз. Яна шу нарсани айтиб қўйингки; менга ўн нафар йигит яроғи, оти билан керак! Улусдан солик йиғиб, мужоҳид қўшинларига оз бўлса-да мадад бермоқчимиз.

— Мъқул, — деди Абдулло Румий.

— Мулло Ҳолмаҳмат! — хитоб қилди бек. — Заррин чопонни, шириккамонни олиб келинг!

— Мирохўр, — деди Абдулло Румий. — Мен бу сарупони мужоҳид қўшинлари хазинасига тортиқ қиласман.

«Бу тақводор инсон ҳеч қачон олтин тангаларни, заррин чопонни олмайди».

— Қуллуғ, — деди Абдулло Румий. — Мактубни ўқиб чиқиб, ёнидан кумуш мұхрға дам солиб, хужжатнинг керакли жойига босиб, Мулло Холмақматга узатди.

— Тақсир, — деди бек Эшназар. — Ҳезалак қишлоғига сафаримиз бор. Истардимки, сиз жаноблари ҳам бизга ҳамроҳ бўлсангиз.

— Не тадбир экан? — сўради табиб.

— Бир нобакор эрининг кўзи ўнгига аёлининг номусига текканмиш, эртага шу иблисни жазоламоқ учун бораяпмиз, албатта ҳалойиқ олдида.

— Қуллуғ, — деди Абдулло Румий. — Мулло Шодига дуои саломимизни етказинг.

— 3 —

Олдинда келаётган саман байталда бек соллониб келаяпти. Унинг орқасидан мулло Холмақмат, Ўринбек келаяптилар. Ёш йигитлар отлар жиловини ушлаб, бекларни тушганларида қассоб панжи қўйни бекнинг оёқлари остига ётқизди. Бек бош чайқаб изн бермади.

— Қани жойга, — деди Мулло Шоди.

Беклар шоҳсупага жойлашиб олганларидан кейин мулло Шоди:

— Мироҳўр, қадамингизга ҳасанот, хуш келибсиз.
Бек Эшназар қовоғини солиб ўтирибди.

Давра сув сепгандек тинчиб қолди. Дараҳт шоҳларидан макон топган қушларнинг сайрапи, тиниқ ва беғубор осмонда баландлаб, қанот қоқмай учеб юрган «Йилқичи қуш»нинг от кишинашидек қий-қириғи қўрқинчли, ташвишли бу сукунатни бузишдан қўрқмасди.

— Бир бечоранинг хотинини тортиб олган, шари-

атни оёқ ости қилган зўравонни олиб келдингизми?!
— деди бек Эшназар.

— Биз уларни олиб келиб, кўл-оёқларини қулуғлаб ташлаганмиз, — деди Мулло Шоди. — Йигитларимиз қирдан туриб уларга: «Эшназарбек сизларни никоҳлатиб қўяршишлар», деб қичқирганларидан кейин топилиб келибдилар.

— Арз қилувчини олиб келинг! — хитоб қилди бек.

Бечора Норқул уст-боши йиртиқ, ямоқ, соч-соқоли ўстган, савдоининг ўзгинаси бўлиб қолган.

Қархисида оқ чакмонли, юзи узун, тиззасида урус милтиқ, ўнг қўли қилич сопини ушлаб ўтирган чақчайган инсон қиёфасидаги азроилни кўриб турсада, азроил сифатли кишини оғзи қимираганини кўриб турса-да, қулоқлари чинқириб, ҳеч нарса эшитмасди. Бора-бора атрофдаги дунё афдарилиб, дарахтлар, одамлар, даҳшатни бек ҳам бошқа одамларга, дов-дарахтларга аралашиб, чархпалак бўлиб айланбашилари.

Норқул эсини йўқотиб йиқилиб тушди-да, ичини ушлаб титрайверди. Унинг қиёфаси аянчли тус олиб, ўтирган кишиларни ваҳимага солди. Эл оқсоқоли энгашиб, жон талвасасидаги Норқулни елкаларини ўқалаб, юзига сув сепиб ўзига келтирди.

— Сенинг арзингни эшитиб, жиноятчиларни жазолаш учун Эшназарбек ўзлари келибдилар, — деди эл оқсоқоли. Норқул кўз ости билан хўмрайиб ўтирган бекка қаради: «Жиноятчини жазолаш, менинг арзимни тинглаш» чакки эмас!

— Бек, — деди Норқул ўзига келиб. — Мени хўрлашибди, никоҳимдаги хотинимни кўз ўнгимда босиб хотин қилди. Кейин тоқقا олиб кетиб хотин қилиб юрди.

— Бўлди бас! — хитоб қилди бек. — Хотинингга талоқ айтасан!

— Уч талоқ, беш талоқ! — деди Норқул, құрқаныдан титраб.

— Олиб кетинг ва ошиқ-маъшуқтарни олиб келинг! — хитоб қилди бек.

Икки ошиқ-маъшуқни бекнинг олдига олиб келишди.

— Сизларни никоҳлаб қўйишса розимисиз?! — сўради бек Эшназар.

— Розимиз, — дейишиди ошиқ-маъшуқлар.

Ҳайратдан оғзи очилиб турган мулло Шоди: «Ё қудратингдан, ё парвардигорим! Нималар бўляяпти, наҳот Соли совуқни ўйнашига никоҳлаб қўшиб қўйса?»

— Мулло Шоди! — хитоб қилди бек.

— Лаббай тақсир, — қўллари кўксидаги эгилиб деди мулло Шоди.

— Ошиқ-маъшуқларни никоҳланг!

— Бош устига, — деди мулло Шоди.

Орадан ярим соатлар чамаси ўтиб, оғзи қулогида севинган келин-куёвлар бекнинг қархисида, таъзим қилиб турибдилар.

— Сизларга келин-куёвлик муборак бўлсин!

— Қуллуқ тақсир, — дедилар келин-куёвлар.

— Хўш, — деди бек жилмайган бўлиб. — Не сабабдан бироннинг никоҳидаги аёлни эри кўз ўнгига номусига тегдинг?! — Бекнинг кўзларида яшил олов чақнади.

Соли совуқнинг қиёфасида ўлим соя солганди.

— Сендан сўраяпман! — хитоб қилди бек жаҳл билан.

— Аслида, — деди Соли совуқ. — Айб менда.

— Хўш, гапир! — тишлари орасидан секингина деди бек.

— Оғилхонага пойлаб бориб, Норгулни бўйнига пичоқ қўйдим. У яшаши керак.

— Сен ўзинг рози бўлдингми ёки манави Совук сени зўрладими?!

Бевақт ташриф буюрган бойқушнинг мунгли сайраши ваҳимали сукунатни бузди. Бу маҳлуқлар фақат нохуш хабарларни олиб келади ва ҳеч бир бекдан, ҳатто жаллод қиличидан сесканмай керакли вақтда, керакли жойда зиммаларидағи вазифаларини астойдил адо этадилар

— Сендан сўрайпман, эй хотин! — хитоб қилди бек.

— Мен ўзим мулло Солини йўлдан урдим.

— Сен қандай жиноят содир этганингни ва қандай жазога лойиқ эканлигинги биласанми?!

— Ҳа! — деди аёл.

— Хўш, айтчи? — деди бек. — Қандай жазо олишга тайёрсан?!

— Ўлим, — деди аёл.

— Сен жазо олишга тайёрсан, — деди бек кулимсираб. — Мулло Солини озод қилишимни истаяпсан, шундайми?

— Ҳа.

— Сен менга айтчи, — деди бек Эшназар. — Мулло Солини ақли жойидами ёки гоҳида, айтайлик, жинни бўлиб қоладими?

— У соғлом, — деди аёл.

— Балли, — деди Эшназарбек. — Соғлом инсон бирорнинг хотини жилва қилса, ундан нарироқ юради. Иккалантиз ҳам ўлимга маҳкумсиз!

Ошиқ-маъшуқларни қатл жойига олиб ўтишиди.

Қатл ижро этилгач бек Эшназар:

— Ошиқ-маъшуқлар шу ерга, ёнма-ён дафн этилсин, отларни олиб келинг! — деди.

Беклар кетганларидан кейин кўп вақт ўтмай гарбдан қаттиқ шамол эсиб, минг йиллик чинор шохлари қаттиқ чайқалиб, мунгли овоз бераверди. Учиб келган

қаргалар шамол қаршилигини енгип, ваҳимали чийиллаб чинор устида чарх уриб айланарди.

Ҳозирги кунларда ҳам Соли совуқ билан Норгулни арвоҳлари тоғу тошларда санқиб юрганини кўрган одамлар бор, — деди Адҳам домулло.

— Бу ҳақда яхшигина қисса ёзса бўларкан, — деди ўртоғимиз тарағайлик Пўлат шоир, кейин хўрсиниб қўйди.

— Бу ажойиб воқеани мен ёзаман, — деди ёзувчи Фози Раҳмон, ёндафттарчасига алланималар ёзаркан.

Ҳаммамиз ҳозиргина эшитган қиссамиз таъсирида домла Адҳамга қарадик.

— Менинг эшитганим ҳозир айтган мунгли қиссадан бошқаси эмас, балким бошқа ҳикоянавис бошқачароқ, чиройлироқ қилиб айтиб берар, мен эса ёлғонни жиним ёқтирмайдиган оддий бир математика ўқитувчисиман, — деди.

Қаттиқ шамол эсиб, чинор шохлари улуғворлик билан солланиб, унинг гўзал япроқларидан чиққан сас минг йиллар мобайнида айтиладиган қушлар қўшиғига жўр бўлиб, она табиат мадҳини куйларди.

ҚОЧОҚ

Уруш йиллари. Очарчилик авжига чиққан. Устигаустак, бўйи милтиқ бараваридаги ўсмирларни ҳукумат кишилари тутиб олиб қамаб қўядилар-да, ёшига ёш қўшиб, армия хизматига лойиқ топиб, фронтга жўнатишади. Ёши олтмишдан ўтган кексаларни эса ёшидан олиб ташлаб, ҳужжат ёзадилар-да, ишчилар батальонига сафарбар

қиладилар. «Бир ҳисобда яхши, ҳеч бўлмаганда яланг оёқларимизга этик, устимизга яп-янги либос берадилар. Ўлмас овқат беришади. Ажалимиз етмаган бўлса, бир кунмас-бир кун Ватанга қайтиб келамиз», деди юк вагонига жойлашиб олган қочоқлардан бири.

— Сиз айтган уст-бошни қачон беришаркан? — сўради соч-соқоли ўсиб, жулдур кийим кийган норгул ўспирин.

— Фронтга яқин борганимизда ҳаммомда ювинтиришади, ҳарбий либос беришади, кейин эса яхшигина чиниқтириб, урушга соладилар.

— Қанча вақт чиниқтиришади? — қизиқсишиб сўради улардан биттаси.

— Айтишларича уч ой.

— Қочишнинг иложи йўқмикан? — шивирлаб сўради яна бири.

— Дезертир қилиб отиб ташлашларини истамасанг, — деди билағон йигит. — Ҳозироқ қочганинг маъқул.

— Аввал кийинтиришсин, — деди мажнунсифат бир қочоқ. — Кейин қочиб кетишни мендан ўрганишсин.

— Отиб ташлашади!

— Барибир урушда ўламиз-ку!

— Урушда ўлсанг, жаннатга борасан! Отиб ташлашса ўлигинг итнинг ўлигидек қадрсиз бўлади. Ўзбек халқи номига иснод келтирасан!

— Қўйинг бундай ёмон гапларни, поездимиз қачон жўнайди? — деди бир йигит.

— Болта тўхтаганда, — деди бирори, — кунда дам олади. Йўлга кетаяпмиз.

— Разговори! — хитоб қилди вагон эшигига бораётган аскар.

Вагон сув сепгандек тинчиб қолди.

Соч-соқоли устарада олинган озғин ўспириң катта-катта күзларини вагон эшиги оша от мингтан, түя етаклаган кишилардан узмай ҳомузга тортди. Кейин сафар халтасига ёнбошлаб:

— Бир ой йўл юрадиган бўлсак, иссиқда қовуриларканмиз-да, битга емиш бўламиз. Сабил қолгурлар баданин галвир қилиб ташляпти.

— Озгина юрганимиздан кейин, — деди билағон йигит. — Совуққа кўниксанг керак.

Ҳамма ўз тақдирни ҳақида, бегона юртларда кўмилиб кетадиган ёшлиқ чоғлари, орзу-умидлари ҳақида хаёл сурардилар.

Баъзилари кўкраклари орден, медалларга тўлиб, ҳарбий кийимда жонажон Ўзбекистонга қайтиб келишни, Тошкент вокзалида мусиқа садолари остида, жонон қизлар гулдасталар билан кутиб олишларини тасаввур қилардилар. «Фолиб бўлиб қайтамиз», дея хаёл сурардилар.

Кеч кирди. Бўлажак аскарларга нон тарқатилиб, иссиқ овқат берилди.

— Командир, — дея сўради сочи устара билан олинган йигит. — Қачон жўнаймиз?

«Қочиш керак, күшхонага ҳайдалаётган моллардек қамаб олиб бораяптилар».

— Солдат спет, служба идет! — деди қизил командир.

«Қизил вагонда уч қатор кроват, юзлаб одам шу вагон ичиди ёзилади. Сасиб, бижгиб, ойлаб йўл юрсак, кейин кийинтириб, қўлингга ёғоч милтиқ бериб урушга солса! Қочмаган номард!» — дея хаёлидан ўтказди соchlари устара билан олинган йигит.

— Исминг нима? — дея сўради қизил командир.

— Менинг исмим Жаҳонгир, — деди соchlари устарада олинган йигит.

— Сен аввал ўғри бўлгансан? Шундайми?!
— Ҳа! Ўғри бўлганман! Сен ўзинг ким бўлгансан, оқкулоқ? — жаҳл билан деди Жаҳонгир.

Узун бўйли, озғин, соchlари, қошларигача сапсариқ, йигирма беш ёшлар чамасидаги сержант Жаҳонгирга термулиб турди-да, қўл силкиб, ёнидан тамаки халтасини олиб махорка ўради.

Тун. Секин бораётган эшелон муюлишда паровоздан келаётган тутунга ботди.

Жаҳонгир секин силжиб, ухлаётган қоровул ёнидан очиқ эшикка борди. Вагон эшиги киши сифадиган даражада очиқ эди. У секин силжиб, орқаси билан эшикдан чиқиб олди ва сакради. У думалаб пастга тиканакларга бориб тўхтади. Поезд ўтиб кетиб, филдираклар товуши узоклашгандан кейин, «Худога шукур» деди.

Коронғу тун, атроф сокин, димоғига янтоқ ва бошқа гиёҳлар бўйи урилиб, кўнгли равшан тортди. «Бир кун бўлса-да, эркин яшаш керак», хаёлидан ўтказди қочоқ.

Темир йўлдан ўттиз- ўттиз беш қадам нарироқдан арава йўли ўтади. Қочоқ тиканакларни босиб ўтиб, арава йўлига ўтиб олди-да, палахса-палахса бўлиб ёрилиб, яра-чақа бўлиб кетган оёқларига ёпишган тиканакларни териб ташлади. «Биттагина бозор кулчаси билан биттагина тарвуз бўлсайди, мазза қилиб еб олардим», хаёлидан кечирди қочоқ.

Кимсасиз разъездлардан бирида ҳарбий вагонлар қолдирилди. Эрталаб йўқлама қилиниб, Жаҳонгир Қорабоев қочгани аниқланди. Тезда телеграфлар ишга туширилиб, станцияларга хабар тарқатилди.

Қочоқ ёмон оқибатлар бўлишини сезди. «Қочиш керак. Қўлга тушсак жарима батальонига юборишади. Ёки уриб ўлдиришади. Очликка чидаса бўладику-я,

сувсизликка чидаб бўлмайди. Тупроқдаги изларимни ўчиришим керак», деди у ва юлғундан синдириб олиб, босган изларини ўчирди. Кейин, қора баҳмалга сепиб ташланган шиша синиқларидек кўкиш ёғду таратаётган саноқсиз юлдузларга тикилиб, аввал вақтни аниқлашга уринди ва сомон йўли ўтган осмонга қараб белги қўйди. Етти айиқ энди кўтарилаётган пайт, «соат тунги ўн икки, кўп эмас, чамаси тўрт юз чақирим юрсам бу ердан кўринмаётган улуғ тоғимизга етиб бораман», — деди Жаҳонгир. — У ерда мени ҳеч ким топа олмайди. Уруш тутагунча тоғда кун кечираман. Тўғриси, бу урушни менга алоқаси йўқ. Фақат, сув топиб ичиш керак, сув, сув!»

Қочоқ ҳолдан тойди. Вужуди қуруқшаб, аҳволи оғирлашди. Ўзи сезмаган ҳолда йиқилиб тушиб, алаҳсирай бошлади. Тоғ чашмаларидан чулдираб оқаётган тиник, муздек сувдан тўйиб ичиш учун яна ўн қадам судралиш керак. Аммо сувга аранг етай деганда нима учундир чашма ундан узоклашарди». У арава йўлидан ўттиз-ўттиз беш қадам нарида, миёндек текисликда, қовжираб қолган ўт-ўланлар орасида ётиб, тонг отганини, қуёш бир терак бўйи кўтарилиб, вужудини ўтда ёқаётганини сезмасди. Лаби қуруқшаб, борган сари сувсизликдан ҳолсизланиб, ҳушини йўқотаётib, бирин-кетин болалиги кўз олдида намоён бўла бошлади.

Жаҳонгир баҳорда ўн тўққиз ёшга тўлади. У тоғ этагидаги овулда туғилиб ўсади.

Тўрт ёшга кирганида отаси эшакка миндириб, тоғдан равоч, қўзиқуйруқ тергани олиб борарди. Тоғда ёввойи чўчқаларни, бўриларни учратарди, какликларнинг сайрашини, тоғ чашмаларини чулдираб оқишини, қизил, яшил, қора япроқли

дараҳтларни яхши кўрарди. Отаси узоқлаб кетса Йўлбарс лақабли итининг бошини қучоқлаб, атрофга олазарак қарабарди, у бўрилардан, девлардан кўрқарди. Аммо ёнида ити бўлгани учун, яқин-гинасида эшаклар ўтлаб юрганини кўриб, тинчланарди.

Баланд қоялар, турли шаклларда ястаниб ётган тошлар салтанати, тошлоқ қирларда етилиб ўсган тоғ лолалари уни маҳлиё қиларди. Отаси чела қўйиб ушлаган какликларни тош ўчоқда оловга тоблаб пишириб, маза қилиб тўйғунча ерди. Кейин гулхан ёнида эшак тўқимини тўшак қилиб, чопонига ўраниб ухларди. Совуқ қотса отаси қўкрагига олиб иситарди. Жаҳонгир эсини таниб, тоғни, отасини, эшаги ва итини таниди. Болалар билан ўйнаб-кувнаганда тоғда кўрган ажойиботлар ҳақида, гоҳо тасаввурида бўлган девлар, дев болалари ҳақида ҳикоя қиларди. Лекин катталар унинг кўнглига қараб, Жаҳонгир рост айтиётганини тасдиқлашса, болалар: «Мен ҳам тоқقا борганман, бирорта девни кўрганим йўқ-ку?» – деб эътиroz билдиришарди. Жаҳонгир эса бўш келмай тушида, тасаввурида кўрганларини айтиб, – «ахир сен бақириб-чақириб юрсанг дев қочади, кўзга кўринмас либосини кийиб олади!» – дерди.

Жаҳонгир күзини очди, ёнида чүкки соқолли, қыргыз қулоқчин кийган бир кишини күрди. У киши оғзига сув томизаётганини күрди.

— Ўзингга келдингми, бўтам?

Жаҳонгир бош ирғади.

— Исминг нима?

— Жаҳонгир.

Бироздан кейин нотаниш киши уни түяга ўтказиб:

— Мени маҳкам ушла, — деди.

Улар ўтирган түя лўкиллаб ярим соатлар чамаси юрганидан сўнг, кудуқдан яна битта түя билан сув тортаётган аёл ёнига келиб чўқди. Жаҳонгир тўйиб сув ичди, овқатланди. Шунда түя эгаси:

— Хўш, бўтам, биз томонларга қандай шамолда учдинг?

Жаҳонгир фронтга боришни хоҳламай, қизил вагондан тушиб қочганини айтиб берди.

— Яхши бўлмабди, бўтам, — деди ҳалоскор киши. — Менинг иккита ўғлим армияда хизматда. Икки оға-инимдан қорахат келди. Начора, кўпга келган улуғ тўй. Икки-уч кун дамингни олиб, кейин военкоматга борасан, ҳозир сен кичик ўғлимнинг тоза кийимларидан кийиб ол. Устингдагиларни ечиб ташла, дарвоқе, отанг борми?

— Отамни «рабочий батальон»га олиб кетишганди, хат-хабар йўқ, — деди Жаҳонгир.

— Ўлмаса, бир кун топилиб қайтиб келар, — деди ҳалоскори Тоживой ака. — Ҳозироқ ювиниб, кийиниб ол, хўпми?

— Бўлади, — деди Жаҳонгир. Ҳаёлида: «Борса келмасга келиб бўлибман, шекилли».

— Унда дамингни олавер, яхши овқатланиб, кучга тўлиб олганингдан кейин бир гап бўлар, хўпми Жаҳонгирбой?

— Мен янгамга қарашаман, — деди Жаҳонгир.

Қимиз, қимронга, гўштга тўйиб, кучга тўлган Жаҳонгир минглаб қўй, туяларга етадиган сув тортиб, қўй отарларига қарашиб юрди. Орадан икки ой ўтиб, Тоживой аканинг кичик ўғлидан қорахат келди. Ҳожар опа боламлаб йиглади, Тоживой таёғини судраб, қўй суруви изидан кетди. Ҳожар опа Жаҳонгирни бўйнидан қучоқлаб йиглаганида, сувчечакдан ўлган онаси, сингиллари эсига тушиб, у ҳам Ҳожар

опани кўксига бош қўйиб йиғлади. Ҳожар опа боламлаб йиғласа, Жаҳонгир эса оғамлаб, онамлаб йиғларди.

Туяларни, бияларни, қўй ва эчкilarни соғишга катта овулдан келадиган Тоживой аканинг келинлари, қизлари, қўшни аёллар қошлари пиликдек, қарашлари ўткир, қомати алфдек ёш йигитдан кўз узмай, қочириқ қилишсалар-да, гап отсалар-да, уларга ҳеч парво қилмай, ўзига тегишли ишларини бажариб юрадиган Жаҳонгирга Тоживой акани ва Ҳожар янгани меҳри янада ошди.

Кунлар ўтаверди. Отда, туяда ёинки машинада кимдир келса, Жаҳонгир беркиниб оларди. Ҳожар опа Жаҳонгирга меҳр қўйди. Ўзи емай унга едирди, болам деб бағрига босди. Аммо баҳор кунларининг бирида «полутурка» деган машинада ҳарбий кишилар келиб, Тоживой акани қистовга олди, ҳақоратлаб, дўппослади. Ҳожар холани кўкрагидан итариб ташлади. Буларни кўриб турган Жаҳонгир чидай олмади. Беркинган жойидан чиқиб, ҳарбийларга ўшқира кетди:

— Зўр бўлсанг, мени ур! Чол билан кампирга кучинг етдими?!

Ҳарбийлардан бири Жаҳонгирнинг қўлини орқага қайириб машинага олиб бориб тиқишига ҳаракат қилди. Аммо Жаҳонгир унинг қўлларидан чиқиб, тўхтатиб қўйли. Ҳожар хола тутинган ўғлига егулик бериб:

— Ой бориб, омон кел! — дея дуога қўл кўтарди.

Тоживой ака ҳам ўзини тута олмай йиғлаб, тутинган ўғлини қучоқлаб:

— Ой бориб омон кел! Хат ёзиб тур, уруш тугаса келсанг, ўғлимизсан, уйлантириб қўямиз, сени худо паноҳида асрасин.

Машина итдек ириллаб, орқасидан бензин бўйи, майингина чанг қолдириб, поёнсиз чўл бағрига сингиб кетди. Чол билан кампир машина ортидан зор-зор йиғлаб қолишиди.

* * *

— Нега қочдинг?! — дея сўради бақалоқ милиционер, оғир-оғир тин олар экан.

Жавоб ола олмагач, аёл кишиникига ўхшаган ингичка товуш билан чинқириди:

- Сендан сўраяпман! Ит эмган!
- Қочишим керак эди, — деди қочоқ. — Қочдим!
- Биласанми, нима?! — сўради милиционер.
- Билмадим, — деди қочоқ.
- Ҳозир сени отиб ташласам, қўлингдан нима келарди??!
- Отсанг отавер! — деди қочоқ.
- Отсанг отавер эмиш, Тоживой акани ўйлајпман, йўқса жаҳаннамга жўнатардим, — деди милиционер ўзини аранг босиб. — Ҳозир дамингни оласан, эрта аzonда келаётган ҳарбий эшелонга жўнатишади. Қочиши хәёлингга келтира кўрма! Нақ пешонангдан отиб ташлашади-я...

Ўн чақириллар чамаси юрилгач, машина чўл ўртасидаги кўра ёнига келиб тўхтади. Жаҳонтирнинг қўл-оёғини боғлаб, амбор томга қамаб ташлашиди. Ўзлари очиқ сайҳонликдаги катта, оқ ўтовга кириб кетишиди. Ташқаридаги кўй сўйилиб, келинчаклар қозонга олов ёқаяптилар. Кўп ўтмай эркак кишиларнинг ҳиринглаши, аёлларни қийқирифи эшитилди. Эшик очилиб, бир товоқ қовурма гўшт билан нон кўтариб, рангпаргина келинчак кириб келди.

— Бунчалар сулув бўлмасанг, — деди у таманно билан. — Сен билан бир кечани ўтказиш учун ҳамма бисотимни берардим. Нега сени боғлаб қўйишиди, шунқорим?

Аёл егуликларни бир четга қўйиб, йигитнинг қўл-оёқларини банддан озод қилди ва хонадан чиқаётуб:

— Шунқорим, улар маст, ароқقا тўйиб ўтиришибди. Сени отиб ташлаш ниятлари бор. Овқатланиб ол! Кечаси сени ўзим чиқариб юбораман.

Ярим тунда эшик очилди. Аёл Жаҳонгирни бўшатиб, ташқарига ишора қилди.

Эшик ёнида милиционер йўқ. У оқ ўтовга кириб кетган шекилли. Улар ташқарига чиқишиди, аёл Жаҳонгирни ертўлага тортди, Жаҳонгир истамаса-да, аёлнинг эҳтиросли бўсалари, ҳали қашф этилмаган сеҳрли, лаззатли дунё йигитнинг қалбини забт этганди.

Жаҳонгир ҳаётда ҳозиргидек лаззат таъмини татиб кўрмаган эди. У бўшашиб, аёл ёнига ётиб олди.

— Исмингиз нима? — сўради аёл йигитнинг қулогига шивирлаб. — Менинг исмим Жонигул, эрим саксон ёшли, минг қўйли бой.

Қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлиб, уялиб ўтирган йигит:

— Исмим Жаҳонгир — деди ерга қараб.

— Хижолат тортма! От тайёр, егуликлар хуржунда, — деди аёл яна шивирлаб. — Келесда қариндошимиз бор. Ҳат ёзиб қўйганман. Мехри опа деган танишим бор, сени яхшилаб беркитиб қўяди. Икки кундан кейин мен ҳам ёнингда бўламан.

— Қандай топаман?

— Яхшилаб эшит, Келестга кирмасдан ўнг томонга йўл ўтади. Сен ўша йўлдан бир чақирим юриб, қозоқи

овул устидан чиқасан. Дуч келган кишидан Отбой күкани уйини сўрасант айтади. Унинг уйини топиб, отни у ерда қолдириб, ўзинг Мехри опани қидириб топасан. Бозорнинг кун чиқиш тарафида деворига «Сотилади» деб ёзиб қўйилган қирқинчи уй бор. Бу уй Мехри опанинг хонадони. Тез бўлақол, ҳалемай тонг отади.

Жаҳонгир тўйларда меҳмонларнинг отини ушлаб, миниб чопган, кўпкариларда чавандозларнинг терлаган армуғонларини совутганди. У ўйноқлаб турган саман қашқа тулпорнинг тизгинини ушлаши билан, йўлталаб от чопиб кетди.

Тизгини тортилиб, жимжима йўргага ўтган от пишқириб, йўл талаб қиласди. Ой ботиб, шарқ тараф оқариб, юлдузлар сўна бошлади. Ўн икки чақирим масофани босиб ўтган тулпор қозоқ овулига яқин келиб қолди.

Жаҳонгир чувур минган йўловчи аёлдан Отбой кўканинг қўргонини сўради:

- Опа Отбой кўканини уйини билмайсизми?
- У кипи менинг отам бўладилар, — деди бошини рўмол билан танғиб олган аёл.
- У кишини кўра оламанми?
- Отам қўйлар билан ўтлоқда эдилар, изимдан ҳайданг, — деди аёл.
- Сизга отни қолдириб кетсан-чи? — деди у.

Жаҳонгир от тизгинини аёлга бериб, хуржунни елкалаб, темир йўл тарафга одимлаб кетди. «Балки қочиш керакдир!» — кўнглидан кечирди у.

«Айтишларича, Самарқанд шаҳригача отда беш кунлик, туяда саккиз кунлик йўл эмиш. Боргунимча неча-неча хавф-хатарга дуч келаман, — хаёлидан кечирди қочоқ. — Агар паровоз машинисти билан келишсам қандай бўларкин? Қочиш керак,

бу ердан тезроқ ўзимизнинг тогимизга қочиш керак!»

Кўш паровозли юк эшелони фижирлаб, секин юра бошлиди. Жаҳонгир охирги вагон кетида бораётган милтиқли кишига:

— Мени Самарқандгача олиб кетмайсизми? — деб қичқирди.

Розилик олгач, югуриб қоровул ёнига чиқиб олди.

— Қанча пул берасан? — деди қоровул кўзлари ўйнаб.

— Неча пул оласиз? — Жаҳонгир ёнидан нақ бир ярим қарич келадиган сўлкавойни чиқариб:

— Розимисиз, — деб сўради.

— Жиззахгача олиб бораман, — деди қоровул, — яна қўшсанг Самарқандгача етиб оласан.

— Келишдик, — деди Жаҳонгир.

Коровулнинг ишораси билан ғалла ортилган вагонга чиқиб олди. Қоровул унга мунни тўла сув узатиб:

— Мени алмаштирадиган солдатга айтиб қўяман, сув, егуликдан қарашиб туради, албатта пулинг бўлса. Ўзингга кавак очиб, кириб ол!

Эшелон ғичирлаб, паровозлари пишқириб, қора тутунга ботиб куну тун юрса, гоҳида тўхтаб, беш соатлаб туриб қолади. Қоровул милтиқ қўндоғи билан туртиб огоҳлантирса, Жаҳонгир инига кириб ётиб олади. Тўрт кеча-кундуз леганда, юк поезди Самарқанд станциясига келиб тўхтади. Ярим тунда Жаҳонгир вагондан тушди ва шигиллаб оқаётган кран сувига юваниб, уст-бошини чангдан қоқиб, тартибга солди.

Қоровул билан хайрлашиб, темир йўл тармоқларида турган вагонлар тагидан ўтиб, ғарб осмони

остида, ой шуъласида кумушдек товланиб, күкиш губор босиб турган Тоғдан күз узмай хаёлан: «Эй худо, ўзинг Қодирсан, ўзинг халоскоримсан, болалигим, орзу-умидларим бешигига — шу улуғ тоғлар қучогига борсам, мени ўз паноҳингда асра, куч-куват бер, яратган этам! Мен бу ердан — ёмон одамлар орасидан тезроқ қочишим керак!»

Шунда ғойибдан: «Улуғ Тоғ сени қабул қила олмайди, ҳали кўп кўргуликлар кўрасан», — деган овоз келди қулоғига.

Қочоқ: — «Мен сенга тан бераман, аммо сен бепшафқат бўлма!» — деди яна хаёлан...

Жаҳонгир Самарқанд шаҳридан чиқиб, Миронқул қишлоғига яқин келганида тонг ёришиб, хўрозлар янги кун мадҳини ўқиётган, қушлар ва чигирткалар яратганга шукроналар ўқимоқда, сигирлар, қўйлар маъраяпти.

Муюлишдан тўрт отлиқ кўриниши билан Жаҳонгир сув ўйиб кетган чуқурга ётиб олди. Отлар пишқириб, ёт кимсадан хушёр тортди. Отларнинг нотинчлигини сезган отлиқлар йўлида бегона одам борлигини билди ва наганни отишга тайёрлаб, унинг устига от солдилар. Отлиқлар Жаҳонгирнинг қўлларини боғлаб, олдилариға солиб, Самарқанд шаҳри томон йўл олдилар. У секин юрадиган бўлса елкасига қамчининг аччиқ, қирқ ўрими келиб тушарди. «Қочиши керак!» — дерди қочоқ қамчи зарбиға дош бера олмай.

— Кепақулга ҳайда! — хитоб қилди бошига қоракўл телпак, устига беқасам чопон кийган, шоп мўйловли чавандоз. Бир соатлар чамаси юрилгач, дарё соҳилидаги сўлим боғ яқинида отлардан тушган чавандозлар, сув устидаги чорпояга жойлашиб олдилар. Даствурхон тузатишиди.

— Уни нима қиласиз? — деди кишилардан ёшроғи.

— Дастанхонга олиб келинг.

Жаҳонгирни ҳам дастанхонга таклиф қилишди.

— Қани дастанхонга яқинроқ ўтириб, овқатдан ол! — деди шоп мўйловли киши.

«Қочиш керак!» — хаёлидан кечирди Жаҳонгир.

Тўхли сўйилиб, қовурма дастанхонга тортилди. Тўрт киши олти шиша ароқни бўшатиб, йигирма кило келадиган тўхли гўштини паққос туширишди. Жаҳонгир ароқ ичмади, унга таклиф қилганларида бош чайқади.

— Ҳали ёшсан, ичмаганинг маъқул, — дейишиди.

Дастанхонга дуо айтилиб, шоп мўйловли киши Жаҳонгирга бошдан-оёқ разм солиб:

— Ислинг нима ва кимдан, қаёққа қочаяпсан? — деди.

— Ислим Жаҳонгир, мана шу улуғ Тоғдан паноҳ қидириб қочиб юрибман.

— Не гуноҳинг учун қочиб юрибсан?

— Мени урушга ҳайдашди, қочдим, ҳозир ҳам қочиб юрибман.

— Армия хизмати мажбурий, ундан қочиш оғир жиноят, отиб ташлашларидан қўрқмайсанми? Сен совет гражданисан! Она ватанин ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз! Сен шу ҳақиқатни биласанми??!

— Мен бир ҳақиқатни яхши биламан! Бу уруш — менинг урушим эмас!

— Башанг кийингансан! Яна совет ҳукуматига қарши ташвиқот қиласан!

— Мени қозоқ биродарлар кийинтиришди, яланг оёқ эдим, юзлаб тенгдошларим яланг оёқ, йиртиқ уст-бошларидан уят жойлари кўриниб. қизил вагонда кетишиди. Мен ҳам уларнинг биттаси эдим. Қочдим.

Онам, уч синглім чечак касалидан вафот этишиди. Отам билан тоғдан равочни тошбосди қилиб сотардик, дўлана, олча дегандек, каклик, тулки овлардик. Отамни «рабочий батальон»га олиб кетишиди. Мен бир ўзим ўн уч ёшимдан дуч келган одамларнинг хизматини қилиб, ялангоёқ кун кечириб юрдим. Мактабда ўқиганим йўқ.

— Сен ҳукумат одамлари қўлига тушсанг, отиб ташлашади. Ёшлигингни ҳисобга олиб, қаматдирмаймиз, аммо совет ҳукумати олдидаги йигитлик бурчингни адo этишингга имкон берамиз. Танла! Армия хизматими ёки отиб ташлашлариними?! Сенинг тақдирингни биз ҳал қиласиз, биз ҳукумат одамларимиз. Бизни ҳам эрта-индин урушга сафарбар қилишади.

— Менга барибир, — деди қочоқ.

«Қочиш керак! Ота-онам, сингилларим ўлиб кетишиди, мен тирик қолиб, яқинларим чироқларини ёқишим керак!» — деб ўйлади.

* * *

Жаҳонгир қамоқхоналарда, қизил вагонларда не-не азоб-уқубатларни бошдан кечириб, қаҳратон қишининг қирчиллама совуқ кунларининг бирида Олха дарёси бўйидаги ҳарбий лагерга етиб келди. Оёқларига латта ўраб, йигирма градусли совуқда кўлларини, қулоқларини совуққа олдириб, пиёда юзлаб километр масофани босиб ўтиб, чарчаб-ҳориб, ниҳоят йигитлар ҳарбий палаталар ёнида саф тортилар. «Энди иссиқ палатада дам оламиз, иссиқ овқат еймиз», деган умидлар пучга чиқди. Бўлим, взвод, рота шаклида ҳарбий машқ ўтказилди.

«Қочиши иложини қила олмадим, эй аттанг!» — дея яна хаёлидан кечирди Жаҳонгир.

Бўлажак аскарларни яхшигина қизиб олишганидан сўнг, «Баня» ёзуви бўлган палатка ёнида ҳарбий сартарошлар соchlарини тарошлаб қўйишиди. Кейин ечинтириб, қатор ўтирган ҳарбий врачлар назоратидан ўтказилиб, ҳаммомга киритишиди. Чўмилиб, тозаланган ўзбек йигитлари ҳарбий либосдаги қизил аскарлар бўлиб сафга тизилишиди.

Карантин. Аскарларни жангга тайёрлаш машқлари: соат олтидан ўн биру ўттизгача «строй» машқлари, тушлик, яна «строй» машқлари, қурол ишлатиш ва бошқа машқлар.

Тинимсиз машқлар жонига теккан аскарлар: «Тезроқ жангга кирсак эди!» — дейишарди. Кечаси соат йигирма иккода ухлашга изн берилади. Бир ой ўтиб, карантин вақти тутади.

Жаҳонгирни маҳсус мактабга жўнатишиди. Уч ой мобайнинг кундузи фуқаро либосида, тунлари ҳарбий либосда, маҳсус тайёргарликни ўтаган курсантларга кичик сержант унвони берилиб, дивизия штаби ихтиёрига юборилди. Тўрт ой мобайнинг рус тилини ўрганиб олган, баланд бўйли, қарашлари ўткир, жисмонан кучли кичик сержант Жаҳонгир Қорабоев маҳсус мактабга ўтганидаёқ Район ҳарбий комисариатига маҳсус шрифт билан телеграмма юборилган эди. «Жаҳонгир совет ҳокимиятига зид кайфиятда», деган мазмунда хабар олинди.

Жаҳонгирни сиёсий бўлим назорат остига олди ва уни қаттиқ жанглар бораётган авангард қисмларнинг разведвзводига сафарбар қилишиди.

Фронт чизигини кесиб ўтиб, немисларнинг юқори лавозимли офицерларини ушлаб олиб келиш чоғида қисқагина отишма бўлиб, ўн жангчидан учтаси ҳалок бўлди.

Ўша жангда Жаҳонгирнинг хизмати мақтовга лойиқ бўлгани ҳақидаги хабар штаб маҳсус бўлимига

бориб етди. Аммо спиртли ичимликка түйиб олган миллатчи рус командирлари Жаҳонгирга навбатдан ташқари наряд бериб, саккиз соатлик уйқуси ҳисобидан турли юмушларни бажаришга мажбур қилардилар.

Бу ҳам камлик қилгандек, унинг шаънига «Басмач, Чучила» деган номуносиб лақабларни тиркаб, иложи бўлса дўпослашгача бориб етарди. Жаҳонгир чидали. Командирлар буйругини сўзсиз бажарди.

Кунларнинг бирида туйқус жанг бошланди. Душман самолётлари пулемётдан ўқса тутиб, оғир артиллерия ишга киришди. Душман тарафдан пиёда аскарлар автоматлардан ўқса тута бошлади. Жангда Жаҳонгир ёмон кўрган сафдошларининг бир нечтаси орқадан отилган ўқларта учиб ўлди. Бу хабар ҳам маҳсус бўлимга бориб етди.

Ўзига оро берган кичик командирларни жанг пайти сездирмай орқадан отиб ўлдириш воқеалари тез-тез содир бўлиб турарди. Ўч олиш иштиёқида бўлган аламзода олифталар ароқса түйиб. Жаҳонгирни дўпослашга, иложи бўлса уни отиб ташлашга уринардилар. Қўл жанги усулларини пухта ўрганиб олган разведкачи, жисмонан кучли Жаҳонгир олифта сафдошларини яkkама-якка курашда енгиб, «посмотрим!» – деган дағдагаларини писанд қиласди.

Олти кишилик бўлим фронт чизигини кесиб ўтиб, «тил» олиб келиши керак.

Разведкачи гуруҳ ҳимоя либосида, автоматлари билан душман томонга ўтиб олдилар. Тонг отиб, разведкачи гуруҳ душман ихтиёрида бўлган ўрмонзорда кунни ўтказди. Кунлар узайиб, фақат икки соат қоронғулик бўлади. Шу тунги икки соатда, фронт чизигида бир неча пулемёт тўхтовсиз отиб туради. Икки тараф жангчилар окопларда дам оладилар.

Тунги соат ўн бир...

Үрмонга киравериша «Мерседес» автомобили түхтади. Машинадан аёл киши билан эркак киши тушиб қолди, машина қайтиб кетди. Разведкачилар осонгина «тил»ни қўлга олишди. Аммо аёлни заарсизлантиришга бўлим бошлиғи Ивашенко рухсат бермади.

Олхова дарёси Ленинград шаҳридан узоқ бўлмасада, баҳор кезларида икки соатлик тунги вақт кундуз кунидек ёруғ бўлади. Қўл-оёқлари боғланиб, оғзига латта тиқилган аёл банддан озод бўлиб, чинқира бошлади.

Душман тараф сергакланиб, сезиб қолди. Проектор нурлари остида қолган бизнинг разведкачиларимизни пулемётда ўққа тутишди. Олти кишидан уч киши ҳалок бўлди. Уйқусираб ўтирган ўзимизнинг пулемётчиларимиз ҳам ўз разведкачиларимиздан икки кишини билмай отиб ўлдирди. Қўл-оёқлари боғланган немис асирини судраб келаётган Жаҳонгир ётиб олди ва оёғидан енгил яраланди.

Немис полковнигини Жаҳонгир Қорабоев полк штабига топширди.

Немис авиабомбаларидан шикастланган райком биносида дивизия госпитали ишларди. Жаҳонгир шу госпиталга ётқизилди.

Татар миллатига мансуб ёшгина лейтенант билан қирқ ёшлар чамасидаги капитан кириб келди ва салом-аликдан кейин ўзларини таништирди:

— Бу киши менинг суратчим Рафиқ Себагатулин бўлади. Мен, армия матбуот органи мухбири капитан Десиновман. Адашмасам сиз сержант Қорабоев бўласиз.

— Худди шундай ўртоқ капитан! — дея Жаҳонгир ётган ўрнидан қўзғалди.

— Құзғалманг, — деди капитан құлларини пахса қилиб. Ҳамшира қызлар олиб келтән курсиларта жойлашиб, расмиятчиликдан кейин:

— Сиз, совет ҳокимиятига нисбатан ёмон фикрда бўлгансиз? Шундайми?

— Бу гапни қаёқдан олдингиз, ўртоқ капитан? — деди Жаҳонгир.

— Мана шу ҳужжатлар сизни ҳарбий хизматга сафарбар қилган военкоматингиз томонидан берилган, танишиб чиқарсиз?

— Ёшлик қилганман.

— Ёшлик қилгансиз, тўғри, ҳозир яхшигина таълим олган жангчисиз. Сизни давлат орденига тавсия қиласиган ҳужжатлар ҳам қўлимизда. Аммо жанг чоғида сизга тазиик ўтказган командирларни отиб ташлагансиз! — муҳбир овозини бир парда кўтариб, сўзида давом этди. — Кечагина сиз билан борган беш солдатни ҳаммаси ҳалок бўлди, бунда сизнинг алоқантлиз йўқмикин?!

— Ўртоқ капитан! — деди Жаҳонгир. — Сизнинг биринчи саволингизга қуйидагича жавоб бераман: «Жанг пайтида ўз сафдошларини отиб ташлаган», деб қандайдир миллатчи, олифталар тарқатган фийбат билан мени айбламоқчи бўлсангиз адашасиз. Иккинчи саволингизга жавоб бераман: немис полковнигини асир олган киши менман. Фоҳиша аёлни йўқ қилиш керак эди. Разведка қоидаларини қўпол равишда бузган Ивашенконинг хатоси оқибатида ўзи ҳам, қолган жангчилар ҳам ҳалок бўлишиди.

Менинг тирик қолишим сабаби: асир олинган «тил»ни кўтариб ўтиш менинг навбатим эди. Разведка қоидаларига амал қилиб, ётиб олганимча, асирни судраб келаётган чоғимда пулемётлар сайради.

— Беш кишини калтаклаб, майиб қилиб ташлаганингиз ҳақида маълумот бор.

— Мен ҳеч ким билан муштлашганим йўқ. Бордию муштлашган бўлсам, танамда ёки башарамда калтак изи бўлардику? Маст ҳолда бир-бировини дўппослашса, мен айбор бўламанми?!

— Қисқа мулдатда бир неча медаль, орден билан мукофотлангансиз. Айтингчи, қандай вазиятда қаҳрамонлик кўрсатдингиз?

— Кутимаганда жанг бошланди. Душман артиллерияси тўхтовсиз отиб, самолётлар бомба ташлаб, пулемётдан ўқقا тутаверди. Кўплаб қурбон бердик. Устимизга бостириб келаётган танкни яқин қўйиб, ўлиб ётган жангчи қўлидан граната олдим-да, душман танкига отдим. Танк тўхтаб ёнабошлиди. Танкдан қочиб чиқсан фришларни отиб ўлдирдим. Ёнгинамда портлаган снаряддан, тўхтовсиз отилаётган пулемёт ўқларидан омон қолдим. Ўнг ва чап тарафимда ёнаётган танклар, ўқقا учиб ўлаётган немис жангчиларини кўриб, аввалига қўрқдим, кейин ўзимга келиб, душманга қаратса ўқ отавердим.

Ярим соатлик жангдан кейин немислар чекина бошладилар. Мен, артиллерия командири бўлса керак, ярадор лейтенантни бомба ўйиб ташлаган чукурга олиб тушиб, тиббий ёрдам кўрсатдим. Кўп ўтмай мен эгаллаб турган позицияни полкимизнинг учинчи батальони эгаллади. Носилкага ётиб олган ярадор лейтенант менинг исмим ва фамилиямни сўраб олди. Бир неча кун ўтгач, ҳарбий мухбирлар менинг суратимни газетага чиқаришиди. Ўшанда мени орден билан мукофотладилар.

— Отангиздан хат-хабар борми? Онангиз ва сингилларингиз оламдан ўтишган экан, яқин қариндошларингиз борми? Амакингиз, тоғантиз? Аммаларингиз?

— Қариндошларим бор-йўқлигидан хабарим йўқ.

— Айтингчи, «миллатчи, олифталар» ҳақида гапирдингиз, — «дедовшина» аломатлари хусусида қандай фикр билдирасиз? — деб сўради «Қизил юлдуз» газетаси мухбири.

— Мен солдатман, «дедовшина» — бу касаллик, — деди Жаҳонгир.

— Ўртоқ Қорабоев, менга айтингчи, мактабда ўқимасдан рус тилини қандай ўргандингиз?

— Армияда ўтган хизматим мобайнида, — деди Жаҳонгир.

— Энди дамингизни олинг, тезроқ сафга қайтишингизни тилаб қоламан, — деди капитан ўрнидан турар экан.

Капитан Десинов ҳарбий газета муҳаррири хузурига кириб, сержант Қорабоев устидан ўтказилган суриштирув ҳужжатларини полковникка узатди.

— Фактлар борми? — деди полковник.

— Ҳа, — деди капитан Десинов. — Етарлича. Ҳарбий қисмларда «дедовшина»...

Полковник мийигида кулди:

— Ўзбек йигитларимиз спиртли ичимлик ичмайдилар, командирлар буйругини сўзсиз бажарадилар. Аммо уларга тегишли спиртли ичимлик европоид оғайниларимизга қолади. Қорабоев ўз шаънини ҳимоя қилиб муштлашган бўлиши мумкин.

Бош муҳаррир капитан Десинов ёзган рапортни ўқиб чиқди. Рапорт қўйидагича ёзилган эди:

«Ўрта Осиё республикаларидан мобилизация қилинган жангчиларимизга европоид солдат ва кичик командирлар томонидан тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаш, тазийиқ ўтказиш ҳоллари бўлган.

Сержант Қорабоев олифта сержантнинг ноўрин буйругини бажаришдан бош тортган. «Дед»ларнинг

бүйруқларини бажармагани учун ярим тунда уни үйғотиб, ўрмонзорга олиб чиқиб, калтакламоқчи бўлганларида катта сержант Қорабоев дараҳт шохидан хода синдириб олиб, ўн чоғли «дед»ларни қочмаганларини уриб, ўлакса қилиб ташлаганлиги фактлари тасдиқланмади.

Жанг пайтида Қорабоев ўзига «душман» деб билган сафдошларига қарата ўқ отгани факти тасдиқланмади.

Сержант Қорабоев фронт чизигини босиб ўтиб, зиммасидаги вазифасини адо этиш чоғида душман томонига ўтиб кетиш имконияти бўлишига қарамасдан, немисларнинг жаннат ваъда қиласиган радио ташвиқотларига эътибор бермади ва душман томонга ўтиб кетмади. Сержант Қорабоев яхшигина сиёсий ва жисмоний тайёргарликдан ўтган жасур разведкачи».

— Яхши, — деди муҳаррир, бироз сукут сақлаб. — Жангчи Қарабоевни ўз сафдошларига қарата ўқ отгани тўғрисидаги гумон асоссиз, бўхтон. Полк командири номига рапорт ёзинг. Қорабоев олиб ўтган немис полковниги армиямиз штабида сўроқ қилинмоқда. Фронт чизигида ҳалок бўлган разведкачиларнинг барчаси ҳукумат мукофотига лойиқ деб топилди. Сержант Қорабоевга иккинчи орден — «Шуҳрат» ва «Жасорати учун» орденларига тавсиянома тайёрлатсинлар. Солдатни ватанга бўлган садоқати ҳамиша тақдирланади. Сизга шуни айтмоқчиманки, унинг суратини старшина погонида, плаш палаткада, қўлида автомати билан ғоз турган ҳолатда тайёрлатинг!

— Яна шу нарсани унутмангки, Қорабоев хизматдошлари орасида катта ҳурмат қозонган аскар.

Жаҳонгир оёғидан олган жароҳати енгил бўлишига қарамасдан, ойлар эмас, йиллар мобайнида

оқсаб юришга мажбур қиласынан жароҳат эди. Армия тиббий комиссияси старшина Қорабоев вақтінча ҳарбий хизматта нолойиқ, деб ұжжат тайёрлади.

* * *

Йүловчи поезді Келес станциясынан келиб тұхтади. Вагонлар әпіклари очилиб, йүловчилар қаторида күлтиқтаёққа сұяниб, старшина Жаңонгир Қорабоев ҳам тушди.

Сафар халтасини елкалаб, күлтиқтаёққа сұяңған баланд бўйли, мардона қиёфали, ҳарбий либослари ўзига ярашган йигитни күрганлар ҳавас билан қарашардилар. Кампирлар, чоллар аскар елкасини силаб тавоф қилишса, ёш, сулув аёллар ҳавас билан қараб табассум ҳадя қиласынан.

Жаңонгир ўн беш чақиримли дала йўли бўйлаб пиёда бораяпти. Яқинда ёғиб ўтган ёмғирдан чанг босилиб, чўл гиёҳларининг ҳиди кишини маст қиласынан. Орқадан от дупури эшитилиб, аскар йигит тұхтаб изига қаради.

Отлиқ отдан тушшиб:

— Аскарни кўрсам, оғам ёдимга тушади. Мабодо акам билан хизматдош эмасмисиз?! Менинг акам ҳозир Украина жаңг қилаётгандын эмиш. Аскар ака, отта мининг, мен ёнингизда пиёда боравераман, — деди йигит от тизгинини Жаңонгирга узатиб.

— Менинг оғажоним, — деди Жаңонгир йигитчани боши баравар күтариб, сўнг ерга қўйди-да, халтасидан солдат юлдузчасидан биттасини олиб йигитчанинг қалпоғига тақиб қўйди: — Исминг нима йигитча?

— Исмим Исмоилбек, — деди йигитча кулган бўлиб. — Сизнинг исмингиз Жаңонгир ака, шундай эмасми? Мен сизни танидим. Тоживой акани

қизи Севара сиздан хат олиб турганини ҳам биламан.

— Оббо дагарча-ей, — деди Жаҳонгир қизариб.
— Энди отга мининг, — деди И smoилбек. — Овулгами?

— Ҳа, — деди Жаҳонгир.

Тоживой ака овулга яхшигина тўй бериб, оқ ўтовга Жаҳонгирни киритди.

— Энди бир-икки кун дамингни олсанг, болам, — деди Ҳожар хола.

— Қишлоғимга бориб, онам ва сингилларимни йўқлаб Куръон хатм қилдирсам, дегандим, — деди Жаҳонгир.

— Оёғинг яхши бўлса, боришинг қочмас болам, — деди Ҳожар хола.

Ўтов эшиги очилиб, Севара кириб келди.

— Тўй ўтмасдан ҳеч қаёққа бормайдилар! — деди қиз дастурхон ёзатуриб.

— Сени олиб қочаман! — деди Жаҳонгир.

— Вой! Сиз ҳали қозоқ бўлдингизми?! Уят-ей!

Севара келадиган баҳорда ўн олтига тўлади. У ўрта бўйли, нозиккина қиз. Ҳали очилмаган атиргул ғунчасидек, ҳусну малоҳати, тўлиб етилмаган қадду қомати кўрган кишини оҳанрабодек ўзига тортади. Шошилиб, тўлқинланиб сўзлаганида ғунча лабларидан нигоҳ ташлаган дурдек оппоқ тишлари, каттакатта шаҳло кўзлар устида ўйнаб турган қайрилма қошлари, елкасини тўлдириб турган бўлиқ тилло рангли соchlари, чит кўйлак остида билинар-билинmas сийналари, бутун борлиги сирли юлдуз чангига ботирилган маъбудани эслатарди. У ўзидан тушуниб бўлмайдиган сирли гўзаллик тўлқинларини таратарди. Бошқаларга ўхшамайдиган қиз туяларни чўқтириб, осонгина миниб олар, от чопишда манаман деган йигитни доғда қолдиради.

Сигирларни, түяларни согиб, қўйларни отарга ҳайдайди. У қўзичоқларни, бузоқчаларни, бўталоқ ва кулунчаларни ушлаб эркалатади. У гулларни жонидилидек севарди.

Кўкаламзорларда ётиб олиб, оппоқ момиқ тоғларидек булатлар орасидан таравалётган қүёш нурларига тикилиб, қизлик орзу-умидлари ҳақида хаёл суради: «Шу булат устида куббалари олтиндан, укки патидан ўтовим бўлса, ёнимда Жаҳонгирим бўлса, тилло бешикла боламни алладасам. »

Жаҳонгир армия сафида хизмати чоғида, ота-онаси номига юборган учбұрчакли аскар мактубини Севара үқиб берарди. Жавоб хатида туялар, кулунчаларни яйловда үтлаб юрган ҳолатини чизарди-да, булат остидан мұралаган қүёшни, тараптаётган нурларни чизиб, устидан ўз құли суратини соларди. «Осмондаги юлдузларча қўпдан-кўп салом, ғолиб бўлиб қайтинг», – деб ёзиб қўярди-да, хатни учбұрчакли қилиб, устига манзил белгиси билан ҳарбий қисм рақамларини ёзиб қўярди. Кейинги вақтларда қўзичноқлар кўринмай қолди, бузоқчаларни эркала-тишлар онда-сонда бўлиб турса-да, мактубларга суратлар ўрнига оташин саломлар, «Сизни яхши қўрамиз, интизорлик билан кутамиз», – деган ибо-раларни ёзадиган бўлганди.

Хозир Севарани Жаҳонгир билан унаштиришмокчи.

— Сен ўғлимиз бўлиб қолдинг, отанг билан маслаҳатлашиб, никоҳ тўйларинг ўтганидан кейин молларингни ажратиб берамиз, Қайнотангни молларига қўшилиб ўтлаб юради.

Жаҳонгир оғир ўйга толиб:

— Шошилмасак, мен ҳали ўзимга келиб олганим ийк.

— Ўйлаб кўр, бўтам, — деди Ҳожар хола.

Севара қизариб, бирор сүз айтмасдан чиқиб кетди.

Йигит қиздан узоқлашды. Тоживой ака хотини билан маслаҳатлашиб: «Ёшлар уялади, индамай түйни бошлаб юборганимиз маъқул», деди.

Түй тараддуллари бошланди, атроф овулларга хабар юборилди. Жаҳонгирни қора тер босиб, кенг яйловларда тарқалиб, ўтлаётган қўйлар ёнига кетди. «Қочиш керак!» — деди у хаёлида. «Мени бағрига босиб, ўз фарзандидек меҳр беришиди. Хизматдан қайтганимда элга түй бериб, шоҳона кийимлар кийдириб, оқ ўтовга солиб қўйишиди. Энди сулув қизини менга — нонкўр нотавонга хотинликка бераяпти. Барibir қочаман! Бошқа чораси йўқ!

Фронт чизигини бир неча бор кесиб ўтдим, ўтиб кетганилар ғарб мамлакатларида, Америкада яшаяптилар. Мен қочмадим. Энди қочаман. Мол-дунёни, гўзал хотинни деб, онам ва яқинларим қабристонидан узоқда яшай олармиқанман, киндик қоним тўкилган вайрона кулбани тиклашим, ота-онам чироқларини ёқишим керак-ку! Жигаргўшаларим, ёру биродарларимдан айро тушмоқни истамайман, ҳечам хоҳламайман! Отам билан ровоч териб, лола гуллар ҳидига тўйган, какликлар қўшигини соғинганим улуғ тоғларга бораман, қочиш керақ!»

Тун ярмидан оғиб, ой ботди. Жаҳонгир устидаги лиbosларини ечиб ташлаб, ҳарбий кийимларини кийиб, сафар халтасини елкалади-да, бир оёқда оқсаб, йўлга тушди.

У муҳаббат ипларига боғланиб қолмасдан, гарданига ола хуржун — «рўзгор» деган оғир тошни осиб қўймасларидан, тақдир йўлида оқсаб, шаҳдам қадам ташлаб, бу ердан кўринмайдиган улуғ Тогни нишонга олди.

ОШИҚЛАР МАСКАНИ

Молларим Шовуз сойида ёйилиб ўтлаб юрибди. Қирдан қўй сурувини шохдор Серка бошлаб келаяпти. Таёғига суяниб турган чўпон менга товуш қилди.

— Серкани олдини қайтар!

Мен шохдор серкани уриб орқага қайтардим. Бўйнидаги кўнғирогини жаранглатиб, серка изига қайтди. Орқасидан келаётган қўй ва эчкилар ҳам қайтиб олиб, ёйилиб ўтлаяпти. Тепаликда қўй суруви хиналаб¹, дам оладилар. Бўриbosар итлар қўй отари яқинида, олд оёқларига бosh қўйиб, мудрайди. Бошқа бир ит тепаликда, Бодомча соясида чўнқайиб ўтириб, «жондор»²ни пойлаяпти. Ҳалим поччам чарчаш нималигини билмайдиган, кучли, хушчақчақ киши эдилар. Ҳалим ака бизга унчалик яқин қариндош бўлмасалар-да, Шодмон аммамизга унаштирилган эдилар. Аммамиз ўрта бўйли, хушбичим, кўзлари катта-катта чиройли қиз эдилар. Ҳалим поччамиз бosh чўпон, қайнофаси Истроил ака чўлиқ, икковлари бир отар қўйни боқаяптилар.

— Ҳалим язна! — товуш бердим мен.

— Ўтиб ке! — деб овоз берди Ҳалим поччам. — Истроил аканг тошпарчин қилган айрон ачиган бўлса, йўл-йўлакай олиб кел!

Чўпон айтган жойдан нақ яргичноқ тошидек келадиган тошни кўтариб, остидаги чукурдан айрон тўла қоринни олиб, Ҳалим поччам ўтирган қирга эмаклаб чиқиб бордим. Поччам белбоини дастурхон қилиб, ўзлари пиширган қумочни синдириб, менга:

— Нондан ол, Дагар! — дедилар.

¹Хиналаб — тўдаланиб.

²Жондор — бўри.

Унгача Истроил чўлиқ ҳам келиб ўтириди. Ҳалим поччам хуржундан шопиёла олиб, яхшигина ачиған айрондан шопиёлани тўлдириб менга узатдилар.

— Каттадан, — дедим мен.

— Аввал сен ичасан! — деганларидан кейин пиёла ни олиб, муздек, ачқимтил, аммо ўткир, тог гиёҳларининг ҳиди анқиб, яхшигина ачиған айронни мазза қилиб сипқордим.

— Ачибдими? — сўради Истроил акамлар.

— Яна бир пиёла ичсам айтаман, — дедим мен.

— Маст бўлиб қоласан! — дея кулди икковлон.

Тошда пишган буғдой қумоч билан қўй сутидан ачитилган айронни қўшиб, яхшигина тушлик қилиб олдик. Итларга кепакдан хамир қилиниб, тошда пиширилган қумочдан яримтадан бердик. Қўйчивон итлар кетганларидан кейин, хуштак чалиб Оқпанжани чақирдим. Оқпанжа тилларини осилтириб, ёнимга етиб келганидан кейин унгаям қумочдан яримтани бердик. Ақлли ит эмасми, нонни тишлаб, секин юриб овлоққа кетди.

— Ҳалим почча, ҳув анави Тангида¹ икки инсон суюклари қалашиб ётибди, иложи бўлса бориб кўрсак. Кейин сиз бу ҳақда айтиб берсангиз.

— Қийин масала, — деди Ҳалим поччамлар. — Бу оддий шайит эмас, бизнинг ташрифимиз ёқ-майдиган бўлса, тuya сўйилса-да, қўйиб юбормаса керагов.

— Кетдик, — деди Истроил акам.

Биз тик қияликдан эҳтиёткорлик билан ўтиб олдик-да, яшин уриб мажақлаб ташланган қоя синиқларидан амаллаб ўтиб олиб, узунасига еттисаккиз қадам, ичкарисига бемалол беш киши жойлаша оладиган камарга² яқин бордик. Камар

¹Танги — инсон ўтиши мушкул дара.

²Камар — тош, қоя каваги.

оғзіда зирк, итбурун зич бўлиб, марҳумлар скелети макон топган камарни иҳоталаб олган экан. Ёнма-ён ётган скелетларни бири бўйчанроқ ва иккинчиси анча кичикроқ эди.

— Сен Эҳсонбой, молларингни қайтариб ташлаб, хув анати қирга борасан, Исроил аканг қуртлаган қўйларни дорилаши керак, сен унга ёрдам берасан, кейин бафуржа ўтириб сизларга шайит ҳақида матал айтиб бераман, хўпми?

— Яхши бўлади, — дедим мен.

Кун пешиндан оғиб, қўйлар уриб ўтлаяпти. Менинг молларим ҳам хиналаган жойларидан қўзғалиб, ўтлаяпти. Исроил акамларга қарашиб бўлганимдан кейин поччамлар айтган тепаликка чиқиб бордим. Ҳалим ака пешин намозини ўқиб бўлган эканлар. Кейин:

— Дагар, сен неча ёшласан? — дея сўрадилар.

— Келаси баҳорда ўн бешга кираман, — дедим мен.

— Мен, — дедилар Ҳалим поччамлар. — Ўн ёшли бола эдим, отам билан бойнинг қўйини боқардик. Рўйи баҳорда қўйлар қўзиларини эргаштириб, ёйилиб ўтлаяпти. Бошдан-оёқ оқ либос кийиб, катта оқ дастор ўраган, енгиз каминал кийган беш чоғли нуроний кишилар хув анати қирга туяларини чўктириб, бир чойдиш сув қайнайдиган вақт ичиде оқ ўтвларини тикиб, мешларда булоқдан сув олиб тош ўчоқлар қуриб, тириклик қиласаптилар. Улардан бири отамни имлаб чақирди. Отам бориб, у кишилар билан гаплашди. Унча семиз бўлмаса-да ахта қўйдан иккитасини отам ушлаб берди-да, меҳмон узатган олтин тангани олмади. Негаки, бойнинг мулкидан бўри, ўғри, оч-ночор кишилар, меҳмонлар баҳраманд бўлишларига бой ижозат берган эди. Шундай бўлса-да, отамга икки қўйга уч тилло тангани қўймай

беришди. Шу куни битта қўй сўйилди. Улар ўзларига овқат тайёрлаб, еб-ичиб дамларини олдилар.

Эртаси куни эрталаб Нурали бой келиб, меҳмонлар билан қучоқлашиб кўришиб, Лангар хўжаларига, барлос овулларига одам юбориб, юздан ошиқроқ оч, юпун кишиларни меҳмонга чақиртириди. Отам ёнидан кечаги қўйларнинг пулинни олиб, бойга узатувди, «ёнингга солиб қўй» дея ишора қилди. Десангиз икки эмас, тўрт ҳам эмас, саккиз қўй, тўрт ҳўқиз сўйилиб, хомталаш қилинди. Дошқозонларда шўрва, овулларга буюрилган қозон патирлар дастурхонга тортилди. Абгондан келтан нозу неъматлар тўкиб ташланди.

Оқ дастор ўраган Лангар эшонлари, барлос муллалари тошлар кавагидан макон топган марҳумлар суюкларини маҳсус идипларда Абгонга олиб кетишларига ижозат бермадилар.

— Шайитни безовта қилиб бўлмайди, — деди мулло Соибназар.

Мулло Сиддиқ охун шайитларни безовта қилмаслик кераклигини айтди. Тоғларни саёҳат қилишиб, азиз авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилган абгонликлар туяларини еталаб ватанларига қайтиб кетдилар.

Воқеа бундай бўлган экан:

Абгон бойларидан Қайсарбекнинг тўртта хотини бўлиб, Латифшо деган йигитнинг хотинига ишқи тушади. Орага одам қўйиб, «хотинингга талоқ айтсанг ўн минг тилло бераман», дейди. Латифшонинг ори келиб, бир тўйда кўпкари чопилаётган чоғда Қайсарбекни қамчи тагига олиб савалайди. Икки уруғ икки тарафда туриб урушади.

Қайсарбекнинг қўли устун келади. Латифшони қонга бўялган, ҳушсиз ҳолатда олиб кетадилар. Қайсарбек бир неча йигитлари билан Латифшонинг уйига бостириб бориб, севимли хотини Ҳабибани

билагидан ушлаб, от сағрисига олиб қочади. Латифшо ўлим билан олишаётган чоғда хотинини олиб қочишлари икки уруғ орасида низонинг бошланиши бўлди. Қайсарбекнинг молу дунёси шунчалик кўп эдики, юз минглаб қўй, моллари, от ва туйлари яйловларда ўтлаб юрарди. Қайсарбек Ҳиндистон сафарига уч ой кетган чогида Ҳабибанинг отаси Латифшодан олган қарзи эвазига қизини тўй қилиб берган эди. Қайсарбек Ҳабибанинг ишқила савдоий бўлиб, оқ ўтовга қамалиб, кўкрагини ерга бериб муҳаббат азобини тортади. «Ҳабиба меники бўлса, боримнинг ҳаммасини, ҳатто ширин жонимни берар-дим!» – дерди Қайсарбек.

Шу воқеадан кейин икки уруғ орасидаги низо олти ой давом этади. Олти ой мобайнида не-не азаматлар жувармарг ўлиб кетмадилар, не-не сулув келинчаклар, онаси ўпмаган жонон қизлар олиб қочилиб, номуслари поймол этилмади, дейсиз.

Хүшсиз ётган Латифиони табиблар бор билимларини ишга солиб даволайдилар.

Орадан олти ой ўтиб, Латифшо оёқقا туриб олади. Йигирма беш ёшдаги полвон йигит орқада бир йилни қолдириб, согайиб олганидан кейин, бир тўй даврасида Латифшо Қайсарбекни курашга талаб қиласиди. Зотига йиқилган полвон ғолиб бўлган полвоннинг кули бўлиши керак эди. Кураш икки соат давом этсада, дуранг билан якунланаверади. Уч кун давом этган кураш дуранг билан якунланавергач, оқсоқоллар ажратиб юборишга мажбур бўладилар. Шу чорда икки тараф халқи: «Тўйимиз, қабристонимиз бир бўлса-ю, бир-бировимизга қачонгача душман бўламиз, полвонлар ажрим қилматунларича курашаве-ришсин», деб туриб олишади. Курашга тушадиган бошқа полвонларга бериладиган «Зот» ва бошқа харажатларни полвонлар зиммаларига оладилар. Кураш давом этади. Халқ орасида шундай ёмон «гап»

юарди. Гүё Латифшонинг хотини аввалдан Қайсарбек билан «дон» олишиб юрганиши. Бу қочириқ тийбатлар кимлар томонидан тўқилганми ёки озроқ бўлса-да ҳақиқат борми, билмадим, Латифшони туну кун азобларди.

Ҳут¹ кириб, қорлар эриса-да, кундуз кунлари ҳаво қизиб, дала-даштларда баҳор гуллари бойчечаклар, қўзигуллар очилиб, ям-яшил далаларда қўй-қўзилар яйраб ўтлайдиган вақт келган бўлса-да, тунлари ер музлайди. Кураш майдонида машъалалардан олтитаси ўрнатилиб, кураш майдонини ёритади. Ўртада катта гулхан ёнади.

Кураш майдонига сомон тўшалиб, аввал беш ёшдаги болалар, кейин каттароқлари кураш майдонини қиздираяпти. Кўп ўтмай катта полвонлар уч жойда кураш оляптилар.

Ниҳоят ҳаётлари, номусларини ўртага тиккан полвонлар даврага чиқдилар.

Курашнинг бу турида мағлуб полвонни ғолиб полвон қул қилиб олади. Унинг бор мулки, бойлиги ва албатта хотинлари ҳам ғолиб полвоннинг мулки бўлиб қолиши шарт. «Бундай олий мақомдаги кураш яқин орада бўлмаган», дейишиди қариялар.

Инсоннинг номуси, эркинлиги, ҳаёти тикилган бундай курашга ишқивоз одамлар, ҳатто бошқа мамлакатлардан келиштанди.

Кураш бошланганича йўқ. Полвонлар даврага чиқишиди. Қайсарбек ўйнаб, даврани бир айланиб, қиблага қараб тиз чўкиб, қўлларини кенг ёзиб, аввал одамларга таъзим қилди, кейин «Ё Али!» дея наъра тортди.

Кейин ўйнаб даврани айланиб, рақибига қараб тишини ғижирлатиб:

¹Ҳут – қишининг сўнгги кунлари

— Ўлдим деявер кўппак!

Латифшо даврани бир айланиб, тўрт тарафга бош эгиб, томошибинларга таъзим изҳор этди. Кейин полвонлар давра айланиб, секин юра бошиладилар. Орадан беш дақиқа, ундан-да кўпроқ вақт ўтиб, икки полвон олиша кетди. Аммо кураш унча кўп вақтни олмади.

Бир ярим соатлик курашда Қайсарбекнинг оёғи осмондан келиб, бор бўйича йиқилиб тушди. Давра қийқириб, ғолиб полвонни олқишилардилар. Эл оқсоқоллари Қайсарбекни турғиздиришга уринса-да, у ўзига келмади. Даврабоши қўлларини осмонга кўтарганида халқ тинчланиб, оқибатини сабрсизлик билан кутардилар.

— Ҳалол! — деди давра оқсоқоли.

Ҳакамлар ҳам оқсоқолни қўллаб-қувватладилар.

Қайсарбек секин ўрнидан туриб, халқقا таъзим қилиб:

— Ҳалойиқ, — деди у. — Бу иблис фириб ишлатди!

— Сени оёғингни осмондан келтириб йиқитди!

Сен мағлуб бўлдинг! — деб қичқирди ҳалойиқ.

— Қуллуқ, қуллуқ! — дерди Латифшо халқقا таъзим қилиб.

— Ҳалойиқ! — деди давра оқсоқоли. — Қайсарбекнинг имон-ихтиёри, молу мулки, хотинлари Латифшо ихтиёрига ўтсин, омин, — дея қўл кўтарганида ҳалойиқ ҳам бараварига: — Омин! — дея дуога қўл кўтарди.

— Эл кайвониларининг илтимосларини хисобга олиб, мағлуб, яъни Қайсарбекнинг ҳаёти сақланиб, ота-онасига тегишли мулк ўзларига қолдирилсин! Латифшо, қўлингни дуога кўтар! — деди эл оқсоқоли.

— Қайсар менинг қулим бўлди, тирик қолиши-қолмаслиги менинг ихтиёrimda, аммо отасига тегишли мулк ва фарзандлари дахлсиз қолаверсин! —

деди Латифшо халойиққа бош эгиб таъзим қилиб. – Чоракорлари, чўпон-чўлиқлари ва албатта, хотинлари менинг ихтиёrimга ўтади.

– Омин! – дея қичқирди халойик.

Қайсарбекни оқсоқоллар ертўлага қамаб қўйишди. Аслида уни Латифшо банди қилиб олиб кетиши керак эди.

Эшикда турган соқчиларнинг кўл-оёқларини боғлаб ташлаб, Қайсарбекни озод қилишди. Қайсарбек ярим тунда аёллар паранжисини ёпиниб, севгилиси Ҳабиба билан қочди. Ёнида ўзига содиқ йигитларидан ўн киши Амударё соҳилигача кузатиб бордилар.

Эртаси куни Қайсарбекка тегишли қўй сурувлари, от, тия ва бошқа моллар суруви чўпон-чўлиғи билан Латифшо ихтиёрига ўтди. Мулкнинг анчагина қисми камбағалларга тарқатиб берилди. Қайсарбекнинг тўрт хотини Латифшо никоҳига ўтди.

Латифшо ота-онасининг ёлғиз фарзанди эди. Ўрта бўйли, кенг гавдали, истараси иссиқ, қувноқ феълли йигит эди. Унинг катта хотинидан икки фарзанди бўлиб, Ҳабибдан фарзанди йўқ эди. Латифшо моҳир чавандоз, курашда елкаси ерга тегмаган полвон бўлиб танилган эди. Оқсоқолларнинг маслаҳати билан элга тўй берди. Никоҳига олган хотинларига биттадан оқ ўтов тикдириб бериб, ёнига оқсоч қўйдирди.

Орадан бир ой ўтиб, Латифшо душмани Қайсарбекнинг изидан тушди.

Қайсарбекнинг изидан айғоқчилар қўйилган эди. Тахтакарача йўлига тушмасдан, Тарагай водийсига борадиган йўлга тушиб қолган эди. У яна йўлдан алашди. Лангар қишлоғига қўниб, Синжовут қири билан борадиган йўлни аниқлаб олган бўлса-да, йўлбошловчи ёллашни иложи бўлмади. «Ҳали тоғ дараларидан ўтадиган йўлларни қор босиб ётибди, Тахтакарача довонидан ўтса бўлади», дедилар йўлбошловчилар. Самарқандга бормасдан туриб, Ўратепага боришни

иложи йўқ эди. У ерда отасининг ошноларини кига боришилари керак эди. Лангар тоғларидан ўтадиган йўллар очилишига қарийб ўн беш кун бор.

Латифшо ярим тунда йўлга отланди. Айғоқчи олиб келган хабарда душмани қўним топган маскан аниқ эди. Амударёдан кемада ўтиб, Фузор шаҳрига келгучи йўловчи карвон билан олти кун йўл юрди. Бу олти кунда отини етаклаб яёв юрди, гоҳида отда. Кечалари қишлоқларда кишилар уйларида, карвонсаройларда тунаб, кундуз кунлари йўл юриб, ниҳоят душмани Қайсарбек келиб қўнган манзилга стиб келди. Қайсарбек Амударёдан ўтиб, қишлоқларда, карвонсаройларнинг алоҳида хоналарида ўйнаши билан айш-ишратини қилиб, бир ой йўл юриб, Лангар қишлоғига келиб, Овғо¹ орқали Самарқандга ўтишни мўлжаллаган эди.

Латифшо одамлардан сүраб-суриштириб Қайсарбек отини қолдириб, ўйнаши билан эшакка юкини ортиб тоғ дараларида, форларда кун кечириб юрганини билib олди.

Эшак эгасини топиб, унга икки дона тилло танга берип, йўл бошлаб боришни илтимос қилди. У ўзи билан икки кунга етадиган егулик, тунда ёпинадиган кепанак², чақмоқ тош³ олиб, йўлбошловчи билан қоронғу тунда йўлга чиқди.

— Бу ерда кечаси юриб бўлмайди, — деди йўлбошловчи. — Кундуз куни ҳам ўтиш амримаҳол. Ҳувойсилиқда ёнаётган гулханни кўраяпсизми?

— Ха, — деди Латифшо.

— Ўша гулхан сиз излаётган дүстингиз Абгонни күнгөлгөсөн.

— Сиз кетаверинг, — деди Латифшо.

ОВГО – ҮЛҮФ ТӨФ ЧҮККИСИ.

²Кепанак — ичи кигиз, усти чакмон кийим.

Чақмоқ тош – олов чиқадиган темир бүләгі.

* * *

— Сени ўлган дейишганди, — деди Қайсарбек таажжубдан ёқа ушлаб. — Арвоҳинг келган кўринади, шундайми? Инсон бўлганингда гадой топмас тошлар орасидан мени топа олмасдинг!

— Мен ажалингман! — деди Латифшо қаҳ-қаҳ уриб кулганича. — Ер остидан бўлса ҳам сени топаман! Сен менинг қулимсан, хоҳласам сени афв эта оламан!

— Сен фирром ишлатиб, курашда ғолиб бўлдинг! Мард бўлсанг, кел яна кураш тушамиз. Енгсант, мени ўлдирасан! Йиқилсанг, ўлдим деявер! Фақат ханжар билан!

— Мен розиман! — деди Латифшо.

— Кураш майдони мана шу тошлар орасида бўлақолсин!

Латифшо уст-бошларини ечиб ташлаб, оёқ яланг, қўлида қийшиқ пичоги билан, ўтиб бўлмас қияликдан Шивақ поясидан ушлаб, душмани ёнига бораётган чоғда аёлнинг чинқириғи эшишилди:

— Алвидо севгилим Қайсарбек! Тушимда аён бўлган эди! — аёл узути кўзидаги заҳарни пиёладаги сувга томиздириб боши узра баланд кўтариб ичди.

Кейин нимадир демоқчи бўлди, аммо нафаси бўғилиб, ранги сўлганича йиқилиб тушди.

— Нега бундай қилдинг?! — дея сўради Қайсарбек.

Аёлдан садо чиқмади.

— Фирром ишлатиб ҳамма мулкимни тортиб олдинг! Ками қолган бўлса айт! Шарти шулки, йиқилганда ўлдирмаслик! — деди Қайсарбек.

— Розиман, — деди Латифшо.

Жанг бошланди. Жанг қоидаларига амал қилиниб, Қайсарбек йиқилиб тушганида Латифшо рақиби оёққа туришига имкон берди. Ярим соатлик жант чоғида Латифшо йиқилиб тушди. Рақиби Қайсарбек

уруш қоидасини бузди ва душмани устига ташланди. Унинг ханжарли қўли қайтарилиб, Латифшонинг ханжари Қайсарбекни кўкрагига бориб санчилди. Тўғрироғи, тик турган ханжарга катта куч билан бориб урилган эди.

Латифшо ҳали жони узилмаган Қайсарбекни, ўлим изтиробларини чекаётган аёлни ўчиб улгурмаган гулхан ёнига — камарга ёнма-ён ётқизиб қўйди-ла, жон бера олмаётган душманлари оғзига сув томиздирди. Кейин Қайсарбек кўзларини очиб, хириллаб нафас оларкан:

— Ота-онам, укаларим қийналмасин, қараш уларга, — деди.

Кейин кўзларини катта очиб, осмонга қараганича, боши шилқ этиб оғиб тушди.

* * *

Бошқа киши никоҳида бўлган аёл бегона эркак билан ўйнаш ўйнаб турган чоғида қатл этилса қанақа мақом берилиши мумкин, бу масала хусусида мендек бир чўпон бирор нарса айтишга ожизлик қиласман.

— Бу жойни «Ошиқлар маскани» десак ҳам бўлаверади, — дедилар Ҳалим поччамлар. — Ўтганда, қайтганда ҳақларига дуо қилиб, руҳларини шод қилишимиз мумкин.

Синжовут қиридан турнақатор бўлиб бораётган молларим изидан чопқиллаб кетдим.

Бўрибосар итим менинг ёнимда тилларини осилтириб, тез-тез нафас олганича чопиб бораяпти. Каклик галаларининг тинимсиз ноласи тепамизда турли кўринишдаги тошларда, осмонга бўй чўзган салобатли қоялардан акс садо бериб, шовуллаб оқаётган Лангар дарё шовқинига қўшилиб дилрабо мусиқадек кўнгилларга ором баҳш этади.

ХОЖИМУРОД

Қишлоғимиздан икки-уч чақирим нарироқда, дарё соҳилида от-араваси ёнида чодир тикиб, қўналға қилиб олган ёлғиз чилангар кишини кўриб, ёнига бориб саломлашдим. Менинг исмим Анваршо, дедим мен. У киши ўзини Ҳожимурод деб таништириди.

Менинг ташрифимдан норози бўлса-да, ноилож:

— Хуш келдингиз, — деди чилангар.

— Хушвақт бўлинг, — дедим мен. — Одам бор жойга одам келади-да.

— Менинг олдимга илонлар, чиябўрилар, дайди итлар бемалол келаверадилар. Мен ҳаммасини хуш кўраман, уларга шундай ўрганиб қолганманки, ёввойи табиат товушини эшитмасам ётиб ухлай олмайман, — деди ҳамсуҳбатим.

Мен кулгидан ўзимни тўхтата олмадим. Ҳамроҳим ҳам тиржайиб, мендан узр сўраган бўлди.

— Бу ёруғ дунёда, — дедим мен, — инсон зотидан вафоли дўст орттира олмадим, аммо ҳайвонлардан анча-мунча дўстларим бор.

Суҳбатдошим менга бир қараб олиб, ёнаётган кўмирга дам солиб яшнатди-да:

— Ростми? — деди.

— Ҳа рост, хотининг, фарзандларинг дўст ҳам, душман ҳам бўлади, аммо содиқ дўстни баъзан ҳайвонлар орасидан топасан киши, — дедим мен.

— Бунда сиз адашмадингиз, — деди чилангар.

— Дўстми, душманми, барибир инсонлар билан яшаш завқли. Ҳайвонот дунёсининг ўзига хос яхши томонлари бор, — дедим мен.

— Мен ҳайвонлардан дўст топдим, — деди ҳамсуҳбатим.

Мен ҳар куни кечқурунлари Ҳожимуроднинг қўналғасига келиб, алламаҳалгача суҳбатлашардим.

— Ҳожимурод, қачондан бери сиз ёлғизликда ҳаёт кечирасиз? — деди сўрадим мен.

— Бундай саволларга жавоб бермасам хафа бўл-массиз?

— Ихтиёргиз, аммо инсонлар мuloқотда бўлиб турмаса, вақт ўтиб ёввойилашиб, ўз-ўзини идора қила олмай қолишлари мумкин. «Ёлғизлик Аллоҳга мансуб», деган экан машойихларимиз. Кўринишдан ўқимишли кишига ўштайсизу...

— Менинг ўтмишим мавҳум, ўта зерикарли, — деди ҳамсуҳбатим.

Тўлин ой қирдан кўтарилиб, бепоён дала-даштарни олтин сувига чўмиб ташлади. Ёнгинамизда мавжланиб оқаётган сой сувила ой акси заррин бўёқларда товланади. Тунги қушларнинг аҳён-аҳёнда чақчақлаб сайраши, чигирткаларнинг тинимсиз но-ласига қўшилиб ажиб бир мусиқавий оҳанг яратади.

— Ўн уч ёшимда етим қолдим. Қишлоғимизлаги кекса ва ногирон кишилар, аёлларга қўшилиб далада ишладим.

Мехнат кунимга бир парча зорора нон билан бир коса атала беришарди. 1944 йил баҳори серёғин келди. Бўй қизлар, аёллар билан қоқиёт, шунгалак ва бошқа гиёҳларни териб еб кун кечирдик. Ёзда мева-чева дегандек. Норвой деган тоғам иккимиз тоғдан ошиб, Самарқанд вилоятига иш қидириб бордик. Аммо бизни ушлаб қамаб қўйишиди Кейин овқатлантириб, тиббий кўриқдан ўтказишиди. Тоғамни фронтга, мени етимхонага юборишиди. Шу билан тоғам Норвойни бошқа кўрмадим.

Ҳожимурод қисиқ кўзларини юмиб, оғир ўйга толди. Кейин, хотирасини жамлаб олди, шекилли, ҳикоясини давом этди:

— Болалар уйидан қочиб шаҳар кўчаларида дайлиб юрганимда устига босма чакмон, бошига сувсар

тепек кийган қирқ ёшлар чамасидаги киши ёнимда тұхтаб:

— Эй бола, овқатланишга ҳүшинг қалай, — дея сүради.

Унинг қалин, қуюқ қошлари остида қора күзлари чақнаб, күрган кишини ваҳимага соларди. Икки чаккасини босиб тушган шоп мўйловини бураб, қўлидаги қирқ ўримли қамчисини баланд пошнали хром этиги бурвагига урганича менга егудек тикилиб, қараб турарди Аввалига қўрқдим, кейин ўзимни босиб олдим-да:

— Қорним тўқ, — дедим.

— Кўйсангчи, биродар, — деди нотаниш киши тиржайтанича. — Кўзларинг айтиб турибди-ку, юрақол мен билан. Исмингни айтмадинг? Ёшинг нечада?

— Исмим Ҳожимурод. Баҳорда ўн тўртга тўла-ман, — дедим мен. Ростданам қорним оч эди. Йигитлик фурурини бир чеккага йиғишириб қўй-дим-да, халоскорим буйруғига итоат қилдим.

Овқатланиб бўлгач янги хўжайним отни эгарлашни буюрди. Яхшиямки ўн-ўн икки ёшлик чоғимда отамнинг саман қашқасини эркалатиб миниб юрадим. Ҳозир олдимда яхшигина боқилган асов тулпор турибди. Уни эгарлашим, оғзига кумуш уқали юган, тилларанг сўлигини солишим керак. Тишимни тишимга қўйиб, от абзалини кўтариб отга яқинлашдим. Асов тулпор қулоқларини чимириб, депсиниб турибди. Қўрқмасдан асовнинг томоги тагидаги нухта тўқасидан маҳкам ушлаб, унинг ўт чақнаб турган кўзларига тикилганимча бошига юганни урдим. Кейин сергулли эгарни босиб, тушайилни тортдим. Кўз қири билан қарасам, янги хўжайним қамчи ўйнатиб, ҳаракатларимни зимдан кузатиб турибди

— Бүтам, боқса одам бўласан,— деди Хўжайиним.—
Аммо ҳали фўрсан. Кетдикми?

— Ҳа,— дедим мен.

Кўп ўтмай биз янги хўжайинимнинг қишлоғига
етиб келдик.

— Ҳожимуродбой, сен отларга қарайсан, қўйла-
римиз бор, боқасан. Оғилхоналарни тозалашга ода-
мимиз бор. Хуллас, сен хизматкор эмас, менинг отбо-
қарим бўласан, қандай?

— Нима десангиз шу хўжайнин,— дедим мен.

Шундай қилиб мен Тошқул чавандоз деган кишига
отбоқар бўлиб ишга ёлландим. Хўжайиним иккита от
боқиб, бирини қўйиб бирини минади. Мени яхшигина
кийинтириб, тўй, кўпкариларга олиб боради. Отларни
якка чирги қилиб, совутаман. Кўпкаридан чиқсан,
бадани совундек кўпирган тулпорларнинг терини
қотириб, иккинчисини хўжайинимга якка чирги
қилиб бераман. Отларимиз яхшигина соврин олиб,
кўпкарини олди бўлган кунлари отларга қанд
едираман. Шунинг учун отларим ёлланган чаван-
дозларни йиқитиб кетган чоғларда «қуралай, қур» деб
чақирсам, ўйноқлаб олдимга келади. Отлар менга, мен
отларга ўрганиб қолгандик.

— Тошқул аканинг қўрғони баланд қир этагида
бўлиб, тинчгина оқадиган серсув анҳорга бориб
туташади. Олма, ўрик, анорзордан ўтганингиздан
кейин, қоя ёнида анчагина ерда узумзор боғ бўлиб,
полиз экинлари, беда майдонлари мана шу анҳордан
сув ичади. Анҳорнинг нариги соҳилида катта-кичик
қўрғонлар, паст-баланд иморатлар қора дараҳтлар
оғушида узоқ-узоқларга туташиб кетган.

1939 йилда батальон командири Тошқул Жўра-
кулов сафдошлари билан душман қўшинларини ёриб
ўтиб, душман эшелонларини издан чиқарди. Ўша
жангларда батальоннинг икки взводидан атиги ўн

тўрт киши тирик қолганди. Финляндия ўрмонларида фаолият олиб бораётган партизан қисмлари ёрдамида Тошқул Жўрақуловга зудлик билан тиббий ёрдам қилинади ва у даволанади. Бир ой ўтар-ўтмас Тошқул Жўрақулов бошчилигидаги кавалерия батальони қолдиқлари партизан қисмлари кўмагида фронт чизигини муваффақиятли ёриб ўтдилар.

1942 йилнинг май ойида офицер Тошқул Жўрақулов она қишлоғига қайтиб келди. Район партия қўмитасининг инструктори, кейинчалик биринчи секретарь вазифаларида ишлади. Кўлига қурол кўтаришга қурби етадиган кишилар ҳарбий хизматга сафарбар қилинмоқда эди.

Сельсовет идорасида бир оёғидан маҳрум бўлган собиқ жангчи Пўлат ака почтачи Неъмат акага телефондан келган хабарни қоғозга тушириб, менга етказади. Мен, болалар уйида ўрганиб олган билимимни ишга солиб, тутила-тутила ўқиб, хат мазмунини билиб оламан. Кейин, отларни эгарлаб, бирини миниб, иккинчисини етаклаб районнинг исталган нуқтасига от соламан. Хўжайним Тошқул ака «Полутурка» русумли автомашинада лойга тиқи-либ қолган жойга етиб бораман-да, хўжайнимни қидираман. Акамиз албатта стол муштлаб, колхоз раисларини авра-астарини ағдар-тўнтар қилиб, чиғириқдан ўтказаётган бўладилар.

— Келдингми, Дагар, — дея сўрайдилар.

Мен бош иргайман. Хўжайним яна мажлисни қолган жойидан давом эттириб, «Ер ҳайдаш суст, дон экиш режаси бажарилмаяпти. Нега план бажарилмас экан! Ватанга нон керак, ўртоқлар! Қишлоқ хўжалиги заҳматкашларимиз, Ўртоқ Сталин шуни талаб қиласптилар!» — дея маъруза ўқий бошлайди.

Тун алламаҳал, мажлис тугайди, аммо Тошқул аканинг хирилдоқ овози ҳали-ҳамон сўкинишда

давом этади. Ҳар замон, ҳар замонда кулги, ҳазил-мутойиба билан хушмуомала мақтовлар эшитилади.

Тошқул аканинг турмуш ўртоғи Роҳилахон ЧСБ¹ ни битириб, Бухоро шаҳрида ЖенПЕДга сиртдан ўқишга кирди. Ҳозир қишлоқ мактабида кечаси чаласавод кишиларга дарс беради. Ўзига оро бериб юрадиган бу сипо аёл, бир куни Бухородан узун кўйлак кийиб, лозим киймай қайтганида Тошқул aka қамчини тагига олиб, «ахлоқдан сабоқ» берган эканлар. Роҳилахон тўшакка ётиб қолганларидан кейин, Роҳилахоннинг вазифаларини камина бажаардиди. Ҳар ҳолда мен болалар уйида ёзув-чиズувни ўрганиб олган эдим-да.

Тошқул аканинг тўнғич фарзанди Эшқул Бухорода қишлоқ ҳўжалик техникумida учинчи курс талабаси. Қишлоққа келган чоғлари болаларни тутиб олиб уради.

Кунларнинг бирида у:

- Эй, бери кел! Муштлашамиз! — деди.
- Муштлашишни билмайман, — дедим мен.
- Сенга ўргатиб кўйсам-чи.
- Ўргатмай кўяқол...

У ҳе йўқ, бе йўқ, менга ташланди, мен ўзимни ҳимоя қилишга ўтдим. Мени ура олмагач, қўл-оёқни ишга солди. Билдимки, мен ундан калтак емасам кўнгли жойига тушмайди. Оёқларим орасини, юзимни ҳимоя қилдим. Эшқул истаганча мени дўпослаб чарчаб қолди, шекилли, оғир-оғир тин олиб, урушдан тўхтади.

Оёқ, қўл ва бошқа аъзоларим калтак зарбидан зирқираб оғриса-да, суякларим бутун қолганига шукр қиласдим. Мени хонамга олиб бориб, ётқизиб

¹ЧСБ – уруш ва кейинги йилларда 7 ёшдан 60 ёшгacha саводсизларга ёзиш, ўқиши ўргатган курс.

ташлашди. Отларга қарайдиган, кечаси чаласавод кишиларга дарс берадиган киши йўқ эди. Эшқулнинг ўзи менинг вазифамни бажаришта мажбур эди. У менга:

- Хотинчалиш экансан-ку! Турақол!
- Тура олмайман, — дедим мен.
- Ўқувчилар тўпланиб ўтиришибди, — деди у ялингандек. — Сени суюб олиб бораман!
- Замбилга солиб олиб борсанг ҳам бора олмайман, — дедим мен.

Эшқул бу қилмиши учун отасидан яхшигина қамчи мазасини татиб кўришини яхши биларди.

— Билиб қўй эшакнинг эркаги, — деди Эшқул тишларини ғижирлатиб, — агар отамга айтсанг, ўлдим деявер, терингга сомон тиқаман.

— Хавотирланма! Айтмайман.

Эшқул мен бажаришим лозим бўлган ишларни ўзи қиладиган бўлди, аммо отлар сувсиз, емишсиз қолаверди. Саман қашқа Эшқулни ёнига йўлатмабди. Орқасидан борса тепармиш, олдидан борса тишлармиш. Орадан икки кун ўтиб, йиқила-сурила оёққа турдим-да, отларга ўзим қарайдиган бўлдим. Эшқул отасидек ўрта бўйли, гавдали, сержаҳл йигирма ёшли навқирон йигит эди. Уни тентак деб бўлмасди, ақл-хуши жойида ҳам эмасди. Шундай бўлса-да, математика, физика фанларидан яхшигина билими бор эди. Тригонометрия функциялари, химиядан турли жадвалларни ёддан биларди.

— Ҳожимурод, — деди у, — сен анави ҳаром ўлгур чувурларни емишига қараш, чаласавод аҳмоқларга сабоқ беришни менга қўйиб бер, хўпми!

— Яхши, — дедим мен.

Тошқул аканинг икки қизалоги бор. Солиҳа тўрт ёшда, Соҳиба уч ёшда. Ширинтой қизалоқлар менга ўрганиб қолишган. Иккаласи ёнимга келиб олиб:

«Тўла ака, мени тўтайинг», деб ер тепиб туриб олишади. Мен қизалоқларни кўтариб олсам бетимдан чўлпиллатиб ўпиб оладилар-да, «Ота мина», деб туриб олишади. Кўпам ўйлаб ўтиrmай қизалоқларни от эгарларига ўтказиб қўяман-да, ўз юмушимга кетаман.

Эшқул Тошқул аканинг биринчи хотинидан экан. Тошқул чавандоз Фин урушига кетганида Эшқулнинг онаси вабо касалидан вафот этган экан.

Тошқул ака сафардан қайтди. От жиловини Эшқул ушлади. Отдан тушмасдан у:

- Отбоқар қани,— дея хитоб қилди.
- У касал,— деди Эшқул.— Кулбасида ётибди.
- Чақир!

Айни шу чоғ мен судралиб хонамдан чиқдим.

— Хўш, Ҳожимуродбой, гапир, сени ким бу аҳволга солди? — деди Тошқул ака.

— Йўқ, биродар, мени алдайман деб овора бўлма! Сени ким дўппослади?

— ...

— Сен даюс менинг отбоқаримни ургансан?! — деб у ўғлига хезланди.

— Ота, ўлимдан хабарим бор, лекин бундан хабарим йўқ, — деб Эшқул қасам ича бошлади.

Тошқул чавандоз отдан тушиб отни яккамихта боғлади-да, кейин босма чакмонини ечиб менга берди.

— Эшқул, сен бери кел-чи! — деди у гўё ҳеч нарса бўлмагандек.

Ўғил башарасини бужмайтириб, ота ёнига келди.

— Худога қараб айт! Отбоқарни сен дўппосладингми??

— Ота, ишонинг, ўзидан ўтди, — дерди бечора Эшқул. — Бокс тушамиз деб ҳоли-жонимга қўймади. Кейин ўзи калтак еди-да!

— Шундайми, — деб менга егудек тикилди ча-
вандоз.

— Ҳа! — дедим мен.

— Рост гапир! — хитоб қилди Тошқул чавандоз,
құлиға қирқ ўримли қамчини олиб ўғлини савалай
кетди.

— Бери кел, — деди у менга жаҳлидан тушиб.

Яқинроқ келдим.

— Сенга бир ҳақиқатни айтиб қўймоқчиман,
қулогингта қўйиб ол! Сен ҳеч қачон бошқалар қилган
жиноятни зиммангга олма. Ҳеч қачон. Фин урушида
бошқалар қилган жиноятни зиммасига мажбурлаб
қўйганларида манаман леган азаматлар шармандали
ўлимга маҳкум қилиниб, отилиб кетдилар. Аслида
жиноят содир этган муттаҳамлар орден-медаллар
билин мукофотландилар. Буни асло эсингдан
чиқарма! Янгангни аҳволи қандай?

— Ташқарига кириб чиқаяпти, — дедим мен.

— Яхши, — деди Тошқул чавандоз.

— Отлардан қайсини минасиз, — дея сўрадим мен.

— Машина келади, — деди Тошқул чавандоз. — Мен
озгина мизғиб олишим керак. Эндиликда оиласда икки
кичкінтой қизалоқни ҳисобга олмаганда ҳаммамиз
ногирон бўлиб қолгандик. Бечора Эшқулнинг бадани
моматалоқ бўлиб, қонталаш бўлиб қолганди.

— Ота, битта батракни деб мени, ўқимишли,
зиёли ўғлингизни жазоладингиз, — дерди бечора Эш-
қул. — Сенинг улушинг бор, зангар ялангоёқ. Қараб
тур, калтакланиш қандай бўлишини кўрсатиб
кўяман. Сендеқ батраклар кўчада сон мингта.

Хўжайним қаттиқ уйқуга кетди. Энди уни замба-
рак отиб ҳам уйғотиб бўлмасди.

Ярим тунда ёғоч оёғини судраб, идора қоровули
келиб мени чақирди. Олдига бордим.

— Хўжайинингни обкомга чақиришибди. Мана сенга телефонограмма, — деди-да қўлимга бир парча қоғозни бериб, жуфтакни ростлади.

Чавандозни уйғотишнинг ўзи бўлмайди.

Оромини бузган инсон зоти қамчини тагида қолади. «Начора, бошга тушганни кўз кўради» дедимда, девдек қотиб, хуррак тортаётган хўжайнимни турткилаб кўрдим, чақириб кўрдим, бўлмади. «Эскадрон подъём, тревога» дея бақирдим. Тошкул чавандоз ўрнидан сапчиб туриб, «Батальон қуроллансин!» дея хитоб қилди.

Ўзига келди шекилли, «Маладес» деди-да елкамга қоқиб, «сендан яхшигина солдат чиқади», деди.

— Хўжайн, отни қай бирини минасиз, — дедимда, хатни унга узатдим.

— Урушда бошқача эди, — деди хўжайним носқовини тишига таққиллатиб уриб. — «По коням! В бой!» деб командиринг қичқирса бўлди, ўлим билан юзма-юз келсанг ҳам, душман ўқи визиллаб қулоқларинг остидан ўтсаям, қўлингдаги қилич ҳавода визиллайди. Мана шунаقا гаплар Ҳожимуродбой. Саман қашқани эгарла!

Райком секретари от охурига ўтириб олиб, газета ўрамидан йиртиб, махорка халтасидан махорка солиб, ҳафсала билан ўради. Сўнг газета четларини лаби билан хўллаб, яхшилаб ишлов бериб, чертиб кўрди-да, кўнгли тўлғандан кейин тутатди. Хушбўй тамаки тутунини хумордан чиққунича тортиб, оғзидан чиқаётган тутундан катта-кичик ҳалқалар ясад ундан кўз узмай турди-да:

— Ҳожимурод, ука, сени ҳарбий мактабга ўқишига қўяман, қандай?

— Яхши бўларди, — дедим мен.

— Жуда соз, қўлингдан дафтар, қалам тушмасин, қатъиятли, иродали инсонсан, — деди райком

секретари. Спорт билан тинимсиз шуғулланишинг керак бўлади. Мен еттинчи синфни тугатган бўлсамда, от чопиш, қилич билан жанг қилиш усуllibарини аъло даражада бажарганим учун комиссарлар назарига тушдим. Махсус мактабни битириб келганимдан кейин взвод командири бўлдим. Фин урушида оғир жангларда қатнашдим. Орден, медаллар беришди.

Кавалерия дивизия штабида ташкил этилган ўрта мактаб курсарида қатнашиб, ўрта маълумот олганимдан кейин капитан унвони беришди-да, дивизион командири вазифасига қўйиши. Армия штаб бошлигининг топшириғига асосан махсус эскадрон тузиб, унга қалмоқлардан, осиёликлардан чавандозларни танлаб олишимга буйруқ беришди. От чопиш, чопиб бораётган от остидан айланиб ўтиш, ёнбошдан туриб ўқ отиш, хуллас, цирк артистлари бажара олмайдиган от ўйинларини пухта бажара оладиган чавандозларни танлаб олишим учун бир ой вақт беришди. Мен бу вазифани бажардим. Икки йил от устида юрдим. Жанг қилдим. Дивизия бош штабининг энг масъул топшириқларини елкадош чавандоз ўртоқларим билан бажардим. Эскадронни жангга олиб кирдим. Яланғоч қиличим ҳавода визиллаб, қаршимдан келаётган ўқ ёмғирини писанд қилмай душман пулемёти устига от солдим. Ёнгинамда мени отмоқчи бўлиб турган душманинг қулоғи остини нишонга олиб қилич солдим. Бу воқеа узоқ вақт тушимга кирди. «Нега мени ўлдирдинг, мени асир олишинг керак эди», дерди шўрлик марҳумлар. Шунда мен: «Сени ўлдирмасам, мени ўлдирадинг!» — дердим тушимда. Мен ўлимга тик бордим. Ўлим мендан юз ўтиреди. Оғир вазиятда қолган чоғларимда сафдошларим ҳаётимни сақлаб қолдилар. Оғир жанглардан бирида яраланиб, госпиталга тушдим.

Шундан кейин менинг жанговар фаолиятимга нұқта күйилди.

Госпиталдан чиққанымдан кейин менинг ҳомийим, түғрироғи, кавалерия дивизия құмандони генерал-полковникнинг қабулиға кириб ялнидим, ёлвордим, бўлмади.

«Сен, ўртоқ майор, қишлоқ хўжалигини тиклаш фронтига сафарбар этилдинг», деди.

Ҳарбийчасига хайрлашдим-да, кавалерия батальонимга келдим. Қуролдош дўстларим жанговор сафтортиб, оркестр садолари остида мени қутиб олишиди. Аммо менинг ва қуролдош дўстларимнинг қувончи узоққа бормади. Менинг илтимосимга мувофиқ ўрнимга Кенгайбек Худойқуловни эскадрон командири этиб тайинлашди. Мени эскадрон командири вазифасида уч кун ишлашга таклиф қилишди. Албатта, жанговар ўртоқларимнинг илтимоси қондирилди.

Ҳожимуродбой, гапнинг сирасини айтсам, ҳам масидан ҳам от билан видолашиш оғир кечди. Қуролдош дўстларим, ахир сен жигитсан, қолаверса чавандозсан, кўзингдан ёш чиқсин, юрагинг йиғласин, аммо сасингни чиқарма! — дейишли.

Эскадронимизда лейтенант Варапай деган қалмиқ бор эди. Унинг исмини ҳеч ким айтмасди, «Шалпангқулоқ» деса ҳамма танирди. Тунд инсон эди. У ҳеч ким билан дўстлашмасди. Аммо моҳир жангчи, адолатли взвод командири эди. Унинг дўсти — Қорабайир оти бор эди. Ўзига тегишли қандни отига едириб, жангга киргунимизча: «Дайди ўқ менга тегсину, сенга тегмасин», дерди оти бошини қучоқлаб. Мен госпиталда чофимда дайди ўқ «Шалпангқулоқ»қа эмас, севикли Қорабайирига тегибди. Ёв малахдек босиб келаяпти. Душман офицери қилич ялангочлаб от солиб келаяпти. Лейтенант Варапай қилич тифига чап бериб, устига келиб тўхтаган от остида туриб, ўлими муқаррар бўлган чоғда

дүшманини пешонасидан отиб ташлабди. Ҳайратдан оғзи очилган дүшманни отдан тушириб ташлаб, үзінгі отта чиқиб олган Варапай дүшман қуршовидан соғомон чиқиб олиб, фронт чизигіга тортилган тиканлы симлардан ўтиб, отилаётган ўқларга чап бериб, үзінгі взводига етиб олибди, шоввоз.

Райком секретари шошилмай маҳоркасини ўраб олди-да, тутатиб менга разм солди.

— Мен ўйлаб туриб, шу довюрак, одамови офицерга отимни беришга қарор қилдим ва у билан хайрлаша туриб ундан секингина сўрадим:

— Дардингни айтарсан, энди сен билан бошқа кўриша олмасак керак.

У умрида илк бор тиржайтани бўлса керак.

— Ўртоқ бошлиқ, — деди лейтенант Варапай. Сизга тўғрисини айтсам, бўлганим шу. Мен сизни яхши қўраман. Йўқ демасангиз сизга атаб юрган совғам бор, қабул қилмасангиз хафа бўламан.

— Кўрайлик-чи.

— Аввал ваъда қилинг.

— Қабул қиласман, — дедим мен.

У ёнидан халтасини чиқариб, ундан иргай да-рахтидан ясалган туморни олди-да:

— Бу тумор сизни турли фалокатлардан асрайди. Кўлтифингизга тақиб олинг, — деди у.

Мен совғани қабул қилдим. Энг муҳими, севикли тулпоримни от қадрини биладиган, отбоқарга ишонмасдан ўзи отни боқадиган инсонга топширганим учун кўнглим хотиржам бўлди. Жанговар дўстларим билан энди ҳеч қачон кўриша олмасам керак.

Райком секретари ўйноқлаб турган тулпорига миниб олди-да, тизгинни тортиб:

— Ўзингни ҳимоя қилишни ўрганмасант бу кенг, совуқ оламда эркин инсон бўла олмайсан. Буни

кулогингга яхшилаб қуйиб ол! – деди-да, отига қамчи босди.

Зим-зиё тун қаърига от солиб кетган бу жасур инсонга ҳавасим келди.

* * *

Эрталаб, қорли төг чүққилари оша кутарилаётган қүёш нурида, эндиғина япроқ ёзаётган дараҳтлар, қирадирлар қирмизи рангларда товланади. Сойликлар эса ҳали-ҳамон зулмат қўйнида мудрайди. Мен отларнинг бирини миниб, иккинчисини етаклаб совутиб юрибман.

Қишлоқдан уч чақирим узоқлашган эдим, револьвернинг бўғиқ товушидан сесканиб орқамга қарасам, Эшқул ёнгинамда ёнгоқ дараҳти танасига суюниб, мени нишонга оляяпти. Ҳуркиб безовталаңган отларни тинчлантиридим.

- Отдан туш! – деб хитоб қилди у.
- Нима қилмоқчисан, – дея сўрадим мен.
- Туш! Ялантоёқ исқирт!
- Тушмасам нима қилардинг.
- Отиб ташлайман!
- Отсанг от!
- Йўқ, сен отдан туш! Тушмасанг ўзингдан кўр!

Етимча! Сен учун отамдан қамчи едимми, энди ҳисоблашамиз, – деди-да, тепкини босди.

Ўқ визиллаб қулоқларим остидан ўтди. Отлар ҳуркиб мени олиб қочди. Ҳавфли жойдан узоқлашдим.

Үйга қайтганимда Эшқул ҳеч нарса бўлмагандек тиржайиб ёнимга келиб:

- Яна отамга шикоят қилсанг нақ миянгни қатигини чиқараман! Бу ўйинбоши, – деди.
- Шикоят қиласидиган одатим йўқ, бойвачча, – дедим мен ҳам тиржайиб.

Эшқул Бухорога кетадиган куни мен отларни сугориб турганимда ёнимда пайдо бўлди.

— Отамдан еган қамчилар аламини олмасдан ўқишига кета олмадим, кечирасан, отларни боғлаб, ёнимга келарсан?! Ёки құрқоқлик қилиб, қочиб қоласанми?! — деди у.

Мен отларни боғлаб, унинг ёнига келдим-да:

— Хүш, нима тапинг бор? — дея сүрадим.

— Бокс тушамиз, — деди Эшқул.

— Қанақасига, — сүрадим мен. — Сен урасан, мен қараб тураман, шундайми?!

— Эркакчасига уришамиз!

— Бошладик, — дедим-да, зарб билан келаётган муштларни қайтариб, беш дақықалар чамаси ўзимни ҳимоя қилиб, рақибим ҳолдан тойганида яхшилаб битта туширдим.

Эшқул бечора эси оғиб йиқилиб тушди ва бошқа жанг қилолмади. Мен отларни етаклаб, уйга қайтдим.

Уйқуга түйиб олган бечора Эшқул уйга келганида мен:

— Хафа бўлиш йўқ, йигитчасига жанг бўлди, — дедим тиржайиб.

— Кўрамиз ҳали, ким зўрлигини, — деди-да хонасига кириб кетди.

«Уни қуролсизлантириш керак», деган фикр чақмоқдек миямга урилди. «Аммо қайси қуролдан фойдаланаркин? Кечаси ҳамма уйқуга кетганида тайёргарлигимни кўраман», хаёлимдан кечирдим мен.

Мен ярим тунда ов милтиги патронларини пахтавон қилиб, наган ва карабин ўқларини қайнатиб, аввалгисидек шай қилиб, Эшқул келишини кутиб ётдим. Хўрозлар қичқира бошлаганида майингина ҳуштак товуши эшитилди. «Демак, нимадир содир бўлади», деб ўйладим ва пойлаб турдим.

Эшқул оёқ учida юриб, сайисхонага ўтди. Отлар безовталанди.

Итлар бир ғингшиб олганида Эшқул ҳуштак чалди. Қорабайирни эгарлаб, етаклаб чиқиб сойга – қоронгулик қаърига ғойиб бўлди. Мен ҳам секин эмаклаб сойга боравердим.

- Думинг йўқми? — деди ёнидаги нотаниш киши.
 - Ялангоёқ қотиб ухляяпти, — деди Эшқул шивирлаб.
 - Аниқми? Ростдан ухляяптими? — деди яна у.
 - Ҳа, хурракни тортаяпти, энағар, — деди Эшқул шивирлаб.
 - Ҳали-замон тонг отади. Отни ертўламизга солиб ташласамми, — деди от ўғриси.

— Ҳозироқ гүмдөн қиласан! Эртага милиция босади, — деди Эшқұл шивирлаб.

Энт мұхими, от ўғриси кимлигини билиб олғандым. Мен эмаклаб келиб хонамга кириб олдимда, жойимга ётиб, хүррекни торта бошладим.

Эшқул ов милтигининг қувури билан мени туртиб кўрди. Мен жим ётавердим. Оёқ учи билан тепди, қўзимни очиб, фингшиб, яна ётиб олдим.

- Тур, энағар! — деди Эшқұл товушини күтариб. Күзимни очиб:
 - Нима дейсан, ками бўлса яна уришамиз. Ҳозир менга тегма, озгина мизғиб олай, — дедим.
 - Тур, дедим сен маразга. Оддимга тушиб!

Күлидаги ов милтиини кўриб капалагим учли.
«Калласи ишлайди, аммо шеригининг милтиги бўлса
хаммаси тамом. Отиб ташлайди».

Милтиқа разм солдим, ўзимизнинг милтифимиз. Танидим. Неча маротаба қақлик овига борганман.

- Нима қымоқчисан, — дедим мен ялинган бўлиб.
— Юрақол, сени озгина ўйнатаман. — Эшкул ҳузур килиб қулди.

— Шу ерда ўйнаташер, — дедим мен.

Кўп ўтмай тонг шамолида шовуллаб силкинаётган ёнғоқзорга, сой бўйига бордик.

— Кечирасан оғайнини, Бухорои шарифдек гулғула шаҳарда ўқишни ўзи бўлмайди. Отам билан муносабатимизни буздинг. Менга берадиган пули ҳеч нарсага етмайди. Бир отни пулини есак нима бўпти. Сен ёруғ дунёда сув лойқатиб, азоб чекиб юрганингдан кўра, жаннатда ҳуру гуломонлар билан айш-ишратда юрганинг маъқул эмасми. Сени бу дунё азобидан қутқазиб қўйсан, — деди-да, милтиқнинг қора қувурини менга тўғрилади.

— Отмагин оғайнини, — деб ялинган бўлдим.

Орқамда анҳор қоронғуликда кумушдек товланиб оқаяпти.

— Кунинг битди, — деди-да тепкини босди.

Милтиқнинг қора қувуридан олов отилиб, майдалантган қофоз парчалари кўксимга келиб урилди. «Хайрият-ей, тирикман», хаёлимдан кечирдим. Аммо кўксимни чанглаб, бир-икки қадам орқага, анҳор тарафга юрдим-да, ётиб олиб қалтираб жон берган бўлдим.

— Сени от ўғриси отиб кетди, алвидо, исқиরт! — дея милтиққа иккинчи патронни жойлаб, беш-олти қадам наридан туриб отди.

— Милтиқ сенда бўлган, қандай қилиб от ўғриси қўлига тушиб, ўз милтиғингдан ўқса учдинг занғар етимча! — деди Эшқул. — Етимнинг жони қаттиқ бўлали, дегани бекор гап...

Мен сапчиб ўрнимдан турдим ва Эшқул билан юзма-юз туриб:

— Тўрт йилдан бери отангни хизматини қилдим. Мукофотига мени не кўйларга солмадинг! — дедим мен.

— Занғар, энди ўлдинг, — деди-да, Эшқул милтиқ қўндоғи билан уришга чоғланди, аммо бу гал ҳам у имкониятни бой берганди.

Бир ҳамла билан қўлидан милтиқни тортиб олдимда, йиқитиб, белимдаги чилвир билан қўл-оёқларини боғлаб ташладим.

— Қўлимни бўшат, — деди Эшқул, — бу ишни қиласкўрма! Милиция келса сен от ўғриси билан тил бириктириб, отни сотиб юборганингни билмайди, дейсанми?!

— Нима бўлса пешонамдан қўраман,— дедим-да, рақибимнинг башарасига яхшилаб бир тепдим.

Ўзим чаққон юриб, почтага бориб Тошқул аканинг манзилига телефон қилдим. Воқеадан огоҳ бўлган хўжайиним:

— Сен отларга қараб тур, қолганини милиция баъжарди, — деди.

Келиб Эшқулни банддан бўшатдим-да:

— Эшқулбой! Сен билан милицияда гаплашамиз, энди бориб тараддудингни кўравер. Отни кимга бериб юборганингни айтасан! — дедим.

— Отни кимга бериб юборганингни, қаршилик кўрсатганим учун мени отиб ўлдирмоқчи бўлганингни сен айтасан, — деди Эшқул увишиб қолган қўлларини уқалаб.

— Ҳали менми от ўғриси, — дедим мен.

— Сен бўлмай ким бўларди?! — деди Эшқул кўзимга тикилиб.

— Туҳмат! — дедим мен.

— Милицияда гаплашамиз. Сен муттаҳам ўғри, отамнинг тузини еб, туздонига тупурдинг гадойвачча! Сен ўғри билан энди ҳисоблашаман!

— Қўлингдан келганини қиласкўра, олифта! Отни кимга бериб юборганингни аллақачон отанг билади.

Милиция машинаси келиб тұхтади, ундан фуқаро кийимида бир киши ва икки милтиқді милиционер машинадан тушиб, башааси қалтак зарбидан моматалоқ бўлиб, уст-бошлари қонга ва лойга беланган Эшқулни сўроқ қилдилар. Кейин тұхмат зарбига дош бера олмай ўзимни йўқотиб турганимда:

— Ҳожимурод сенми, — деди сўради фуқаро кийимидағи киши.

— Ҳа, менман, — дедим мен.

— Сен билан маҳкамада гаплашамиз, — деди у, ҳозиргина ёзилган қофозларга имзо чектириб.

Гувоҳларни сўроқ қилғанларидан кейин, Эшқул кўрсатган анҳор бўйи яхшилаб кўздан кечирилди, излардан нусха олиниди. Менинг қўлимга киshan солиб, маҳкамага олиб кетишиди. Кун бўйи қамаб кўйдилар-да, кечаси ярим тунда сўроқ бошланди. Терговчи исмимни, отамнинг исмини сўради, холос.

— Энди сени яхшилаб турли касаллик тарқатувчи вируслардан тозалаймиз-да, иннакейин бор ҳақиқатни осонгина билиб оламиз, — деди терговчи.

У ёнидан «казбек» қутисини олиб, бир дона папиросни эзғилаб тутатаркан, кейин ўрнига ўтириб олиб, менга истеҳзо билан папирос қутисига ишора қилди. Мен бош чайқадим.

— Эҳ-ҳе, буни қаранг, сиздек зўравон, пихини ёрган ўгри чекишни истаган бўлсалару!..

— Чекмайман, — дедим мен. — Сув берсангиз.

— Сувсадиларми? — деди у бошини сарак-сарак қилиб. — Йўқ оғайни, сизга сув ичиш мумкин эмас. Билиб қўйинг, аввал бор ҳақиқатни билиб оламиз. Кейин сув ҳам, овқат ҳам бўлади. Келишдикми?

Унинг мушукникидек кўзлари ёнди. Ёноқлари пирпиради, кейин қўлига қўлқоп кийиб олди-да, менга бир мушт туширди. Кейин:

— Энди сен, оғайни, заарли вируслардан озгина бўлса-да, тозаландингми-йўқми, ҳозир билиб оламиз. Айт-чи, отни қайси муттаҳамга бериб юбординг?!

Шундай қилиб мен Эшқул содир этган жиноятни тан олмасам-да, зиммамга қўйиши. Хўжайним Тошқул aka келиб:

— Ҳа, укам-а! Нега сени омадинг чопмади. Ўғирликни сен қилганинг йўқ, аммо Эшқул қилгани рост. Воқеани бошдан айтиб берчи, — деди хўжайнин.

Бўлган воқеани айтиб бердим.

— Эшқул сени отиб ташлаганида ҳамроҳи, от ўғриси Зулхоннинг зimmersига юкларди. Зулхон сўроқда отни сен эгарлаб берганингни айтибди. Шундоқ, Эшқул силлиққина сувдан қуруқ чиққан кўринади. Сени бугуноқ озодликка чиқаришади. Мен юқоридаги каттаконлар билан гаплашдим. Зулхон ўғри бор ҳақиқатни айтса керак. Токи мен тирик эканман, сени хафа қилдириб қўймайман, — деди хўжайним Тошқул чавандоз.

Мени озодликка чиқаришди. Аммо ҳали тергов давом этмоқда эди. Эшқул менга хўмрайиб қараб қўйди-да:

— Биласанми, от ўғриси, ит эмган Ҳожимурод, сени саккиз йилга қамаб юборишади.

— Мен онамни ўртага қўйиб қасам ичаман, — деди утишларини фижирлатиб. — Сени отиб ташламаганинга афсусдаман. Сенинг тиригинг ҳам, ўлигинг ҳам ҳеч кимга керакмас!..

Терговда мени Зулхон билан юзлаширишди. Зулхон бор ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди, отни Эшқул эгарлаб берганини, ўғирликни иккиси қилганлигини тан олди. Зулхон уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, қамалиб кетди.

Эшқул ўқишини тугатиб, Москвада ўқиш учун йўлланма олди. Мен ҳамишагидек хўжайинимга содик отбоқар бўлиб юрибман.

Йиллар ўтди. Мен ўрта мактабни тугатиб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимига ўқишига кирдим. Кунларнинг бирида хўжайиним:

— Ҳожимуродбой, мен кун сайин чарчаб борајпман, сени кўпкарига тобинг қалай? — дея сўради.

— Хоҳишим чакки эмас, — дедим мен.

— Самантойни яккачирги қилиб эгарла! Қорабайирни мен минаман, тез-тез бўл!

Саман той олти ёшли ғуонон, «ҳала-ҳула»га бўй бермайдиган асов той, кўпкарига киргани йўқ, аммо яхшигина ўргатиб олгандим.

— Хўп бўлади, — деб отларни тайёрладим.

— Улоқни ол! — хитоб қилди Тошқул чавандоз.

Мен пўстакни олиб, ўйноклаб турган ғуононни миндим. Отларни жилови бўшатилди.

Биз кўпкари чопиладиган майдонга от солдик.

— Улоқни ташла! Отга қамчи босиб яхшигина терлатиб, улоққа сол! — деди Тошқул ака.

Майдонни айланиб, улоққа келганимда Самантой ҳуркиб, икки орқа оёғида туриб олади. Яна айланиб келиб, улоққа соламан, чопиб бораётган отдан энгашиб улоқни оламан. Машқ уч маротаба такрорлангач, той улоқдан кўрқмайдиган, чавандозга бўйсунадиган бўлади.

— Энди катта йўргага солиб ҳайда! — деди устоз чавандоз.

Яхшигина терлаган тойни тизгинини бўшатдимда сағрисига қамчи босдим.

От катта йўргага ўтди.

— Отдан тушиб, яна миниб ол! — деб қичқиради устоз чавандоз.

Мен буни осонгина бажардим. Тойни жимжима йүрғага солиб, совутдим.

- Бугунча етади, — деди чавандоз.
- Қорабайирни бермайсизми, — дея сүрадим мен.
- Нима қилмоқчисан?
- Қорабайирни бир хунарга ўргатувдим, — дедим мен.

— Яхши, ол! — деди чавандоз.— Қорабайирни якка-чирги қилиб эгарла!

Чүнтагимдан битта қанд олиб отга едирдим-да, бошини силаб, тизгинни күлимга олдим. Ҳүжайним күз қири билан қараб турибди. Эгарнинг қошидан ушлашим билан Қорабайир чопиб кетди. Майдонни икки айланиб, от яхшигина қизиб олганидан кейин, чопиб бораётган от устидан тушиб, яна миниб ола-вердим. Бу машқни икки-уч маротаба такрорладим-да, ўнг ёнбошта, чап ёнбошга осилиб юриш машқини бажардим. Чопиб бораётган от остидан ўтиб яна миниб олдим.

— Бугунча етади, — деди устоз чавандоз.

Тўйларда отим билан элга танилдим. Катта зотларни олдим.

Ёзги таътил кунларидан бирида ашаддий душманим Эшқул уйга қайтди. Мен билан тиржайиб кўришида:

- Ҳали ҳам сув лойқатиб юрибсанми, — деди.
 - Аксинча, — дедим мен, — институтни иккинчи курсига ўтдим.
 - Демак, подачи бўларкансан-да, чаласавод! — деди кинояли тиржайиб.
 - Йўқ, — дедим мен. — Зоотехник олим бўламан. Кел, яххиси ўзингдан гапир, ўқишинг қандай бораяпти.
 - Ёмон эмас, — деди Эшқул.
- Ёзда отларни тоғ ўтлоқларига олиб кетишли.

Қизалоқлар акаларини үнча ёқтиришмайды. Аммо менинг ёнимдан нари кетмайдилар. Мен уларга ёғочдан аравача ясаб бераман. Қизалоқлар ухлаб ётганларида чалғи күтариб, беда ўримига кетаман. Қуёш қыздыриб, жонзотман дегани соя қидыриб кетганида, мен ҳам чалғини бедапояға ташлаб сув бўйидаги толлар тагини соялаб тамадди қиласман.

Анҳорнинг нариги соҳилидан, қамишзордан қиз боланинг қийқириғи эшитилди.

Не кўз билан кўрайки, Эшқул кўшни қишлоқдик Ўлмас аканинг ўн тўрт ёшлиқ қизини босиб олиб, номусига тегаяпти. Мен қичқирдим. Товушимни шо-вуллаб оқаётган анҳор суви, сербарг дараҳтлар ютиб юбораяпти. Эшқул ишини битириб, кийим-бошини қўлига олиб, анҳор сувига тушиб кўздан йўқолди. Қизнинг бақирганини эшитиб, ёрдамга шошилган кўшни қишлоқ одамлари етиб келганларида бечора қиз тубсиз анҳор сувига ўзини ташлаган эди. Атрофда мендан бошқа ҳеч бир инсон кўринмагач, анҳордан сузиб ўтган забардаст йигитлар мени уриб ҳушимдан кетказишиди. Ўзимга келганимда, атрофимда тумонат одамлар тўпланган, мен яримяланғоч, қонимга, тупроққа беланиб ётибман. Устимга бир челяк сув сепиб, яна тепкиладилар. Вужудим оғриқ сезмас, хаёлим кириб-чиқиб, ақлим мутлақо ўтмаслашиб бўлганди. Кимdir қизнинг жасади топилганини айтгандек бўлди.

Хаёлимда кечдими, буни англай олмадим.

Кунлар ўтаверди. Бу сафар мени ўғлидек кўрадиган, келажакда яхши инсон бўлиб улғайишмдан умидвор бўлган хўжайним Тошқул акадан дарак бўлмади. Ишончим комилки, мендан ҳамма юз ўғирди. Ўзимни оқлашни иложи йўқ эди. Дастрлабки терговдаёқ оғир жиноятни зиммамга олдим. Эшқулнинг: «Сенинг ўлигинг, тиригингни ҳеч кимга

кераги йўқ. Сен кўғирчоқнинг ўзисан, бошқа нарса эмас. Зулхон менинг ашаддий душманим. Мен уйланишим керак бўлган қизга уйланди. Зулхонни йўқ қилишим учун сендан фойдаланмоқчидим, сени отиб ташлаб, Зулхонга юклаш ниятим бор эди. Афсус, милтиқ отилмади, ўқлар пахтавон¹ экан...» — деган таплари ёдимга тушди. Эшқул қизнинг номусига тегди, қиз ўзини ўлимга маҳкум қилди. Режа билан иш юритган.

У мени отиб ўлдириб, Зулхонни жуда секин азоб билан жон таслим қилишга маҳкум этмоқчиди. Мен патронларни пахтавон ўқларга алмаштириб Зулхоннинг ҳаётини сақлаб қолдим. Ўзимни эса узоқ муддатли жаҳаннам азобига дучор қилдим.

Мен қамоқхонада ўтириб, шу хаёллар гирдобида азоб чекардим. Вақт шиддат билан ўтаяпти. Қамоқда ётганимга ҳаш-паш дегунча бир йил ўтибди. Суд куни белгиланди. Менга адвокат тайинлаши. Мен оқловчи ҳимоясидан воз кечганимни айтдим. Сабабини сўрашганларида мен:

— Прокурор қандай жазо белгиласа, ўша жазони қабул қиласан, — дедим.

Қизнинг жасадини суд-медицина экспертизаси кўриб чиқиб, жасадда тан изтиробларидан ташқари, зўрлаб номусга тегиш аломатлари ҳам борлигини аниқлади. Ўшанда анҳорнинг нариги соҳилидаги қишлоқ аҳли таёқ, болта кўтариб, «жонга жон» деб, милиция маҳкамасига бостириб боришиди. Мени ётқизишган шифохонани милиция кишилари кўриқлагани эсимда.

Энди суд идорасига қанча халқ бостириб келаркин?

Мен одамлар кўзига қандай қарапканман?!

¹Пахтавон — ўқ ўрнига қоғоз солинади.

Шармандалик. Ўлганим яхши эмасми?... Шуларни ўйлаб, руҳан азоб чекардим.

Мени кийинтириб, судга олиб боришли. Биринчи терговдаёқ оғир жиноятни зиммамга олганим, адвокатдан воз кечишими, суд ҳайъатини, томошабинларни ҳайратга солди.

— Милиция ходимлари, терговчилар уриб, жиноятни сенинг зиммангга қўйишдими? — деб сўради суд раиси. — Айтишларича, уч ой оғир аҳволда касалхонада ётганмишсан.

— Касалхонала ётганим рост. Аммо мени милиция ходимлари ҳам, терговчилар ҳам урганлари йўқ, — дедим мен.

— Ахир сен оғир тан жароҳати олгансан, кимдир сенга тазиик ўтказмаса, қандай қилиб терговда ҳам, судда ҳам оғир жиноятни зиммангга олаяпсан? Биласанми, ўз-ўзингни ўлимга маҳкум қиласанми, — деди ҳайрон бўлган судья.

— Муҳтарам судья, — дедим мен, — одамлар марҳума қизнинг чинқиригини эшишиб ёрдамга келгандарида у ерда фақат мени кўришганди. «Улар жиноятчи шу экан», деб мени дўпослай бошладилар. Шу сабаб мен, ўзимни жиноятчи эканимни тан оламан. Менга қандай жазо тайинласангиз, қабул қиласман, — дедим мен.

Суд ҳайъати мени руҳий касал деб қарор чиқариши. Мени милиционерлар ташқарига олиб чиққанларида, тумонат одам йифилганди, улар: «Отиб ташлансин!» деб қичқирадилар.

Жиннихонада ҳаётим бирмунча яхшиланди. Мени ёруғ дунёда бор-йўқлигимни унутиб қўйишди. Жиннилар мендек занжирбанд жиннига хайриҳоҳлик билдириб, яқинлари олиб келган кийим-кечак, егуликлар билан мени сийлашардилар.

Ҳеч бир жинни мени «жиноятчи» деб ўйламасди. Орадан саккиз ой ўтди. Мени ювинтириб, кийинтириб судга олиб боришиди. Суд зали одамлар билан гавжум. Ҳайвонот боғидан олиб келинган махлукдек қафасга солиб қўйишиди-да, суд мажлисини бошлаб юборишиди.

«Сен қандай қилиб қизни ушлаб олдинг ёки ўзи ёнингга келдими?» — деган саволларга қандай жавоб беришни билмасдим, шунинг учун ҳеч бир саволга жавоб бермадим. Фақат бир тапни такрорлардим: «Мен қилган жиноятимни тан оламан, бошқа ҳеч нарса айта олмайман».

Суд раиси столга болға урди. Суд зали сув сепгандек тинчид қолди.

— Тергов органлари, прокуратура, милиция органи ишламаган! — деди суд раиси жаҳл билан. — Терговга қайтарилсин!

Мени маҳбуслар шифохонасига олиб боришиди. У ерда ўлмас овқат, дори-дармон дегандек, ўзимга келиб олдим.

Бундай яхши кунлар ортда қолди. Яна судга чақиришиди. Расмиятчиликлардан кейин мени дўпослаган зўравонлар билан юзлаштиришиди.

Шундай қилиб, оғир тан жароҳати етказгани учун ўн йигитнинг ҳаммаси одил суд жазосини олди. Энг ёмони, мени дўпослаган зўравонларнинг яқинлари менга қарши ёлғон гувоҳлик беришиди. Гёёки қизга тажовуз қилганимни кўрган эмишлар. Тошқул чавандознинг ғазабидан кўрқиб аввалроқ гувоҳлик бермабдилар. Уч ой давом этган суд мажлиси ўз якунига етди. Мени дўпослаган зўравонларга икки йилдан уч йилгача қамоқ жазоси белгиланди. Менга олий жазо тайинланди. Мен ўлим жазосини қувонч билан кутиб олдим. Аммо мени дўпослаган зўравонларнинг аксарияти ҳўнграб йиғладилар

Юк поездиде бир ярим ой йўл юриб, Москва яқинидаги Таганка қамоғига етиб бордик. Бегона одамлар, оғир жиноят содир этган машҳур ўғрилар орасида яшадим. Рус тилини яхши билишим, қамоқ шароитига мослашиб олишим, тақдирга тан беришим яшаш имконини берди. Бир куни ғалати туш кўрдим.

«Эмишки, ўлим камераси эшиги очилиб, Азроил қўлидаги шамшири билан менга ишора қилганмиш, мен қувонч билан уни қаршилаган эмишман. Шунда: «Жонингни олишимдан олдин бир малак сени интизорлик билан кутаяпти. Борақол, кейин жонингни оламан», – деганмиш. Қамоқхона эшиклари очилиб, соқчилар менга йўл берармиш. Ям-яшил далада Тўриқ қашқа тулпор яланғоч турганмиш. Мен уни миниб олиб, чоптирмақчи бўлиб баланд деворга от солдим, от юрмади. Ёнимда оппоқ либосли гўзал бир қиз менга табассум билан гулдаста узатаяпти», олдимми-йўқми, эслай олмайман, аммо уйқу ва бедорлик орагифида гўзал қиз сиймоси кўз ўнгимда тураверди. Озодлик фариштаси ёнимда турганини ҳис қилдим.

Бу кечаси ҳам ўша тушни кўрдим. Эртаси куни кечқурун сафарга тайёрланишимни буюришди. Маҳбус биродарларим уст-бош кийимларимни янгилаб, борадиган манзилимта совға – қанд, маҳорка, чой ғамлаб беришди. Қамоқхоналарда, поездларнинг маҳсус вагонларида узоқ йўл юриб, Томск шаҳри яқинидаги жазони ўташ лагерларига бориб етдик. Тўрт йил ўтиб, қуёшни, ойни, юлдузларни, ёруғ дунёни эркин кўра олдим. Бу озодлик эмасди, озодликнинг бир бўлаги эди, холос. Сибирь ўлкасининг қиши, баҳори, ёзи ўзгача. Кузи қисқагина, аммо ниҳоятда гўзал. Осмонўпар дарахт япроқлари олтин тусини олган, дарё ва жилға сувлари тиниклашиб, борлиқ акси билан жилоланади. Унда балиқлар сузуб

юради. Осмонўпар арчазорлардан кўз уза олмайсан киши. Сибирияning узоқ давом этадиган қиш фаслини таърифлаш осон эмас. Гўё абадий музлик ва оқ губор салтанати демасдан иложинг йўқ. Қор устидан қор, муз устидан муз кўпайиб бораверади. Аксарият ҳайвонлар уйқуга кетади. Кушлар иссиқ ўлкаларга учив кетади. Балиқлар қалин муз остида яшайверади. Шундай балиқлар борки, сувга қўшилиб музлайдида, баҳорда тирилиб ҳаёт гаштини сураверадилар.

Одамларга камари, сўна деган пашшалардан нажот йўқ. Мен ҳам ёзда чивинларга емиш бўлдим.

Даҳшатли қаҳратон қиш билан ёқалашиб, жон сақладим ва тирик қолдим. Озод, эркин ҳаётни орзу қилган маҳбуслар кутилмагандага ўлиб қолардилар. Турмуш ўртоқлари, фарзандларининг фотосуратларини ён чўнтакларида сақлаб, ўтмиш хотираларига, орзу-умидларига қўшиб нариги дунёга олиб кетардилар. Менинг хотирамда яшайдиган ҳеч кимим йўқ эди. Бундай жаҳаннамдан рўшноликка чиқишига ақлим етмаса-да, қалбимда яшашга умидим йўқ эмасди. Ойлар, йиллар ўтаверди.

Ёз кунларининг бирида мени чақириб: «Йўлга тайёрлан», дейишиди.

Бир ой йўл юриб, Уральск шаҳрига етиб келдик. «Ювиниб, ўзингни тартибга солиб, тайёр тур», дейишиди.

Мен озод одамлардек ўз пулимга янги кийимлар сотиб олдим, овқатланиб, менга берилган ётоқхонада дам олдим. Уч кундан кейин чақиришиб, «Полковник сен билан суҳбатлашади», деб айтишиди.

Мени бошлиқ хонасига олиб киришиди.

— Сени отбоқар бўлган дейишиади? — деди полковник, узоқ сукунатдан сўнг.

— Худди шундай, — дедим мен ҳаяжонланиб.

— Мен сенинг бошлиғингман, айтишларича, сенрайком секретарининг отбоқари бўлган эмишсан?

— Худди шундай.

— Махсус қисм сенинг ҳужжатларингни тайёрлаяпти. Озод бўлдинг. Фақат шартли равишда, — деди полковник. — Яхши хизмат қиласан деган умиддаман. Сенинг ҳужжатларинг билан танишиб чиқдим. Меннинг отларимни боқасан, хўш, қандай?

— Сизга хизмат қиласан, — дедим мен.

— Жуда соз, демак, келишдик. Чанада, аравада юрадиган отларга отбоқаримиз бор. Сенинг вазифанг пойгачи отларни танлаб, олиб келиб ўргатасан. Мен минадиган отлар ҳам сенинг ихтиёрингда бўлади. Сенинг собиқ хўжайининг кавалерия офицери бўлган экан. Мен ҳам. Демак, муаммо йўқ.

— Худди шундай, — дедим мен.

— Дарвоқе, сенинг исминг Миша бўла қолсин. Менга Иван Ильич деб мурожаат қиласан. Фақат менга итоат қиласан. Ҳозироқ ишга кириш. Борақол.

Қабулхонада мени кутиб турган старшина Костиченко:

— Хўш, ишларинг битдими? — дея сўради.

— Отхонага кетдик, — дедим мен.

Хуллас, отларни жангда, пойгада, турли маросимларда жимжимадор йўргалатиш усулларини ўргатиш им Иван Ильичга маъқул бўлди. Мен фақат ипподромда машқ ўтказаман.

Остап исмли хаҳол менинг ёрдамчим, ҳамма юмушларни қойилмақом қилиб бажаради. Ойлар, йиллар ўтаверди.

Иван Ильични нафақага кузатиш маросимида менинг озод бўлишим ҳақидаги буйруқни тақдим этишди. Шунда Иван Ильич: «Миша, йўқ демагин, сени ўзим билан Украинаға олиб кетаман. У ерда

сени лўппигина хаҳлушкига уйлантириб қўяман, муаммо йўқ», деб қолди

Жимжимадор қилиб сўкинадиган, ўта талабчан, қўл остида ишлайдиган кишиларни карцерга қамаб қўйишдан-да қайтмайдиган раҳбар — полковник Иван Ильич менга нисбатан меҳрибон эди.

Мен, моҳир чавандоз, отамдек меҳрибон инсон бўлиб қолган Иван Ильичта қандай жавоб айтишга қийналиб турганимни кўриб: «Миша, сени яхши тушунаман, Ўзбекистонни соғингансан, муаммо йўқ», деди-да, мен билан видолашди.

Полковник отда бепоён дала-даштларда сайр қилиб юрганида мен бир отни миниб, иккинчисини етаклаб, юз-икки юз қадам орқада борардим. У отдан тушиб, қийшиқ оёқларида солланиб бораётуб, менга ишора қилиб, ёнига чақириб оларди-да жанговар дўстлари, қизғин жанглар ҳақида ҳикоя қиласарди. Гоҳида ўйлаб қолардим: «Менинг собиқ хўжайним Тошқул чавандоз билан Иван Ильичдек феълиатвори, дунёқараши бир хилдаги инсонларни учратган тақдирга тасанинолар айтмасдан иложинг йўқ».

Аммо, Иван Ильичнинг бошпанаси йўқ эди. Икки ўғли Герман урушида ҳалок бўлган, қизи Оксана билан турмуш ўртоғи Мария Иосифовнадан хат-хабар йўқ. 1941 йилнинг август ойидаёқ немис қўшинлари босиб олган Мистиско шаҳарчаси ёниб култепа бўлиб қолгани ҳақида унинг қариндошлари хатда ёзишганди. Энди Иван Ильич туғилиб ўстган қишлоғига қайтиб, фарзанди ва турмуш ўртоғи Мария Иосифовна билан бахтиёр умр кечирган кунларини хотирлаб, яшаш учун бораётганди. Буни аниқ биламан.

Менинг ҳам ҳеч кимим йўқ. Ота-онам ўлиб кетишган. Мен ёлғиз фарзанд эдим. Тоғамдан дарак йўқ. Уйимизни бузиб, ёғочларини олиб кетганлар, боғимиз хароба, фақатгина битта ўрик дарахтимиз

бор эди. Охирги марта ўн икки йил олдин бориб кўргандим. Марҳум онам: «Болам, Қарши шаҳрида ўйнаб-ўстанман, у ерда қариндошларимиз бор, катта йигит бўлсанг уларни қидириб топарсан», деганлари ёдимда.

Шундай қилиб, олий суд қарори билан менга берилган ўлим жазоси бекор қилиниб, тайинланган ўн икки йилги қамоқ жазосини бир йилини қолдириб, ўн бир йил ўтиб озод бўлдим. Орадан ўн йиллар ўтиб кетса-да, бегуноҳ бир қизнинг фожиали ўлими ҳақидаги ривоят кўшиб-чатилиб, ўзгартирилиб эл оғзида эртак бўлиб кетгандир, эҳтимол.

Ўз юртимга қайтганимдан кейин, туҳмат балосига йўлиқиб, ёш умримнинг заволи бўлган жойларга қадам босмаслигим керак деб билдим, дея ҳикоясини якунлади Ҳожимурод.

* * *

Тонг отмоқда. Қишлоқда хўроздар қичқириб, янги кун билан муборакбод этади.

Ёнгинамизда шовуллаб оқаётган анҳор сувида ёрқин юлдузлар акси рангли бўёқларда жилоланади. Тол япроқлари ва қамишларнинг шитирлаши, сайроқи қушларни аҳён-аҳёнда сайрашига қўшилиб, дилларга таскин берувчи оҳанг яратади.

— Ҳожимурод, сиз Тошқул чавандоз хонадонида беш йил туз-намак бўлгансиз, шундайми? — дедим мен.

— Ҳа.

— Унда, унинг тақдирни ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

— Ахир улар мендан юз ўтиришган. «Қилмишига яраша жазосини олди», деб борлигимдан кўра йўқлигимни истайдиган одамлар билан учрашув қандай оқибатларга олиб келишини яхши биласиз-ку?

— Сиз, бошқалар содир этган жиноят курбони бўлгансиз. Аммо гуноҳкор бўлганингизда ҳам сизни ўз укасидек қадрлаган инсонни хурмат қилишингиз керак эди. Тошқул аканинг жажжигина қизалоқла-рига акалик меҳрини бергансиз. Болакайлар хотирасида бир умрга меҳрибон инсон бўлиб муҳр-ланиб қолгансиз. Тақдир синовларига дош бера олмай, ўтмишингизни, ҳаётингизнинг ажойиб лав-ҳаларини хотирангиздан ўчириб ташлашингизга ҳеч ишонгим келмайди!

— Нима қилишим керак эди? — деди Ҳожимурод оғир тин оларкан. — Менинг ҳозирги ҳолатимни тасаввур қилиб кўра оласизми? Ёруф дунёда мавжуд бўлмаган мендек баҳтсиз инсон учун яна бир бор ўн йил олдин чеккан заҳматларини хотиравш, янгилаш осонми? Ҳеч нарса бўлмагандек ҳаётимни жа-ҳаннамга айлантирган инсонлар кўзига тик қарап, юзма-юз бўлишдан-да оғирроқ жазо йўқлигини ҳеч тасаввур қилиб кўрганмисиз?! Йўқ оғайнини, бу ҳақда озроқ ўйлаб кўришга тўғри келади.

— Оғирми, енгилми, содир этилган жиноят жазосиз қолмайди, — делим мен. — Эшқул содир этган оғир жиноят бадалини сиз тўладингиз. Бу сизнинг қисматингиз. Дунёда минглаб инсонлар Эшқулга ўхшаш маҳлуқларнинг қурбони бўлган. Билиб қўйинг, ўтмишингизнинг ойдин саҳифа-ларига қора чизиқ тортишга ҳаққингиз йўқ. Мен эртагаёқ акахонингиз яшайдиган манзилга саёҳатга отланаман.

— Ихтиёрингиз, — деди Ҳожимурод.

—2—

Ҳожимурод ўлим жазосига маҳкум этилиб, ўлим камерасида сўнгги соатларини кутиб ётган маҳалда от ўғриси Зулхон ҳам Новосибирск шаҳри яқинида

ҳарбий завод қурилишида ишлаётган эди. У ишлаб топган маоши ҳисобидан кун кечиради. Яхшигина маош олган ойларида икки ёшли қизалоги ва турмуш ўртоғига кийим-кечак олиб, почта орқали жўнатиб турарди.

Қишлоқ четида, қабристоннинг ёнгинасидаги эгалари ўлат касалидан ўлиб кетган кўримсизгина вайрона кулбада Зулхоннинг оиласи Зубайдада яшайди.

Зубайдада эрта тонгда эчкисини соғиб, подага қўшиб юборади-да, қизалогини кўтариб, эл қатори ғалла ўримига боради. Бригадир белгилаб берган ғалла майдонини кечгача ўриб тугатиши керак. Қизалогини эмизикли болалар боғчасига бериб, ўзи аёллар билан ёнма-ён терлаб-пишиб ўроқ тортади. У тонгдан шомгача ўзига берилган ғалла майдонини ўриб бўлиб, боласини кўтариб уйига келади-да, маъраб турган улоқчани онасига қўшиб соғиб олади. Боғдан беда ўриб эчкисига беради. Сўнг овқатланиб, чарчаб қотиб ухлаб қолади.

Ярим тун, ой кўтарилишига анча бор. Эшқул оёқ учida юриб анҳор бўйига келди-да, уст-бошларини беркитиб кўйди.

Атрофга олазарак қараб, ҳеч жонзот йўқлигига амин бўлгач, сувга шўнғиди. Анҳордан ўтиб олдида, чойшабга ўраниб қабристонга кирди.

Қабристон оралаб юриб Зубайдада ухлаётган супага яқин келди.

- Кимсиз? — деди Зубайдада уйқусираб.
- Унингни чиқарма! Мен эрингман.

Уйғониб қолган Зубайдада қичқирмоқчи бўлган эди, Эшқул қўли билан аёлнинг оғзини ёпиб, но-мусига тегди.

- Энди кетинг! — деди аёл шивирлаб.
- Ҳеч қаёққа кетмайман!

— Одамлар билиб қолса қамалиб кетасиз, — деди Зубайда йиги аралаш.

— Сен менга тегишга ваъда берган эдинг-ку?! Менга қамоқ ҳам, ўлим ҳам барибир. Билиб қўй мегажин, истаган вақтимда сента кираман!

Нафси қониққан Эшқул, тонг чоғи чойшабга ўранаб, анҳордан сузив ўтиб олди-да, ҳеч нарса бўлмагандек кийиниб, эрталабки бадантарбия машқларини бажаришга киришли.

Орадан икки ой ўтди. Эшқул билан эҳтиросли учрашувлар оқибатида Зубайда ҳомиладор бўлганини билиб, унга:

— Сиздан фарзанд кўраман. Ваъдангизга кўра мени узоқларга олиб кетарсиз?

— Мен сени ҳеч қаёққа олиб кетиш ниятим йўқ, — деди Эшқул.

Аёл йиғлаб хархаша қилганида у:

— Йўлини ўйлаб қўйганман. Бригадиринг, ҳалиги бор-ку?

— Тўра тирриқми? — сўради Зубайда. — Турқи курсин, оч арвоҳнинг ўзгинаси-ку! — деди Зубайда.

— Шунга ёпишиб оласан!

— Йўқ, бўлмайди, — деди Зубайда йиғлаб.

— Йўқ десанг ўзинг биласан, мендан умидингни узавер, Москвага учеб кетаяпман!

— Бола сиздан-ку?

— Ким сента ишонади, аҳмоқ! — Эшқул бироз сукут сақлаб, шивирлаб: — Шармандалиқдан қўрқсанг, ўша турқи совуқ Тўра тирриққа ёпишасан! Мени бошқа кўрмайсан! — деди-да, атрофга бир қараб, чойшабини ёпиниб анҳор томон силжиди.

Анҳордан сузив ўтиб, спорт кийимини кийиб олиб тонгги машғулотларини бошлади. Зубайда тандирдан илиққина обдастани кўтариб, оғилхонага

кириб чўмиларкан, тақдирни, ўйнаши Эшқулни йиғлаб қарғади.

«Энди нима қиласканман, Тўра тирриққа суйканиб кўраман-да. Ўзиям менга шилқимлик қилиб юради-ку!»

— Тўрамурод ака, — деди Зубайда ноз-ишва билан. — Одамга раҳмингиз келмайди-я? Ўлиб қолсам нима бўлади? Ахир мен беваман, аёлман. Қиё боқсангиз-чи!

Бригадирни қора тер босди.

— Яхши, эртага камроқ ер бераман, бугунча чидагин, айтмоқчи, эрингдан хат келаяптими?

— Ўлиб ўлмайди,— деди Зубайда йиғлаган бўлиб. — Яқинда хатида бир ўрис аёлга уйланганини ёзган экан, қоранг ўчгур. Мен ёшман, менга эркак керак. Ўзингиздан қолар гап йўқ.

Зубайда йиғлаганида кўзлари қисилиб, янада гўзаллашиб кетди.

Тун ярмидан ўтиб, ой ботди. Минглаб юлдузлар акси азим дарахтларнинг япроқларида биллур рангларда жилоланди. Қабристондаги хонақоҳ қуббасига кўниб олган бойўғли мунгли қўшиғида охиратни, абадий уйқу мадҳини кўйлади.

Кунлар ўтаверди. Ўроқчи аёллар ғийбати Зубайдани эсанкиратиб қўйди. Бундан ўн икки чақирим нарида Кондиҳор қишлоғи бор. Ўша қишлоқ оқсоқоли Норим чатак Зубайданинг тус тоғаси бўлади. Зубайда боласини қўтариб тоғасининг уйига борди-да, дардини тўкиб солди.

— Пичноғидан қўрқиб, айтганларини қилдим. Бўйимда бўлиб қолди, шарманда бўлдим. Энди нима қиласман?! — дерди йиғлаганича Зубайда.

— Сен бориб ишингни қиласкан, бу кечаси уни ушлаб, таъзирини беришни бизга кўйиб бер, — деди

Норим чатак. — Сен, Зубайда, ўйлаб иш қил! Тұра тириқни сүйман-а!

Ярим тунда қабристон тарафдан кесак отилди. Бойўғли Зубайданинг кулбаси устига қўниб, ўзининг мунгли қўшиғида шу тунда содир бўладиган машъум воқеадан дарак берарди. Анҳор кумушдек товланиб, мавжланиб оқаяпти. Азим дарахтлар майингина шабадада солланиб, япроқларида юлдузлар акси жонланади. Бойўғли момиқдек қанотларида товуш чиқармай учиб, кулба яқинидаги қуриган дарахт шохига қўнди. Аёл ўрнидан туриб, кулба деворига суюниб, йўталиб қўйди.

Тўра бригадир секин юриб аёлга яқин келди ва кулбанинг очиқ эшигидан ичкарига кирди. Айни чоғда анҳор тарафдан икки соя ҳам кулба эшиги ёнига келди.

— Тўрамурод ака, мени бу ердан олиб кетинг! — дерди Зубайда ноз-ишва билан.

Норим чатак пичоини қинидан чиқарди. Ёнидаги киши пичноқ ишлатмаслик керак деб ишора қилди. Тўра шўрликни судраб олиб чиқишиб, ҳозиргина бойўғли қўниб турган қуриган дарахт танасига яланғоч ҳолатда боғлаб ташлаши.

— Қон чиқмайдиган жойига ур! — деб қоронфуликдан хитоб қилди Норим чатак. — Яна судлашиб юрмайлик.

Тонг отганидан кейин Тўра бригадирни онадан туғилгандек яланғочлаб, эшакка тескари миндириб, сазойи қилишди. Терговда Норим чатак ҳамма айбни ўз зиммасига олди. Тўра бригадир «улар тўрт киши эди, ич-этимни эзиб ташлаши», — деган кўрсатмаси инобатта олинмади.

Одамлар Зубайдани лаънатлаб, «бу ердан кўчиб кетасан», деб туриб олди. Суд куни белгиланди. Суд

зали одамлар билан гавжум. Фала-ғовур тўхтади, зал тинчланди.

— Биз қандай замонда яшаяпмиз?! Эшакка тескари миндириш, ким ўзи у зўравон?!

Норим чатак ўрнидан турди.

— Хўш, гапир! — деди суд раиси.

— Жияним менга шикоят қилиб келди, мен зўравонни ушлаб сазойи қилдим.

— Сенинг амирлик замонингда қози чиқарган ҳукмга асосан сазойи қиласмидинг? Ёки ўзингча ушлаб ўлдираверармидинг?! —деди суд раиси.

— Билмадим, — деди Норим чатак.

Айни шу чорда Тўра бригадир ўтирган жойида хириллаб нафас олди-да, тилини тишлаб, тинчиб қолди. У оламдан ўтган эди.

Зубайда судда шарманда бўлишдан қўрқиб, қофозга, «мен нариги дунёга кетдим, болага ва рўзғоримга эгалик қилинг, алвидо», деган ёзувни қизалоқнинг бўйнига осиб қўйиб, болани қайнонаси эшигига қолдириб, қўлига таёқ, бўйнига гадой халтасини осиб, нотаниш қишлоқларга йўл олди.

Итларга таланиб, дуч келган чолdevорларда ётибтуриб, халтасидаги қотган нонни сувга ботириб еб, юрган йўлида тақдирни, Эшқулни қарғаб, қорёғирда эшикма-эшик юради. Ожиз, нимжон гадой аёлга жой беришса, хонадан соҳибини дуо қиласди. Кўча-кўйларда бошидан ўтган саргузаштларини қўшиқ қилиб айтиб, Эшқулни қарғарди. Тўра бригадирнинг шарманда бўлиб ўлишига «Мен сабабчиман», дея ўз-ўзини дуоибад қиласди.

Кишининг қорли, ёмғирли кунларида эгалари кўчиб кетган, кимсасиз боғхоналарда ётиб кун кечирди. Борлиқни йиринг тусли ғубор қоплаб, қор бўралаб ёғаяпти. Атрофлари муз билан қопланган дарёдан кечиб

үтиш керак. Тирик жонзот кўринмайди. Жанда-жундага ўралиб, совуқдан башараси қорайиб, телбалардек гандираклаб келаётган Зубайда чоригини қўлига олиб, гадой тўрвасини бўйнига солиб олди-да, таёғига суяниб муздек сувга кирди ва йиқила-сурила дарёни кечиб ўтди. Атрофни оқ губор қоплаб, шифиллаб қор ёғаяпти.

Қишлоқса яқин бўғотта яна уч чақирим юриши керак. У ерда Зубайда тунаб дам оладиган усти ёпиқ боғхона бор. «Маконга етиб олсан олов ёқиб, исиниб оламан», хаёлидан кечирди бечора аёл. Аммо очиқ майдондан ўтаётганида орқасидан, ёнидан бўрилар галасининг ўйноқлаб юрганини кўриб, аёл олдинига қўрқди. Аммо ўзини босиб олиб, тақдирга тан берди, шекилли: «Эй бўрилар! Мен жонидан тўйган, лаънатланган инсонман. Мени есангиз савобга қоласизлар!» – деб қичқирди. У ўз овозини ўзи танимасди. Кейин ажалини кутиб, совуқданми, қўркувданми, тишлари такиллашни бошлади.

Она бўри ўтирган аёл ёнига келиб, ҳид олди ва икки олд оёғига бош кўйиб, эмаклаб юрди. Кейин секин юриб, аёлдан узоқлашди. Зубайда ҳўнграганча: «Бўрилар! Нега мени ёруғ дунё азобларидан, эл-юрт олдида шармандаликдан халос этмадингиз!» – деб йигларди. Бўрилар оқ губор қаърига сингиб, кўринмай кетганди.

Аёл бор кучини жамлаб, олдинга эгилиб, қарши-сидан келаётган изғирин совуқ ва қор бўронини писанд қилмай олға интилди. Зубайда йиқила-сурила, қор кечиб, яrim тунда боғхонага бориб олди. Орадан кунлар ўтди.

Тўлғоқ тутганини сезган аёл, боғхонанинг бузиб олиб кетилган эшик ва ромлари ўрнини кесак билан ёпиб, хашак тўшаб олов ёқди, кейин чинқириб йиглаб Аллоҳдан мадад тилади. Туғиб бўлиб, чақа-

лоқнинг киндигини кесди. Олдиндан ғамлаб қўйган латтага ўраб, жигаргўшасини бағрига босди. Ўзининг умри тугаганини ҳис қилди. Гадой халтасидан дафтар олиб, унга: «Бу қизалоқнинг исми Хотира бўлсин, отаси Эшиқул, манзили Қорадарё район, Булоқбоши қишлоғи, сана, ўзининг исми». Дафтар варагини чақалоқнинг йўргагига қистириб қўйди.

Боғхона ёнидан қишлоққа борадиган йўл ўтади. Тонг чоги, эшагига ўтин ортган йўловчи чақалоқ йигисини эшитиб, тўхтаб қулоқ солди, кейин пастқам девордан ошиб тушиб, боғхонада ўчиб қолган ўчоқдаги кулни ушлаб кўрди: «Ҳали илиқ, унча кўп вақт ўтмаган бўлса керак, аёл ўлиб қолган. Чақалоқтирик». Йўловчи устидаги чакмонини ечиб, чақалоқни ўраб олиб, эшагини ҳайдади.

Зубайдани қабристонга дафн қилишди.

...Бўлган воқеадан огоҳ бўлган Зулхон Россиядан келди. Яқинда вафот этган онасининг маъракасини ўтказиб, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан, ярим тунда қизчасини етаклаб номаълум томонларга кетди. Унинг дунёда бор-йўқлигини ҳеч ким билмасмиш.

Орадан ўн йиллар ўтса-да, номуси поймол этилиб, анҳорда оқиб ўлган қиз воқеаси, қабристонда кафанига ўралиб, чопиб ўтадиган арвоҳ ҳақидаги ривоят одамлар ёдидан чиқмабди. Эшакка тескари миниб, сазойи бўлган Тўра бригадир воқеаси ҳам узоқ йиллар тилларда достон бўлса ажаб эмас.

* * *

Тошқул чавандозни сўраб, унинг қўрғонига бордим. Чавандозларга хос саланглаб юриш қилиб, Тошқул полвон мени яхши қарши олди. Мен ўзимни вилоят газетасиданман, деб таништирғанимдан кейин у кишининг кайфияти кўтарилиди. Биз узоқ суҳбатлашдик. Менинг эътирозимга қарамай, яхши-

гина ширвозни сўйдирди. Эллик ёшлар чамаси, узун бўйли аёл хизматимизда.

— Бу киши менинг рафиқам Роҳилахон. Район маориф бўлими мудираси. Ишхонала раҳбар, уйда бека, — деб аёлни Тошқул ака таништириди.

Тошқул чавандоз хонтахтала қатор турган шиша-лардан биттасини олиб, менга ишора қилди:

— Янгангиз тайёрлаган жигар қовурма билан озгина ичсак дегандим.

— Мен умуман ичмайман, — дедим.

— Ростми?

— Ҳа.

— Унда очмаганимиз маъқул, қани овқатга, — деди полвон дастурхонга таклиф қилиб.

— Фарзандларингизни ўқитгандирсиз? — деб сўрадим мен.

— Солиҳа қизимиз шу йил техникумга ўқишга кирди. Кичиги мактаб ўқувчиси. Ўғилдан барака топмадик. Эшқул деган ўғлимиз бор эди, Москвада ўқиб, олим бўлиб келди. Яхшигина лавозимга кўйдик, уч йил ишлаб, район прокурори даражасига кўтарилиди. Уйлантирайлик десак, кўнмади. Саёқ юрди. Тўғриси, жон жойимдан ушлаб савол бердингиз. Айтсан тилим куяди. Жувармарг, хотинбоз чиқди. Ҳожимурод деган отбоқарим бўларди, мен уни укамдек тарбиялаган элим. Ўғлимиз Эшқул қилган жиноятни зиммасига олиб, қамалиб йўқолиб кетди. Ҳув анави қишлоқ билан бизнинг боғимиз оралиғида катта анҳор оқиб ўтади. Эшқул шу анҳорни сузиб ўтиб, бир қизнинг номусига тегибди. Кейин ўзини анҳорга ташлаб фойиб бўлган экан, унинг ўрнига Ҳожимуродни дўпослаб, қаматиб юборишиди.

— Ҳожимуродни ҳеч ким ҳимоя қилмадими? — сўрадим мен.

— Унинг ўзи жиноятни тан олди-да. Одамлар ўша кимса Ҳожимурод деб ўйлаб, уни роса дўппослашган. Ҳуллас, орадан тўрт йил ўтгандан кейин, ўғлимиз Эшқул кафан кийиб ўйнашга борганида калласига яхшилаб калтак еган. Шифоҳонанинг реанимация бўлимида тўрт ой хушсиз ётганидан кейин ўзига келиб, терговчига Ҳожимурод ноҳақ ўлимга маҳкум қилинганлигини айтса-да, унга ҳеч ким ишонмаган. Зулхоннинг хотини туғиб, боланинг отаси Эшқул эканини ёзиб, ўзи ўлиб кетибди. Эшқулнинг айби билан тўрт болани етим қилиб, Тўра тирриқ ўлиб кетди. Норим чатак етти йилга кесилди.

— Ҳозир Эшқулнинг аҳволи қандай? — сўрадим мен.

— Ўша калтакнинг таъсирида кейинчалик тўрт йил жиннихоналарда даволанди, — деди Тошқул чавандоз. — Хотирасини йўқотса-да, ҳеч кимга зиёни тегмай кўчаларда сангид юради.

— Уйга олиб келмадингизми?

— Бунинг иложи бўлмади, район марказидан ўн чақирим нарироқда Пуштун деган қишлоқ бор. Қишлоқдан ҳукумат аҳамиятига молик тош йўл ўтади. Йўл бўйидаги ошхоналардан сарқит овқатларни еб юрганини кўрган одамлар айтишди. Уни бегуноҳ одамларнинг уволи урди. Энди менинг ўғлим йўқ. Эшқул лаънатланган бир мурда.

Оғир сукунат чўкди. Бу сукунатни бузишга ҳаддим сифмаса-да:

— Чавандоз, — дедим мен.

Намли кўзларини артиб, менга тикилди. Унинг кўзларида нафрат, алам бор эди. Тошқул чавандознинг қалбига армон бўлиб ётган жабҳаларига кирганимдан пушаймон бўлдим.

— Хўш? — деди у секингина.

- Хуш кўрасизми, нохушми, билмадим, аммо айтишим керак, — дедим мен.
- Айтингчи, — деди чавандоз. — Мен ҳаммасига ўрганиб қолганман.
- Ҳожимурод тирик, — дедим мен.
- Нима?! — деди Тошқул чавандоз, гўё ёнгина-сида заҳарли илон тургандек сапчиб тушди. — Нималар деяпсиз?!
- Ҳа, — дедим мен. — У тирик. Сизнинг отбо-қарингиз ҳозир озодликда.
- Нега менга хабар бермабди?
- Сиз ундан юз ўтиргансиз, — дедим мен.
- Ҳа. Шундай бўлганди. Мен уни кўра оламанми?
- Хоҳласантгиз кўришасиз, — дедим мен. — Инсон қанчалик ҳаётда бахтсизлик ва омадсизлик билан яшаса-да, эртанги кунидан умилвор бўлиб, ҳаёт сўқ-моқларидан илдам боравераркан. Гўё тезоқар дарёда оқиб бораётиб, жарлик, қоятошларга урилиб ҳалок бўлиши муқаррар эканлигини, ўлим билан юзма-юз кўришаётганлигини, сўнгти нафасини олаётганлигини ҳис қилса-да, нажот борлигига ишонаркан. Ҳожимурод ҳали ёш, қирчиллама йигитлик даври, қолган умрини тоғу тошларни кезиб, чилангарлик қилиб кун кечирмоқчи. У яҳшигина одамови бўлиб қолган. Унга меҳр керак, ҳеч бўлмаганда инсоний оқибат керак бўлади. Ҳар ҳолда тўрт йил хизматингизда бўлган, хуллас, оиласизни аъзоси бўлган экан, шундайми?

— Ҳа, — деди чавандоз оғир тин оларкан. — Шу бутуноқ борамиз. — Кейин турмуш ўртоғини чақириб: — Ҳоним! Суюнчи беравер, Ҳожимурод тирик! — деди.

Чинор соясида устахона қуриб олиб, иштиёқ билан ишлаётган Ҳожимуроднинг ёнига келдим-да:

— Оғайни, акахонингиз Тошқул чавандоздан сизга салом олиб келдим. Хуш кўрасизми, йўқми? — дедим.

Хожимурод менга тикилиб қараб турди-да:

— Нега хуш кўрмас эканмиз? Саломат бўлсин-лар, — деди.

Мен эшитганларимнинг ҳаммасини айтиб бердим-да:

— Тошқул чавандоз билан кўришишни истайсизми, йўқми, билмадим, аммо эртага чавандоз оиласи билан келишларини аниқ биламан. Соқолмўйловни қиртишлаб, тоза лиbosларни кийиб оласиз. Отахонингиз билан учрашувни бизнинг қишлоқ этагидаги толлар соясида ўтказамиз, қандай?

— Ўйлаб кўрамиз, — деди Хожимурод.

— Яна нималарни ўйлаб кўрмоқчисиз, энг муҳими, сизнинг ноҳақ ўлимга маҳкум қилинганингизни эл билади! Эшқул жаҳаннам азобини тортаяпти.

Эртаси куни Роҳилахонни машинада қолдириб, қишлоқ четидаги ёлғиз чинор томон яёв йўл олдик, ярим соатлар чамаси тиканакли, ёлғизоёқ йўллардан юриб, кенг водийда сўппайиб турган ёлғиз чинорга етиб келдик. Чинор остида шариллаб отилиб чиқаётган музлек булоқ сувидан қониқиб ичдик.

— Хожимурод кетиб қолибди, — дедим мен.

— Яхши бўлмабди, — деди Тошқул чавандоз. — Биз билан кўришишни истамаган кўринади.

Шу чоғ қўнғироқ саси эшитилди. Кўп ўтмай эчкилар подаси чанг кўтариб, қишлоқ томон ўта бошлади.

Биз чўпон боладан сўраганимизда, у:

— Соябонли от-аравани чоңгоҳда учратувдим, ҳабаш чилангар дарёда отини сугораётган эди. Чўнқаймиш қишлоғига кирган бўлса, ажабмас, — деди.

Биз машина билан арава изидан йўлга чиқдик. Чўнқаймиш қишлоғини четлаб ўтадиган йўлдан из олиб, Самарқанд вилоятига қарашли Жом қишлоғида дуч келган йўловчидан суриштириб, Ҳожимуродни гужум қайрағоч соясида дам олаётган жойида учатдик.

Ҳожимурод ҳайратдан оғзи очилиб, менга қараб турди-да: «Анваршо! Сиз одам эмассиз», деди. Кейин, соchlари оқариб, қиёфасини ажин босган, кекса чавандозга яқин бориб, бўйнидан қучоқлади.

Роҳилахон кўзларидан оққан ёшни рўмоли билан артиб, «офажоним менинг», дерди.

Олтин тусли қир-адирлар оша қуюн босиб келаётган эди. Ўзи билан йўлида дуч келган чангтўзонни, қовжираб қолган гиёҳларни бураб осмонга кўтариб, дажжол юриб, ёнгинамииздан ўтиб кетди. Кўп ўтмай борлиқ тинчланиб, дараҳт шоҳларидан макон топган қушлар ҳаёт мадҳини куйлардилар.

ЯРАДОР БЎРИЧА

Тун. Машинам кимсасиз қир-адирлар оша ўтган тош йўлдан катта тезликда бораяпти. Қорайиб кўринган тепаликни ёриб ўтган йўлдан ўтаётиб, негадир ваҳима босди.

Тезликни оширишнинг иложи йўқ эди, чунки муюлишда сойлик бўлиб, ундан эҳтиёткорлик билан ўтилмаса, бирор кори-ҳол бўлиши турган гап. Мен тормозни босиб, торгина муюлишдан ўтаётиб, чироқлари ёритиб бораётган машинам қаршисида бўрилар галасини кўриб қўрқдим ва ён ойналарни кўтариб, йўлимда чўнқайиб ўтирган бўри устига

ҳайдадим. Аммо тор йўлдан ўтиш чоғида машинам йўлдан чиқиб, филдираклар бир жойда айланиб, олдинга силжимай қўйди. Орқага юриш асло мумкин эмас, машинадан тушиб, йўл ҳисобини олайин десам, бўрилар бор. Декабрь ойининг иккинчи ярми, бўрилар иликадиган пайт, жондорлар янада ваҳшийлашади, бундай ҳолатларда одамзодга ташланишдан қайтмаслигини билардим. Билганларимни ишга солиб, бу ҳолдан чиқиш учун моторни ишта тушириб, орқага ярим метр ҳайдадим. Агар газга босиб ҳайдасам, қияликка оғишим, машинам пастга — қияликка тушиб кетиши мумкин. Мен моторни ўчириб, кўл тормозини ушлаган ҳолда стартерни қўшиб, олдинга ҳайдадим. Машинам хавфли жойдан ўтиб олгунига қадар чироқлар ўчирилган эди. Энди моторни ишга тушириб, узоқни ёритадиган чироқни ёқдим.

Не кўз билан кўрайки, фақат бир автомобиль ўтиб олиши мумкин бўлган тор йўлнинг ўртасида каттакон бир сигирнинг жасади атрофида чамаси ўнтача, балким ундан ҳам кўпроқ бўрилар оғизларини катта очиб, мендан норози бўлиб, тишларини тиржайтириб, итдек ирилляяпти.

«Ишлар чатоқ», хаёлдан кечирдим мен. Бу ерда қолиб бўлмайди, ўтиш ҳам мушкул. «Жигули»ни биринчи тезликка қўйиб, секин олдинга ҳайдадим, чироқ акси тушиб, ўнлаб кўзларда даҳшатли яшил олов ёнарди. Сигир жасадини олдинга сурдим. Олдинги капотга зарб билан урилган бўри шамол ойнасига келиб, туриб қолди.

Унинг катта очилган оғзи, садафдек оппоқ, тифдек ўткир тишлари, тун қорасида қорайиб кўринган митти қулоқлари, ўтдек чақнаб турган кўзлари шундай яқин эдики, орада ойна бўлмаса, ваҳимадан юрагим ёрилиб кетиши ҳеч гапмасди. Ён ойнадан

ҳам бўрилар ҳамла қилаётган эди. Машинанинг олд қисми сигир жасади устига чиқиб, ҳаракатдан тўхтади.

Ўлжаларидан маҳрум бўлишидан ғазабланган бўрилар мени бўлакларга бўлиб ташлаш учун машина ойнасига сапчиidlар. Бироқ мустаҳкам ишланган ойналар қаттиқ урилишларга дош берди. Мен овозимнинг борича бақириб, нажот сўрасамда, товушим ичимга тушиб, ўзимга ҳам эшитилмасди. Бир неча дақиқа давом этган уринишларидан натижа чиқмагач, бўрилар машинам тагида қолган сигир жасадини ўткир тишлари билан ғажиб, этини узиб ейишни давом эттиришарди.

Бироз ўтиб сал ўзимга келгач, мен ички чироқни ёқдим, кейин «қўрқувдан соchlарим оқариб кетмаптими?» — деган хаёлга бориб, секин ойнага қарадим, «оқармабди», хаёлдан кечирдим.

Тун ярмидан оғиб, ой секин-аста қирдан кўтарила бошлади. Атрофимдаги тупроқ уюмлари, турли гиёҳлар кумуш тусда намоён бўлди. Қоринлари қаппайиб, гўштга тўйган бўрилар йўл четига чиқиб, чўнқайиб ўтириб олдилар. Баъзилари калта думларини хода қилиб, у ёқдан-бу ёқقا юрардилар. Қолган бўрилар сигир жасадини ҳали-ҳамон ғажиб ердилар. Бироқ улар ҳар замонда мен тарафга ўқрайиб қараб, тишларини шаққиллатгандарида вужудим титраб, юрагим қинидан чиқишнига бир баҳя қоларди.

Машинамни ўт олдириб, орқага ҳайдасамми, деган хаёлга бордим. Бўрилар ўлжасини еб, суякларни суриб бўлгач, йўлга чиқишнинг иложи бор, аммо тинчланган маст бўрилар ғазабига дуч келиш хавфи менда устун келди, бундай имкониятдан воз кеча қолдим.

Ой күтарилиб, атрофим анча чароғон бўлди. Мен ҳозирги ҳолатимга анча кўниқдим. Аммо жаҳлдор бўрилар тишиларини ғижирлатар, қуруқ таёқни бирбировига ургандек ваҳимали товуш менинг ҳар қандай ҳаракатимни тақиқлаб қўйганди.

Ой кўтарилиб, хира юлдузлар сўна бошлади. Ёрқин юлдузлар ой билан ўйнашгандек ёкут ёғду таратарди. Шарқ осмони оқариб, тонг ёриши. Ёзилгим қистаса-да, сабр-тоқат билан тонгни оттиридим. Сигир этини чўзиб, ўткир тишилари билан узиб еяётган бўрилар ғингшир, гўштга тўйғанлари чўнқайиб ўтириб олиб ойнинг улкан гардишида осмонга бўй чўзиб улирдилар. Бўрилар улиганда ваҳимали ноласи титраб, тоғ-тошларга акс садо берарди.

Бўрилар азалдан инсонлар хаёлида ваҳшатли маҳлуқ, ваҳимали ваҳший мавжудот бўлиб келгани учун мен ўзимни ўлим чангалида ҳис қилдим. Аслида бундай эмас, агар ростданам бўрилар инсон ҳаёти учун хавфли мавжудот бўлганларида эди, дуч келган инсонни еб кетаверганда эди, минг йиллар мобайнида одамлар билан ёнма-ён яшамасдилар, деган фикр хаёлимдан кечди. Улар девлар, аждаҳолар каби эртакларда, достонларда, хаёлот оламидагина яшардилар. Аммо инсон гўштини тановул қилган ҳайвонлар одамхўр бўлиб, уруш йилларида қишлоқларда, тоғ дараларида одамларни босиб еган ҳодисалари маълум.

Бўрилар иликкан давр – декабрь ойида бўрилар галаси ургочи бўрининг хоҳиши билан одамларга ташланиши табиий ҳолат. Аммо маст бўрилар галаси ҳомиладор аёлларга ташланиб, зарар етказмаганлар.

Бир неча дақиқа олдин менга ташланган ургочи бўри бўлса керак, бўлмаса бир зарб билан автомобиль ён ойнасини синдириб, мени бурдалаб таш-

лаши мумкин эди. Чунки бўрилар иликкан даврда ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Нафақат бўрилар, оддийгина каклик шувоқ остидаги тухумларини босиб ётган чофида яқинига боргандим, у мендан қўрқиб қочиб кетиш ўрнига патларини ҳурпайтириб, ҳужум қилишга шайланди. Каклик ўз наслини ҳимоя қилмоқчи бўлди, инсондан қўрқмади. Аммо йиллар ўтиб, тоғларда какликларнинг узлуксиз гўзал ноласи тоғ қояларига урилиб, акс садо бермай қўйди. Кўп қушлар қирилиб кетди.

Тош булбуллари, тош олмахонлари, Далла деган ажойиб, гўзал маҳлуқлар ва бошқа тоғ жониворлари кекса кишилар хотирасидагина қолди.

Болалик чоғларимда бўрилар ҳақидаги воқеалардан бири эсимга тушди.

Урушдан кейинги йиллар эди. Тоғ этагидаги дала боғимизда кузги экин-текинларимизни йиғиб ола-ётган пайтимиз, ҳали кўчиб кетганимизча йўқ эди. Кеч куз, совуқ, изғирин ҳукмидаги ёмғирли, қоронғу тунда овулимизга бўрилар дариди. Овулда тўртта қора ўтов бор. Отам, Санакул амаким, Нишон амаким колхозга, ишга кетишган эди. Онам, бувим, Зулфия янгамлар қўрқсанларидан ўтовларида кунишиб ўтирибдилар. Шарофат холам ҳали ёш қиз бўлишига қарамай, қўрқмасдан қўлига таёқ олиб бўрилар билан жанг қилиш учун қоронғу тунда ташқарига чиқди. Не кўз билан кўрсинки, бўри бузоқнинг арқонини кесиб, бўйнидан дарё томонга судраб кетаётган экан. Холам далил юриб бориб бўрининг бошига таёқ билан туширди.

— Қўйвор бузоқни бадбахт! — деб эркак товуши билан хитоб қилди у.

Бўри бўш келмасдан холамга ирилларди. Холам ҳам бўш келмади. Аммо бўрининг кучи устун келиб,

бузоқни тортиб чакалакзорга бориб қолганди. Шарофат холам таёқ билан бўрига зарба бераверди. Калтак зарбига дош беролмаган бўри бузоқни қўйиб, холамга ташланди.

Бўри тишларини таккиллатганида ҳар қандай инсон қўрқувдан вужуди ҳаракатдан тўхтаб қолади. Қўрқанимиздан титраб турган онам ва мен бўрининг тишлари таккиллаганини эшитиб, гипноз ҳолатига тушгандик. Бундай ҳолатда тил, қўл-оёқ ҳаракатдан тўхтайди.

Бўри билан олишаётган Шарофатойга бўрининг сўнгги чораси – яъни гипноз қилиш ҳаракатидан натижа чиқмади. Бўри истаганида, қаршисида туриб, бузоқни ҳимоя қилаётган жасур қизнинг юмшоқ-қина жуссасини пичоқдек ўткир, кучли тишлари билан бўлаклаб ташлар эди. Лекин бўри нимагадир бундай ҳаракатдан ўзини сақлади ва йўлида давом этди.

Холам қўрқмасдан бўри чангалидан бузоқни кутқазди. Сигирлар тинимсиз бўкирар, нариги овул итлари акилларди. Бўрилардан бири итни ўзи билан олиб кетиб, иккинчиси бузоқни дарё бўйига – чакалакзорга олиб бориб бўғизламоқчи бўлган экан.

Шарофат холам етим қиз эди. Ота-онаси ўлиб кетиб, амакилари, опалариникида кун кечирарди. Ўрта бўйли, кенг гавдали, кўз қарашлари ўткир, шижаотли қиз эди.

Бир куни Мирзакул деган йигит унга шилқимлик қилганида, холам уни даст кўтариб, ерга урганини ҳали эслайдиган кишилар бор. Колхоз хирмонида бир ярим центнер ғаллани отга ортиб, бўз йигитларни курашда енггани учун «паҳлавон Шарофат» лақабини олган эди.

«Бўридан қўрқмадингми?» – дея сўраганларга: «Белимда белбоғим бор, мард бўри бўлсанг кучимга

тан берасан, агар кучинг менинг кучимдан устун бўлса бузоқ сеники, — дедим. — Бури мард экан, зўрлигимга тан берди», деб жавоб берган эди холам.

Эрталаб Оқпанжа лақабли итимиз қонга беланиб, чўлоқланиб келди. У бўрилардан бирини қувалаб, Тарагай қишлоғи яқинида бўрилар галаси билан жанг қилган шекилли, ҳаммаёги қонга беланиб кетган эди.

— Эҳ, Оқпанжа, — дедим мен, унинг жароҳатларига дори қўйиб. — Сен гирт аҳмоқ итсан. Бўрининг бири сени алдаб олиб кетиб, иккинчиси бузоқни еб қўярди-ку! Бошқа бундай аҳмоқлик қилма! Хўп?!

Ит бошини эгиб, тилини осилтирганича, оғироғир тин оларди. «Мен бўрини келган дарасига қувладим, калтак едим. Агар мен таъзирини берган бўрининг ақли бўлса, овулимизга яқин келмайди! Сен бўлсанг менга бирор егулик бериш ўрнига танбеҳ бераяпсан! Менинг йўқлигимда, йигит бўлсанг, уйни, молларни қўриқлашиш керак эди». — Итнинг илтижоли қарашларидан кўнглидан кечган сўзларни англагандек эдим.

Мен олти ёшлардаги бола эдим, қоронғуда ташқарига чиқишига қўрқардим, агар Оқпанжа ёнимда бўлса ҳеч нарсадан қўрқмасдим. Бу кечаси бўлиб ўтган воқеалардан хабар топган ит бўри изларини олиб, яна Синжовут қирига чиқиб кетганди. Орадан узоқ йиллар ўтиб, овулимизда яшаган кишилар оламдан ўтдилар. Қора ўтовлар ҳам йўқ бўлиб кетди.

Менинг хотирамда тишларини таккиллатганча, ҳаммамизни даҳшатга солиб, босқинчи ўғрилардек қоронғу, ёмғирли тунда бузоқни етаклаган бўрининг қора кўланкаси ҳали-ҳамон кўз ўнгимда турибди. Ўша қўрқинчли тунда бўри билан юзмайтуриб, бузоқ учун жанг қилган марҳум холам

Шарофатой эса ўткир қарапшари, кучга түлгән бақувват жуссаси, довюрак, гүзәл қызы ҳолатида хаёлимда яшамоқда...

Мана, орадан узоқ йиллар ўтиб, қоронғу тунда ўнлаб бўрилар орасидаман. Айни чоғда мен, бўрилар иликадиган фаслда, маст-аласт бўриларга асир бўлиб ўтирибман.

Тонг отиб, қуёш туннинг қора пардасини суриб ташлаб, ҳаётбахш нурлари билан оламни мунааввар қилаяпти. Хаёлимда қўрқинчли тун, бўрилар таҳди迪 орқала қолганлай гўё.

Қўрқинчли тун ўзи билан бўрилар галасини олиб кетди. Қўрқа-писа машинадан тушиб, лозим ишларни бажарив, юз-қўлимни ювдим. Кейин машинам тагидати сигирнинг ғажилган қолдиқлари устидан машинамни орқага ҳайдадим. Шунда не кўз билан кўрайки, бўрилар емай қолдирган сигирнинг орқа сони билан тоз суяқ орасида олд оёқлари қисилиб қолган бўри боласини кўриб, қўрқиб кетдим. Бироздан кейин ўзимга келиб, бўри боласи тирик эканлигига амин бўлгач, уни нимагадир қутқазиб юборишга қарор қилдим.

Бўричанинг оғзини боғладим-да, банддан озод қилдим. Унинг олд оёғини бири синган, ўзи жонсарак бўлиб ётарди. Унинг орқа оёғини соғ қолган олд оёғига боғлаб, юхонага қўйиб, капотни ёпдим. Негадир кўнглим ғаш, ҳали қўрқинчли саргузаштларим якунига етмагандек ҳадиксираб, атрофга олазарак қарадим. Қуёш нурлари тушмаган баландликдан она бўри чопиб келаётганини кўрдим-да, тезгина машинамга ўтириб олдим. Энди машинамни ўт олдиришга уринган чоғимда етиб келган она бўри шамол ойнага зарб билан урилди. Ойна синди, аммо сочилиб кетмади. Аксига олиб, машинам ҳам ўт

олмаяпти. Она бўри нақ бурнимнинг тагида – шамол ойнасини синмаган жойида туриб менга таҳдид қиласди. Олти-етти қадам юрилса, қиялиқда ҳалокатдан кутулиб кетишимга кўзим етди. Яна стартерга кўшдим. Она бўри ён ойнага ташланиб, мени ғажиб ташлашга уринарди. Аста-секин ҳаракатланган машинам ўз эпкини билан жойидан кўзғолди. Енгил нафас олдим. Аммо қувонишга ҳали эрта эди.

Табиатда мушук, ит, бўрилар юлдузларга қараб жойнинг аниқ координатларини белгилай оладилар. Зилзила, сув тошқини, одамлар ҳаётида содир бўладиган ёмон ёки яхши воқеаларни олдиндан айтиб бера оладилар. Шунинг учун баъзи жаҳонгиirlар мунахжимларга унчалик ишонмасалар-да, ҳайвонларнинг ҳаракатидаги ўзгаришлар таъбирини айтиб беришни сўрашган. Улар ширкорда юрганларида илонлар, хўролар, сигирлар, ҳатто бўриларни олиб юрганликлари тарихдан маълум. Ҳозир она бўри жажжи боласини кутқазиш учун юз автомобиль орасидан менинг машинамни топиб олишига, машинам номаълум томонга кетса-да, кўпи билан уч кун вақт оралиғида менинг масканимни топиб, зарар етказишини аниқ билардим. Она бўри инсонга ишонди. Машина билан сигир гўшти орасига қисилиб қолган ўз боласини инсон озод қилишига ишонган. Шунинг учун тепаликда ётиб олиб, менинг ҳаракатларимни кузатган. Мен бўри боласини машина юкхонасига согланимни кўриб, ўз жигаргўшасини кутқазиш учун тунда синмаган машина ойнасини ҳозир синдириди, аммо она бўри вақтни бой берган эди. Етиб келган тақдирида ҳам, у мени тишламасди, кўкраги билан уриб, йиқитарди-да, кўкрагимга оёқ қўйиб, тишларини фижирлатарди. Бу билан болачасини қўйиб юборишимга ишора қилган бўларди, эҳтимол.

Мен машинамни түхтатиб, орқамга қарадим. Она бўри янтоқзор орасига кириб, ётиб олиб, менинг ҳаракатларимни кузатаяпти. Оралиқ масофа уч юз қадам. Бир кўзим бўри тарафда бўлиб, ёнгинамда қовжираб қолган каврак поясини синдириб олиб, пичоқ билан бўри боласи оёғига мослама ясадим. Кейин бўри боласининг синган оёқчасини жойига қўйганимда ҳам бўрича инграмади. Бир кўзим она бўри тарафда, қўрқа-писа ёпишқоқ тасма билан каврак поясига қўшиб бўричанинг синган оёқчасини боғладим. Бўри боласини қўйиб юборганимда у менга бир қараб қўйди-да, онаси ётган тарафга қараб ғингшиди. Мен машинамга ўтириб, хавфли манзилдан чамаси икки юз қадам нарироққа бориб, тўхтадим. Бўри боласи уч оёқчасида айтар-пайтар юриб онаси турган тарафга кетди. Сойликдан қишлоқ подаси келаётган эди. Она бўри юртиб келди-да, оқсаб бораётган боласини тишлаб кўтариб олиб, тик қияликка тирмашиб, бир зумда кўздан йўқолди.

Мен машинам ғаладонидан бир дона сигарет олиб тутатдим. «Шаҳарда яшасам-да, ёввойи табиат барибир ўзига тортаверади, мени ўз ҳолимга қўймайди, қўрққанимни ҳисобга олмаганда, бу тун ва тонг ёмон ўтмади», — деган хаёлда ўзимча кулимсираб қўйдим.

Кўп ўтмай Бедов тоги тарафдан ғажирлар галаси учиб келиб, сигир лоши устида баландлаб айлана бошладилар. Ўлаксахўр улкан қушлар қанот қоқмасдан ҳаво оқимини топиб олиб, айланиб тинмай учаяптилар. Улкан қанотлар қуёш нурида кумушдек товланиб, совуқ ҳавони шифиллатиб кесаяпти.

ВАХИМАЛИ ЧАШМА

Лангар дарё ён-верида ям-яшил дарахтзор, узумзор боғлар тугаб Синжовут газаси¹ бошланади. Тик баландликка кўтарилиб қир усти билан Яйлоқчага, кейин Шовуз чўққисининг ўнг томони билан чакил оралаб юрилса, Самарқанд вилоятига борадиган йўл қаршингиздан чиқади. Бу йўлдан фақат тоғчи эшак ва отларда юриш мумкин.

Синжовут қири билан бориб, Қамарқўтонга борадиган тик қияликдан ўтган ёлгизоёқ йўлни ён томонда қолдириб, яна чамаси беш юз қадам юрилгандан сўнг, чапта, тик ёнага бурилиб, уч юз қадам юрилади. Ана ўша ердаги каттакон қоятош тагидан чулдираб булоқ суви оқади.

Чашманинг ёқароғида тошни ёриб, тоғолча шохига чирмавиб ўстган ток фиж-фиж узум солган маҳали. Одамлар оёғи етмайдиган чашма сувидан мириқиб ичиб, ток узумидан бир бош узиб, сувга чайиб, мазза қилиб еб оласиз. Кейин: «Эккан-текканга раҳмат», дейсиз. Бу ширин сувли булоқ бошида туркираб ўсиб, шифил мева соладиган, қаҳратон қишининг аёвсиз совуфини писанд қилмайдиган токни қандай валломат экди экан, — дейсиз. Бу серҳосил токни, албатта тулки ёки айиқполвон эккан. Ақлдан озмаган инсон бора олмайди. Узумхўр қушлар ҳам аҳмоқ эмас. Ёввойи чўчқа ҳам узум ейди. Демак, тунда Лангар сойининг серҳосил узумзорларига ўғирликка кирган ёввойи чўчқа ширин-шакар узумга тўйиб олиб, кундузи булоқ сувидан мириқиб ичганда, тоғолча соясида ётиб ухлаган. Қишида изғирин шамол, ёзда тўхтовсиз эсадиган тоғ шамолига бардош бериб, тош ковагига кириб олиб, ўсиб чиққан бир

¹Газа – қир.

донагина узум ниш чиқариб, төғнинг беаёв табиатига мослашиб, ўсаверган. Эҳтимол, юз йил, эҳтимол, ундан ҳам узокроқ яшаётгандир. Төғ қушлари, төғ олмахонлари, қүёнлар, илонлар ва бошқа жондорлар унинг мевасидан баҳраманд бўладилар. Инсон зоти бориши қийин бўлмаса-да, одамлар, ҳатто ҳайвонлар ҳам шивар, тоголча шохидаги узум вайишида лим-лим пишган узум, тим қора марвариддек етилиб пишган тоголчадан териб ейишга юраги дов бермайди. Чашма, олча ва узум вайишини бутун бошли қўйни кўрдим демай юта оладиган улкан ва даҳшатли бир илон қўриқлаб ётади.

Молларимни Яйлоқча қирига ҳайдаб, Қоплон лақабли итим билан чашма томон йўл олдим. Неча йиллардан бери шу булоқ эгаси – улкан илонни қўришни ният қилиб юрадим. Аммо неча бор келган бўлсам-да, улкан илонни кўриш менга насиб этмаган эди. «Бугун шу аждарни кўраман», деб ўзимга ўзим аҳд қилдим.

Таёғимни судраб, итимни эргаштирганча, тик қияликдан ўтаётганимда, ит тўхтаб, жойида чўн-қайиб ўтириб олди. Чақирсан келмади, бориб бўйнидан ушлаб судрадим, бўлмади. «Бормасанг, борма!» – дедим-да, йўлимда давом этдим. Тик қияликдан ўн-ўн беш қадам юрганимда Қоплон ютуриб келиб, мендан олдинга ўтиб, йўлимда яна ўтириб олди. Икки олд оёғи устига бошини қўйиб, эркалади, бўлмади, кейин ириллаб ташланаверди.

– Бўри бор, демоқчисан! Сен ёнимда бўлсанг, бўри эмас, улкан илондан ҳам қўрқмайман. Начора, мен сенга керак бўлмасам, бормаганинг маъқул, – дедим мен.

Итни итариб ташлаб, йўлимда давом этдим. Аммо Қаюм Мирзамурод ўғли шу булоқ ёнида жуда катта аждарҳони кўрганини айтган эди. Қаюм қўй отари

орасида туғилған чўпон. У тоғу тошларда юриб, менга кўриш насиб этмаган маҳлуқларни кўрган. Чашмага яқин келдим.

Куриб-қовжираб қолган тиканакларга таланиб, кўзимга яқин кўринган чашмага етиб бориш осон кечмади.

Юрагимни қўрқув босди. Ит ҳид олиб, атрофга олазарак қарайпти. Қаюм чўпон илон ҳақида ҳикоя айтиб берган эди, шу дамда ўша ҳикоя эсимга тушди:

«Мен каклик жўжаларини овлардим. Шу куни тўртта жўжа ушлаб халтага жойлаб, ёнимга тақиб олдим-да, яна чела қўйишга уриндим. Қўй сурувидан ажралиб, тоғда ёввойилаб кетган эчкилар сувлагани келаркан. Шу десанг, улоқлари етилиб, семириб кетган. Ҳавасим келиб биттасини уриб олай дедим-да, тош панасиға ётиб олдим.

Шамол қибладан эстгани учун эчкилар тўласи менинг борлигимни сезмаслиги керак эди. Аммо ёввойилашиб, олғир илонлардан фарқ қилмайдиган ёввойи эчкилар қандайдир ички сезгилари билан менинг борлигимни сезиб қолишиди шекилли, олдинда бораётган серка пишқириб, таққа тўхтаб қолди. Атрофга олазарак қаради-да, орқа оёғида тик туриб, атрофни кузата бошлади. Кейин орқасидан эргашиб келаётган эчкиларга йўл берди. Улар ёйилиб сув ичаётганларида така ва эчкиларнинг бир нечтаси атрофни кузатиб турарди.

Шоҳдор така пишқириб, орқага сапчиди. Сув ичган-ичмаган эчкилар кўз очиб юмгунча кўздан йўқолишиди.

Аммо семизгина шоҳдор тўхча¹ тўхтаб маъраганича, ўзи истамаган ҳолда гажгал тош ёнига

¹Тўхча – ёш эчки.

судралиб бораверди. «Нима бўларкин?» – деган хаёлда мен кузата бошладим. Лекин негадир ваҳима босиб, вужудим титраб кетарди.

Шу пайт не кўз билан кўрайки, йўғонлиги кувадек, узунлиги чамаси саккиз метр келадиган илон бош кўтариб. эчкини авраб, комига тортаяпти. Мен кўп маротаба эшиганим: «Аждаҳо комига тортади», деган сўз ёдимга тушиб кетди.

Илон титраганича, кўз ўнгимда йўғонлашиб борарди. Кўзим кўриб турса-да, тилим айланмасди. Шу дамда бутун вужудим ҳаракатдан тўхтаган эди.

Илон оғзини катта очиб, ўлжасига яқинлашди. Эчки титраб, тақдирга тан бериб турарди. Туйқус илон думи билан эчкини уриб, белидан ўраб олдида, катта очилган оғзига яқин олиб келди ва ўлжаси жон таслим қилганига амин бўлгач, эчки жасадини бош тарафидан бошлаб юта бошлади. Чамаси ўн беш дақиқалар ўтиб, эчкини ютиб бўлди. Эчки жасади унинг вужудида дўппайиб турарди. Кейин ердан бош кўтариб, мен ўтирган тарафга қараб бош чайқаб пишқирди. Унинг кўзларига кўзим тушган вақтда гўё жоним чиқиб кетаётгандек танамда қаттиқ ва даҳшатли оғриқ сездим. Илон яна ерга бош кўйиб, Лангар дарё тарафга сирғаниб, кўздан йўқолди».

Мен болалигимда – икки ёшимдаги хотираларимдан кўп нарсаларни сақлаб қолганман. Ҳозир ўн тўрт ёшдаги жисмонан кучли, тиришқоқ боламан. Кўзга кўринмайдиган «Олапўстак, жин, дев, учадиган гиламлар, дулдул от ва бошқа инсон хаёлида яшаётган маҳлуқлар»ни табиатдаги бор мавжудотлардан фарқлай оламан.

Одамлар: «Аждарлар комига тортишини, илонлар қирқ йил чилла сақлаб, омон қолишини, қанот ва оёқ чиқариб, нотабийй равишда кетидан оловли из

қолдириб учишини «бўлмаган тап», дейишса улар ҳақ, десак ҳам бўлаверади.

Лекин, илонларнинг комига тортиши-ю, уларнинг ақл бовар қилмайдиган нотабиий ҳаракатланиши табиатда бор ҳақиқат.

Ит чопқиллаганча, чашма атрофидаги вайиш шохларига қараб югурди. Мен неча бор келиб, улкан илонни кўрмагандим. Бугун негадир оёқларим титраб, хаёлимга ёмон фикрлар келарди.

«Сувсаб қолсанг бошқа булоқдан сув ич! Илон-булоқса бора кўрма!» – деб тайинларди Худойкул акам. «Мен келдим. Неча маротаба келдим. Лекин улкан илонни кўрмадим. Мен шу илонни кўришим керак». Шошилмай чашма сувига юз-қўлларимни ювиб, ҳовучимга олган сувга тикилиб қараб турдим. «Сен Илонбулоқ суви эмишсан, нега?!» – хаёлан сувга тикилганча дердим мен.

«Бунча тиник, бунчалар оромбахшсан, сени ичган инсоннинг тани яйрайди! Қорлар эриб, ер қатламида неча йиллар, неча ойлар тиниб, қирлар, қоялар бағридан сизиб чиқиб, кимсасиз адирда чаман яратгансан, одамлар сенга ўзингга мос, чиройли исм топа олмадиларми?!»

Шундай хаёлларга берилиб турганимда, сал наридаги арча ичидан «вишш» деган товуш эши-тилди. Ит кўринмайди. Товуш эшитилган тарафдан бош кўтариб, менга таҳдид қилаётган илонни кўриб, қочишга шайландим, аммо илон оғзини катта очиб, бош чайқаб бор кучи билан вишишиллади. Вужудим кўмирга айланиб, чамаси ўн беш қадам нарида турган илонга маҳлиё бўлиб, қараб қолдим. Кўп вақт ўтмай хаёлимда атрофимдаги манзара ўзгариб, илон ўрнига турли шакллар, гуллар, чинни идишлар кўринаверди.

Илон яна бир бор пишқириб бош чайқаганида унинг оғзи очилиб, лаб-лунжлари осилиб тушганди.

Оёқларим менга бўйсунмай, илоннинг амри билан чинни лаганлар, нақшли пиёлалар, атиргуллар тарафга силжий бошлади. Ўлимим муқаррар эканлигини аниқ билсам-да, ўзим истамаган ҳолда аждаҳо комига қараб боравердим. Оралиқ масофа беш қадам.

Танасининг ранги сезилар-сезилмас қирмизи кашта қора ранг остидан аранг кўринадиган илоннинг узунлиги саккиз метрдан кам эмасди. Тана йўғонлиги эса эндинга туғилган бузоқнидек.

Гоҳ илон, гоҳо бошқа нарсаларни кўриб идрок қилсам-да, аждаҳо комига яқинлашиб борардим. Айни шу чоғ итнинг хуриши мени бирдан хушимга келтирди.

Ўзимга келганимда, ерга бош қўйиб, секин, жуда оҳиста бурилиб, яқингинасида ер тирнаб, акиллаётган итга таҳдид қилаётган илонни кўрдим. Мен «Қоплон қоч!» — демоқчи бўламан, аммо товушим чиқмасди.

Ниҳоят, илон енгилганини тан олди. Йиллар ўтсада, ҳаётимнинг қил устида бўлган дақиқалари хотирамда шундай муҳрланганки, ҳатто илоннинг танасидаги кашталар, ўқ ўтмайдиган панцирлар, унинг катта очилган оғзига кириб кетишимга бир неча сония қолганини тасаввур қилсам-да, болаликдаги қизиқувчанлик ҳар нарсадан устунлиги, ҳатто ажални ҳам синаб кўришга тайёрлигим ўзимни ҳайратга соларди.

Ўшанда, аждаҳо-илоннинг мени ўз комига олишига ит халақит берганди. Аслида, илонлар ўлжасини ютаётган чоғда ташқаридан бўладиган душман ҳамласига қарши тура олмас экан. Шундай бўлса керак, у итнинг аккиллашига парво

қилмай, ўт-ўланларни янчыб, тажгал тошлар устидан сирғаниб, сойлик томон билтанглаб ўрмалаб кеттанди.

Табиатнинг ноёб жонзоти, бундай улкан илонни кўриш, унинг ғазаби ва даҳшатини вужудимда синааб кўриш насиб қилганди. Мана орадан узоқ йиллар ўтса-да, ҳар гал бу воқеа эсимга тушар экан, мен ўзимга таниш бўлмаган бир ҳисни туяман.

Мени муқаррар ўлимдан сақлаб қолган вафодор итим Қоплон оғзини катта очганича, тилини осилтириб, изимдан эргашиб, мол боқиб юрган ҳолати кўз ўнгимда намоён бўлади.

БОШСИЗ МИРОХЎР

Инсон ҳаётининг қаҳратон қиши билан рўйи баҳори оралигини қиш ҳам деб бўлмайди, баҳор деб ҳам бўлмайди.

Кутилмаганда қор ёғади, қаттиқ аёз хукм суради, қўёш қиздириб, атроф яшил майсалар, баҳор гулларига бурканади. Қиш сўнгги бор қаттиқ ҳужумга ўтиши муқаррар. Ўн учдан ўн тўрт ёшга ўтиш чогида инсон табиатнинг эркаси сифатида болалик билан ўсмирилик оралиғидаги оғир босқични босиб ўтади. Гўёки бола тун қораси билан тонг шафағи оралиғидаги тўқнашув жараёнини бошдан кечиради. Шундай тушуниб бўлмайдиган давр ҳукмида бўлган бола онгида романтик тасаввурлар пайдо бўлади. Номаъқул билан маъқул тушунчалари оралиғидаги чизиқ рангли бўёқлар остида қолиб кетади. Шу ёшдаги боладан ҳамма нарсани кутса бўлади.

Мен ҳам ана шундай романтик даврни бошдан кечираётган чоғларимда йўл қўйган хатоларим учун

кўп ҳолларда отамдан калтак ердим-да, таёқни отиб юбориб, яйловга кетиб қолган пода изидан бормай, қочиб кетардим. Она-отам кўзимга ёмон кўринарди. Мен ҳам уларнинг наздида инжиқ, тентаковуш инсон бўлиб кўринган бўлсам керак. Аммо авваллари менинг хатоларимни кечиришар, ётиб олиб йиғлаган чоғларимда эркалатишар, юпатишарди. Энди бўлса ҳақорат, калтакдан бошқасини кутмасам ҳам бўла-веради.

Кунларнинг бирида болалар билан ўйнаб, дарёдан балиқ овлаб, мол боқиши эсимдан чиқибди. Моллар тўзғиб, тик ёнадан¹ ўтиб, Эшназар босмачининг бошсиз жасади ётган тош коваги томонга кетиб қолибди. Моллар ўша қўрқинчли жойга бориб ўтлаб юрганини Жўра бобо айтганди. Мен Қоплон лақабли итимни чақирсан, Лангар сойга узумхўрликка кетиб қолган бўлса керак, келмади.

Таёғимни қўлга олиб, «Милмил Азиз»нинг ўтиб бўлмас тошлоқларини босиб ўтиб, бир соат деганда шивар²да молларимни ўтлаб юрганини кўриб, кўнглим таскин топди. Улар орасидаги бузгунчини топиб, алдаб, ёнига яқин борганимда, сабил қолгур, калтак ейишини сезди шекилли, думини хода қиласапти, келасолиб яхшилаб таёқ билан бир тупширдим. Шундан сўнг молларимни Шовуз сойига ҳайдаб, ўзим «Қўрқинчли скелет» ётган камар ёнига бордим.

«Шошмай тур Қоплон, шундай таъзиiringни берайки, узум егинг келса, сойда вайиш кўп, истаганингча олиб бермасмидим?! Агар сен ёнимда бўлгага

¹Ёна – тик қиялик.

²Шивар – булоқ ва чашма атрофидаги майсазор.

нингда босмачининг сүякларини томоша қиласми-
дик. Ҳозир кўрқаяпман».

Атрофда жонзот кўринмайди. Шамол тошларга урилиб, қўрқинчли товушлар чиқарайти. Яхшилаб қулоқ солдим. Йифи-сигига ўхшаган овозлар келаяпти. Ўнг тарафимда Шовуз чўққиси, қаршимда Қизил Fyp¹, Ўғиртош ваҳимали қаққайиб турибди. Юқорида шиварлар, серсув чашмалар, тирик жонзот кўринмайди.

Пастда узоқ-узоқларга чўзилиб, Саркенти қабристонига бориб туташган салобатли қирлар, тош ва қоялар ястаниб ётибди.

«Ахир мен йигит бўлдим, қизлар тушимга кирайти. Ўзимдан катта болалар билан кураш тушсан, бир кўлда йиқитадиган полвон бўлсан, бир чинни коса сариёғни бир кўтаришда сипқориб иссан, овқатни отам қатори есамам тўйдим демасам, нега энди тош кавагида ётган йигирма беш йиллик бошсиз скелетдан кўрқарканман?!»

Нариги тарафи Тутбулоқ, тепа тарафи тоғу тошлар салтанати, қуйида Милмил Азиз зиёратгоҳи, қаршимда пастак қоялар остида камар бор, шу камарда Эшназар босмачининг сүяклари ётибди. Мен унга яқинлашдим. Камар оғзига харсанг тошлар қалаб кўйилган. Тулки ва тоғ жондорлари емаслиги учун жasadни кимдир олиб, камарга тиқиб, тош қалаб ташлаган бўлса керак. Унинг тувишган укаси Усто Эшмўмин қасоскор одамлар ғазабидан кўрқиб, акаси ўлигини кафандаб кўмишга ботина олмаган бўлиши мумкин.

Тош кавагида бошсиз жasadнинг сүяклари қорайиб ётибди. Бу сүяклар эгаси шу даражада

¹Fyp – катта қоялар.

лаънатланган бўлган эканми, ҳатто чуқур қазиб, кўмиб ташламабдилар. Унинг арвоҳи учиб юриб, истаган вақтда скелет ичига кириб, ётиб олса керак. Йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эмас, ахир унинг боши йўқ-ку?!

«На бўлса бўлди», дедим-да, тиловат қилиб, бошисиз жасал эгаси руҳига бағишладим.

Кеч кирди. Қирдан кўрдим, отам молларни йиғиб, кўтонга ҳайдаяпти. Мен таёғимни белимга қўйиб, ҳаккалаб чопаяпман. Илон ёки бошқа маҳлуқ йўлимга дуч келса, менинг шижоатимдан, оёқ дўпиirimdan кўркиб қочишини яхши билардим. Қанча тез чопмайин, ён-атрофдаги коврак¹, шувоқ ён-веридан бирон-бир маҳлуқ кўринмасми, деган ҳадик мени тарк этмасди. Тик ёнада ялпайиб ўсган шувоқларни бири кўзимга ғалати кўрингандек бўлди. Тўхтадимда, диққат билан қарадим. Не кўз билан кўрайки, шувоқ остида она каклик тухум босиб ётибди. Оқибатини ўйлаб ўтирасдан, каклик устига бостириб бордим. Каклик патларини ҳурпайтириб менга таҳдид қиласкерди.

Унинг қўрқинчли қийқириғини писанд қилмай, тухумларини узун кўйлагим этагига солиб, яна ҳаккалаб йўлимда давом этдим. Она какликни кўлимда кўтариб олгандим.

— Қайси гўрларда дайдиб юрибсан! — ўшқирди отам тишини фижирлатиб.

— Қизил қашқани сотиб, ўрнига бошқасини олмасангиз бўлмайди. Сабилни Эшназар босмачининг гўри ёнидан ҳайдаб келдим! — дедим ўзимни айбсиз қилиб кўрсатмоқчи бўлиб.

— Этагингдаги нима?!

¹Коврак — бир йиллик митти дараҳтча..

— Каклик, — дедим мен. — Тухуми билан олиб келавердим.

— Аҳмоқ! — деди отам. — Ҳозироқ олиб бориб, жойига қўйиб келасан! Жўна!

— Кўрқаман!

— Қаердан олган бўлсанг, — деди отам, — ўша жойига қўйиб келасан!

Қуёш Қора Фур устида турса-да, қоронғи тушишига ярим соат вақт бор. Қўлимда она каклик, этагимда ўнта тухумни кўтариб, таёғимни қўлимга олиб, бўри юриш қилиб чопқиллаб кетдим. Қоплон оғзини катта очиб, тилини осилтириб ёнимда югуриб бораяпти. Қош қорайганда шувоғни топиб, тухумни жойига қўйдим-да, устига она какликни ўтқизиб қўйдим, у эса қочади, қувлаб ушлаб, тухум устига қўявериб чарчадим. Охири «бор-е» дедим-да, Қоплонни эргаштириб уйга қайтдим. Унгача осмон қорайиб, митти юлдузлар кўринмаса-да, Зуҳро юлдуз олти кунлик ой ёнида олтин ёғду сочаяпти.

— Нима қилиб келдинг, сўтал?! — деди онам.

— Тухумларни шувоғ тагидан олган жойимга қўйиб, она какликни устига ўтқиздим, тухумини босмай қочаверди, — дедим мен йиғламсираб.

— Авваллари ақлли бола эдинг, — деди онам. — Ўн тўртта кириб, ақлинг кириш ўрнига, юрган йўлингда аҳмоқлик қиласан! Кеча кечаси билан бақириб, алаҳсираб, аждаҳо билан олишиб чиқдинг! Бугун подани боқмай тухум босиб ётган какликни кўтариб келдинг! Сенга ким қўйибди босмачи қабрини зиёрат қилишни. Тинчгина ётган арвоҳни безовта қилибсан! Бу кечасиям бақириб босин-қирасанг, кетингга тепиб ҳайдайман, сўтал!

— Она, — дедим мен йиғлаганимча. — Нега ҳаммангиз мени урасиз. Аввалги онажонимга ҳечам ўхшамайсиз!

Онам менга термулиб қараб турди-да, қизиб турган бошимни бағриға босди:

— Ўзимнинг қўзичноғим! — дерди онам мени эркалатиб.

Хўрлигим келиб, йиғлайвердим. Менинг йиғлаганимни кўриб беш ёшли Боғдод муштчаларини қўзига кўйиб, хўрсиниб, йиғлаб юборди.

— Бўлди, қўзичноғим, йиғлама! — дерди онам бошимни силаб. — Сени йигит бўлди, десам, ҳали бола экансан-а!

Отам ҳам жаҳлидан тушиб:

— Ўғлим, эртага қашқа ғунажинни Самарқанд бозорига ҳайдаймиз, сенам борасанми?!

— Олиб борасизми? — дедим мен кўз ёшларимга ғарқ бўлиб.

— Ҳа! — деди отам.

Ярим тун. Сомон йўли тоғ чўққисига бош қўйиб, минглаб юлдузларни қамраб олибди. Узоқ вақт уйқум келмади. Тарағай қири устидан Ҳулкар кўтарилаётганини кўриб, кўзим илинибди.

СОҲИЛДАГИ КАЛТАКЕСАҚ

Ёз кунларининг бири, қуёш қанча қиздирмасин, тоғ этакларида ҳаво салқин бўлади. Топидан-тошга урилиб, оппоқ бўлиб оқаётган дарё соҳилида анвойи гуллар, турли хил ўт-ўланлар гуркираб ўсмоқда. Сув ювиб, силлиқланган улкан тош устида ўтириб, балиқларни томоша қилаяпман. Нақ тепамда шохлари тарвақайлаб ўсган олча дарахтига илашиб ўсган ток шигил узум солган. Тоғ олчаси пишиб этилиб, қушлар тўкиб ташлаганларини балиқлар

териб ейди. Гулдан-гулга қўниб, сув билан ўйнашаётган ниначилардан кўз уза олмайсан. Мен ўтирган қоятошдан ўн-үн беш қадам нарида саман қашқа отимиз бедапояда ўтлаяпти.

Бобом, амакиларим таҳорат олишларини кўрган эдим. Узунлиги нақ бир ярим қарич келадиган калтакесак сув ёнига ўтириб қилаётган ҳаракатлари менга ўшаларни эсга солди. Мен унинг ҳаракатларидан хато топмадим.

Шу ўринда рост ва ёлғон ҳақидаги ривоятлардан бирини айтиб ўтмоқчиман:

Ўтган замонларда бир адолатпарвар подшоҳ ўтган экан. У ўнг кўл вазири билан бомдод номозини ўқиб, биргаликда нонушта қиласкан. Вазир одатicha ҳар куни нонушта чоғида ҳеч ким эшитмаган, ҳеч кимнинг хаёлида бўлмаган ажойиб воқеани айтиб бераркан.

Шунда подшоҳ:

— Тасанно, сенек вазири бўлган подшоҳ ҳеч қачон кам бўлмайди, — деб вазирига миннатдорчилик билдиаркан.

Кунлардан бирида вазир айтиб берган ривоятида ёлғон ишлатилганини сезган подшоҳ мийигида кулиб кўйибди. Вазир оғир аҳволдан кутулиш учун подшоҳдан изн сўраб, шикорга отланибди. Бир йилда бир маротаба бир ой мобайнода сут бўлиб оқалиган дарёга бориш учун туяда қирқ кун, отда ўн беш кунлик йўлни босиб ўтиш керак. Вазир отланиб йўлга чиқибди. Ўттиз чақирим масофани босиб ўтиб, чарчаган отини қолдириб, кучли, чопағон отда сафарни давом эттириб, саккиз кунда сут бўлиб оқаётган дарё соҳилига етибди.

Уст-бошлари бир аҳволда, чарчаган вазир подшоҳ ҳузурига келиб, етти букилиб таъзим қилибди ва

хуржунидан икки кўзадаги сут дарёси маҳсулини подшоҳ олдига қўйибди. Подшоҳ ўрнидан туриб, вазири елкасидан қучоқлаб, йиғлаб кўришибди ва совғани қабул қилибди. Шунда саф тортиб турган вазиру уламоларга қарата:

«Ёлғонга ўхшаган чин сўзни айтиб, риёзат чекиш мард ва садоқатли инсонларга хос. Чинга ўхшаган ёлғонни сўзлаган киши бошқалар эътиборидан қолади. Бош вазиримиз сўзи рост эканлигини исботлабгина қолмай, ўзи бошқариб турган аркони давлатига, менга ва сизларга бўлган садоқатини исботлади», — деган экан подшоҳ.

Болалигимда калтакесаклар ҳақида эртаклар, ривоятлар эшитардим: «Калтакесакларни ўлдириш мумкин эмас, уларни ҳайдаб юборинг», деган ақида ёдимда қолган эди.

Ҳозир мен гувоҳи бўлиб турганим, дарё соҳилида таҳорат рисоласига амал қилиб, ҳаракат қилаётган калтакесак ҳақида ҳикоя қилмоқдаман. Калтакесак ҳақидаги менинг ҳикоям нотабиий туюлса ажабмас, аммо тоғу тошларда юриб қўй боққан, табиат шайдоси бўлган саёҳатчилар бундан-да қизиқроқ воқеаларни кўрган бўлишлари мумкин.

Лангар дарё шовуллаб оқаяпти. Тошдан-тошга урилиб кўпириб, сутдек оппоқ бўлиб оқаяпти. Соҳилларида тўхтаб, тинчланиб, яна оқишни давом этмоқда. Калтакесак шошилмай ишини бажариб бўлди-да, икки оёқда юриб, бир парча матони ёзди. Ўн беш дақиқалар чамаси тоат-ибодатини бажариб бўлганидан кейин ўша матони олган жойига — тош кавагига олиб бориб қўйди. Кейин бедапояни босиб ўтди-да, улкан тут танасига ўрмалаб чиқиб, кўздан йўқолди.

Олтмиш, етмиш қадам нарироқдаги қора ўтовлар бизларнинг овулнимиз. Биздан юқорироқдаги овулдан

Бобокүзи бобонинг Сора исмли қизи укаси Райим билан бувимизни күргани келаётган экан.

— Сора опа, — дедим мен. — Биласизми, мен ҳозиргина калтакесак намоз ўқиганини кўрдим.

Сора ўн икки-ўн уч ёшли, соchlари паттайган қиз, яланг оёқларига кирган тиконларни олиб ташлаб:

— Касава тошга борсанг сен кўрган калтакесакдан каттароғи номоз ўқиганини кўрасан — деди кулиб.

— Сора опа, — дедим мен ялиниб. — Райим мен билан қолсин, бирга ўйнаймиз.

— Сен Райимни урасан! — деди у.

Мен соҳилда қолдим.

Дарё шовуллаб оқаяпти. Соҳилда гуркираб турган майсазорда турли бўёқларда товланиб, жуфт-жуфти билан қанот қоқиб учайдиган ниначилар, ноёб лиbosлари билан танноз келинчакларни доғда қолдира оладиган капалакларнинг ҳаракатларини кузатган киши она табиат қанча-қанча сирларини биздан қизғонгандигининг гувоҳи бўласан киши.

Орадан узоқ йиллар ўтиб, болалигимда овулимиз бўлган соҳилда бўлдим.

Она табиат қўшиғини, унинг оҳу фарёдини эшитиш учун қушлар, чигирткалар ва бошқа мавжудотлар нидосини дикқат билан тингламоқ лозим. Унда: «Эҳ, эртасини ўйламайдиган инсон! Нега бунчалар нотавон, гумроҳсан! Нега кучогида туғилиб, улғайганинг она табиатта нисбатан адолатсиз уруш ҳолатидасан! Тоғларда, тоғ этакларида чашмалар қуриди. Сув манбаси — ўсимлик дунёси барбод бўлди. Лангар дарё соҳиллари сиз инсонлар томонидан эталлаб олиниб, тошлоққа айланди. Шўх балиқлар йўқ бўлиб кетди. Дарё эндиликда

ахлатларга ботиб, бутунлай қуриди. Ўзанида сизилиб чиққан чашма сувини ариқларга боғлаб олиб кетаяпсизлар! Сиз она табиатга қарши аёвсиз жанг қилмоқдасиз».

МОРВОЗ

Еттиқиз қиридан ошиб, Аякчи қишлоғига тушмасдан чавра билан озроқ юрилса, қишки қўй кўтонлари устидан келасиз. Яна бир-икки қир нарида Сурматош қоялари қаққайиб кўзга ташланади. Ажабо, она табиат маҳорат билан бутун бошли сурма олинадиган тоғ яратиб қўйган бўлса-я. Одамлар аттордан бир чимдим сурмани палон пулга сотиб олишларига ҳайрон қоласан, киши.

Мен ҳамроҳим Қудрат ака билан «Иж» мотоциклига мингалиб, мол қидириб, чўпонларнинг кўшкўтонларидан ўтдик. Чўпонлар биз қидириб юрган қора қапқа ҳўқизни кўрмаганликларини айтишибди.

Эрта баҳор бўлишига қарамай ҳаво анча иссиқ. Атроф ям-япил майсазор, турфа оқ, сариқ гуллар, гулчалар билан қопланганки, ҳатто қадам босишга кўзинг қиймайди киши. Поёnsиз яйловда қўй-қўзилар яйраб ўтламоқда. Чўпон-чўлиқлар ачиган айронга — галагайга тўйиб, маст-аласт кўкаламда ағанаб ётишибди.

— Қудрат ака, тушдик, — дедим мен. — Чўпонлар билан айронхўрлик қилиб бир мазза қилайлик. Ҳўқизни эса суриштириб топамиз.

— Йўғ-е, — деди Қудрат ака. — Сен қолақол, мен ҳув анави қирдан ҳалвойгиҳи қазиётган одамлардан ҳўқизни сўраб, оёқчи подаси ўтлаётган

яйловни кўриб келаман. Иложи бўлса барра қовуртириб тур.

— Ура-а! — дедим-да, тушиб қолдим.

Мотоцикл Кудрат акани олиб, ям-яшил қирадирлар оша бир зумда кўздан йўқолди. Фақат ёнган бензиннинг ҳиди, ширигина чечаклар ва ўт-ўланлар ҳидига қўшилиб, бир неча дақиқа ҳавода туриб қолди. Мотоцикл товушидан ва менинг товушимдан кўканакка тўйиб, ухлаб ётган чўпонларнинг бўриbosар кўпнаклари сас чиқармай мени талаб ташлагани шамолдек учеб кела бошладилар.

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим, бироқ тезда кўлимга тош ёки бирор нарса топиб, ҳимояга ўтиш зарур, ялангликда тошдан кўпи бўлмаса-да, кўканак еб, ашқаллаб ётган итлар билан ёқалашиб, шарманда бўлишимни ҳисобга олиб, яқин орада кўринган Сурматош қояларига чопиб чиқиб олишни мўлжаллаб қочдим. Чопа-чопа орқамга бурилиб қарасам, итлар етай-етай деб яқинлашиб қолишибди, сабил қолтурлар. Ит деган маҳлуқ бунчалар тез югуришини ўшанда билдим. Жон аччиғида мен ҳам жонҳолатда юрганимча бир сакрашда баланд қоя белига чиқиб, ёввойи олча шохидан ушлаб пастга қарадим. Оғзини катта очиб, бурта қанжиқ, нақ эшакдек келади сабил, ириллаб турибди. Агар тутиб олганларидами, кўпкарига ташланган улоқдек эзғилаб ташлашлари ҳеч гапмасди.

Узоқдан Кудрат аканинг додлагани эшитилгандек бўлди. Аммо итларнинг аккиллашидан яхши эшитмаган бўлсам-да, ҳар ҳолда ёрдам сўраганини англаб етдим. Мен қоятош устига ўтириб олдим. Итлар мени ола олмасликларига кўзлари етиб, бирин-кетин кетиб қолишибди. Мен Кудрат аканинг товуши келган тарафга шошилдим.

Не күз билан күрайки, акам сойликда йўғонлиги нақ итнинг белидек келадиган, узунлиги олти метр, ҳатто ундан-да узун бўлган, бузоқни кўрдим демай еб-ютиб юбора оладиган улкан илон билан олишаяпти. Кўзларимга ишонмай, юзимга уриб, жонимни оғритиб кўрдим. Кўраётганларим рост ва айни шу чоғда содир бўлаётган ҳақиқат эканлигига ишондим. Илон одам бўйи баравар кўтарилиб, оғзини очтанича бузоқдек ўкирар, думи билан уриб, майда-чуйда тошларни учириб юборарди. Гоҳида илон аниқ мўлжалга олиб, рақибини уриб йиқитишга чоғланиб, орқасига ташланарди. Аммо Қудрат ака илон бориб тушадиган ерни аниқ билгандек, чамаси икки метрлар нарига қочиб ўтарди. Илон яна секин-аста куч тўплаб, янги хужумга шайланарди. Қудрат ака қўлидаги таёғи билан илонга ҳамла қиласди. Бироқ илоннинг ўқ ўтмас тангачалар билан қопланган вужудига калтак ҳечам таъсир қилмасди. Хаёлимда гўё илон танасида қандайдир сеҳрли ҳимоя воситаси ишга туширилган бўлиб, ҳатто милтиқдан отилган чўчқа ўқ ҳам тошга урилгандек илонга жароҳат етказа олмасди.

Илоннинг солиниб тушган терилари остида кўндалангига сарғиши йўл-йўл ҳошияларида минглаб оёқчалар ҳаракатланарди.

— Ўв инсон! — дея қичқирдим мен. — Қочинг! Үжарликни кўйинг!

Илоннинг сўнгги бор ҳаракатидан умидсизланган Қудрат ака орқасига тисланиб, йиқилиб тушганича қўлларига суюниб ўтириб қолганди. У гоҳ рақиби ҳаракатига, гоҳо менга юзланиб нимадир демоқчи бўларди-ю, бирор сўз айтишга мажоли келмасди, шекилли, оғзини қимирлатиб, бор вужуди билан нафас оларди.

Илоннинг тана йўғонлиги кўз ўнгимда йўғонлашиб, узунлигиузая борарди. Кейин танасини доира шаклига келтириб, бошини ердан бир ярим метрлар чамаси кўтариб, оғзини очди. Ҳолдан тойган вужудига қайтадан қувват жамлаб, олти-етти метрлар чамаси узоқда ўтирган рақиби га тикилиб тураверди. Бу вақтдан фойдаланган Қудрат ака ҳам оғир-оғир тин оларкан, азобли жангдан чарчаб, илоннинг ҳаракатларини кузатиб тураверди.

Илон оғзини катта очганида пастки-юқори жағлари кенгайиб, лаб-лунжлари осилиб тушди. Пишқириб, яна бош чайқаб келган илон яқингинасида турган Қудрат акани бир ҳамла билан думига ўраб олиб, шиддат билан кўтариб катта очилган оғзига яқин олиб келиб, рақиби башарасига тик қараб ўкирди. Бечора Қудрат ака ҳатто қўллари билан башарасини ҳимоя қилишга дармони етмасди. Акамизнинг қиёфасида аллақачоноқ ўлим аломатлари соя солиб бўлганди. Бироқ Қудрат акани ақл-идрок тарк этган бўлсада, оғзи очилиб, кўзлари косасидан чиқиб, осилиб турарди. Беш дақиқалар чамаси илон ўлжаси билан юзма-юз туриб, секингина ерга ётқизиб, ўзи ҳам ётиб олганича Қудрат акани ютиб юборишга чоғланди. Аммо негадир ўлжасини ютиб юбориш мақсадидан воз кечди шекилли, секин, жуда секин изига бурилиб, нари силжиб бораверди. Илон бошини ерга қўйиши ҳамоно шўрлик Қудрат ака йиқилиб тушди. У жонсиз мурдадек оёқларини узатганича чўзилиб ётаверди. Ёрдамга чақираман десам, товушим чиқмасди, юрай десам, оёқларим ҳаракатланмасди. Қандай қилиб оёқда тик туриб, фожиали воқеани кузатиб турган эканман?! Таранг тортилган асабларим тинчланиб, кўз ўнгим

қоронғулашди. Вужудимни куч-куват, бошимни ақл-хушим тарк этди шекилли, хушимдан кетиб йиқилиб тушдим.

* * *

Бу чол ҳақида: «Заҳарли илонларни авраб, заҳарини оладиган азайимхон эмиш, Лангарлик Абдулло халифанинг шогирди», дейишарди.

Қошигача оқариб, мункиллаб қолган бу аллома тўй ва бошқа маъракаларга боришни, жумъа намозини Шаҳрисабз шаҳридаги Жомеъ масжидида ўқишни канда қилмасмиш, деб эшиттандим.

Ёши тўқсондан ошиб, юзга бориб қолган бўлсада, эшагини йўрттириб бозорма-бозор сурма, тишқоли, аччиқтош сотиб юрадиган аттор эшагини етаклаб келиб, ёнимизда ўтириб азайимхонлик қилаётганидан хабарим бўлмабди.

Илон ўлжаси билан юзма-юз туриб, ютишга чоғланганида морвоз «сехрли дуо»ларни ўқиган бўлса ажабмас. Акс ҳолда аллақачоноқ Кудрат ака бу дунёни тарк этган бўларди.

Чол ўтириб олиб, синиқ ва мунгли овозини барадла қўйиб, мен ҳеч қачон, ҳеч қаерда эшитмаган оятларни ўқиша давом этди.

Морвоз ўн дақиқалар чамаси ўқиганидан кейин секин ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғига дам солди-да, илоннинг ёнита келиб, унинг бошини силаб:

— Эҳ жонивор! Бобокалонларинг ҳурмати инсон зотига ситам ўтказмаслигинг керак эди-ку! Шаштингдан қайт! Ҳозироқ сенинг жуфтингни чақираман. Энди сен дамингни ол! — деб чол илоннинг тим қора ёлидан бир тола олиб, бармоғига ўраб қўйида, паст ва мунгли қироат билан илонга дам солиб турди. Кейин икки қўлини пахса қилиб, илонни ҳара-

катта келтирди. Илон секин, жуда секин морвозд амри билан баландликка ўрмалаб, узунасига ётиб олди.

Морвоз менга юзланиб:

— Илон энди ухлайди, унинг жуфти келади. Кўрқмагин бўтам. Мен илон йили туғилган бўлсан, тўқсон олтига кирган бўламан. Устозим Абдулло халифа мендан тўрт ёш катта эди. Улуғ аллома бундан йитирма беш йил олдин, айни узум пишиги чофи оламдан ўтдилар. Жойлари жаннатда бўлсин, — дея дуога қўл кўтарди у.

— Кудрат акани ҳоли не кечади? — дея сўрадим мен.

— Энди у ухлайди, — деди морвоз синиқ товушда. — Ҳозир уйғотсак ақлдан озиши, кўл-оёқлари ишламай қолиши, ҳатто кўр бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Сен бўтам, хотиржам бўлавер.

— Қачон уйғотса бўлади?

— Камида икки соат, ёмонига олса юраги тўхтаб қолиши ҳам мумкин, — деди чол. — Унинг мияси кичик бир қисми ишлаб, юрак уришини таъминлаб турибди. Қон айланиши тириклик билан ўлим орасида бўлиб, соғлом одамникидан ўн баравар кам бўлади. Жароҳатлардан қон кетиб қолмаслигига имкон яратади. Инсон миясида кечаётган туғёнлар тинчланганидан кейингина у олдинги ҳолатига қайтиши ҳам мумкин. Икки соат ўтганидан кейин Кудратнинг вужудини мисқолнинг ўндан бир бўлагича илон заҳри билан эмлаймиз.

— Сув идишинг бордир?

— Ҳа, — дедим мен.

— Сен ҳув анави булоқдан сув олиб келақол, — деди морвоз. — Борақол бўтам.

Мен сув олиб келишга йўл олдим. Сурматош қояларидан, узоқ-яқин, катта-кичик тошлардан акс садо бериб, морвоз ўқиётган сураларини такрорларди.

Кудрат акамиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Юқори лаби йиртилиб, сўйлоқ тишлари тиржайиб, қотиб қолган, қонга беланган тилини тишлаганича нафас олмай ётибди.

«Шўрлик ўлиб қолибди, энди нима қиласман», — хаёлимдан кечирдим мен. Кейин дод солиб йиғлаб юбордим.

— Тинчлан бўтам, Кудратвой ҳала-хулага жон берадиган ношудлардан эмас. Оғзига сув томизиб қўй, — деди-да, қўлинин лабига қўйиб, ҳалақит бермасликка ишора қилди.

Морвоз чопонидан увада олиб, бармоғига ўроғлик илон ёлидан олинган толага қўшиб ёқди, кейин қироатини келтириб, шидлат билан дуо ўқий бошлади. Кўп ўтмай баландликдан қўй отари ўтаётгандек шовқин эшишилди. Бошини ғоз кўтарганича улкан аждаҳо йўлида учраган тошми, гиёҳми, босиб-янчиб биз ўтирган жойга келаверди. Мен қўрққанимдан морвоз пинжига кириб, ўтириб олдим. Морвоз қўлинин пахса қилиб, уни тўхтатиб қўйди. Аждар бошини морвоз оёқлари остига қўйиб, каттакатта хира кўзларини бақрайтириб, унинг хукмини кутаётгандек жимгина ётаверди. Морвоз цирк артистларидек чаққон, эпчил ҳаракат ила уни истаганидек ўйнатиб, ёнига ўтириб олди-да, унинг кўзларига тикилганича беш дақиқалар чамаси мижжа қоқмай қараб турди. Кейин тинчгина ухлаётган ҳамроҳи ёнига олиб бориб ухлатиб ташлади-да, унинг тим қора ёлидан бир толасини олиб, бармоғига ўраб қўйди.

...Бу воқеадан бир неча ой ўтгандан кейин аллома билан кўришиб:

— Тақсир, айтингчи, ўшанда илон билан қай йўсинда мулоқотда бўлгандингиз? — дея сўрадим мен.

У зот:

— Юз йил умр күрган илон ер юзидаги манаман деган донишмандни доғда қолдирадиган маҳлүк бўлиши билан бирга, киши дилида кечадиган фикрни англай олиш қувватига эга бўлади, — деди морвоз. — Яъни, мен айтмоқчи бўлган гап ўзининг онгидан тўкис ҳолида, илон ўз фикрини менинг онгимга етказиш қувватига ҳам эгадир. Ҳар кимса, сиз ҳам нафақат илон билан, қолаверса ит, бўри, от, сигир, мушук ва бошқа онгли мавжудотлар билан мулоқотда бўла оласиз.

Ўзингизда бўлган қобилиятни сезмай умрингиз ўтиб кетаверади. Сиз бўтам, бу нарсани одамлар, онгли мавжудотлар устида синааб кўришингиз мумкин бўлади.

Аммо инсон ўз қобилиятыни синааб кўриши учун тунда ухлашдан олдин ўзини бунга тайёрлаши лозим: «мен палон соат, пистон дақиқада уйғонишм керак», дея bemalol қаттиқ уйқуга кетасиз. Айтилган соат, дақиқада адашмай уйғонасиз. Иккинчидан, қопағон ит кўзига тикилиб, мижжа қоқмай уни енголса, инсон итдан қўрқмаса, итни енга олади. Аммо ит рақиби онгидаги кечинмаларни инсонга нисбатан ўн чандон тез ва теран сеза олади. Рақибини енгиш қуроли — куч-қувват, энг муҳими, ишонч керак бўлади. Менинг қобилиятимга келсак, юқорида зикр этганимиз имконият бўлгани боис, мавжудот онгига катта куч билан таъсири қилиб, унинг миясининг бошқарувини қўрқмасдан қўлимга ола оламан. Аммо менинг ҳам имкониятларим чекланган. Улуғ донишмандлардан олган сабогим илонлар азайимхонларининг энг ноchorларини мавҳ этишимга имкон беради.

— Ҳозирги замон тилида гипноз қилсангиз керак, шундайми? — дея сўрадим мен.

— Шундоқ десак-да бўлади, аммо сен айтган гипноз кўз боғлашдан нарига ўтмайди, гипноз ақлли кишиларга унчалик таъсир қилмайди. Болалар, хотин-халаж учун бир эрмак, десак тўғрироқ бўлади, — деган эди морвоз...

— Сен бўтам, бориб чўпон-чўлиқлардан бирор-тасини чақириб кел. Мен пешин намозини ўқиб олай.

— Итлари талаб ташлайди, — дедим мен.

— Қирдан туриб чақирсанг ҳалвойгиҳи қазигувчилар келишса ҳам бўлаверади, борақол бўтам.

Мен қўрқа-писа баландликка кўтариларканман, морвоз ҳассасига суяниб илон овлагани қирга чиқиб кетаётганди. Мен илонлардан, қопағон итлардан қўрқиб, чўпон-чўлиқларни чақирардим. Узоқдан қўлини пешонасига қўйиб, менга жавобан товуш берәётган чўпонга ёрдамга келишларини англатиб бақирардим.

«Хозир борамиз», деган жавобни олиб изимга қайтдиму, фожия жойига боришдан қўрқдим. Аммо морвоз чол мени имо-ишора билан чақираёттанини кўриб қувонган бўлсам-да, аждарлар яқинида Кудрат акамиж жон талашиб ётган жойдан йўлим ўтгани боис қўрқа-писа ўтиб олдим-да, чол турган қирга эмаклаб чиқиб бордим.

Морвоз ўтириб олиб, қўлидаги тасбеҳини айлантирганича, қархисида бош кўтариб, олишишга шай турган гюрза илонини авраётган экан. Мен илон билан жанг олиб бораётган морвозга халал бермаслик учун масофа сақлаб ўтириб олдим.

Орадан уч-тўрт дақиқалар ўтиб илон таслим бўлди. Морвоз секин ўрнидан туриб, ерга бош қўйиб, титраб турган улкан гюрзани бошидан ушлаб, ён чўнтагидан шишача олиб, илоннинг оғзини очди-да, айри тишлиарни шишачага қўйиб илонни соға бошлади.

Морвоз бир соатлар чамаси ўтиб-ўтмай бешта илон ушлаб, икки шишачага соғиб олди. «Тавба» – хаёлиманан кечирдим мен: «Дала-дашт кезиб, онда-сонда кўриниб қоладиган олғир илонларни ҳар қадамда учратиб, заҳри қотилини осонгина соғиб, бошига бир уриб, қўйиб юборадиган морвозга қойил қолмасдан иложинг йўқ».

– Бўтам, бардошли бўлсанг сени ҳам эмлаб қўйсамми?

– Қандай бўларкин? – дея сўрадим мен.

– Озгина азоб чекасану, илон чақиб олса, чаққан жойида асорат қолмайди, нима дейсан?

– Майли, – дедим мен.

Бу пайт чўпон йигит таёфини судраб келиб қолди.

– Ҳа, Тошмаҳматвой, энди илондан қўрқмаяпсанми? – деди чол, салом-алиқдан кейин.

– Тўғриси, ўла-ўлгунимча сизни отамдек хурмат қилиб хизматингизни қиласман, менга хизмат?

Чол илонлар ётган жойга ишора қилиб:

– Ҳув кўраяпсанми? Қудратвой ўлим билан ёқалашиб, ухлаб ётибди. Бунаقا катта илонларни олдин-кетин кўрганинг бордир?

– Кўрганим бор, хатиб бобо, ҳар йили уч-тўртта жарлиғимизни еб қўяди-да, бизга раҳмат айтишни канда қилишмайди шоввозлар, – деди-да, Тошмаҳмат чўпон кулиб қўйди. – Қудрат ака аждарлар билан ёқалашган кўринади!?

– Шундоғ, Қудратвой ҳолини билмайдиган одам. Илонга ем бўлардику-я, баҳтига мен вақтида етиб келдим, – деди морвоз.

Кўп ўтмай чўпон-чўлиқлар, Ҳалвойгиҳи қази-гучлар келишиди ва нохуш воқеадан огоҳ бўлишгач, «Қудрат ака каламушлар уясини кавлаб, ғамланган ғаллаларини олганида бечора каламушларнинг қарғиши урган», деб кулиб қўйишиди.

«Аммо куни битмагани учун бу сафар тирик қолган, эҳтиёт бўлмаса, келаси сафар Қулрат албатта илонга ёки бўлмаса бўрига ем бўлади», дейишарди.

Дала-даштда юриб, каканакка, барра гўштига тўйиб ашқаллаб юрган навқирон йигитлар қўлларига чўкич олиб, Сурматош қояларидан сурма бўлакларини бир хуржун қилиб, мўйсафид морвозга совға қилишиди.

Кулрат ака кўзини очди ва атрофга олазарак қараб, қўлларини секин кўтариб, моматалоқ башарасини, йиртилиб кетган, қонталаш лаб-лунжини ушлаб кўрди, кейин атрофлари қорайиб, ич-ичига кириб кетган қонталаш қўзларига қўлини олиб борди. Хаёли жойига келиб, қархисида қироат билан дуо ўқиётган алломага назар ташлаб, мийигида кулган бўлди.

Чўпон-чўлиқлар ҳайкалдек қотиб қолгандилар. Ҳарлаҳзада қимирлаб, думлари тебраниб турган улкан илонлардан саза чиқмаганидек, одамлардан ҳам саза чиқмасди. Морвоз амри билан илонлар бараварига бош кўтариб, қуёш ботиб бораётган тарафга секин, жуда ҳам аста силжиб, ерга бош қўйдилар. Аждаҳолар ботиб бораётган қуёш нурларида ўзгача товланарканлар, гўё бошқа сайёрадан учиб келиб, ором олиб ухлаётган мавжудотлардек, ажиб бир манзара кашф этгандилар.

ЎҚ ИЛОН

Зарафшон тоғ тизмасининг жанубий тарафида яшаймиз. Тоғ этакларида мол боқиб юрган чоғимда ҳали ёш бола эдим.

Ёз фасли, тоғ адирларидаги ўт-ўланлар қовжираб,

олтин тусини олган. Хайригул, Сейриқүйруқ, Күккүз гулларининг авжи гуллаган жавза кунлари эди. Ялангоёқ, қўлимда чўпон таёғи, қўйнимда Кунтуғмиш достони, қирдан молларни қайтариб, сувга ҳайдайдиган вақтга бир соат вақт бор. Ям-яшил бўлиб турган Буғдаяқлар орасида думига таяниб тик турган ўқ илоннинг устидан келибман. Кўпам ўйлаб ўтирмаи илонни ёнғоқдек кесакча билан ургандим, илонча беш метр нарига бориб, тик туриб олди.

Илоннинг узунлиги йигирма беш-ўттиз сантиметр, тана ўғонлиги беш ёшли боланинг чина-чоғидек, тана ранги атроф-муҳитга хос, билинрабилинмас, чиройли каштаси нозиккина танасини безаб туради. Боши ўтқир ва уч қиррали, қизғиш қора рангда. Илоннинг танасидаги пансирчалари унга орқага эмас, олдинга силжишга имкон беради. Аммо заҳарли илонча.

Мен кесакча билан илонга ҳамла қилаверганим сари, у маҳорат билан учиб бораётган кесакка чап бераверди, бу ўйин менга ёқиб қолиб, чарчагунимча илонча билан ўйнашдик. Кейин уни ўз ҳолига қолдириб, молларимни сувга ҳайдадим.

Синжовут сойи жимиirlаб оқаяпти. Унда бир тегирмон сув шошилмай, тиниб оқади. Бироқ балиқлари мўл. Балиқларни тоғ қушлари, турлитуман илонлар, қундузлар ейди. Гоҳида одамлар ҳам овлайди. Молларим сувлаб бўлганларидан кейин, Синжовут қирига чиқиб, тўдаланиб олишади-да, кўкракларини шамолга бериб дам олишади. Ҳали моллар тўдаланиб олганларича йўқ. Мен катта арна устига ўтдим-да, таёқни сичқон инига қадаб, тикка кўйдим. Илонча менга ҳамла қилмайди. Шунинг учунки, яқинда катта илон билан юзма-юз кел-

ганимдан кейин унинг пўстидан тумор қилиб беришганди. Арнанинг нариги тарафида, тепаликда, оралиқ масофа чамаси юз метр, ҳозиргина мен билан ўйнашган илонча тик турганини кўрдим. Таёқдан олти-етти қадам нарида, ажриқлар устига ётиб олиб, Кунтуғмуш достонини қироат билан ўқияпман. Молларим чуваб, тепаликка кўтарилаяпти. Ҳаво иссиқ, ёқимли. Кўзларимда ёш қалқиб, болаларининг бирини бўрига, бирини балиқقا олдириб қўйган қаҳрамоним ғамига шерик бўлиб, йиғлаб турганимда «шув-тарс» деган товуш эшилди. Бош кўтариб қарадим. Таёққа зарб билан урилган илон, тол дарахтидан ясалган чўпон таёқни тешиб ўтиб, танаси ўтмабди. Қон айланиши суст илон икки, ҳатто уч соат ичиди ўлади. Нега бу илонча бунча тез ўлибди? Мен, ёнимдаги чўпон ханжарим билан ёриб, жажжи илончанинг «митти» юракчасини кўрдим. У жуда аста, бир меъёрда урайяпти. Илонча кобра ва бошқа олғир илонлардек актив ҳаракати чоғида табиатдаги файриқонуний ҳаракатдан фойдаланали. Демак, ўқ илон олдиндан режалаштирган бўлса, милтиқ ўқи тезлигига келиб, таёққа бир-икки сантиметр масофада тўхташи ёки ўша катта тезлигига тўқсон градус бурчак ҳосил қилиб, чапга ёки ўнгга бурилиб кетиши мумкин эди.

Ўқ илон учиш даврида бош миясининг оддий илонларга хос бошқарув бўлаги тормозланган, шу боис урилган. Юрак уриши эса табиий. Учиш давридаги ҳолати олдиндан режалаштирилган нотабиий қонунлар ҳукмида бўлган.

Ўқ илон нишонга олган нуқтасига аниқ бориб урилиши мумкин, аммо ён томондан эсаётган шамол обьект ҳаракатини ҳисобга олмайди.

Хўш, ўқ илон ва бошқа актив чоғидаги илонлар

нотабиий ҳаракати чоғида ҳавода урадиган, зарба берадиган нуқтасига учеб бораётганида ҳозирги замон олимлари фикрича иссиқлик таратаётган нуқтани нишонга олади, дейлик реактив самолёти-нинг овозидан тез учиш чоғида учирган ракетаси душман самолёти чиқараётган иссиқликни нишонга олишига ўхшатаяптилар. Илонлар ов чоғида сичқон ёки товушқон таратаётган иссиқликни кўради. Биз бутунлай бошқа мавзуда — ўқ илон устида сўз юритмоқдамиз. Бир нуқтада туриб, секунднинг бир улуши вақт ичидаги катта тезлик олиб, ҳавога кўтарилиши, милтиқ ўқидек аниқ нишонга олиб, рақибига бориб урилиб ҳалок қилиб, ўзи ҳам нобуд бўлишига ақл бовар қилмайди.

Илонлар эса бошқача, эҳтимол дунёни негатив ҳолатида кўриб, миясида секунднинг юздан бир улушида ишлаб тасаввур қила олади ёки бошқача усулда — нотабиий сигналлар юбориб, узоқ-узоқ масофаларни, лозим бўлганда яқин масофадаги обьектларни ҳам секунднинг юздан бир улуши вақт оралиғида кўриб, тасаввур қила олди. Демоқчиманки, ер остида — уясида ётган илон ташқи муҳитда кечеётган жараёнларни бемалол кўриб, тасаввур қила оларкан. Табиатдаги фиж-фиж жисмларни ультратовуш юбориб фарқлай олишга вақт керак. Аммо илонлар нотабиий усуллар ёрдамига таянадилар. Илонларда кўз бор. Улар бошқачароқ кўрадилар. Эшитиши қобилияти жуда мукаммал бўлиб, ернинг қай даражада тебранишини танасидаги минглаб антенначалар ёрдамида миясида ишлаб чиқади. Эшитиб, жисмларнинг айнан табиий кўринишини тасаввур қила олишлари билан инсонлардан жуда катта фарқ қиласи. Акс ҳолда илонлар ер юзасини инсонлар забт этган айни замонда қирилиб, йўқолиб кетиши мумкин эди. Жисмларни кўриб, қай даражада

түзал эканлигини ҳар бир инсон ўзича тасаввур қилиб, ундан завқланади.

Ақли-хушидан жудо бўлган мавжудот наздида жисмлар аралаш-қуралаш бўлиб, ранглар, тасвиirlар мазмунини йўқотади. Соғлом инсон, мавжудотлар жисмларни айнан ўз кўринишида эмас, балки эҳтиёжларига қараб озгина бошқачароқ – яъни, түзал ёки ғалатироқ кўринишида тасаввур қиласди. Соғлом инсонларга табиат гўзаллиги завқ бағишлайди. Айтайлик, йўл четида гуркираб ўсган турфа гуллар орасидан миттигина гулдан бошқасини кўрмай ўтиб кетадиган кишиларни тасаввур қилинг, чўғдек товланиб, яшнаб, очилиб турган атиргулни эса кўрмай ўтиб кетадилар. Сабаби шундаки, ҳар бир инсоннинг ўз эстетикаси бор. Яъни, табиат гўзаллигидан ҳар ким қобилиятига қараб баҳраманд бўлади.

Мен ўтирган жойдан ўн қадам нарида Сарғалдоқ қуш чирқираб сайраяпти. Мен хушёр тортдим, диққат билан қарасам, Сарғалдоқ қушча уя қўйган Сейриқўйруқ тагида ўқ илон болалари фимиirlаб юрган экан. «Ҳа, нега ўқ илон ўзини қурбон қилди? У болачаларини, уясини ҳимоя қилган экан», деган фикр миямга чақмоқдек урилди.

Иккинчидан, илончалар чувалчангдан озгина каттароқ бўлсалар-да, заҳарлари қушни эмас, итни ҳам ўлдиради.

Қадим замонларда одамлар душманга қарши жанг қилганларида, ўқ илонни камон ёйга солиб отганлари тарихдан маълум.

Табиатнинг ажойиб, түзал, ноёб бўлаги бўлмиш илонларни кўрганда ўлдирмай, яшашибарига имкон беришимиш керак. Эҳтимол, ўшандаги илонлар ҳаракатидаги нотабиий ҳолатлар сабабини ўрганиш имкони туғилар.

Мен достон китобимга хайригул япроғидан белги қўйиб, қўйнимга солиб қўйдим-да, ўрнимдан турдим. Оёқ саримда олд оёқларига бош қўйиб ётган Оқпанжа лақабли бўриbosарга:

— Кетдикми, — дедим мен.

Ит керишиб олиб, тоғ тарафга қараб калта-калта хурди. Қарасам, чиройлигина тулкича қулоқчаларини диккайтириб, олд оёғининг бирини кўтариб, биз томонга қараб турган экан. Бизни кўриб, тоғ тарафга чопганича, бодомчалар орасига кириб кўздан йўқолди.

Молларим баландликда тик туриб, баъзилари ётиб олиб, тоғ шамолига кўкрак бериб дам олаяптилар.

Бечора илонча, майдагина ўқ илонча ҳаётдан кетди, аммо унинг болачалари кузгача «каттакон» бўлиб олишиб, ер остига кириб, февраль ойигача ширин уйқуга кетадилар.

С И Н О А Т

Топган пулинин чўлу биёбонлар, тоғу тошларни кезиб, хориж мамлакатлар саёҳатларига сарфлаб юрадиган жаҳонгашта дўстимни кўриб, у билан сұхбатда бўлдим.

— Дўстим Панживой, — дедим мен. — Минг йиллик обидалар, азим шаҳарлар ҳақида майли кейинроқ, ҳозир эса ҳайвонот оламидаги кам гапириладиган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.

— Яхши, — деди у.

Панживой ҳикоясини бошлади:

— Отам Қарши чўлида эллик гектар ерга пахта, тўрт гектар ерга полиз экинларини экди.

Ёз кунларининг бири. Айни туш пайтида тирик жонзот соя қидириб кетади. Мен гўза қатор оралиғига сув тараб юргандим. Пахта даласига ёндош қамишзор бўлиб, турли жонзотлар қуёшнинг ёндирувчи тафтидан қочиб, қамишзордан паноҳ топади. Не кўз билан кўрайки, очиқ майдонда икки эчкиэмар бир-бирови билан жанг олиб бораяпти. Мени кўрган чоги маҳлуқлар ҳаракатдан тўхтаб, менга тикилиб қараб туришди-да, илонникидек айри тилларини чиқариб, калта оёқларини икки ёнга босиб, думларини гажак қилиб, менга ҳамла қилишга шайланишди. Кўлимда кетмоним бўлмагани учун қочиш йўлини мўлжаллаб, қараб туравердим.

Кўкрагини ердан кўтариб олиб, илондек вишиллаб мен томон чопаётган маҳлуқларнинг важоҳати кўрқинчли эди. Негаки, мен уларнинг ҳаракатларига халақит бергандим. Айни туш пайтида ҳаво ҳарорати очиқ ерда эллик беш-олтмиш даражада бўлиб, кумга кўмилган тухум зум ўтмай пишади. Атроф сокин, жазира маисида эчкиэмарлар қовушадилар. Бу мавжудотлар наздида мен ашаддий душман бўлиб кўринган бўлсам ажабмас. Кўлимда қуролим йўқ, ялангоёқ трактор юрадиган йўл бўйлаб қочаяпман. Кўз қирим билан қарасам, икки маҳлуқ калта оёқларини икки ёнга ташлаб, шундай тез чопаяптики, менга етиб олишларига бир баҳа қолди. Тиканакли, ўт-ўланлар оралаб қоча бошладим. Маҳлуқларнинг калта оёқлари тиканакларга чалкашиб юра олмай тўхтаб қолдилар. Тўғри йўлдан қочишни давом этганимда, мен аллақачон газабланган маҳлуқларга ем бўлишим аниқ эди. Фалаба мен томондалигини сезиб, эгат бошидан кетмонни олганимни кўрган маҳлуқлар, думларини гажак қилиб, қамишзор томон қоча бошладилар. Урғочисини ўз маскани — қа-

мишзорга киритиб юборган эркак эчкиэмар тезгина бурилиб, менга қарши жантта шайланди. Оғзини катта очиб, илонникидек айри тилини чиқариб, вишлаганида, гүё унинг вазни икки бараварга катлашганини кўрсангиз эди. Гавдасини ғоз кўтариб, олд оёқлари билан ер тирнаркан, қаршисида ярақлаб турган кетмон тифини писанд қилмасди. Унинг орқасида жуфти, болалари борлиги учун ўлишта, рақиби, яъни мени ўлдиришга тайёр туради.

Айтишларича, эчкиэмарларда оғриқсизлантирувчи, бошқа ҳайвонларга роҳат бахш этувчи суюқлик ишлаб чиқарувчи гормон безлари мавжуд бўлиб, ўзларининг ўлим онлари яқин келганида мана шу безлар ишлаб чиқарган модда ёрдамида азобли эмас, роҳатли ўлимни қарши оларканлар. Донишмандлар айтадиларки, ҳайвонот оламида ўлим изтиробларини табиатнинг ўзи енгиллаштириб берармиш. Баъзи бир ҳайвонларда, даррандаларда, қушларда жуфтларига, маконларига бўлган садоқат баъзи бир инсонларнидан ўн чандон кучлироқ бўлармиш. Рақибим ўлим билан юзма-юз турибди. Агар кетмон тифига чап бериб, яланғоч оёғимдан тишлаб олса, унинг заҳри кейинчалик даволаб бўлмас жароҳатларга йўлиқтириши мумкинлигини билардим. Воқеа қанчалик тез ривожланаётган бўлса, миямдаги фикрлашим ҳам ўшанча тезлик билан қарор қабул қилишимни тақозо этарди: «Бу дарранда ўзининг қамишзорида эмас, менинг пахта майдонимда менга таҳдид қилди. Эчкиэмар жазога лойиқ».

Унга яқин бориб, бўйнига кетмон тифини қўйиб, думидан ушлаб кўтариб олдим. У таслим бўлган эди. Кўтариб, яхшилаб силкитиб, бўйнидан пўлат сим билан боғлаб, темир қозиқча маҳкам илдириб қўйдим. Кеч кирди. Кундузи ҳаракатда бўлган жонзот

борки, инларига, уяларита кириб олиб дам олаяпти. Фақат кечаси ов қиладиган маҳлуқлар, қушлар овга чиқадилар.

Инсонларга тушуниб бўлмайди. Ўғрилар, сувчилар, хўжалик раҳбарларига тун билан куннинг фарқи йўқ. Мен сувчиман. Ғўзаларим мириқиб, захлаб сув ичмаса, муродимга эриша олмайман. Полизга ҳам ўғирлаб сув ташламасам бўлмайди. Кундузи раҳбарлардан қўрқаман. Директоримизнинг ғазабидан қўрқмаслик ғирт аҳмоқдик. У гапга чечан, кибор инсон. Қамчини тагита олиши ҳеч гапмас. Нари-бери макаронли овқатимни еб олдим-да, фонус ёқиб, ғўза ораладим. Асирга олганим эчкиэмар ҳали-ҳамон темир қозиққа боғланганича ўлимини кутиб ётибди. Кундузи соянинг қуюгини ижарага олган қопағон итларим ҳам тунда ухламай, тўхтовсиз, навбати билан ҳуради. Йўлбарс билан Қоплон мени ва молларимизни кўриклияди. Мен, шим почасини шимариб, бир қўлимда фонус, бир қўлимда кетмон, липамга ёғли қоғоз қистириб олиб сув тараб юрганимда, вафодор итларим ёнимдан нари кетмайди. Кўзим қоронгуликка ўрганади. Тунги овчилар орасида кирпитиконлар менга ўрганиб қолишган. Итлар ҳам уларга тегмайди. Ғуборли уфқдан ой кўтариляпти.

Борлиқ қизғиш тус олди. Итлар таҳликали ҳура бошлади. Оқ, қора кирпиларим бошини ғоз кўтариб жангга шайланган кобрага ҳужум қилаяпти. Илон чор атрофини ўраб олган душман – яъни кирпитиконлардан тезроқ қочиб қутулишга уринса-да, бунинг иложи бўлмаяпти. Илоннинг бўйнидаги олтин капкири кенгайиб, кирпига ҳужум қилса-да, қутулишни иложи бўлмади. Кирпи илоннинг думидан тишлиб, ғижирлатиб еяётган эди. Илон

кирпини заχарлашга уринса-да, ўткир тиканакларига урилиб, жон таслим қилишдан бопқа чораси қолмаган эди.

Қоплон лақабли итимни эрганитириб, шохариқдан хабар олгани борсам, нақ бир кило келадиган балиқлардан түрттаси ғұза әгатига кириб олиб, патирлаб ётган экан. Худо берди, дедим-да, югуриб бориб чайладан дори халта олиб келиб, балиқларни ушлаб халтага солиб олдим. Яна шохариқдан қуриллаган товуш әшитилди. Яна балиқлар. Қизиқиб кетганимни үзимам сезмай, ярим халта балиқ териб олибман. Зовур бўйидан машина товуши әшитилди. Чироқлари оламни ёритиб, совхоз директорининг ва район раҳбарининг машиналари чайламиз ёнiga келиб тўхтади. Халтам билан кетмонимни бир чеккага қўйиб, қўлимни қўлтиғимга артиб, машиналарга яқин бордим-да, олифта кишиларга салом бериб тўхтадим.

— Ҳорманг энди миришкор сувчи, — деди сомон шляпа кийган семиз киши.

Танидим, бу киши районимиз раҳбари.

— Ҳорманг, миришкор сувчи, аҳволлар қалай?

— Саломат бўлинг, катта бува, — дедим мен.

— Отинг нима, Дагар?! — деди раҳбар, — мен билан қўл олиб қўришиб.

— Дагар эмас, — деб луқма солди хўжалик раҳбари.

— Бу сувчимизнинг оти Панжи.

— Фарқи нима? — деди райком бува.

— Фарқи шундаки, бу йигитнинг укаларининг исмлари — Кўзи, Тўхли, Чори, Дагар, Кўчқор ва ниҳоят бу киши Панжи бўладила, — деди кулиб хўжалик раҳбари.

— Хўш, — деди райком бува. — Сен Панживой қачон дам оласан?

— Дам оламан десам сув уриб кетади-да, — дедим мен.

Катта бува тердан, кирдан бижгиб кетган күйлагим ёқасидан ушлаб:

— Биласанми, оғайничалиш, сенинг ҳалол мөхнатинг эвазига мен «Райком бува» бўлиб юрибман. Барака топ! — деди-да, ҳайдовчисига ишора қилди.

Шоффёр машинасидан бир жўра атлас билан бир боғлам беш сўмлик пул олиб келиб, менга берди.

— Раҳмат, катта бува, — дедим мен.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — деди райком бува, менга гўза гулини кўрсатсанг, битта «Жигули» мукофотимиз бор, қани юр, гўзангнинг чўғини кўрайлил. Раҳбар лой кечиб паҳтазор оралади-да, ўтириб олиб, раисга ишора қилиб — чакки эмас, икки кундан кейин гуллайди, — деди.

— Дагар, — деди кулиб райком бува, — истардимки, область мукофотини сенинг бригадант олса. Эртага комиссия келади.

Симга боғлоғлик эчкиэмарни кўриб:

— Эй, бу яна нимаси? — деди.

— Бу эчкиэмар, — дедим мен.

— Беозор жонивор, шундоғам ёввойи табиатимизга қирон келтириб бўлдик. Бўшатиб юборинглар. Машинани қўш!

— Бир пиёла чойимиз бор, — дедим мен.

Тўлиной тик кўтарилиб, кундуз кунидек олам чарогон эди.

— Бўтам, бир косадан айрон ичсакми? — деди райком бува.

— Балиқ қовуриб бераман, — дедим мен. — Айрон ҳам бор.

Ҳамма ишга киришиб, бирпаста хамир тогорада қовурилган балиқ, саксовул чўғида қайнаган қум-

ғонда дала чойининг хушбўй ҳиди дастурхонга файз киритиб, ёғоч карсонда айрон сузилди.

— «Юбилей»гами? — сўради шофёр.

— Уйга ҳайда! — деди райком бува. — Мириқиб дам олдик.

Меҳмонларни кузатиб, чўзилиб ухлаб қолибман. Куёш терак бўйи кўтарилиби.

Шоша-пиша этатларни қараб чиқдим. Ёзга этатлари захлаб сув ичаяпти. Молларни арқонлаб қайтаётсам, чакана боқиб юрадиган чўпон:

— Панживой, битта улоғим йўқолиби, кўрмадингми?

— Йўқ, — дедим мен.

Сурувдан ажралиб, маъраб юрган эчкини кўрган эчкиэмар безовталаниб, «Вах, вах» дея товуш чиқара бошлади. Елини тўлиб, арванглаб, маъраб юрган эчки ютуриб келиб, қозиқقا боғланган эчкиэмар устига ташланди. Улоғини соғинган она эчкидек илонсимон бегона маҳлуқни ялаб, эмиздира бошлади. Эчкиэмар калта, семиз қўллари билан эчкининг қорнига ёпшиб олиб, эма бошлади.

— Эчкиэмарга эмиздирмаса, эчкининг куни битди, деявер, — деди чўпон.

— Ахир бу мумкин эмаску?! — дедим мен.

— Билмадим, — деди чўпон. — Агар сигирми, кўй ёки эчки бу маҳлуқни тепиб ёнига яқинлаштирмаса, эчкиэмар қандайдир сеҳрлайдими-ей, елини идраб кетади, — деди чўпон симга боғланган эчкиэмарни бўшатиб юбориб ва ҳеч нарса демасдан таёғини судраб кетди. Эчкиэмар эса секин юриб, қамишзорга кириб кўздан йўқолди.

МУНДАРИЖА

Туташ тақдирлар.....	3
Адолат.....	34
Соҳиба.....	47
Сехрли тош.....	72
Хукм.....	101
Оқ орзулар.....	112
Жаҳаннам поезді.....	147
Номаълум киши ҳикояси.....	178
Девона табиб.....	204
Вафодор ит.....	229
Жиноят ва жазо.....	238
Күшмозор.....	262
Қочок.....	276
Ошиқлар маскани.....	302
Ҳожимурод.....	313
Ярадор бүрича.....	356
Ваҳимали чашма.....	366
Бошсиз мирохўр.....	372
Соҳилдаги қалтакесак.....	377
Морвоз.....	381
Ўқ илон.....	391
Синоат.....	396

6800 сур.

Адабий-бадиий нашр

Исак Турк (Исак Сатторов)

ЖАҲАННАМ ПОЕЗДИ

Муҳаррир *Г. Азизова*
Дизайнер *Х. Исмоилхўжаева*
Саҳифаловчи *Ҳ. Сафаралиев*

Лицензия А1 № 168. 23.12.2009 й.

Босишга рухсат этилди 17.09.2012 й. Бичими 84x108/32
TimesUZ гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартили
босма табоқ 25,25. Ҳисоб нашриёт т. 18,0. Адали 1000 нусха.
Буюртма № 560.

Тошкент, 1-тор, Мирсолихова кўча, 13-йй
Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-йй.
Тел.: 945-50-87

ШК «Niso Poligraf» чоп этилди. Тошкент ш., Н. Байкаро, 41-йй.